

811.5
Д20

РОВ БАХТИЁР ХУДАЙБЕРДИЕВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИК
СИНОНИМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ
ВА НУТҚИЙ МУНОСАБАТИ,
ЛЕКСИКОГРАФИК ТАДҚИҚИ**



811.5
Д - 20.

AP14

ДАНИЯРОВ БАХТИЁР ХУДАЙБЕРДИЕВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИК
СИНОНИМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ
ВА НУТҚИЙ МУНОСАБАТИ,
ЛЕКСИКОГРАФИК ТАДҚИҚИ
МОНОГРАФИЯ**

М 852/1
сов 20 2020.

ISLOM KARIMOV
NOMIDAGI TDU
OLMALIQ FILIALI
AXBOROT-RESURS MARKAZI
(KUTUBXONA)

«Sano-standart» нашриёти
Тошкент – 2019

УЎК 811.512.133'373.421

КБК 81.2Ўзб

Д 20

Данияров, Б. Х.

Ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик тадқиқи. Монография.
“Sano-standart” – Тошкент, 2019. – 200 б.

Монография ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик тадқиқига бағишланган. Унда ўзбек тили лексик синонимларининг нутқий воқеланишини таъминловчи омиллар, лексик синонимия муаммолари, ўзбек тилининг Миллий корпусида лексик синонимларни бериш масаласи ёритилган.

Монографиядан тилшунослик муаммолари билан шуғулланаётган мутахассислар, тадқиқотчилар, шунингдек, бакалавр ва магистратура талабалари фойдаланишлари мумкин.

The monograph is devoted to the lexicographic study of the language and speech relations of lexical synonyms in the Uzbek language. The factors providing the speech realization of the lexical synonyms of the Uzbek language, the problems of lexical synonymy, giving lexical synonyms in the National corpus of the Uzbek language are reported.

The monograph can be used by the specialists, researchers who deal with the problems of linguistics and also by the students of Bachelor's and Master's degree.

Масъул муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ, филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Нигора МУРОДОВА, филология фанлари доктори,

Манзура ЭРНАЗАРОВА, филология фанлари доктори

Монография Навоий давлат педагогика институти Илмий кенгаши-нинг 2019 йил 30 августдаги 1-сон баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6117-8-8

© “Sano-standart”, 2019

© Б. Данияров

СЎЗ БОШИ

Замонавий тилшунослик дунёнинг инсон билан боғлиқ турли манзараларини баҳолашни шахс когнитив фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида ўрганади. Асосли тарзда жаҳон тилшунослиги тарихида тил ҳодисасига турли ва бир-биридан фарқли ёндашувлар юзага келганлигини бир-бирини инкор этмайдиган, балки бир-бирини тўлдирадиган қиёсий-тарихий, систем-структур, антропоцентрик каби парадигмалар хилма-хиллиги билан белгилаш мумкин.

Бугун ўзбек тилини система сифатида ўрганиш янги босқичга кўтарилди. Тил бирликларини ташкил этувчи системалар аникланиб, уларни ўрганувчи тилшунослик бўлимлари вужудга келди. Нутқнинг турли шакллариغا хос қонуниятлар очилиб, адабий нутқ меъёрлари илмий асосланди. Ўзбек тилининг лексик меъёрларини белгилаш учун беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» тузилди. Лексик меъёрлар системасини яратиш бўйича қўлга киритилган ютуқлар тил таълими жараёнига татбиқ этилди.

Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигида амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда тил тизимини ўрганишга антропоцентрик парадигма асосида ёндашув тенденцияси етакчилик қилмоқда, парадигманинг етакчи йўналишлари сифатида майдонга келган, ушбу ишимизда эътибор қаратилаётган семасиология ҳамда прагмалингвистикада тил эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, тилга оид кўникма ва малакалари, шунингдек, тилга маданият ҳодисаси сифатида қараш каби қатор омиллар билан боғлиқ ҳолда реаллашадиган имкониятлари ҳам тадқиқ қилинди.

Ўзбек тилининг кейинги йиллардаги тараққиёт даврига назар ташланса, илм-фан, шунингдек, кўплаб соҳаларнинг лексик фонди турли лисоний ўзгаришларни бошдан кечирганлигини кўриш мумкин. Тил тараққиётининг ҳар бир босқичида луғат таркибининг муайян қисми эскириб, ўзгариб, янгиланиб бораверади. Бинобарин, ўзбек тили лексик

синонимиясида лисоний ва нутқий муносабатни, хусусан, синонимияда ўзлашма сўзлар масаласи, улардаги прагматик мазмун, ўзлашмаларнинг тилдан муқим ўрин эгаллаши учун халқ лисоний маданиятида қай даражада муҳимлиги, синонимларни унификациялаш ва тартибга солиш масаласи, мавжуд луғатларда берилишини ўзбек тилшунослигининг сўнгги ютуқларидан, тадқиқ этишнинг янги методларидан фойдаланган ҳолда кенг қўламда ўрганиш вақти ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради. Шунингдек, ўзбек тилшунослиги олдида янги синонимик луғат тузиш масаласи кўндаланг турганлигидан далолат беради.

Монографияда ўзбек тили лексик синонимларнинг лисоний ва нутқий муносабатлари илк бора кўп аспектли комплекс таҳлил қилинди. Шунингдек, ушбу лексик бирликларнинг функционал-стилистик ва деривацион хусусиятлари тўлиқ ўрганилди. Сўзнинг лексик-семантик маъноси уни ўраб турган лексик қуршов ва контекст семантикасига боғлиқлиги асослаб берилди.

КИРИШ

Тарихий тараққиёт давомида ўзбек халқи ўзга халқ ва миллатлар билан мустаҳкам сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий муносабатларда бўлган. Бундай алоқалар натижасида ўзбек адабий тилининг луғат таркиби янада бойиган ва бойиб бормоқда.

Тил маданиятнинг бир қисми сифатида жамият қонунларига амал қилиб яшар экан, тилда ҳар бир миллат, жамиятнинг руҳий, ахлокий, маданий белгилари акс этади. Сўз ўзлашиши жараёни икки халқ — миллатнинг табиий равишда ўзаро алоқалари, ўхшаш жиҳатлари ва фарқларини кўрсатиб беради, албатта. Сўз ўзлаштириш барча ижтимоий ва тарихий омиллар — ўзлаштириш вақти ва шарт-шароити, миллатларнинг дунёқараши, ўзлашган сўзларнинг стилистик имкониятлари, семантик хусусиятлари ва вазифалари таъсирида амалга ошади. Ҳар бир тилнинг адабий меъёрлари мураккаб ва кўп аспектли ҳодиса бўлиб, ўзида сўзнинг ижтимоий-эстетик кўринишларини акс эттириб, тил системаси қонуниятларига боғлиқ бўлади.

Ўзбек тили имкониятларидан амалий фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда синонимия масаласи, синоним қатор лексемаларининг тематикаси, структураси, парадигматик муносабатлари, семантик кўлами, нутқий мавқеи кабилар тил имкониятларининг воқеланишини миллий тил характерида келиб чиқиб, илмий текширишни кун тартибига қўяди, натижада ўз ва ўзлашма қатламга мансуб синоним лексемалар ўртасидаги семантик, прагматик муносабатларни ўзбек тили материаллари асосида тадқиқ этиш заруратини юзага келтиради.

Антропоцентриклик тилнинг моҳиятига дахлдор парадигма сифатида инсонни жамиятда юз берадиган воқеа-ҳодисалар марказига қўяди, тил ва тафаккур, сўз семантикаси, семик муносабатлар муаммоларини концептлаштириш орқали билимнинг турли структураларини шакллантириш ва уларни тилда намоён қилиш каби масалаларни инсон

куршовида ўрганади. Тилда сўзнинг нафакат семантикаси, балки сўз ва муайян субъект нутқи ўртасидаги боғлиқлик, унинг прагматик мазмуни, баҳолаш муносабати, миллий-маданий жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш муҳим саналади, натижада бу жиҳатлар ҳар бир тил эгасининг онгида нарсас-предметларнинг антропоцентрик тартибини ижод қилиш ҳуқуқини беради. Инсон онгида мавжуд бўлган бу тартиб унинг маънавиятини, қадриятларини ва хатти-ҳаракатлари мотивларини белгилайди. Буларнинг барчасини инсон нутқида қўлланувчи синонимларни, хусусан, уларнинг энг кўп қўлланадиган ўз ёки ўзлашма вариантларини тадқиқ қилиш орқали ҳам кенгрок тушуниш мумкин.

Мустақиллик сабаб юртимизда янги суверен давлатчилик шаклининг қарор топиши, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг амал қилиши, дунё мамлакатлари билан эркин муносабатларга киришиш, барча соҳалардаги тўғридан-тўғри ҳамкорлик муҳити ўзбек адабий тили лексикасида кескин ўзгаришларнинг юзага келишига замин яратди, хусусан, синонимиянинг кенгайишини таъминлади. Синонимия сўз лексик маъноларининг парадигматик муносабатларидан бири сифатида воқеланар экан, синонимик муносабатни юзага келтиришнинг маълум шартлари мавжуд бўлиб, уни белгиловчи асосий шарт маъно муносабатидир. Гап фақатгина асосий (денотатив) маънони белгилашни шакллантириш қийинлигида эмас, энг аввало, сўзнинг нозик маъно қирралари (коннотациялар) ҳар бирини аниқлашнинг фавкулудда қийинлигидадир.

Ўзлашмаларнинг ҳар қандай тил тараққиёти ва бойиш қонуниятининг манбаларидан бири эканлиги сир эмас. Ўзлаштириш жараёни мураккаб ҳодиса бўлиб, лингвистик ҳамда экстралингвистик омиллар билан ҳамбарчас боғланган. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар, бир тилдан бошқа тилга қилинадиган адабий таржималар ва ҳ.к. натижасида у ёки бу тил луғат таркибида ўзлашмалар пайдо бўлади, баъзан ўзлашмалар мавжуд тилдаги эквиваленти

билан синонимиянинг ҳосил бўлиши, бойишини таъминлайди. Ўзлашма сўзларнинг тилга қай даражада сингиб борганлиги уларнинг маданий белгиларни ташувчи иборалар, турли бирикмалардаги иштироки билан узвий боғлиқ, бу, ўз-ўзидан, ўзлашманинг семантик доирасини кенгайтиради, тил лексик қатламининг ажралмас бир элементига айлантиради. Ҳозирги ўзбек тили лексикасини синонимлар билан бойитишда, биринчидан, тилнинг тарихий ёки мавжуд захирасидан унумли фойдаланиш, янги ва қулай сўзларни ясашга эътибор қаратиш муҳим бўлса; иккинчидан, тилимизнинг ички тараққиёт қонунларига мос келадиган ўзлашма сўзларни қабул қилиш ҳам шундай муҳим аҳамият касб этади.

Тилшуносликда синонимия масаласи тилшуносларнинг доимий диққатини тортиб келган. Сўзнинг лексик-семантик структураси унинг контекстдаги лексик куршовига, шунингдек, маъно кирралари фаоллашуви даражасига боғлиқлиги нутқда доимий ва зарурий бўлишини, сўз лексик маъноларида парадигматик муносабат семантик нуктаи назардан текширилганда, сўзларнинг асосий маъно жихатдан бир хиллиги – синонимияда ўз аксини топишини тадқиқ этиш масалалари жаҳон ва рус тилшунослари: Ф.де Соссюр, Бодуэн де Куртенэ, В.Гумбольдт, В.Г.Гак, Л.В.Щерба, О.Есперсен, И.В.Арнольд, Д.Н.Шмелев, Л.А.Левковская, О.С.Ахманова, С.Д.Кацнельсон, Ю.Д.Апресян, В.В.Виноградов, Б.А.Плотников, В.А.Гречко, З.Д.Попова, Н.П.Потоцкая, А.А.Брагина, Е.М.Вольф, В.Н.Телия, А.А.Уфимцева, В.А.Гречко, Л.А.Новиков, В.В.Иванов, Е.Г.Беляевская, И.М.Кобозевалар; туркийшунослар: А.Болганбаев, В.Мескутов, Р.Юсипова, Ш.Ханбековалар ва ўзбек тилшунослари: А.Ҳожиёв, С.Исамухамедова, М.Рахматуллаева, Х.Дониёров, У.Турсунов, А.Дониёров, Б.Туйчибаев, Р.Юнусов, Ё.Тожиев, Р.Сайфуллаева, О.Бозоров, Р.Сафарова, Ҳ.Шамсиддинов, И.Сиддиқова, А.Собиров, М.Вафоева, Ф.Жумаева, Ғ.Раҳмоновлар томонидан кенг ўрганилган. Тилшуносликда бирдан ортиқ сўзнинг маъно муносабати айнан бир хилликка асос-

ланган синонимлар – абсолют синонимлик (Л.А.Булаховский, К.С.Сабиров, Н.П.Потоцкая, М.И.Фомина, О.С.Ахманова, Е.Бердимуратов, В.М.Белкин, Н.М.Шанский, М.Абдиев) ва бу мавзудаги мунозаралар (В. Гумбольдт, Д.Н.Шмелев, А.Ҳожиев), хусусан, семантик синонимлар (Л.А.Булаховский, И.В.Арнольд, А.Н.Гвоздев, В.Т.Листвинов, К.С.Сабиров, Е.Бердимуратов, П.Г.Черемесина, Г.Кенесбаев, Ғ.Мусабаев, Ю.С.Степанов, М.И.Кожина, А.В.Калинин, М.И.Фомина) хусусидаги тадқиқларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Тилшуносликда ўзбек тили лексик-семантик системалари ичидаги ўзаро шартланган ва ўзаро таъсир қилувчи синонимик муносабатлар йўналишида лексик ўзлашмаларни ўзбекча эквивалентлари билан таққослаш, ўзбек тилининг ички тараққиёт қонунларига мос келадиган ўзлашма сўзларни қабул қилишда синонимик бирликларнинг лексик-семантик хусусиятларини семасиологик, лингвопрагматик, миллий-маданий жиҳатларини тадқиқ қилиш, хусусан, даврлар ўтиши билан ўзлашган бирликлар семантикасида миллий ўзига хосликларнинг намоён бўлганлигини кўрсатиб бериш, айниқса, тилшунослигимиз синонимлар изохли луғатининг қайта ишланишига муҳтожлиги, ўзбек тили Миллий корпусида лексик синонимларни бериш билан боғлиқ бир қатор масалаларнинг умумлаштирилган ҳолда махсус тадқиқ этилмаганлиги тилшунослигимизда ушбу мавзунинг монографик кўламда ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИК СИНОНИМЛАРИ ТАДҚИҚИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Ўзбек тили лексик синонимлари тадқиқининг лингвистик методологияси

Тилшунослик фанининг узлуксиз тараққий этиб бориши, турли парадигмаларнинг вужудга келиши натижасида фанда янги соҳалар юзага келди ва кенгайди, бу жихат, ўз-ўзидан, фаннинг мукаммал ўз тадқиқ методлари мажмуасига эгалитини ҳам кўрсатмоқда. Тадқиқот натижасининг самарали бўлишида ўрганилаётган объектга аниқ нуктаи назар асосида ёндашиш, бунинг учун методни тўғри танлаш ва қўллаш зарур. Лингвистик тадқиқот методикаси, методологияси ва методлари масаласи Л.В.Щерба, В.И.Кодухов, Ю.С.Степанов, Ф.М.Березин, Б.Н.Головин, Б.А.Серебренников, В.Гак, И.Слесарева, А.Кузнецов, В.М.Солнцев, А.А.Уфимцева, Д.Н.Шмелев, А.Е.Карлинский¹ каби

¹ Бу ҳақда қаранг: Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. -Л., 1974. -304 с.; Кодухов В.И. Общее языкознание: Учебник для студентов филол.специальностей. - М.: Высшая школа, 1974. -303 с.; Степанов Ю. С.1 Методы и принципы современной лингвистики (1975, Изд. 7-е. - М.: Изд-во ЛКИ, 2009). - С. 127; Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание: Учебное пос. для студентов по специальности «Русский язык и литература». - М.: Просвещение, 1979. -С.168.; Общее языкознание. Методы лингвистических исследований. под ред. Б.А.Серебренникова. - М.: Наука, 2009. - С.73; Гак В.Г. О контрастивной лингвистике // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. Контрастивная лингвистике. М.: Прогресс. 1989; Слесарева И. Проблемы описания и преподавания русской лексики. -М.:Русский язык, 1990; Кузнецов А.М. Проблемы компонентной семасиологии: Научный доклад по опубликованным трудам, представленный к защите на соискание ученой степени докт. филол. наук. М.,1992; Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. -М.:Наука, 1972. - 344 с.; Уфимцева А.А. Лексическое значение. Принципы семантического описания лексики. -М.: Наука, 1986. - 240 с.; Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. - М.: Наука, 1973. - 278 с.Карлинский А.Е. Методология и парадигмы современной лингвистики. -Алматы: Изд-во КазУМОпМЯ, 2009. - С. 89.

олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, академик Л.В.Щерба ўз вақтида тўғри таъкидлаганидек, лингвистик тадқиқотлар тилининг далилий материалларини йиғиш, фаразлар тузилиши ва уларнинг янги фактларда ҳақиқийлигини текширишдан иборат бўлиши лозим¹.

Кейинги йилларда жаҳон тилшунослигида лексикология, семасиология ва стилистика соҳасида қўлга киритилган ютуқларга таянган ҳолда ушбу ишда лексик бирликларни комплекс тадқиқ этишнинг методикаси ишлаб чиқилди. Тадқиқот йўлини танлаш кўпинча тадқиқот объекти қурилиши ҳақидаги фаразга қараб белгиланар экан, гипотетик таҳлилнинг дедуктив методи изчил равишда асосий ҳисобланади, у бошқа, нисбатан хусусий методикани қамраб олади². Сўз лексик маъноси структурасида юзага келувчи семантик ўзгаришлар ҳар қандай лисоний ўзгаришлар каби “нутқ фаолиятида билинади”³ ва “тилга жойлаштирилган бирлик, аниқроғи, сўзловчининг лисоний қобиляти фақат нутқда намоён бўлади”⁴.

Комплекс методика асосида гипотетик-дедуктив метод ва контекстуал-функционал таҳлил комбинациясидан самарали фойдаланиш ҳар қандай семантик тадқиқотнинг ўрганилаётган бирликлар учровчи кўплаб контекстларини чуқурроқ таҳлил қилишни белгилаб беради. Бу метод ёрдамида катта миқдордаги материаллар — матнлар, нуткий вазиятлар асосида таҳлил қилинаётган семантик бирликларнинг фаоллашишига хос бўлган ҳолатлар аниқланади; сўз лексик маъносининг контекстнинг умумий семантикасига боғлиқ эканлиги белгиланади; контекстлар ва уларда қўлланилган бирликлар лексик-семантик ва функционал-услу-

¹ Щерба Л.В. Юқорида келтирилган манба. - С.24-39.

² Степанов Ю. С.1 Методы и принципы современной лингвистики (1975, Изд. 7-е. - М.: Изд-во ЛКИ, 2009); Арнольд И.В. Основы научных исследований в лингвистике. - М.: Высшая школа, 1991.

³ Щерба Л.В. Юқорида келтирилган манба. -С. 28.

⁴ Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. - М.: Наука, 1986. -С.47.

бий мезонлар бўйича типик хусусиятларига қараб турларга ажратилади.

Шунингдек, синонимларга контекстуал-функционал таҳлил усули асосида ёндашиш кўриб чиқиладиган синонимик қаторнинг бой коммуникатив ва прагматик имкониятларини, уларнинг тил стилистикаси, нутқ маданияти, лексикографияда асосий роли ва ўрнини тўла очишга ёрдам беради.

Комплекс методиканинг ўзига хос жиҳатлари, фарқловчи хусусиятлари шундан иборатки, ушбу методика тилшуносликда синовдан ўтиб эътироф этилган барча метод ва усул (приём)ларни ўзида жамлаган ҳолда лексик бирликлар маъносига ҳар томондан ёндашиб, жадал таҳлил жараёнида воқеланади, тил бирликлари маъно структурасининг янги минимал компонентларини кашф қилади – аниқлаб беради, уларни бой фактик материаллар, асосли далиллар, ёрқин мисоллар билан ишончли тасдиқлайди.

Ҳар бир методга сўз маъносининг муҳим бўлган томони тааллуқли бўлади. Дистрибутив метод лексик бирликлар дистрибуциясига, яъни лексик-семантик қўшила олиш таҳлилига асосланади. Дистрибуция дейилганда мазкур лисоний бирликда учраши мумкин бўлган лексик қуршов (контекст)лар жамланмаса, у учрамайдиган қуршовга барчасини қарама-қарши қўйиш тушунилади. Бундай метод кўриб чиқиладиган сўзларнинг синтагматик алоқаларини аниқлашга ва шундай қилиб синтагматик майдонни тавсифлашга имкон беради¹. Дистрибутив таҳлилнинг лексик-семантик тадқиқотларда қўлланиши чегараланганлиги сўзлар ўртасидаги (айнан синоним лексемалар ўртасида) ўхшаш ва фарқли жиҳатлар тўғрисида узил-кесил хулосаларга имкон бериши учун уни компонент таҳлил билан бир комбинацияда қўллаш лозимлигини белгилайди.

¹ Гак В.Г. О контрастивной лингвистике // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. Контрастивная лингвистике. М.: Прогресс. 1989; Слесарева И. Проблемы описания и преподавания русской лексики. - М.: Русский язык, 1990.

Компонент таҳлил фарқловчи белгилар сифатида намоён бўлувчи, яъни синоним лексемалар маъноларини ажратувчи, сўз маъносини уни ташкил этувчиларга – маънонинг кичик бирликлари(семалар, семантик компонентлар)га ажратиб таҳлил қилади ва “... ўзига хос миллий-лисонийдан умумийларини ажратишга имкон беради”¹. Бу таҳлил биргина лексик бирлик асосида эмас, балки лексик бирликлар гуруҳи, парадигмасига таяниб иш кўришни тақозо этади, синоним сўзлар орасидаги парадигматик муносабатларни тавсифлаш, уларнинг парадигматик аҳамиятини белгилаш имконини беради. Жумладан, ўзлашма сўзлар ва уларнинг синонимик эквивалентларининг қўлланиш даражасини, лексик-семантик ҳодисанинг ўзаро қиёслаган тарзда нуфузини аниқлаш учун қиёсий-тарихий, чоғиштирма таҳлил, ассоциатив-деривацион таҳлил, тавсифлаш, луғавий дефиниция, статистик методлардан фойдаланилиб, синонимик қаторлар таҳлил қилинди. Ушбу комплекс методикадан фойдаланиш мазкур синонимлар семантик структурасидаги янги фарқловчи белгиларни аниқлаш, уларнинг муқобил имкониятларини тадқиқ қилиш ва лексик маъно қирраларини нисбатан тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш имконини беради. “Умуман олганда, семасиолог лексик маънони тадқиқ қилишда турли-туман воситаларнинг биттасини танлаши (чегаралаб қўйиш, агар у албатта, қандайдир алоҳида мақсадга интилмаса) шубҳали туюлади”². Тадқиқотнинг комплекс методикаси муайян ишончли натижаларга эришишга имкон беради, семантик тавсифнинг турли усуллар жамланмаси асосидаги мантиқий бирикувлари – замонавий ўзбек семасиологияси учун энг муҳим зарурат.

Ушбу комплекс методика асосида *ручка – қалам – (хома – килк)* синонимик сўзларини таҳлил қиламиз. Мазкур синонимик сўзлар “бармоқлар билан тутиб, хат (асосан қоғозга)

¹ Гак В.Г. Ўша жойда. -С.14.

² Кузнецов А.М. Проблемы компонентной семасиологии: Научный доклад по опубликованным трудам, представленный к защите на соискание ученой степени докт. филол. наук. - М.,1992. - С. 48-49.

ёзиш учун ишлатиладиган, одатан бир қаричдан узун бўлмаган, чўзинчоқ ёзув қуроли” умумий маъносига эга. *Хома* ва *килкдан* фаркли равишда *ручка* ва *қалам* қуйидаги умумий семемага ҳам эга: “ёғоч ёки пластмассадан қилинган, бир учига перо ёки ичига ранг билан тўлдирилган стержень ўрнатиладиган чўзинчоқ тутқич – ёзув қуроли”¹. Ушбу луғавий дефиниция “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *ручка* сўзига нисбатан берилган бўлса-да, кўп аспектли комплекс таҳлил натижаларидан маълум бўладики, *қалам* сўзининг семантик структурасида лисоний ва нолисоний муайян омиллар натижасида силжишлар, кенгайишлар рўй бериб, лексема XX асрнинг 20-30-йилларидан бошлаб “бир учига перо ўрнатирилган ёзув қуроли” ҳамда шу асрнинг 70-йилларига келиб “ёғоч ёки пластмассадан қилинган, ичига ранг билан тўлдирилган стержень ўрнатиладиган ёзув қуроли” каби маъноларни ҳам касб этади. Мисол учун ҳозирги араб адабий тилида *қалам* сўзи “ручка, авторучка ва шарикли ручка” денотатларини ҳам англатади².

Ручка лексемаси XX асрнинг бошларида, айниқса, собиқ совет тузуми даврида, рус тилидан ўзбек тилига янги денотат(тушунча, предмет, нарс)ни англатиш учун эмас, балки минг йиллик ёзув тарихига эга бўлган ўзбек халқининг ёзув қулолини русча аташ мақсадида қабул қилинган. Сўз умумистеъмолда кенг қўлланади, эмотив баҳо(бўёқдорлик)га эга эмас, денотатни (“бир учига перо ёки ичига ранг билан тўлдирилган стержень ўрнатиладиган чўзинчоқ тутқич – ёзув қуроли”) илмий атама(термин)га хос, фақат битта – ўз маъносида аниқ ва “қуруқ” тарзда ифода этади. *Ручка* сўзининг ўзбек тили лексикасида нисбатан тарихий қисқа вақт ичида атама мақомига эга бўлиши собиқ совет тузумининг тил сиёсати билан боғлиқ. Жумладан, асрлар давомида ёзув қулолини атаб келган *қалам* сўзига янги вази-

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. 3- жилд. -Т.: ЎзМЭ, 2007. - Б.400.

² Қаранг: Al-javohir. Arabcha-o‘zbekcha va o‘zbekcha-arabcha elektron onlayn lug‘at.

фа – “Ўртасига ингичка, узун графит жойланган чўп шаклидаги расм солиш, чизма чизиш учун ишлатиладиган ёзув, чизув қуроли”ни номлаш норма қилиб белгиланганлиги, болаларнинг онгу шуурига илк болалик даври, боғча ёшидан мактабни битиргунига қадар “ёзув қуроли – ручка, чизув қуроли – қалам” дейилиши сингдириб келинди. Натижада *ручка* лексемаси умумистеъмолда, айниқса, кундалик сўзлашув нутқида ва собиқ совет даври одамларининг маиший турмуши, иш фаолияти акс эттирилган бадий асарларда, денотат(“ёзув қуроли”)ни эмотив баҳо ва услубий бўёқдорликка нисбатан нейтрал ҳолатда номлашда ҳукмрон макъага эга бўлди:

1. *У, дераза пардаларини тортиб қўйди-да, стулга ўтиргач, сочларини тузатиб, блокнот ва ручкани ҳозирлаб, қабулни бошлади.* (Ш.Рашидов, Бўрондан кучли).

2. *Ортиқча ручкангиз бўлса, бериб тулинг, меникининг ранги тугаб қолди.* (Жонли нутқдан).

Келтирилган биринчи мисолда *ручка* сўзи ўрнида *қалам* сўзи ишлатилса, ноаниқ денотатив вазият юзага келади: матнда *қалам* (расм солиш, чизув қуроли) тасвирланганми ёки *ручка* (ёзув қуроли)? Иккинчи мисолда ёзув қуроли эканлиги контекстнинг умумий маъносидан (*ранги тугаб қолди*) аниқ англашилиб турибди.

Ҳозирги кунда *ручка* сўзи маиший турмушда фойдаланиладиган кундалик сўзлашув нутқида қўлланиш частотаси сифатидан ҳар қанчалик доминант (ҳукмрон) позицияни эгалламасин, унинг лексик-семантик структураси ва функционал имкониятлари *қалам* сўзининг луғавий маъно тузилиши ва функциявий вазифаларини бажариш имкониятлари олдида “ғариб, ночор”лигича қолмокда. Бошқача қилиб айтганда, қадимги туркий тил ҳамда эски ўзбек адабий тилининг юксалиш давридан узоқ йиллар, кўп асрлар оша фаол қўлланилиб, ҳозирги ўзбек адабий тили тараққиётига етиб келган *қалам* сўзи турфа хил нозик маъно қирраларининг бойлиги, функционал-стилистик имкониятла-

рининг кенглиги, турғун бирикмалар ва типик лексик куршов(контекст)ларда учраши, бадий образлар яратилишида фаол иштирок этиши, ёркин экспрессив ифода ҳосил қила олиши, ижобий эмотив баҳо ва бошқа коннотатив маъно компонентлари ҳамда миллий-тарихий фонга эга эканлиги каби ўзига хос фарқловчи хусусиятлари билан *ручка* сўзидан яққол ажралиб туради. Масалан: *Юртим, сенга шеър битдим бу кун, Қиёсингни топмадим асло. Шоирлар бор ўз юртин бутун – Олам аро атаган танҳо. Улар шеъри учди кўп йироқ, Қанотида кумуш диёри, Бир ўлка бор дунёда, бироқ Битилмаган дostonдир бори: Фақат ожиз қаламим маним, Ўзбекистон, Ватаним маним.* (А.Орипов, Ўзбекистон).

Ушбу матнда *қалам* лексемаси миллий-маданий, тарихийлик жиҳатига кўра бошқа лексемалар билан семантик алоқадорликда қўлланган. Масалан, тарихийлик белгисига эга *битмоқ* сўзи икки ўринда уйғун қўлланган, бу сўзларни ёзмақ синоними билан алмаштириб бўлмайди, *битмоқ* сўзининг семантик структурасида қадим тарихийлик коннотацияси мавжуд. Шунингдек, *юрт* лексемаси ҳам синоними *ватан* сўзидан қадимийроқ. *Қалам* сўзидаги *-им* эгалик қўшимчаси ҳамда *маним* сўзидаги қаратқич келишигининг *-им* архаик вариантининг ўзаро ҳамоҳанг бирикуви тингловчи онгида ажиб ассоциацияларни уйғотиб, эстетик завқ бағишлайди.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *қалам* сўзининг қуйидаги маънолари келтирилган:

ҚАЛАМ [а. — қамиш перо; услуб; хат, дастхат] 1 Ўртасига ингичка, узун графит жойланган чўп шаклидаги хат ёзиш, расм солиш, чизма чизиш учун ишлатиладиган ёзув, чизув асбоби... 2 Пероси ўзидан чиқарилган ручка.... 3. Умуман, ёзиш, ижод қилиш қуроли... 4 *Кўчма* Ёзма асар ижод этиш; ёзма ижод, ижод... 5 Қошни қора қилиш учун суртиладиган қора модда ва уни қошга суртиш учун ишлатиладиган чўлсимон асбоб... 6 махс. Тош, тахта каби қаттиқ

жисмларни ўйиш, кесиш ва гул солиш учун ишлатиладиган металл асбоб. *Ҳайкалтарош қалами... 7 шв.* Тилим, тилик. *Бир қалам гўшт*¹.

Қалам лексемасининг келиб чиқишида унинг мазмун тузилишига араб тилидаги *қалама* феълининг “*قلم* – кесмоқ, қиркиб калта қилмоқ, бутамоқ,”² маънолари асос бўлган, *қалам* лексемаси *қалама* феълидан ясалган бўлиб, “кесилган, қиркилган, текисланган”³ маъноларини англатади, араб тилида сўзнинг ички формаси ҳозирда ҳам сақланиб қолган. Туркий тил(ўзбек)га араб тилидан ўзлашган *қалам* лексемасининг семантик кўлами асрлар давомида кенгайиб борган.

Тил бирлигининг моҳиятини унинг ўзидан эмас, балки мазкур тил бирлиги билан бошқа тил бирликлари ўртасида амалга ошадиган муносабатлар ва бу алоқалар тизимидан излаш муҳимдир. Бир тушунча ёки мазмунни англатиш учун тилда синонимия кузатилади экан, шунингдек, бир шакл бир неча маъно ва вазифаларда қўлланади. Масалан, окказионаллик ҳодисаси. Бу каби хусусиятлар тил бирликларининг қўлланишида маълум даражада эркинлик борлигини кўрсатади. *Қалами ўтқир* (Ижод, ёзиш қобилияти даражаси юқори) ҳамда *Қудрат қалами* (Худо томонидан битилган, белгиланган) каби жумлаларни окказионализмлар сифатида баҳолаш мумкин. *Қалам* сўзининг маъно структурасидаги миллийликни ифодаловчи компонент ушбу сўз иштирокида ҳосил бўлган лексемаларда ҳам кузатилади. Масалан, *қаламқош* (*қоши қалам*) сўзида ўзбекона миллийлик яққол кўзга ташланади: Кўз олдимизда қошлари қалам билан майин чизиб қўйилган чиройли чехра намоён бўлади. Европаликлар, жумладан, руслар аёл кишининг қошларини бундай ўхшатиш билан таърифлашмайди.

Лексеманинг семик имкониятлари бирикма доирасида

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд. –Т.: ЎзМЭ, 2008. – Б.224.

² النعيم . Ан-наъим. Арабча-ўзбекча луғат. –Т.: А.Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 2003. –Б.683.

³ النعيم . Ан-наъим. Ўша бетда.

аникроқ ифодаланади. Лексик бирлик якка ҳолда умумий маъно аниқлатса, бирикма таркибида хусусий, нисбатан аниқ маъно ифодалайди. Ўзбек тилида қалам сўзининг нозик семантик қирралари *қалам тебратмоқ* (ижод қилмоқ), *қаламига мансуб* (асар), *қалам хақи* (гонорар), *қалам йўнмоқ* (мажозий маънода “ёзишга киришмоқ”), *қаламга олмоқ* (ёзмоқ), *қалам туширмоқ* / *юрғизмоқ* / *тебратмоқ* / *сурмоқ* (ёзмоқ) каби турғун бирикмаларда ёрқинроқ юзага чиқиб, ижобий эмотив маъно касб этади.

Маълум бир воқелик тўлиқ ва аниқ ифодаланишида танланган сўзлар ўзаро семик комбинация — лексик-семантик мувофиқлик ҳосил қилмоғи лозим, лексик-семантик мувофиқлик лексемаларни тарихийлик ёки янгилик, миллий-маданийлик ёки ўзлашмалик, нейтраллик ёки эмоционаллик бўёғига кўра ўзаро муносабатга киришуви учун кўмак беради. Бундай ўринларда ҳатто аффикснинг тўғри танланиши ҳам ўта муҳимдир. Масалан:

Юрмасман ҳеч беҳиштни излаб, Тополмасам чекмасман алам. Ўтирмасман эртақлар сўлаб, Мусалло деб йўнмасман қалам. (А.Орипов, Ўзбекистон).

Қалам лексемаси ушбу матнда ҳам миллий-маданий ва тарихийлик белгиларига кўра бошқа лексемалар билан семантик мутаносибликда қўлланган. Бу хусусият *беҳишт*, *мусалло*, *йўнмоқ* лексемалари ҳамда *-ма+й* формаси ўрнида *-ма+с* архаик формасининг танланиши орқали шоирнинг экстралингвистик фактор — халқимизнинг миллий-маданий кадриятлари ҳақидаги ассоциацияси билан боғлиқдир. Ушбу мисрада ишлатилган *йўнмасман қалам* иборасини “кундалик турмушда қўлланадиган қалам; чизув куралини йўниш” маъносида тушунмаслик керак. Навоий замонидан ҳозирги ўзбек назмининг истеъдодли ижодкорлари асарларида *қалам йўнмоқ* ибораси “ёзишга киришмоқ” мажозий маъносида қўлланиб келинади. Ҳар иккала ўринда ҳам *ручка* лексемасининг қўлланиши мумкин эмас, акс ҳолда, бу нафақат миллий-маданийлик, тарихийлик ва, албатта, бади-

ийлик бўёғини сўндиради, шувингдек, у тингловчи онгида ёқимсиз коннотациянинг ҳосил бўлишига, бемаъни денотатив вазиятнинг юзага келишига олиб келади.

Ўзига хос миллий-маданий, тарихий, назмий матнларда кўп асрлар давомида мунтазам ва давомли қўлланганлиги боис қалам сўзи семантик структурасининг коннотациясида юқори мазмунга эга кўтаринкилик, улуғворлик, тантанаворлик семалари моҳият касб этган, масалан:

Мен ҳам қаламим қўлга олиб ўй сурадирман, ташибих қидирурман,

Юрт шаънига ёзмоқ тилагим ҳамду санолар Шайху Гафурога. (Эркин Воҳидов, Баҳор мустаҳзоди).

Сўз семик жиҳатдан кўп белгили, информация ифода-лашда фаол, тилнинг миллий-маданий, тарихий хусусиятлари билан алоқадор бўлса, ушбу сўзда кўчимнинг юзага келиш даражаси юқори бўлади: *Темур тиги етмаган жойни Қалам билан олди Алишер.* (А.Орипов, Ўзбекистон). Мазкур мисрадаги индивидуал метонимия – ижодкорнинг тафаккур даражаси асосида юзага келтирган образли ифодаси тингловчи (китобхон)га эстетик завқ бағишлайди. Қалам сўзи учун типик бўлган ушбу лексик қуршовда *ручка* сўзини қўллаб бўлмайди.

Қалам сўзининг келиб чиқишига асос бўлган маъноси унутилган ёки йўқолган эмас. Ушбу маъно билан унинг услубий хосланиши, фон бўёқдорлиги ўртасида мустаҳкам боғланиш бор, чунки лексема таркибидаги тарихийлик, миллий-маданийлик занжири унинг экспрессивлиги ва функционал-услубий бўёғини юқори даражада белгилаб беради. Лексемада тарихийлик бўёғи қанчалик ёрқин образли асосга эга эканлиги, кузатганимиздек, лексема услубий жиҳатдан тарихий ёки миллий-маданий мазмундаги бадий асарларда қўлланганда юзага чиқади:

Турк назмида чу мен тортиб алам,

Айладим ул мамлакатни якқалам (Лисон ут-тайр).

“Алишер Навоий” қомусий луғатида қалам сўзи “хат

ёзиш, расм солиш, чизма чизиш учун ишлатиладиган чизмачилик куроли; килк, хома”¹ маъносида изоҳланган. Бизнингча, Навоий даврида қалам сўзи “расм солиш, чизма чизиш учун ишлатиладиган чизмачилик куроли”гина эмас, балки кўпроқ “ёзув куроли” маъносини англатиш учун қўлланган. Масалан:

*Ҳажр дудидин қора бўлган кўнгул ичра ўқунг,
Шарҳи ҳолим ёзгали бўлмиш қалам бирла давот.* (Наводир уш-шабоб, 74-ғазал).

Навоийга қадар ҳам олим-у фузалолар, хаттотлар, ижод аҳли ёзув учун *давот* (сиёҳдон) ҳамда қаламдан фойдаланишган. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида:

1. Дават қилди кайаз битиди битиг. (У) сиёҳдон ва коғоз сўради, мактуб ёза бошлади)².

2. Муну сўзладим сўз битигин улам, тугаттим сўзимни қуруттим қалам. (Бу сўзларни мен сенга баён қилдим, сўзимни тугатдим, қаламни (сиёҳни) қуритдим)³.

“Навоий шеърлятида қалам бир неча маънода қўлланилган. Ҳамд ва муножот оҳангидаги байтларда қалам илоҳий мазмун-моҳият касб этиб, ўзгармас илоҳий тақдирнинг котиби дея тавсифланади:

Тийр ишигида не қалам, не рақам,

Балки рақам ояти “жафғал - қалам”. (Ҳайрат ул-аброр)

Наътларда қалам умуман хат-савод маъносида қўлланилиб, уммий -- хат-саводи бўлмаган Ислом пайғамбари аслида ҳақиқий илм соҳиби эканлиги шарафланади:

Ўлмади илгингни чу нолон қалам,

¹ Алишер Навоий: қомусий луғат / Масъул муҳаррир: Ш. Сироҷиддинов. -Т.: Шарқ, 2016. -Б.190.

² Қаранг: Dadaboyev H., Xolmurodova M. “Qutadg‘u bilig”dagi so‘zlarning o‘zbekcha, ruscha va inglizcha izohli lug‘ati. -Т.: Navro‘z, 2018. -Б.97.

³ Қаранг: Dadaboyev H., Xolmurodova M. Ўша жойда. -Б.261.

Мотамий айлабтур они бу алам. (Ҳайрат ул-аброр)”¹.

Буюк шоирнинг назмий асарларида қалам сўзи турфа хил маъноларни англатиб, бетакрор ташбих даражасига кўтарилган:

Қаламким раҳнаварди тезтакдур,

Азалдин манзили фавқул-фалакдур.

Магар ваҳм адҳамидур тез рафтор,

Не адҳам, жардаи Шабдез рафтор. (Фарҳод ва Ширин).

“Ҳайрат ул-аброр”нинг 12-мақолати қалам ва қалам аҳлининг таърифига бағишланган бўлиб, унда қаламни қайси мақсадга ишлатганига қараб, қалам аҳли мардуд ва мақбул гуруҳларига таснифланган. Шунингдек, Навоий шеъриятида қалам билан боғлиқ қуйидаги ибораларга дуч келамиз: Қалам қилмоқ – кесмоқ, қалам йўнмоқ - маж.: ёзишга киришмоқ; қалам сурулмак – бекор қилинмоқ, ўчирилмоқ; қаламрав – бир подшоҳнинг ҳукмига тобе мамлакатнинг ҳудуди; қалам-бақалам – батамом, тугал; қаламзан – ёзувчи, мурза, котиб ва ҳ.к.”²

Қалам сўзида ижобий-эмотив баҳо ва улуғворлик семаларининг мустаҳкам ўрнашганлигига сабаб ушбу сўзнинг муқаддас Қуръони Карим оятларида қўлланганлигининг таъсири ҳам дейиш мумкин (Қуръони Карим, Қалам сураси, 1-оят; Алақ сураси 4-оят).

Ҳар қандай давр адабий тилида танлаб қўллаш хусусияти бўлади, ўзбек адабий тилининг янгидан ривожланиш даври – истиқлол даврида танлаш, айниқса, кучли бўлиб, у маълум мақсадга – тилининг софлигига эришишга йўналтирилди. Бу ўринда софлик ўзбек тили луғат таркибида келиб чиқиши соф туркий (ўзбекча) сўзларгина қолиши керак деган маънода эмас. Тил сатҳларида ўсиш ва ўзгаришлар бир хилликка эга эмас, шунинг учун улар бир пайтда бир хил қоидага бўйсунавермайди, маълум даврга келиб бир

¹ Алишер Навоий: қомусий луғат. Ўша жойда. -Б 190.

² Алишер Навоий: қомусий луғат. Ўша жойда. -Б 190.

сатҳда юзага келган эскириш, иккинчи сатҳда кузатилмаслиги мумкин. Айниқса, лексик сатҳдаги ўзгаришлар тил қонун-қоидалари ва эҳтиёжига зид равишда субъектив характерга эга бўлса, тилнинг миллий-маданий, тарихий белгилари хиралашиши ва охир-окибатда сўниши шубҳасиз. *Қалам* каби узок тарихий тараққиёт давомида фаол қўлланиб келинаётган сўзларнинг ҳар бири йирик монографик тадқиқот объекти бўлиши мумкин.

Навоий асарларида *хома*, *килк* сўзлари *қалам* сўзининг синонимлари сифатида параллел тарзда фаол қўлланиб келинган. Масалан:

1. *Шуури борми илгида қаламнинг*

Ва ё ул хома нўгида рақамнинг (Фарҳод ва Ширин).

2. *Келиб ул нақш килки соясидин,*

Ки, келмай юз қалам тироясидин. (Фарҳод ва Ширин).

Келиб чиқиши арабча бўлган *қалам* сўзидан фаркли равишда *килк* ва *хома* сўзлари форс тилига мансуб. “Навоий асарлари луғати”да ушбу сўзлар қуйидагича изоҳланади:

КИЛК. *ф.* Қамиш қалам; *килки нуктапош* — нозик маъноли сўз ёзувчи қалам; *килки сунъ* - Яратиш қалами; маж. Худонинг қудрати, *килки тақдир*, *килки қазо* - Тақдир қалами, азалда ёзилгани, *килки фусунпардоз* - Ажойиб сўзлар ёзувчи қалам ¹.

ХОМА. *ф.* Қалам; *Хомайи тақдир* — тақдир қалами, бандалар тақдири ёзилади деб фараз этилган, илоҳий қалам...².

Кўринадикки, *килк* ва *хома* сўзларининг изоҳида *қалам* сўзидан фойдаланилади, ушбу сўзлар Навоий асарларида *қалам* сўзи маъносидида ишлатилиб, ноўрин такрорнинг олдини олган. Бироқ *хома* ва *килк* сўзлари семантик структураси ҳамда ўзига хос турғун бирикмаларда иштирок этиши билан фарқ қилади. Масалан, *килк* лексемаси учун *килки*

¹ Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. -Б. 311.

² Шамсиев П., Иброҳимов С. Ўша жойда. -Б. 660.

сунъ (тақдир қалами), килки тахайюл (хаёлот қалами) сўзлари билан турғун бирикма ҳосил қилиш хос:

1. Ёрур холинг хаёлидин оқарган кўзларим гўё,

Кўюбтур килки сунъ ул нуқтани кўзлар қаросидин. (Наводир уш-шабоб, 457- ғазал).

2. Неча хат сизгали йўқ ерда санга ҳолимни,

Номалар килки тахайюл била таҳрир этайин. (Наводир уш-шабоб, 487- ғазал).

Шунингдек, килк сўзининг хома сўзидан фарқи одатан ўз ва мажозий маънода сурат солиш, оламни тасвирлаш, жумладан, инсон қиёфасини гўзал тасвирларда ифода этиш вазифаларини бажариш учун ҳам ишлатилишида кўзга ташланади:

1. Кўкта ҳар ой бир ҳилол, ул машқдурким килки сунъ,

Айламиш сизгонда ул икки муқаввас қошни. (Наводир уш-шабоб, 599- ғазал).

2. Неча килки тахайюл бирла бир суврат нигор айлай,

Анга ошиқ ясаб, кўнглумни амдо беқарор айлай. (Наводир уш-шабоб, 615- ғазал).

Хома сўзи эса кўпроқ ўз ва мажозий маънода ҳам “ёзув қуроли” маъносида қўлланган, масалан:

1. Хома рафторим неча сурсам неча,

Қирқ-эллик байт ҳар ярим кеча.

Сафҳага ёзмай қарорим йўқ эди,

Бу рақамда ихтиёрим йўқ эди. (Лисон ут-тайр).

2. Неча чоки гирибон қилди хома,

Тукуб ашқини афгон қилди хома. (Фарҳод ва Ширин).

Кўринадик, Алишер Навоий асарларида “ёзув, чизув қуроли” денотатини англатиш учун арабча қалам, форсча килк ва хома сўзларидан юксак маҳорат билан фойдаланилган, қалам сўзидан фарқли ўлароқ, бутунги кунда хома, килк сўзлари умумистеъмолда деярли қўлланилмайди. Ушбу синонимлар, айниқса, қалам XIX аср охирига қадар ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган, XX асрга келиб ушбу ўзбекча

синоним сўзларни русча *ручка* сўзига алмаштиришга лисоний ва нуткий ҳеч эҳтиёж бўлмаган.

Ўзбек тилининг сўз бойлиги миллатимизнинг минг йиллик тарихга эга мумтоз асарларини тушуниши ва билишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Миллатимизни ушбу мумтоз асарлар тилига яқинлаштириш даври келди, шунинг учун бир дебоча сифатида *ручка* ўрнида шу денотатнинг термини сифатида *хома*, расм, чизма чизиш қуроли (русча “карандаш”; биз бу ўринда муқаддас *қалам* сўзини қўллашни жоиз деб топмадик) денотатини номлаш учун *килк* сўзини таклиф қиламиз. Шунда турфа хил маъноларга эга *қалам* сўзи таъбир жоиз бўлса, янада кенг қулоқ ёзиб – функционал имкониятларини кенгайтириб ифода қўламининг ранг-рабаранглигини бойи-тади ва эски маънодошлари *хома* ва *килк* лексемалари билан янги синонимик муносабатларга киришиб, фаол қўлланади.

2. Лисоний даражаланиш қонуниятини ўзбек тили лексик синонимлари тадқиқининг лингвистик методологияси сифатида

Ўзбекистонда ўз инкишофини топган даражаланиш қонуниятини таҳлилига етиб келгунча фанимиз муайян тарихий тараққиётни босиб ўтди. Бугунги кунда олий лингвистик таълим тизими дарслик ва қўлланмаларида илк ўзбек назарий тилшунослиги, ўзбек систем тилшунослиги, ўзбек субстанциал тилшунослиги, ўзбек формал-функционал тилшунослиги, ўзбек структурал тилшунослиги каби номлар билан аталиб келинди ва улар сирасида ўзбек субстанциал тилшунослиги термини йўналиш моҳиятини аниқ, тўғри, қисқа ва қулай ифода қилай олганлиги билан ажралиб чиқди ва оммаланди¹.

¹ Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р. в.б. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2007; Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури/ Таълим тараққиёти. 1-махсус сон. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 1999; Замонавий ўзбек тили. Морфология. Масъул муҳаррир Р.Сайфуллаева. – Тошкент:

Ўзбек тилшунослигида тилга система сифатида ёндашувчи бошқа йўналишлар ҳам бўлгани ҳолда ўзбек субстанциал тилшунослигини тилга система сифатида ёндашувчи жаҳон тилшунослиги йўналишларидан бўлган Прага функционал лингвистикаси (Прага структурализми) билан тенглаштирадilar¹. Бу бежиз эмас. Чунки ўзбек субстанциал лингвистикасининг пойдевори бўлган Ленинград структурализмининг асосчиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби С.Н.Иванов талқинлари собиқ шўро тилшунослигида функционал талқинлар деб аталар ва бунда “функция” тушунчаси “лисоний муносабат” маъносини англатар эди. Лисоний муносабатнинг эса учта асосий турини ажратиш урф бўлган эди:

- парадигматик муносабатлар;
- синтагматик муносабатлар;
- иерархик муносабатлар.

Ўзбек субстанциал тилшунослигининг моҳияти ҳам С.Н.Ивановнинг функционал талқинлари каби уч хил сифати билан характерланади:

- лисон ва нутқни изчил фарқлаш;
- лисоний бирликларнинг моҳиятини мазкур муносабатлар тизимидан чиқариш;
- талқинларда диалектик мантиқ қонуниятларига таяниш.

Таниқли тилшунос олима Р.Р. Сайфуллаеванинг эътироф этишича С.Н.Ивановнинг функционал талқинлари, ўзи мустақил равишда ишлаб чиққан лингвистик тушунчалари (ўрганиш объектининг серкирралиги, оралиқ учинчи қонунияти, даражаланишнинг мутлақлиги, тил бирлигининг камида икки қатор зиддиятга киришиши каби) ва уларнинг аввал систем-структур, кейинчалик, субстанциал-прагматик ёндашувларга асос қилиб олиниши ўзбек субстанциал тилшунослигини янги ва мустақил миллий йўналиш сифатида жаҳонга танита бошлади, ўзбек субстанциал тилшунослиги

Мумтоз сўз, 2009.

¹ Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. – Тошкент: Университет, 2007.

заминида шаклланган градуонимик ёндашув Европа фани учун қимматли натижаларни бера бошлади¹. Прага функционал лингвистикаси → Ленинград структурализми → ўзбек субстанциал тилшунослиги тадрижий йўналишида шаклланган ўзбек миллий структур тилшунослиги тамойиллари бугунги кунда таълим тизимида, янги давр талабларига мослашди, лисоний онг, оламнинг лисоний тасвифи, борлиқнинг лисоний манзарасини бериш усуллари даражасига ча кўтарилди². Бу борада атоқли ўзбек тилшуноси Ҳ.Ғ.Неъматовнинг хизматлари катта бўлди.

Лингвистик тафаккур тарихи билан чуқур таниш бўлган мутахассис С.Н.Ивановнинг функционал талқинлари билан ўзбек субстанциал тилшунослиги орасида катта фарқлар мавжудлигини англаши қийин эмас. Масалан, лисоний бирликлар моҳиятини систем муносабатлардан келтириб чиқариш тамойилини кўриб ўтайлик. Лисоний бирлик моҳиятини систем муносабатлардан келтириб чиқариш функционал лингвистикага ҳам, субстанциализмига ҳам хос. Аммо бу талқинга диалектик мантиқнинг абстрактлик ва конкретлик, серқирралик, зиддиятлилиқ тамойилларини, диалектиканинг умумийлик ва алоҳидалик, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик, сабаб ва оқибат нисбатли категориялари ҳамда қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши, инкорни инкор, микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунлари, шунингдек, тасаввуф фалсафасининг ботин ва зоҳир, ғайб ва шуҳуд, жуз ва кулл ихтилофларига онгли ва изчил таяниш, улардан методологик асос сифатида лингвистик муаммоларни ечишда фойдаланиш фақат субстанциал лингвистикага хосдир. Қолаверса, жаҳон тилшунослигида муаммо бўлиб келган “нутқ” тушунчасига умумийлик сифатида оппозицияда бўлиб келган ва кўп маъноли “тил”

¹ Сайфуллаева Р. “Давлат тили ҳақида”ги Қонун ва ўзбек тилшунослигининг Европа фанига таъсири // Айюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами). – Т.: Университет, 2009. – Б. 3–5.

² Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон: НС, 2006.

термини ўрнида ундаги кўп маънолиликини бартараф этиш учун *лисон* атамасининг олиб кирилиши улкан ахамиятга эга бўлди. Дунё тилшунослигида “тил” атамаси лисон ва нутқ мажмуига ҳам, лисонга нисбатан ҳам ишлатилиб, чалкашликларни вужудга келтирар эди. Бу Прага структурализмида *language* ва *parole* терминлари билан берилиб, шу асосда Ленинград структурализмига ҳам ўтган эди. *Лисон* терминининг структурализмга умумийлик, моҳият, имконият ва сабаб (қисқ. УМИС) мазмунини акс эттирувчи бирлик сифатида олиб кирилиши миллий тилшунослигимиз ютуқларидан биридир.

Ўзбек субстанциал тилшунослигининг структурализм йўналишлари бўлган Көпенгаген глоссематикаси, Америка/Лондон дескриптив лингвистикасидан фаркланадиган Прага структурализми билан тенглаштирилиши ёки ўхшатилишининг бир неча сабаби бор, албатта:

- 1) лисон ва нутқнинг изчил фаркланиши;
- 2) лисоннинг моҳият сифатида қаралиши;
- 3) нутқ лисоннинг воқеланиши сифатида олинishi;
- 4) асосий эътиборнинг лисонга қаратилиши;
- 5) лисонга нутқ асосида кўтарилиш ва ҳ.

Бироқ, юқорида айтилганидек, ўзбек субстанциализмида бу масалаларга нисбатан алоҳида ва ўзига ҳос муносабат мавжуд. Зеро, таниқли тилшунос олим А. Нурмонов шу масалага бағишланган ҳар икки асарида ўринли таъкидлаганидек, субстанциал тилшуносликни структурализмнинг бирор йўналиши билан айнанлаштириш мумкин эмас – у структурал йўналишлар орасида ўзига ҳос оқим (мактаб)¹.

Субстанциал ёндашувнинг ўзига ҳос тамойилларидан бири – “оралиқ учинчининг мутлақлиги”, унда диалектиканинг миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунига таянилди ва бу, ўз ўрнида, янги тамойил ҳамда шу тамойил асосида иш кўрадиган мустақил лингвистик йўналишнинг шаклланишига асос бўлди.

¹ Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.210–211; Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон: НС, 2006. – Б.156–162.

Янги тамойил – даражаланиш қонуниятидир.

Лисоний даражаланиш қонуниятги. Ўзбек тилшуносларининг диалектик методологияга оғли ва изчил ёндашуви бу тамойилдан келиб чиқадиган жуда кўп жузъий хусусиятлар билан боғлиқ. Хусусан, фақат биргина тамойил – “оралик учинчининг мутлақлиги” қонуниятги билан боғлиқ ҳодисалар талай. Улар лисонда мавжуд бирор моҳиятнинг нутқда воқеаланиши тавсифига янгича ёндашув имконини беради. Улардан ёрқини – лисоний даражаланишдир.

Мутахассислар тил бирликлари маъновий муносабатига кўра ўзаро маълум бир даражаланиш қаторини ҳосил этиши фанга қадимдан маълум эканлиги, унинг энг ёрқин намунаси “ўрта” умумий семали бирликлар бўлган қаторлар эканлигини таъкидлашади:

катта-ўрта-кичик;

ёш-ўрта-қари;

узоқ-ўрта-яқин;

баланд -ўрта-паст;

узун-ўрта-қисқа.

Бизнингча, “ўрта” семали сўз фақат *ўрта* лексема-си бўлиши шарт эмас. Масалан:

ака-мен-ука, | бобо-ота-бола, | ота-фарзанд-набира

каби. Маълумки, “ўрта” семали сўз билан ифодаланган белги-хусусият, том маънода, ўрталик, оралиқ, яъни икки бир-бирига зид белги ўртасидаги нуктада жойлашади. У чап ёки ўнгга “оғиши” мумкин эмас. Шунинг учун уни “...нинг орасида жойлашади” дейиш тўғри эмас.

Даражаланиш қатори камида учта бирликдан ташкил топган бўлади. Шунинг учун у “уч” семасига эга бўлган “тернар” ифодаси термини билан берилади.

Даражаланиш муносабати билан боғланган сўзлар қатори:

а) борлиқдаги белгилар асосида;

б) тил белгилари асосида

даражаланишга таяниб ажратилади. “Борлиқдаги белгилар асосидаги даражаланишнинг моҳияти шундаки, нарсалар

лар белги-хусусиятида сифат фарқлари билан бирга миқдор фарқлари ҳам мавжуд. Масалан, инсонда гўдаклик, ёшлик, навкиронлик, етуклик, қарилик ҳолатлари, ўсимликда навниҳоллик, кўчатлик, етилганлик, қуриганлик даврлари кечади. Табиатдаги ранг ва бошқа белгилар шунчалик хилма-хилки, масалан, бўёкчилар биргина қора рангнинг ҳатто ўндан ортик турини ажратадилар¹.

Борлиқда нарсалар/ҳодиса/предметлар катта-ўртача-кичик, баланд-ўртача-паст, кенг-ўртача-тор бўлиши мумкин ва уни тил ўзида акс эттиради. Бу тилда борлиқдаги белгилар асосида ажратиладиган даражаланишдир.

Шунингдек, борлиқда яхши-ўртача-ёмон, зарарли-ўртача-фойдали нарсалар йўқ. Буни кишиларнинг муносабатлари белгилайди ва бу жиҳатни ҳам тил акс эттиради. Бу тилнинг борлиқдаги йўқ нарсаларни даражалашдир.

Даражаланувчи сўзлар қаторларини ажратишда маъно омилнинг моҳияти шундаки, сўз маъноларида бирор белгининг оз-кўплигига муносабат яққол сезилиб туради. Масалан, *дарча-эшик-дарвоза* сўзларининг ўзбек тили изоҳли луғатларидаги изоҳларини кузатайлик: ДАРЧА: илгари вақтларда дераза вазифасини ўтаган бир ёки кўш тавақали, эшик ёки деворга ўрнатилган кичкина эшикча [ЎТИЛ, I, 569]. ЭШИК: уй, хона, бино ёки ҳовлининг кираверишида ўрнатилган очиб-ёпиб туриладиган мослама [ЎТИЛ, II, 457]. ДАРВОЗА: ҳовли, кўрғон, қалъа, завод ва шу қабиларга қириладиган, очиб-ёпиладиган катта эшик, қопқа [ЎТИЛ, I, 209]. Ажратилган сўзлар миқдорий даражаланишни ифодалайди: *дарча* сўзи изоҳидаги *кичкина* ва *эшикча* сўзлари, *дарвоза* сўзи изоҳидаги *катта* сўзидир. Даражаланувчи сўзлар синоним ҳам, синоним бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу луғатда сўзларнинг: 1) маъновий белгисига кўра (синоним

¹ Бобожонов Ш., Исломов И. Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиши ўқув луғати. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 7.

бўлмаган сўзлар) даражаланиши; 2) бўёғига кўра (синоним сўзлар) даражаланиши сифатида фарқланади¹.

Сўзларнинг даражаланиш қаторида борлиқнинг энг умумий қонуниятлари намоён бўлади:

а) даражаланиш қаторида белгининг даражаланиб, ошиб ёки кенгайиб боришида миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунияти юзага чиқади;

б) даражаланишнинг икки чекка учи маълум бир белгининг тасдиғи билан бирга, бир-бирини инкор этишида инкорни инкор қонунияти намоён бўлади;

в) бир-бирини инкор этувчи (антонимик муносабатда турган) сўзларнинг бир етакчи сўз (доминанта) атрофида бирлашиб, бир маъновий қаторни – бутунликни ташкил этишида қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунияти намоён бўлади.

Лисоний даражаланиш тилшунос олим А.Нурмонов таъкидлашича², Арасту-Соссюр тилшунослигида ҳукмрон ва етакчи бўлган бинар оппозиция усулига тернар зидланишни қарама-қарши қўйиш билан бирга, анъанавий тилшуносликда бир-биридан узилган синонимик ва антонимик муносабатларни градуонимик муносабатга бирлаштиради. Бирлашиш эса гипонимияга олиб келади. Дикқат қилинг:

Синонимия	Антонимия
Градуонимия	
Гипонимия	

Гипонимик муносабатни келтириб чиқарувчи градуонимик муносабатни лисоний бирликларнинг зарурий умумий алоқа тури сифатида ажратиш субстанциал тилшуносликда қуйидагиларга олиб келди:

¹ Бобожонов Ш., Исломов И. Келтирилган луғат. – Б. 7.

² Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон: НС, 2006. – Б.160–162.

– синонимик ва антонимик муносабатни миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтиши сифатида қараш;

– синонимик ва антонимик муносабатни қарама-қаршилик диалектикаси асосида баҳолаш;

– синонимик ва антонимик муносабатни инкорни инкор қонуни асосида тушуниш ва тавсифлаш.

Даражаланувчи белги остида бирлашган қаторнинг икки чекка бирлиги тўлиқ зидланади. Масалан, *турқ* ва *ораз* лексемалари “одам боши олд томонининг пешонадан ияккача бўлган қисми” умумий семемасига эга синонимик қаторнинг икки чеккасини ташкил этади. Системасидан узиб олинса, улар ўзаро бинар зидланаётганлигига ва зиддият денотатив сема асосида эмас, балки коннотатив сема асосида содир бўлаётганлигига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолат анъанавий антонимия тушунчасига ҳам янгича ёндашувни олиб киради. Зеро, анъанавий антонимия фақат денотатив семалар асосида баҳолаб келинди. Қуйидаги мисолларни кузатамиз:

– *анқов, меров, овсар, калвак, гўл, лақма, ангров, пандавақи, галварс;*

– *ақлли, оқил, эсли, эс-ҳушли, фаҳм-фаросатли, дид-фаросатли, ақили-ҳушли, мияли, каллали, фикрли, мулоҳазали;*

– *аранг, зўрга, зўргатдан, базўр, зўр-базўр, ўлиб-тирилиб, чираниб, инқиллаб;*

– *арақхўр, майхўр, ичкиликбоз, пиёниста, алкаш;*

– *астойдил, жиддий, ростакамига, чинакам(ига), роса;*

– *атайлаб, атай, атайин, атайдан, жўрттага, жўртта, махсус, аizza-базза, қасддан;*

– *авайламоқ, аямоқ, эҳтиётламоқ, эҳтиёт қилмоқ, ардоқламоқ, эъозламоқ, эъоз этмоқ;*

– *айтишмоқ, жанжаллашмоқ, койишмоқ, можаролашмоқ, уришмоқ, гижиллашмоқ, қизаришмоқ, олишмоқ, сўкишмоқ;*

Албатта, ўзаро коннотатив бинар зидланиш намоён бўлиши учун синонимик қатор аъзолари ўзаро градуонимик

қаторга тизилиши лозим. Юқоридаги қатордаги чекка бирликларда бинар коннотатив зидланиш намоён бўлмаётган бўлса, бу қатор қатъий градуонимик принцип асосида тuzилмаганлигидан далолат беради.

Ўзаро антонимик муносабат, шу асосда, худди даражаланиш кўринишлари каби икки турда намоён бўлади:

1) денотатив антонимия: *нинни* – *чол*; *кулба* – *қаср*.

2) коннотатив антонимия: *узун* – *найнов*; *юз* – *башара*.

Даражаланиш қаторида, у қандай антонимия, қайси синонимия тури бўлишидан қатъи назар, ўртадан ўрин олган бирлик доминанта бирлик мақомига эга бўлади. Доминанта бирлик ўнг ва чап томонлардаги бирликларнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. У ўзида диалектиканинг миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунидаги “меъёр” категориясининг хусусиятларини акс эттиради. Қуйидаги:

$A-n \rightarrow \dots A-3 \rightarrow A-2 \rightarrow A-1 \rightarrow B \rightarrow C+1 \rightarrow C+2 \rightarrow C+3 \dots C+n$

қаторда А ва С бирликлари орасидаги Б ҳодиса ана шундай мақомга эга бўлади. Масалан, *ака* ва *ука*, *она* ва *сингиз*, *тоға* ва *жсиян*, *ота* ва *бола* бирликлари орасида мен сўзи аниқ бир вазиятда ана шундай мақомга эга бирлик саналади.

Кўринадик, градуонимик ёндашув горизонтал қатор (антонимия ва синонимия) ва вертикал қатор (гипонимия) да ҳам доминанта бирликни ажратиш имконини беради, бошқача айтганда, доминанта бирликни ажратишни тақозо этади. Тилшунослигимизда горизонтал даражаланиш ҳақида бирмунча фикрлар айтилаётган, маълум бир тадқиқотлар бажарилаётгани ҳолда, вертикал даражаланиш ҳақида айтарли фикрлар билдирилган эмас ва у тилшунослигимизнинг келажакдаги вазифаларидан.

Бугун ўзбек тилшунослигида ўрнашиб, ҳатто Ғарб тилшунослигига кириб борган¹ даражаланиш (градуонимия) категорияси ва даражали муносабатнинг лисоний тизимда-

¹ http://go.mail.ru/search?mail_ru=1&drch=e&mg=1&q=Graduonymie&rch=e

ги ўрнини ўрганиш ғояси ўз объектив, социал ва мустаҳкам методологик асосларига эга.

Даражали муносабатнинг объектив асосини диалектиканинг реал борлиқда мавжуд миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтиши қонуни ташкил этади. Градуонимик қонуният талқини шаклланишининг ижтимоий асоси ўзбек субстанциал тилшунослигида диалектик таҳлил методологиясининг асосий таҳлил усули қилиб олинганлиги ва унинг илмий соҳалардан таълимга ўтиб борганлиги, ижтимоий эътироф этилганлиги билан белгиланади. Қонуният талқинининг методологик асосларини эса тилшуносликнинг бу йўналиши ҳар бир тадқиқотчидан лингвистик таҳлил жараёнида диалектик талқин тамойилларига онгли ва изчил риоя қилишни, ҳар бир ҳодисада миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтиш қонунияти воқеаланишини топиш ва кўрсатишни талаб қилиши билан узвий боғлиқ.

Даражаланиш қонунияти талқини ғояси ўзбек тилшунослигида тасодифий эмас, тилшунослик тарихида бунга асослар мавжуд. Масалан, туркий ўзакларнинг қаттиқ, ўртача ва юмшоқлиги, қўшимчадаги унли ва ундошнинг уларга мослашиши натижасида оралик товушнинг вужудга келиши фанда Кошғарий даврига бориб тақалади. Лексик ва грамматик сатх бирликлари орасидаги привативлик қонуниятлари А.В. Барсовнинг “Филологические записки” журналининг 1880 йил 3-сонида эълон қилинган “Келишикларнинг маънолари ва уларнинг бир-бири билан алоқадорлиги” (Значение и зависимость падежей и их соотношение между собой), Р. Якобсоннинг Прага лингвистик тўғараги илмий ишларининг 1936 йилдаги 6-сонида босилган “Келишиклар ҳақида умумий таълимот хусусида маъруза” асари, мақоаларида айни даражаланишга доир фикрлар берилган эди.

Градуал ёндашув ғояси ўзбек субстанциал тилшунослигида шаклланганлиги, юқорида айтилганидек, субстанциал лингвистика ўз илдизи бўлган Прага структурализми

тенденциялари асосида ривожланганлиги ҳамда диалектика тамойилларига қатъий амал қилганлиги билан боғлиқ. Структурализмнинг бошқа йўналишлари диалектикадан узилганлиги сабабли бу қонуният инкишофига мушарраф бўла олмади¹.

Тадқиқотчи Н.Воҳидованинг ўзбек субстанциал тилшунослигининг таянч тушунчаларидан бўлган градуонимия ва градуонимик муносабатлар асосида немис тилида лексик-семантик муносабаг турларини қайта кўриб чиққанлиги, олиманинг бу дадил қадами немис олимлари томонидан ижобий баҳоланганлиги, ўзбек тилшунослигида ишлаб чиқилган градуонимия илмий тушунчаси Европа тилшунослари томонидан қабул қилиниши учун градуонимик муносабатларнинг синонимик ва гипонимик алоқалардан фарклари корпус таҳлил ва компьютер лингвистикаси тадқиқ методлари билан синалди ва исботланди².

Кўринадики, ўзбек тилидаги синонимияни тадқиқ қилишнинг градуонимик методологияси узоқ тарихий тараққиёт, мустаҳкам назарий асосларга эга.

¹ Неъматов Х.Ғ. Градуал тилшунослик ҳақида // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. V. Масъул муҳаррир: Дадабоев Х. // - Тошкент: Академиянапр. 2010. – Б. 31–35.

² <http://go.mail.ru/search?mailru=1&drch=e&mg=1&q=Graduonymie&rch=e>

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛЕКСИК СИНОНИМИЯ МУАММОЛАРИ

1. Ўзбек тили лексик синонимларининг лингвопрагматик хусусиятлари

Ўзбек тилшунослиги замонавий фан сифатида ўзининг формал ва субстанциал ўрганиш босқичларини босиб ўтиб, янги — антропоцентризм босқичига қадам қўймоқда. Шунинг учун лексик синонимлар талқинини ушбу парадигмага асосланган ҳолда тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ, сабаби ҳар бир даврда талқин ва тавсифлар замон талаби сабабли ўзига хос аҳамият ва характер касб этади.

Ҳозирги даврда туркий тиллар семасиологияси, жумладан, ўзбек семасиологиясининг долзарб муаммоларини тадқиқ этишга қизиқиш кучайиб бормоқда. Сўз таҳлил қилинганда, унинг мазмун тузилиши, ифода қўлами, қўлланиш частотаси, семантик компонентларининг ўзаро таъсири ва боғлиқлиги муҳим саналади. Туркийшунослик ва ўзбек тилшунослигида сўз лексик-семантик структурасининг унинг контекстдаги лексик қуршовига, шунингдек, маъно кирралари фаоллашуви ҳолатига боғлиқлиги нутқда доимий ва зарурий бўлишини тадқиқ этиш масаланинг ўзбек тилшунослиги ва туркийшуносликда етарли ўрганилмаганлиги билан боғлиқ.

Ўзбек тилшунослигида лисоний ва нуткий ҳодисаларни назарий ва амалий ўрганиш, лисоний структур муносабатларни аниқлаш вазифаларининг тўла маънода бажарилиши тилни жонли воқеланишда тадқиқ қилувчи турли янги лингвистик парадигмалар шаклланишига замин ҳозирлади.

Ана шундай йўналишлардан бири прагмалингвистика ёки лингвопрагматика саналади. Ўзбек тилшунослиги та-

раққиётининг сўнгги йилларида лингвопрагматик тадқиқотларга кенг йўл очилди. Бунинг натижасида нутқ иштирокчиларининг тил бирликлари, тил кўникмалари ҳамда нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, нуткий вазият, контекст билан боғлиқ хусусиятлари юзасидан қимматли назарий қарашлар юзага келди. Ушбу соҳада юзага келган айрим тадқиқот ишларини эътиборга олмаганда, бу йўналишда хали илмий изоҳини топмаган муаммолар талайгина. Тилшунос олим Ш.Сафаров қайд этганидек, «... прагмалингвистика ҳамон «навқиронлик» даврида. Навқиронлик эса – истиқболли режаларга тўлиқликдир, ҳозирча ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан тап тортмасликдир. Дарҳақиқат, баркамоликка интилаётган прагматика фани лисоннинг инсон, жамият хизматида бўлишидаги вазифасининг қандай амалга оширилиши борасида изланишларни давом эттиришга мажбур»¹. Аммо «кейинги йилларда «прагматика» атамасини қўлламайдиган тилшунос қарийб қолмади, десак муболаға бўлмайди. Натижада ўзига хос прагматик «фетишизм» пайдо бўлиб, бажарилган тадқиқотларда атаманинг қўлланишидан ташқари унинг мазмунига оид бирон-бир маълумотни топиш қийинлашиб бормоқда».² Айниқса, лингвопрагматиканинг тилшунослик ва прагматикага алоқаси масаласини, уларнинг ўрганиш объектини ойдинлаштириш зарурати кучаймоқда.

Прагматика сўзи грекча *pragma, pragmatos* сўзларидан олинган бўлиб, «иш», «ҳаракат» этимологик маъноларига эга бўлиб, атама Сукротдан олдинги даврларда ҳам қўлланишда бўлган ва кейинчалик уни Ж.Локк, Э.Кант каби файласуфлар Аристотелдан ўзлаштирганлар.³ Фанда прагматика илмий оқим сифатида XIX асрнинг 70-йилларида АҚШда шаклланган бўлиб, асосий тамал тошлари Ч.Пирс томони-

¹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б. 6.

² Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б.53.

³ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б. 37.

дан қўйилган. Ч.Пирс ғоялари эса унинг салафлари бўлмиш У.Жемс, Ж.Дьюи, Ф.К.Шиллер, Ж.Г.Мид, Ч.И.Моррис каби ўз даврининг етакчи назарийчи прагматиклари томонидан ривожлантирилган.

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»да прагматика тушунчасига олимларимиз А.Мадвалиев, Й.Солижоновлар қуйидагича тавсиф беради: «Прагматика инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида камраб олувчи нутқ жараёни, муайян алоқа вазияти орқали намоён бўлади. Лингвистик прагматика аниқ шакл, ташқи кўринишга эга эмас; унинг доирасига сўзловчи субъект, адресат, уларнинг алоқа-аралашувидаги ўзаро муносабатлари, алоқа-аралашув вазияти билан боғлиқ кўплаб масалалар кирази».¹ Прагматикада бевосита нутқ билан боғлиқ қатор кўп тармоқли ҳодисалар ҳам диққат марказида бўлади: «Баённинг ошкора ва яширин мақсадлари (бирон-бир ахборот ёки фикрни етказиш, сўроқ, буйруқ, илтимос, маслаҳат, ваъда бериш, узр сўраш, табриклаш, шикоят ва б.); нутқ тактикаси ҳамда нутқ одоби турлари; суҳбат, сўзлашиш қоидалари; сўзловчининг мақсади; сўзловчи томонидан адресатнинг умумий билим жамғармаси, дунёқараши, қизиқишлари ва б. хислатларига баҳо берилиши; сўзловчининг ўзи баён қилаётган хабарга муносабати кабилар.

Илк бор ўзбек тилшунослигида М.Ҳакимов лингвистик прагматикага оид назарий масалаларни монографик аспектда тадқиқ этган². Ишда лингвистик прагматиканинг тарихий илдизлари, унинг умумназарий масалалари, прагматиканинг тилшуносликнинг унга ёндош бўлган бошқа йўналишлари билан муносабати, лингвистик прагматика билан ўзбек тили сатҳлари орасидаги ўзаро алоқа ҳақида баҳс юритилган³.

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. — Тошкент: ЎзМЭ, 2004. — Б. 164.

² Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри.... дисс. — Т., 2001. — 283 б.

³ Ҳакимов М. Келтирилган диссертация. — Б 6.

Прагматика тилшуносликнинг янги амалий тармоғи сифатида тилнинг нутқий жараён, нутқий вазият, нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният билан алоқадор муаммоларини ўрганувчи¹ соҳаси сифатида ривожланмоқда.

Прагматика инсоннинг коммуникатив фаолияти, унинг маҳсули бўлган мулоқот жараёни ва мулоқот вазияти асосида юзага чиқади. Прагматика объекти аниқ форма ва кифодан холи, уни адресант ва адресат табиати ҳамда уларнинг мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабатини коммуникатив вазият билан боғлайдиган муаммолар мажмуи ташкил қилади. Масалан, адресант табиати билан боғлиқ бўлган ҳамда мулоқот сифати ва самарасини белгилайдиган коммуникатив интенция; мулоқот стратегияси ҳамда тактикаси; мулозамат ва мулоқот одоби; коммуникантларнинг лисоний компетенцияси, қарашлари, қизиқишлари, макон ва замон кабилар мулоқот вазиятининг таркибий узвлари саналади. Улар асосида синоним бирликлардан бирининг танланиши эътиборга олинади. Бунинг учун эса синонимларнинг семик компонентлари, синтактик имкониятлари, функционал қиймати, муқобиллик даражаси ўрганилади. Масалан, бадий нутқда, аниқроғи, халқ дostonларида бу хусусият яққол кўзга ташланади. “Энг юқори лавозим, олий мансаб” семемасига эга *хоқон, подшо, султон, хон* каби синонимлар халқ дostonлари лексикасида фаол қўлланиб, мазкур сўзларнинг қайси тилга мансублиги билан бирга, семик компонентлари, синтактик имкониятлари, функционал қиймати, муқобиллик даражасини изоҳлашга, мисоллар билан далиллашга ҳаракат қиламиз.

Хоқон: қадимги туркий тилда *қаган* тарзида талаффуз қилинган ушбу сўз «йирик давлатнинг мутлақ ҳукмдори», “улуғ хон”, “шаҳаншоҳ”² маъносини ифодалаган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “қадимги туркий халқлар ва мўғуллар ҳукуматида йирик давлат бошлиқларининг энг олий

¹ Ҳакимов М. Келтирилган диссертация. – Т., 2001. – Б. 14.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий тиллар). – Т.: Университет, 2002. – Б. 402.

унвони ва шу унвонни олган шахс” (ЎТИЛ, IV, 417) маъносини ифодалаши келтирилган. Масалан: Мана, бир-икки йил бўлди, олис Ҳиротдан Ҳокони Саид аталмиш Шохрух Мирзо вафоти тўғрисида машъум хабар келганидан буён, Мовароуннахр ва Хуросон осмонидан қора булутлар аримай қолди (О.Ёқубов.Улуғбек хазинаси). Халқ достонлари тилида бу лексеманинг қўлланмаганлигини кўриш мумкин.

Под(и)шоҳ // подшо: туркий тилга форсчадан ўзлашган под(и)шоҳ¹ лексемаси «Баъзи Шарк мамлакатларида: мутлоқ ҳокимлик қилувчи ҳукмрон унвони ва шундай номга эга бўлган шахс, шоҳ» (ЎТИЛ, III, 282) маъносини ифодалайди. Пошшо (аслида подшоҳ) «Усмонли турк империясида фуқаро ва ҳарбий амалдорларга берилган фахрий унвон» маъносини ҳам ифодалаган². Халқ достонлари тилида бу лексема подшоҳ // пошшо // подшо каби вариантларда эскирган сўзларнинг энг фаол намунаси сифатида қўлланилган: Замонида Хоруни Рашид деган подшо бор эди (“Лайли ва Мажнун” достонидан); Замоннинг замонида Ҳурум шаҳрида Хисрав отлиқ бир подшоҳ бор эди (“Баҳром ва Гуландом” достонидан); Шакарбек туриб айтди: «Отам пошшо бўлган билан бизлар етти ёшга кирганча ўқиб юриб эдик (“Ширин ва Шакар” достонидан) каби.

Хон, султон: «туркий ва мўғул халқлари унвони» маъносидаги *хон* (ЎТИЛ, IV, 410) лексемаси халқ достонлари матнида юқори унвонли ва мансабдор, муайян эпик макон (юрт)нинг ҳукмдори сифатида тасвирланган: «*Султонхон чақирди*» деб ҳаммаси йиғилиб, *хоннинг хизматида бўлиб турди* (“Равшанхон” достонидан); *Мен биламан: сен Богдоднинг хонисан, / Ҳасан сўрди: сен жавоб берасан* (Зевархон). Арабча ўзлашма султон лексемаси «олий ҳукмдор, подшо» (ЎТИЛ, II, 584) маъносида халқ достонлари тилида *хон* сўзи ўрнида унинг синоними сифатида қўлланилган, муайян эпик юртнинг ҳукмдори маъносини ифодалаган.

¹ Бу ҳақда қаранг: Древнетюркский словарь. – Л., 1969. – С. 396.

² Словарь иностранных слов. – Москва: Русский язык, 1988. – С. 33.

Масалан: *Сиз – бизнинг хонимиз Баҳром, / Қаҳрамон жонимиз Баҳром, / Элга султонимиз Баҳром, / Бизга меҳрибондир Баҳром* (“Баҳром ва Гуландом” достонидан) каби.

Келтирилган синоним лексемалардан англашиладики, Шарқ мамлакатларининг ҳукмдорлари баъзан *хоқон*, баъзан *султон*, баъзан *бек*, айрим ҳолларда *шоҳ*, кўпчилик ўринларда *подшо*, *хон* лексемалари билан “мамлакатларнинг ягона бошлиғи, саркардаси, ҳукмдори, юртбошиси” маъносида қўлланган. Бундай лексемаларнинг қўлланилиш частотасида *подшо*, *хон* сўзларининг қўлланиш даражаси юқорилигини, ҳукмдорлар унвонлари сифатидаги *бек* ва *султон* сўзлари нисбатан паст, *хоқон* сўзи эса эса анча паст даражада қўлланилганлиги кузатилади.

Тилшунос олим М.Миртожиев ўзининг “Тилнинг софлиги қандай аниқланади?” деб номланган мақоласида куйидаги синонимик жуфтликлардан «врач» ва «шифокор» сўзини «эмчи» сўзига алмаштириш имконияти мавжудлиги ва мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр билдиради. Бундай алмаштиришнинг сабабларини олим «врач» сўзининг ўзбек тилига рус тилидан (ёки рус тили орқали бошқа Европа тилларидан), “шифокор” сўзининг тожик тилидан эканлигида кўради¹. Ваҳоланки, *шифокор* сўзидаги *шифо* сўзи араб тилидан, *-кор* аффикси форс тилидан қабул қилинган бўлсада, *шифокор* сўзи нутқий эҳтиёжга кўра ўзбек адабий тилининг ички имкониятлари асосида ясалган ва биринчи марта ўзбек нутқида қўлланилиб илк маротаба ўзбекча луғатларда акс этган. Эм сўзи соф туркий сўз бўлиб, қадимги туркий тил даврида “шифобахш ўсимлик маъносини англатган, кейинчалик шу маънодан “даво” маъноси ўсиб чиққан². -чи шахс оти ясовчи қўшимчаси қўшилиши натижасида эмчи, яъни *даволовчи* касб-хунари оти ясалган.

¹ Миртожиев М. Тил софлиги қандай белгиланади? // Ёш левинчи. – Т., 1991, 12 январь. – Б. 4.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий тиллар). – Т.: Университет, 2002. – Б. 463.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ)»да *шифокор* сўзи шундай изоҳланган: 1. «Умуман, касалликдан халос қилувчи; даволовчи. *Шифокорлар* қадимги даврлардаёқ заҳарли моддаларнинг инсон сихат-саломатлиги учун нафи борлигини эътироф этганлар. 3. Эгамбердиев, Заҳарнинг нафи. Қишлоқ врачлари ҳам *шифокор*, ҳам маърифатчи бўлмоғи зарур. Газетадан. 2. Тиббиёт институтини битирган ва даволаш-профилактика ҳамда санитария-эпидемиология муассасаларида ишлаган ҳуқуқига эга бўлган мутахассис; врач, дўхтир. ...Иш куни охирида *шифокорлар*, ҳамширалар, санитарлар кетиб, навбатчилар келишади. Газетадан.» (ЎТИЛ, IV, 582).

Ушбу сўз русча-байналмилал синонимлардан фарқли равишда ўз семантик структурасида асосий денотатив маъносидан ташқари эмоционал бўёқдорликка, денотативнинг маълум ижобий сифатлари ва белгиларини атовчи коннотатив маъно компонентларига эга, шу сабабли мазкур сўз нафақат денотатни (“врач”, “доктор”) англатиши, балки унинг маълум ижобий сифатларини ҳам билдиради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да келтирилган *Қишлоқ врачлари ҳам шифокор, ҳам маърифатчи бўлмоғи зарур* мисоли таҳлилидан кўринадики, *шифокор* — бу оддий врач эмас, балки ижобий маънодаги “соф виждонли врач”, у нафақат “тиббиёт соҳаси мутахассиси, беморларни даволовчи”, балки “тиббиёт билимдони, инсонларни хасталиклар, касалликлардан халос этувчи, дардига малҳам бўлувчи”дир: *Кўзимга қайта нур то этган бу шифокорларни нурдай абадий яшасин, дея алқайман* (Газетадан). *Шифокор* сўзи ўзининг русча-байналмилал эквивалентларидан функционал-стилистик хусусиятларига кўра фарқ қилади ва асосан публицистик услубда фаол қўлланиши билан характерланади. Сўзнинг эмотив-баҳоловчи коннотатив маънолари фаоллашуви асосан қуйидаги ҳолларда, *шифокор* сўзининг *виждон*, *бурч* каби сўзлар билан бирикишида, унинг айнан ўша контекстда ўзининг эмотив баҳо ифодаламайдиган синонимларига (врач, медицина ходими) нейтрал ҳолати-

да яққол кўзга ташланади. Бунда *шифокор* сўзининг лексик маъносини коннотатив аспектда билиш “сўз бирикмалари қонунларига амал қилиш”¹ни тақозо қилувчи ифоданинг тўғри тапшиқлашини учун муҳимдир. Масалан, куйида келтирилган контекстда *врач* сўзини *шифокор* сўзига алмаштириб бўлмайди, бундай алмаштириш мантиқсизлик бўлар эди, чунки *шифокор* (“одамларни даволовчи”, “касалликдан, дарддан халос қилувчи”) сўзи «қасамини бузган *врач*» ёки виждонсиз *медицина ходими* («виждонига хилоф иш тутган») мазмунинда қўллана олмайди, аксинча, семантикасига зид бўлмаган сўзлар қуршовида келади, масалан, юқорида келтирилган мисолда “виждони пок *шифокорлар*” маъносида келган ва бу каби лексик қуршов *шифокор* сўзи учун хос. Аслида, лексема маъновий жиҳатдан ўзига мос бўлмаган бирикувчанлик хусусиятига эга эмас, акс ҳолда лексик бирликлар билан маъновий мувофиқлик бузилади, масалан: *Қасамини бузган врач, виждонига хилоф иш тутган медицина ходими эл ишончидан маҳрум бўлади, бундайларни янгича ҳаёт тўлқинлари чеккага суриб ташлайди. Шунда муҳит соғломлашади, виждони пок шифокорларнинг обрў-эътибори янада ошади.* (Газетадан). Мазкур контекстда, аниқроғи, бу сингари жумлаларда, (ваҳоланки, бундай нутқий қурилмалар оз эмас ва уларни эмоционал-ижобий бўёқдорлигига мос келувчи лексик бирликлар билан комбинацияда типиклаштириш мумкин) *шифокор* сўзи лексик сатҳда *врач, медицина ходими* лексемалари билан синонимик муносабатда бўлса-да, контекстда маъновий томони сўзга қандай лексема билан бирика олиш меъёри, чегарасини кўрсатади, бундай ўринларда маъновий мос эмаслик юзага келади.

Объектив оламдаги воқеа, ҳодиса ва предмет ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш ва уни қайта акс эттириш даражаси сўзловчининг олам ҳақидаги билимлари билан узвий боғланади. Сўзловчининг ўз фикрини аниқ, лўнда ва

¹ Гак В.Г. К проблеме семантической синтагматики // Проблемы структурной лингвистики 1971. – М.: Наука, 1972. – С. 373.

тўғри ифодалашни учун унинг олам ҳақидаги билимлари ва, албатта, лексик захираси мукаммал бўлиши лозим. Сўзловчининг нутқи, маъно ва шунга мос тарзда сўз танлай билиш маҳорати унинг ўзлиги ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Синонимик қаторни ташкил этувчи икки ёки ундан ортиқ сўз лексик маъносидаги ифода ҳажмига, коннотатив семасига, прагматик семасига ва функционал қўлланишига кўра ўзаро фарқланади. Масалан, “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”да *буюм, нарса, мол, мато(ҳ)* синонимларининг “тирикчилик – рўзгорда керакли (қўлланадиган) предмет” бирлаштирувчи семасига эгаллиги айtilган¹. Мазкур синонимик қатор прагматик семасига кўра ўзаро фарқланади. Синонимик қаторни таҳлил қилганимизда, ушбу синонимлар қаторидаги лексемаларнинг эмоционаллик белгисига кўра ўзаро фарқланишини кузатишимиз мумкин. Мазкур синонимик қатордаги умумнутққа хос *нарс*а лексемасида юқорида келтирилган маънонинг эмоционаллик белгиси мавжуд эмас, бироқ қўлланиш частотаси юқори, масалан, *рўзгорга керакли нарсалар/буюмлар олинди, тирикчилик учун ҳеч нарсам йўқ* каби. *Буюм* лексемасида ижобий муносабат, китобий нутққа хослик, қўлланиш частотасининг нисбатан чегараланганлиги кўзга ташланади: *Рўзгор учун зарур буюмлар/нарсалар олинди // Рўзгорбоп буюмлар/нарсалар/моллар сотиб олиш зарур* каби. *Мол* лексемаси юқоридаги икки сўздан фарқли ўлароқ, “бирор мақсад учун тўпланган, асраб қўйилган буюм...”² фарқловчи семасига эга. Мустақиллик йилларида *мол* сўзининг қўлланиш частотаси кенгайди, масалан: *Дўконга турли моллар / нарсалар / буюмлар келтирилди, Рўзгор моллари / буюмлари / нарсалари олинди* каби. Муайян матнларда *мат*о(ҳ) лексемаси маъносидаги салбий коннотация, масалан: *Йўлдошев... ўзи келтирган матоҳларини тез-тез папкасига солиб, қа-*

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1974. – Б.71.

² Ҳожиёв А. Келтирилган манба. – Б.71.

бинетдан тепилган коптокдек отилиб чиқди. (А.Мухитдин. Хира.) Қиёсланг: Ушбу гаптаги *матоҳ* сўзи синонимлари билан алмаштирилганда, масалан, *Йўлдошев... ўзи келтирган нарсаларини (ёки буюмларини) тез-тез напқасига солиб, кабинетдан тепилган коптокдек отилиб чиқди* тарзида қўлланганда ушбу синонимик қатордаги лексемаларнинг прагматик семасига кўра фарқланиши яққол кўзга ташланади. *Матоҳ* лексемаси салбийлик коннотациясининг кучлилиги билан *мато* шаклидаги эквивалентидан ҳам фарқланади. Тадқиқотчи Р. Юсубова синоним... сўзларнинг маъно оттенкалари, стилистик хосланиши, маъновий бўёқдорлик даражасига кўра ўзаро фарқланиши уларнинг контекстда лексик бирлик сифатида ортиқча қўлланишига имконият яратишини лексик ортиқчалик сифатида баҳолайди¹.

Тилшунос олимлар Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар семема таркибий қисмларини аташ, ифода ҳамда вазифа семаларига ажратадилар (Бу ўринда олимлар денотатив, коннотатив ҳамда релятив сема терминларини юқоридаги тарзда ўзбекча номлаганлар)². Олимларнинг таъкидлашларича, аташ (денотатив) семалари объектив оламдаги нарса, буюм, белги-хусусият, миқдор кабиларни номлайди ва киши хотирасидаги тушунчалар билан семалар алоқасини белгилайди³, аташ семаси семеманинг бевосита денотатни ифода этувчи узви⁴ сифатида тушунчага тенг келади. Сўз контекстда ўзининг функционал қўлланиш ўрнини ўзгартириши билан денотатив семаси ўрнида сўзловчининг конкрет муносабатини баён қилувчи коннотатив семаси биринчи даражали

¹ Юсубова Р. Ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний тежамлилиқ ва ортиқчалик. (А.Орипов лирикаси мисолида): Филол.фанлари номз....дисс.автореф. – Тошкент, 2011. – Б.14.

² Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.58

³ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Келтирилган манба. – Б.58.

⁴ Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Тошкент: Университет, 2000. – Б.8.

мавқени эгаллайди, натижада прагматик таҳлилга эҳтиёж сезилади, коннотатив сема, яъни ифода семаси айни прагматика учун тадқиқот объекти бўлади.

Баъзи ўринларда ҳагто синонимик қатордаги ҳеч бир сўзнинг коннотатив семаси сўзловчига зарур бўлган маънони ифодалаб бера олмаслиги мумкин, шундай ўринларда синонимик қаторга мансуб бўлмаган иккинчи бир синонимик қаторга мансуб сўзнинг нутқдагина реаллашувчи коннотатив семасидан фойдаланилади. Масалан, “иш-ҳаракатни нормал бажариш, уддалаш қобилияти йўқ, эпчилнинг акси” семемасига эга *лапашанг*, *лаванд(лаванг)*, *эпашанг*, *бўшанг*, *ландавур*, *ношуд*, *сўтак*, *бўш-баёв*, *латта*¹ синонимик қаторидаги доминант сўзга (*лапашанг*) қиёсан олинганда, “иш-ҳаракатни уддалаш қобилияти йўқ” салбийлик оттенкаси *лапашанг* → *бўш-баёв* → *бўшанг* → *ландавур* → *лаванд/эпашанг* → *ношуд* → *сўтак* → *латта* тарзида градуонимия ҳолатида жойлашади. Ушбу синонимик қатор сўзларидаги яхлит тушунча – денотат билан *латта* лексемасидаги тушунча (денотат) ҳар хил. Бу ўринда *латта* лексемаси денотатив семасига кўра эмас, балки коннотатив семасига кўра ушбу синонимик қаторда бирлаша олади. Чунки *латта* лексемасининг семемасида «мато парчаси», «газламадан тикилган нарса» денотатив семалари мавжуд ва, шу билан бирга, кенг маъновий қўлланишга эга «салбий муносабат» коннотатив семаси ҳам мавжуд. Масалан:

Манзура эрига шошилиб қараб олди-ю, бошини эгди.

– *Қандай сўрайман.*

– *Мен сўрайми бўлмаса!*

– *Вой, адаси...*

– *Ҳа, латта!* (Т.Малик, Шайтанат).

Келтирилган мисолда денотатив сема хиралашиб, коннотатив сема салбий муносабатни ифодалаш мақсадида асосий ўринга чиқиб олган, “бирор бир иш-ҳаракатни уд-

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б.133.

далаш қобилияти йўқ” семасини *лапашанг*, *лаванд*(*лаванг*), *эпашанг*, *бўшанг*, *ландавур*, *ношуд*, *сўтак*, *бўш-баёв* сўзлари *латта* сўзидаги каби эмоционал тарзда реаллаштира олмайди, чунки ушбу сўз орқали услубий бўёқ билан бир қаторда, сўзловчининг шахсий муносабати ҳам баён қилинган. Демак, таркибида ҳам денотатив, ҳам коннотатив семалар мавжуд бўлган семемаларда контекстга қараб семаларнинг мавқеи ўзгаради: коннотатив сема ёрқинлашганда, денотатив сема хиралашиши мумкин.

Ёки *тўнка* лексемаси онгимизда “кесилган ёки синиб тушган дарахтнинг ердан учи чиқиб турган, илдизлари билан бирга ер остидаги қисми” семемаси билан тайёр ҳолатда туради, масалан: — *Кўрдингми бу тўнкаларни? -Йўлчига қараб гаширди у. — Бу ер чакалак эди. Ўтган йил ҳаммасини кесиб олдик.* (Ойбек, Қутлуғ қон). Келтирилган мисолда сўзнинг денотатив семаси юзага чиққан. Лексема кенг маъноли бўлиб, сўзловчи нутқда сўзнинг янги ва янги маъно кирраларини юзага чиқариб, семантик имкониятини кашф этади — бойитади. *Тўнка* лексемасининг нутқда “салбий муносабат” коннотатив семаси воситасида воқеланиш имкониятлари кенг. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да лексеманинг “қадди-басти, шунингдек, муомаласи кўпол шахс”¹ коннотациясини ифодалаши келтирилган.

Ушбу сўзда кишининг тапқи кўринишини англатувчи салбий коннотация ҳам мавжуд, масалан:

Каравотда узала тушиб ётган гўштдор одамни туртди:

— *Тур ўрнингдан, тўнка! — деб бақирди.* (Т.Малик, Шайтанат).

Бу мисолда “*семиз*” маъноси билан намоён бўлувчи коннотатив сема биринчи даражали мавқега эга, маънонинг реаллашувида контекстда келтирилган бошқа лексемаларнинг ҳам ўрни борлиги аён, масалан, юқорида келтирилган матндаги *гўштдор* лексемаси *тўнка* сўзи орқали *семиз*

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. 4-жилд. —Т.: Ўз МЭ, 2008. —Б.239.

одамга ишора қилинаётганлигини кўрсатиб турибди. Тил соҳиблари онгида ўзига хос меъёрдек мустаҳкам ўрнашиб олган бу каби сўзлар, аниқроғи, меъёрига нисбатан етишмовчилиги ёки ортикчалиги билан ажралиб турадиган хатти-ҳаракат ёки хусусиятларни ифодалайдиган сўзлар, кузатганимиздек, субъектив баҳога эга бўлади.

Баҳоловчи хусусиятга эга бўлган *тўнка* сўзи “уддалаш қобилияти йўқ” коннотациясига эгаллигига кўра *лапашанг* сўзи билан ҳам синонимликни юзага келтиради ва синоним қатор лексемаларидан фарқли ўлароқ, юқори салбий баҳо ифодалайди, масалан:

– *Анави тўнкани нима қиламиз?* – деди Асадбек, жаҳлдан тушиб.

Гап вино заводи бошлиғи Қилич Сулаймонов хусусида эди. (Т.Малик, Шайтанат).

Тўнка лексемасининг юқорида таҳлил қилинган ушбу коннотатив семалари семема таркибида янги маъно бирликлари сифатида ажратилган бўлиб, прагматик максаднинг фундаментал асоси ҳисобланади. Коннотатив сема семема таркибида воқеликка бўлган субъектив муносабат, эмоционал-экспрессивлик, услубий бўёқ билан прагматик майдонда намоён бўлади – фаоллашади.

Лексик бирликнинг маъноси унинг қандай нутқий матнда қўлланишига ҳам боғлиқ. Масалан, “эшитиш, кўриш, тушуниш жиҳатдан яхши, тўла ифодали” семемасига эга *аниқ, очиқ, яққол, равшан, ёрқин, ойдин, аён* синонимик қаторидаги ҳар бир лексема ўзига хос нутқий қўлланишга эга. *Аниқ* лексемаси «эшитиш, тушуниш ва кўриш жиҳатидан яхши» маъносини ифодалаш учун, *очиқ* лексемаси «тушуниш жиҳатдан яхши» маъносини ифодалаш учун, *яққол* лексемаси «кўпроқ кўриш ва эшитиш жиҳатидан бўлган белгига нисбатан», *равшан* лексемаси «белги даражаси кучли ва у ифоданинг эшитиш, кўриш ва тушуниш жиҳатдан тўла»лигини ифодалаш учун (лекин бу сўз нисбатан кам қўлланилади), *ёрқин* лексемаси «ёзма нутққа хос бўлиб, кўриниш

ва тушуниш белгисига нисбатан», *ойдин* лексемаси «ифоданинг тушуниш жиҳатдан яхши эканлигини, кучлироқ оттенка билан ифодалаш учун» қўлланилади¹. Эътибор берилса, синонимик қатор лексемалари маъно нозиклиги нуқтаи назаридан, услуб нуқтаи назаридан, бирикувчанлик нуқтаи назаридан фарқланади: *аниқ гапирмоқ, очик гапирмоқ, яққол гапирмоқ, равшан гапирмоқ, ёрқин гапирмоқ, ойдин гапирмоқ, аён гапирмоқ* жумлаларидан нутқда 1-, 2-, 4-бирикмалар фаол қўллана олади, қолганларида услубий ғализлик мавжуд. Бунга синонимик қатор лексемаларининг маъно хусусиятларидаги ўзига хослик, уларнинг валентлик имкониятлари йўл қўймайди. Масалан:

1. *Сотиболди хўжайинининг олдига арзга борди, аммо бу боришдан муддаоси нима эканини аниқ билмас эди.* (А.Қаҳҳор, Бемор). *Аниқ* лексемаси ўрнида *очик, яққол* вариантларини қўллаш мумкин, бироқ *равшан, ёрқин, ойдин, аён* вариантларини қўллаб бўлмайди.

2. *Шундақа гапларни очик гаптиришадими-а?* (А.Қаҳҳор, Майиз емаган хотин). Мисолдаги *очик* лексемаси ўрнида *аниқ, яққол* вариантларини қўллаш мумкин, бироқ *равшан, ёрқин, ойдин, аён* вариантларини қўллаб бўлмайди.

3. *Иттифоқо, бу кун, нима бўлди-ю, уч сўзни равшанроқ айтди.* (А.Қаҳҳор, Анор). Мисолдаги *равшан* лексемаси ўрнида *аниқ, очик, яққол, ёрқин* вариантларини қўллаш мумкин, бироқ *ойдин, аён* вариантларини қўллаб бўлмайди.

4. *Кимлигингиз кафтимнинг чизигидек аён.* (А.Қаҳҳор, Сароб). Мисолдаги *аён* лексемаси ўрнида *аниқ, равшан, вариантларини қўллаш мумкин, бироқ, ойдин, очик, яққол, ёрқин* вариантларини қўллаб бўлмайди.

Юқорида келтирилган барча мисолларда *очик* ва *ойдин* сўзларини жуфтлашган ҳолда қўллаш мумкин бўлади, яъни *очик-ойдин* тарзида, бу тарзда қўлланганда маъно кучлироқ таъкид олади.

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1974. – Б. 30.

Борлиқнинг икки шахс томонидан бир хилда идрок этилмаслиги синонимлардан мувофиғини танлашда яққол намоён бўлади, чунки инсонлар туғилиб ўсган, шахс сифатида камол топган ижтимоий-маданий муҳит турли хил, улар ана шу муҳитдаги шароитларга мос ҳолда турлича тарбия кўрадилар, улғаядилар. Шундай экан, турли инсонларнинг воқелик ҳақидаги билими коммуникатив жараёнда ҳам субъектив жиҳатдан фарқ қилади, натижада кишиларнинг сўз танлаш ва қўллаш имкониятлари индивидуаллашади.

2. Ўзбек тилида лексик ўзлашмалар ва уларнинг ўзбекча синонимлари

Тил-ижтимоий ҳодиса ва замон билан ҳамнафас тараққий топиб боради. Янгиланиш жараёнлари, энг аввало, тилнинг луғат таркибида акс этади. Зотан, фан ва технологиянинг ривожланиши ҳар бир тилга янги-янги тушунчаларни олиб киради, негаки техника тараққиёти натижасида яратилган кашфиётлар қайси мамлакатга кириб бормасин, шу тилда ўз номини ҳам оммалаштиради. Шунга кўра, ўзбек адабий тилининг тарихий тараққиёт даврига назар ташланса, қадим туркий тилдаги кўплаб сўзлар ва боболаримиз номлари бошқа тилларга ўзлашгани каби ўзга халқлар тилларидан ҳам бир қанча сўз ва сўз шаклларининг луғатимиздан муқим жой олгани табиий.

Ўзлашма сўзлар сўзни ўзлаштирган тилнинг қонун-қоидаларига мослашади, шу тилга сингиб кетади. Акс ҳолда, у тўлиқ ўзлашмаган ҳисобланиб, шу тилнинг луғатида “бегона”лиги, “ўзга”лиги сезилиб туради. Ўзбек тили луғат таркибидаги ўзлашма сўзлар сўзлашув тили орқали ҳам, адабий тил орқали ҳам ўзлашган бўлиши мумкин. Тилнинг тарихий тараққиёти натижасида сўзларнинг муайян қисми ўз ўрнини бошқа янги сўзларга бўшатиб беради, яъни архаик ёки тарихий сўзга айланади. Тилдаги бу ҳолатнинг – ўзлашма сўзлар кириб келишининг ижобий ва салбий томонлари ҳам бор, албатта. Ижобий жиҳати тил луғат таркибининг

бойиши бўлса, салбий жиҳати асл туркий сўзларнинг истеъ-молдан чиқиб кетишидир. Кўринадики, халқлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий алоқалар тилга тур-лича таъсир қилар экан.

Азал-азалдан ўзбек халқининг жонкуяр намоёндалари тил, жумладан, она тили масаласига алоҳида эътибор билан қараганлар. Алишер Навоийнинг туркий тилнинг ифода им-кониятлари бойлигини кўрсатиб бериш мақсадида олиб бор-ган саъй-ҳаракатлари, хусусан, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини яратгани ёрқин далилдир. Агар XV асрда Алишер Навоий туркий тилнинг ифода имкониятлари бениҳоя кенг-лигини ўз ижоди орқали кўрсатиб бера олган бўлса, бу тил-нинг қонуний муҳофазаси фақат XX асрнинг охирида, яъни юртимиз ўз миллий мустақиллигини қўлга киритиши ара-фасида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан яна бир бор юқори поғонага кўтарилди.

Ёдга олиш жоизки, истиқлолга қадар собиқ Иттифоқ-нинг бирёқлама сиёсати даврида ўзбек тилининг луғат тар-киби русча сўзлар учун ланг очиб қўйилган эди. Биз бун-дай сўзларни она тилимизга тўғридан-тўғри, бутун фонетик (*нутқ товуши*), орфографик (*тўғри ёзув*) ва орфоэпик (*тўғри талаффуз*) хусусиятлари билан бирга қабул қилиш-га мажбур эдик. Энг афсусланарлиси, минг-минг йиллик тамаддунга эга туб аҳолини, ўша давр ибораси билан айт-ганда, “саводли қилиш” мақсадида ўзбекча сўзлар ва исти-лоҳларнинг ёппасига интернационал (байналмилал) сўзлар билан алмаштириш урф бўлди. Бунга эса ижобий масала, тараққиёт омили деб ҳам қаралди. Аслида, мустабид тузум-нинг мазкур сиёсати замирида она тилимиз миллий табиа-тини йўқотиш, халқимизни ўзлигидан маҳрум этишдек муд-ҳиш ғараз бор эди, десак, янглишмаган бўламиз. Яна бир жиҳат бу даврда хорижий тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам, асосан, рус тили орқали ўзлашгани боис барчасида шу тил-нинг фонетик, орфографик, орфоэпик ва грамматик хусу-сиятлари сунъий равишда саклаб қолинди. Оқибатда, ўзбек

тилининг луғат таркибига турли соҳаларга оид бир қанча сўзлар рус тилида қандай кўриниш (шакл)га эга бўлса, шундайлигича ўзлаштирилган: *конференция, трактор, машина, доктор, газета, район, область, министр, секретарь, печать* ва ҳоказо. 1989 йил 21 октябрда, ҳали юртимиз ва халқимиз мустақил бўлмаган бир шароитда, “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши ва “Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, жумладан, унга ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди, янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис палаталари тегишли қўмиталарининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади” деб таъкидланиши катта аҳамият касб этди. Шундан буён ўтган давр мобайнида жуда кўп сўз ва истилоҳлар тилимизнинг ўзига хос табиатидан келиб чиқиб янгиланмоқда, шўролар тузуми даврида “эскирган” дея унутилган *девон, маҳкама, вазир, вазирлик, котиб, муҳандис, дастур, вилоят, туман* каби кўплаб сўзлар қайтадан тикланди ва кенг қўлланмоқда.

Тилшуносларнинг маълум қилишларича, ўзбек тилининг янги изоҳли луғатини яратишда шўро мафкурасини акс эттирувчи сўз ва иллюстратив материаллардан “тозалаш” зарурати билан (зеро, луғатни мафкурадан ҳоли этиш ушбу нашрнинг асосий мақсадларидан бири эди) ундан кўплаб луғат мақолалари ва уларга берилган мисоллар чиқарилди, уларнинг ўрнига сўнгги йиллар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда пайдо бўлган янги тушунчаларни номловчи, луғатлардан барқарор ўрин олган тил бирликлари киритилди; мавжуд сўз ва атамалар янги маънолар билан бойитилди. Қолаверса, ҳозирги ўзбек тилида муқобили бўла туриб ўринсиз қўлланиб келинаётган бир қанча русча ва бошқа байналмилал сўзлар тил хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ўзбек тилида аввалдан мавжуд бўлган, ўзбек адабий тили имлоси ва талаффузи меъёрларига мос тил бирликлари

билан алмаштирилди. Бу ўз навбатида, қайта тикланган сўзларнинг янги маънолар касб этишига ҳам олиб келди.

Албатта, мазкур соҳадаги ҳар бир одим, энг аввало, халкимизнинг бой маданий ва маънавий меросини тиклаш, унинг ўз муносиб ўрнини топиши, жамоатчилик олдида қадрланишини таъминлашга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бирок бу борадаги амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳали талайгина. Жумладан, кўп ҳолларда рус тили орқали тилимизга кириб келган сўзларнинг орфографияси ва орфоэпиясида бир қанча муаммолар кўзга ташланиб қолмоқда. Ўзлашма сўзларнинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, тил қонуниятларига кўра, бир тилдан бошқа тилга ўтаётган сўз ўзлаштираётган тилнинг қонун-қоидаларига, жумладан, имло ва талаффуз қоидаларига тўлиқ мослашиб кетсагина ўзлашган сўз ҳисобланади. Аммо собиқ мустабид тузумнинг тил сиёсатига кўра, рус тили орқали ўзбек тилига ўзлашган сўзлар ғайриилмий тарзда бўлса-да, шу тилнинг қонун-қоидаларига мувофиқ ёзилар ва орфоэпик меъёрлари асосида талаффуз қилинар эди. Чунки ўша даврда мустабид тузум мафкурасига камарбаста шундай қоида бор эди: ҳар қандай рус тилидан ўзлашган сўзлар, илмийликка зид бўлса ҳам, рус орфографияси ва орфоэпияси қоидаларига қатъий мувофиқ ёзма ҳамда оғзаки нутққа ўша тилда қандай бўлса, шу шакл ва товушда татбиқ этилиши шарт эди. Бугун олдимизда ҳеч қандай ғайриилмий чеклову мажбуриятлар йўқ. Шунга карамай, айрим байналмилал сўз ва атамаларни она тилимиз табиатига ҳамоҳанг ёзиш ва талаффуз қилиш масаласида оғрикли, салбий ҳолатлар хануз учраб қолаётгани афсусланарлидир. Бу ҳолат тилшуносликда редукция (кучсиз талаффуз натижасида товушнинг миқдор ва сифат белгиси жиҳатидан ўзгариши) деб аталадиган ҳодиса мавжуд бўлган ўзлашма сўзларда кўпроқ учрайди.

Редукция ҳодисаси асосан урғусиз бўғиндаги унлиларга хос бўлиб, масалан, рус тили фонетикасига кўра, *моло-*

ко (сут) сўзининг охирги “ко” бўғинидаги о унлисига урғу тушгани сабабли биринчи ва иккинчи бўғинлардаги унли товушлар редукцияга учрайди ва малако тарзида талаффуз этилади. Шунингдек, *Россия, Москва, фонарь, демократия, конституция, октябрь, ноябрь, она, ворона* каби сўзларнинг имлоси шу шаклда ёзилгани ҳолда, рус тили орфоэпияси қоидаларига кўра, талаффузда *Россия-Рассия, Москва-Масква, фонарь-фанарь, демократия-димократия, конституция-канституция, октябрь-актябрь, ноябрь-на-ябрь, она-ана, ворона-варона* тарзида талаффуз этилади. Рус тилининг табиатига хос бўлган сўзларнинг ёзуви ва талаффузидаги ушбу тафовутлар ўзбек тили табиатига мутлақо ёт. Масалан, адабий тилимиздаги *ота, она, бола, она, олма, ойдин, оқшом* каби қон-қонимизга сингиб кетган кўпдан-кўп сўзлар қандай ёзилса, шундай талаффуз этилади. Бизнингча, ҳар қандай ўзга тилдан ўзлашган сўз фақат ўзбек тили фонетикаси ва грамматикаси, орфоэпияси ва орфографияси (ва бошқа барча) қоидаларига асосан оғзаки ва ёзма нутққа сингиши лозим. Шунда у халқимизнинг қадимий ва бой маънавиятига ҳамоҳанг бўлади. Қолаверса, миллий ҳамиятига путур етмайди. Шу ўринда инглизларнинг *Moscow* ёзиб, *Moscow* деб ўз тил қоидаларига кўра талаффуз этишларини ёки русча *Россия* сўзини *Russia* ёзиб *Rasha* тарзида талаффуз қилишларини келтириб ўтиш жоиз.

Таассуфки, бугун телевидение ва радиода ҳам айрим журналистларимиз нутқида рус тилидан ўзлашган байналмилал сўзларни ўзбек тили қоидаларига зид равишда истифода этишдек салбий ҳолатлар кўплаб учрамоқда. Улар бу хатони билиб-билмаган ҳолда, баъзида “маданиятлилик” белгиси деб тушунаётганликлари ғоят ачинарли. Ана энди бир ўйлаб кўрайлик. Бу кўрсатувни ёки эшиттиришни томоша қилаётган ёки тинглаётган мухлислар, айниқса, ўқувчи-ёшлар география ёки тарих дарслигида ўқиган *Япония* давлатини теле ёки радиожурналист талаффузида ифода-ланганидек, *Йипония* тарзида айтиши ёки юқоридагидек,

фонарни фанарь, демократияни димакратия, конституцияни канституция, конференцияни канференция, октябрни актябрь, ноябрни наябрь тарзида ифодалашга интилиши, энг ёмони, шундай ёзиш керак экан-да, деган тушунчага бориб қолишлари ҳам ҳеч гап эмас. Бинобарин, ОАВ ходимлари барча янгилик ва ахборотдан энг биринчи бохабар бўладиган, барчага тўғри етказадиган мутахассислар ҳисобланади.

Талаффуз борасидаги яна баъзи мулоҳазаларни ҳам билдириб ўтамиз. Масалан, японларнинг ўзлари *Toyota* автомашинасини айнан шу тарзда талаффуз қиладилар ва ёзадилар, яъни *Тойота*. Бизнингча ҳам, у ўзбек тилида рус тилидагидек *Таййота* деб эмас, ўзбек тили талаффуз қоидалари асосида ифодаланиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда она тилимизда мос келувчи муқобили бўла туриб, *нонушта*, *тушлик*, *кечлик* каби нутқда кўп қўлланиладиган кундалик сўзларнинг ўрнига катталар, ҳатто ёш болаларимиз *завтрк* (*завтрак*), *абит* (*обед*), *ужн* (*ужин*) каби сўзларни нутқда ишлатиб, уларни тил қоидаларига зид равишда қўллашни одатга айлантираётганига ҳам юқоридаги каби нотўғри шаклланган тушунчалар сабаб, десак хато қилмаймиз. Холбуки, “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да келтирилганидек: “**КЕЧЛИК** кечки овқат. Улар масжиддан шомни ўқиб киргач, ичкаридан Ойбодок *кечлик* олиб чикди. Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар” [ЎТИЛ, II, 362] каби изоҳларни ўқиб, тилимизнинг бойлиги ва мазмундорлигига яна бир бор иқдор бўлиш мумкин.

Тилшунослиқда тилнинг система эканлиги XIX асрдаёқ илмий исботланган. Системалилик қонуниятига кўра, мавжуд ҳар қандай система ичида унга ёт бўлган бошқа бир система фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Чунки система – ўз қонуниятига эга узлуксиз жараён. Шу нуктаи назардан, тилнинг ўз системаси табиатига кўра, ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўз она тилимизнинг қонуниятларига

мослашиши шарт. Буни шу кунга қадар она тилимизга ўзлашган араб, форс тилларидаги сўзларнинг туркий (ўзбек) тил қоидаларига мослашиб кетганлигида ҳам кўриш мумкин. Масалан, *нон, мактаб, қалам, табиб, дафтар* каби юзлаб сўзлар ўзбек тили имлоси ва талаффуз қоидаларига тўлиқ бўйсунган.

Араб тилидан ўзбек тилига баъзи қўшимчалар, жумладан, -ий, -вий, -от, -ият, -ан кабилар ҳам ўзбек тили сўзлари таркибида ўзлашган: *амалий, маданий, оммавий, илмий, ижтимоий, ҳайвонот, қобилият, шахсан, хусусан* каби. Масалан, -ий қўшимчасининг тилимизга ўзлашиб кетганининг яна бир исботи шуки, рус тили орқали ўзлашган баъзи байналмилал сўзлар таркибига қўшилиб, сифат ясаш учун хизмат қилади: *техникавий, конституциявий* каби.

Глобаллашув асри деб ном олган ХХІ асрда, ҳаёт суръатлари бениҳоя тезлашган даврда вақтни тежашнинг ҳам катта аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Рус тилидан ўзлашган байналмилал сўзларнинг ўзбек тилидаги муқобили масаласида мулоҳазаталаб ўринлар ҳар бир ўзбек тилшуносини ўйга толдиради. Биз унинг каби бир қарашда жўн, аммо нозик муаммога ҳар кун дуч келиб, масалага тўғри ечим топа олмай, вақтни бой бераётганимиз бу муаммонинг ҳамон долзарблигича қолишига сабаб бўлмоқда.

Жамият қанчалик ривожланиб борса, тилга онгли равишда муносабат ҳам кучайиб боради. Чунки тил кишилар орасидаги алоқа воситаси бўлиши билан бирга, ҳар бир инсон, халқнинг тафаккур тарзини ҳам намоён этади. Адабий тил эса грамматик қурилиши ва луғат таркиби жиҳатидан меъёрга келтирилгандир. Адабий тил сўзларни қонуний равишда бир хилда ишлатишни, услубда сўз маъносидан тўғри фойдаланишни ҳамда жумлани грамматик тўғри тузишни талаб қилади. Бундан ташқари, сўзларни орфоэпик меъёр асосида талаффуз этишни ҳам тақозо қилади. Тилнинг яратувчиси ҳам, тарқатувчиси ҳам халқ экан, адабий тилни умумхалқ мулки дейиш мумкин. Шу маънода, адабий

тил меъёри халқчил замонавий бўлиши билан бирга тилнинг тараққиётини ҳам акс эттириши керак. Зеро, меъёр тилнинг ижтимоий вазифа бажаришдаги асосий шарт бўлиб, унга амал қилиш, шу тилда сўзлашувчилар учун мажбурийдир.

Ҳозирги ўзбек адабий тили лексикаси жамият ҳаётидаги ҳар бир ўзгаришни акс эттириб, янгиланиб ва ривожланиб бормоқда. Ўтган асрнинг сўнггида ўзбек тилининг давлат тили мақомини олиши, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши соҳаларнинг кенгайиши ва ривожланишига, бу эса ўзбек тили лексик қатламининг бойишига, жумладан, синонимик компонентларнинг кенгайишига, янгиланиб боришига сабаб бўлди. Бу хусусиятни ўзбек тилининг сўз ўзлаштириш жараёни тезлашганлиги билан баҳолаш мумкин.

Сўз ўзлаштириш – ҳар қандай тил тараққиётида қонуний жараён, бинобарин, бирор бир халқ бошқа халқлар таъсиридан ташқарида яшай олмайди. Лисоний ҳодисаларнинг лексика доирасида экстралингвистик, яъни нолисоний омиллар билан боғлиқлиги бир тилдаги турли бирликларнинг бошқа тилларга ўзлаштирилишида яққол намоён бўлади. Ўзлаштиришнинг бу тури турли тилларда сўзлашувчи халқлар ўртасидаги иктисодий, сиёсий, маданий ва бошқа алоқалар натижасида пайдо бўлади¹. Масалан, бу жараённи XX асрнинг 90 йилларига қадар ўзаро ижтимоий ҳаётда яқин муносабатда бўлган, бир давлат таркибида яшаган, аммо юзага келган ижтимоий-сиёсий воқеалар туфайли турли давлатларга ажралган ўзбек ва рус халқи мисолида кўриш мумкин.

Лексикология, лексикография, нутқ маданияти, адабий меъёр масалаларига бағишланган тадқиқотлар, бизнингча, лексиканинг муҳим категорияси бўлган сўз ўзлаштиришга

¹ Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. – Л., 1958; Боуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. – М., 1963. Т.1.; Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – М.: Просвещение. 1972; Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М., 1977.

ҳам таъсир этмай қолмади. Ҳар бир тилда сўз ўзлаштириш асосида юзага келган синонимиянинг чуқур миллий характери, бу ҳодиса ҳақидаги тушунчанинг ўзига хос жиҳатлари¹ уни турли тиллар материаллари асосида тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Ўзбек тилшунослигидаги муҳим ва мунозарали масалалардан бири – собиқ шўролар даври ва ундан кейинги даврда, шунингдек, бугунги кунда ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилидаги русча байналмилал лексик ўзлашмалар ва уларнинг эквивалентларининг (хусусан, русча, арабча ва форсча бирликлар) қўлланиши ва тартибланиши, таснифланиши муаммосини алоҳида кўриб чиқиш муҳим вазифа саналади. Қиёсланг: *“район ёки туман, тиббиётчи ёки медик, врач ёки шифокор, нерв ёки асаб, университет ёки дорилфунун, архитектор ёки меъмор, композитор ёки бастакор*, кабилар. Бу муаммоларни кўриб чиқиш, бизнингча, лексикографик амалиёт муаммолари, айнан бир ва икки тилли луғатлар, изоҳли луғатлар доирасида лексик бирликларнинг қўлланиши масаласига ойдинлик киритади.

Мустақилликдан сўнг, хусусан, ҳозирги кунда ҳам туркий тиллар семасиологияси, жумладан, ўзбек семасиологиясининг долзарб муаммоларини тадқиқ этишга қизиқиш кучайиб бормоқда; сўз маъноларининг назарий ва амалий жиҳатдан асосланиши, мақомининг белгиланиши, лексема семантик компонентларининг ўзаро таъсири ва ўзаро боғлиқлиги шулар жумласидандир. Лексик-семантик структураси унинг контекстдаги лексик қуршовига, шунингдек, маъно қирралари фаоллашуви даражасига боғлиқлиги нутқда доимий ва зарурий бўлишини тадқиқ этиш масаланинг ўзбек тилшунослиги ва туркийшуносликда янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

Ўзбек тилшунослигида ўзбек тили лексик-семантик системалари ичидаги ўзаро шартланган ва ўзаро таъсир қи-

¹ Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – М., 1963; Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М., 1977.

лувчи синонимик муносабатлар йўналишида лексик ўзлашмаларни ўзбекча эквивалентлари билан таққослаш орқали тадқиқ этиш лозим. Таҳлил қилинаётган бирликларнинг лексик-семантик хусусиятлари коннотатив ва прагматик жиҳатдан тадқиқ қилиниб, хусусан, ўзбек тилига нисбатан аввал ўзлашган, ўз сўзлардек тилимизга сингиб кетган бирликлар семантикасидаги миллий ўзига хосликларни кўрсатиб бермоқ зарур. Бунинг учун ўзбек тили семантик тизими ичида ўзлаштириш орқали юзага келган лексик синонимиянинг ўзига хос хусусиятларини яхлит тадқиқ этиш, таҳлил қилинаётган синонимик қатордаги ҳар бир сўз лексик маъносининг ҳозирга қадар ажратилмаган семантик компонентларини топиш ва изоҳлаш, синонимлар семантик структурасини қиёсий тадқиқ этиш, шунингдек, уларнинг қўлланишидаги ўзига хосликларга тавсиф бериш муҳим саналади.

Ҳар бир сўзнинг лексик-семантик структурасини тадқиқ этиш, унинг нозик маъно қирраларини ажратиш, шу асосда, синонимларнинг умумий ва фарқловчи семантик белгиларини аниқлаш зарур бўлади. Сўз маъносининг унинг лексик қуршовига боғлиқ эканлигини белгилаш, ўрганилаётган сўзни турли контекстларда қараб чиқиш ва сўз маъносини фарқловчи узувал семантик компонентлари фаоллашуви ва намоён бўлиши учун хос бўлган контекст ёки нутқ вазиятини белгилаш, зарур ҳолларда лексик бирлик сифатида сўзнинг мавжуд таърифига, унинг эквиваленти — терминология бирлиги бўлган атамага аниқлик киритиш, синоним сўзларнинг бир-биридан фарқланувчи ўзига хос семантик ва функционал хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим.

Сўз семантикасида халқ миллий-тарихий маданиятининг ўзига хослиги акс этишини (агар бўлса, айнан қандай лексик бирликларда) аниқлашга ҳаракат қилиш, бошқача айтганда, таҳлил қилинаётган қайси бирлик ўзига хос ёрқин миллий-маданий бўёқдорликка эга бўлса, ушбу фон қирраларини ажратиш ва уларга фарқловчи сема (семантик ком-

понент) мақомини бериш мумкин. Аниқ матний материаллар таклиф қилиниб, сўзнинг фон бўёқдорлиги қай ҳолларда нутқ (бадий, публицистик) тасвирийлиги ва образлилигини ҳосил қилишда қатнашишини кузатиш мақсадга мувофиқ. Сўзни ўзбек тили лексик системасидаги ассоциатив-derivацион муносабатлар жиҳатидан кўриб чиқиш, шунингдек, лексик бирликларни уларнинг ясалиши, сўз ҳосил қилиш имкониятлари ва синонимлик хусусиятлари билан такқослаган ҳолда тадқиқ қилиш зарур. Синоним сўзларнинг бадий матнда қўлланишини уларнинг лексик-семантик ва вазифавий-услубий ўзига ҳослигини аниқлаш ва такқослаш орқали кузатиш мумкин. Бирор хорижий тилга хос сўзни ўзбек тилидаги муқобилига алмаштиришда ғоят эҳтиёткорлик лозим. Негаки, баъзан муқобил сўз ўзлашма сўз маъносини тўлалигича бера олмаслиги мумкин. Масалан, *принцип* сўзи ўрнида *тамойил* сўзининг қўлланишини у қадар асосли деб бўлмайди. *Принцип* байналмилал лексемасига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шундай изоҳ берилган: “**ПРИНЦИП** 1 Бирор назария, таълимот, дунёқараш ва ш. к. нинг дастлабки, асосий қонун-қоидаси; фаолият учун асос қилиб олинadиган бош ғоя, қонун-қоида. Қонунларимизда сайлов *принциплари* тўла ва аниқ акс этиши зарур. «Фан ва турмуш». Қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий *принципидир*. Газетадан... 2 Хулқ-атвор, хатти-ҳаракат меъёрларини белгилайдиган, киши оғишмай амал қиладиган ички ишонч, нуқтаи назар, қараш, маслак. *Принципи* йўқ одам. *Принцип* юзасидан иш тутмоқ” (ЎТИЛ, III, 309).

Тамойил сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эскирган китобий сўз сифатида изоҳланган: “**ТАМОЙИЛ** 1 Майл. мойиллик. Ваҳший халқларда конхўрликка *тамойил* зўр бўлади. Бу – шубҳасиз ҳақиқат! Ойбек, Танланган асарлар. 2 Бирор соҳада тартиб, қоида тусини олган нарса, тадрижий йўналиш. Халқ афсоналарида реалистик *тамойил* шу тарзда тобора кучайиб борди. «Фан ва турмуш»....бо-

зорларимизда ўша азалий удумларимизни, *тамойилларимизни* тиклаш, бозорни миллий қадриятларимизнинг кўзгу-си сифатида намоён қилиш лозим. Газетадан”. (ЎТИЛ, III, 655). *Тамойил* сўзи англатадиган маъно аслида *тенденция* сўзи англатадиган маънога яқин. “ТЕНДЕНЦИЯ 1 Тараққиёт йўналиши; бирор нарсага қизиқиш, мойиллик, интилиш. 2 Маълум ўй-мулоҳаза, тасвир ёки асарнинг асосий мазмуни, ғояси. Маълумки, 60–70-йиллар давомида тарихий киноленталар яратиш соҳасидаги ижодий тенденциялар янада ривожлантирилди. С.Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари. Бундай асарларга қизиқишнинг сири эса, менимча, турмушдаги илғор тенденцияларни замонга, кишилар талабларига ҳамоҳанг... бўладиган томонларини топиб, танлаб, саралаб олиб ёзиш билан боғлиқ. Н.Сафаров, Жасоратнинг давоми”. (ЎТИЛ, IV, 65).

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларида *принцип* сўзи қолдирилган, масалан: *Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади (11-модда)*. Ёки *принципиал, принципиаллик, принципли, принципсиз* сўзларини *тамойил* сўзи орқали ифодалаб бўлмайди. Мазкур сўзлар “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам келтирилган:

“**ПРИНЦИПИАЛ** Принципдан келиб чиқадиган, муҳим, жиддий. Принципиал қарама-қаршилик. Принципиал масала. Жаҳондаги ҳозирги вазиятга икки принципиал ҳолат хосдир. Газетадан. 2 к. **принципли**. Принципиал одам.

ПРИНЦИПИАЛЛИК 1. *Принципиал* ҳолатга хослик, муҳимлик, жиддийлик. Масаланинг *принципиаллиги*. 2. Ишда ўз *принципини* изчиллик билан амалга ошириш, бир *принципда* маҳкам туриш. Раҳбарнинг *принципиаллиги*.

ПРИНЦИПЛИ *Принципга* қаттиқ риоя қиладиган, бир *принципда* маҳкам турадиган. *Принципли* олим.

ПРИНЦИПСИЗ Бир фикрда маҳкам тура олмайдиган; бурди йўқ, бебурд. *Принципсиз киши*” (ЎТИЛ, III, 309).

Гап ўзбек тилида мазкур тушунчани айнан ифодалай оладиган бирлик йўклигида эмас, балки сўз мазмунан ўз мутаносибига эгаллигида. Масалан, *принцип* сўзи ўрнида *тутум* (*тутим*) сўзини ишлатиш мумкин. Зеро, “Ўзбек тилининг изохли луғати”да мазкур сўзга қуйидагича изох берилган: “**ТУТУМ** Иш тутиш йўсини. *Тутумлари* жойида, истараси иссиқ, сўзамол бола оила аъзоларига ёқиб қолди. Н.Юсуфий, Ҳаёт сўқмоқлари”... (ЎТИЛ, IV, 211).

Ушбу ишда семасиология ва стилистика соҳасида қўлга киритилган ютуқлар шарофати билан лексик birlikларни комплекс тадқиқ этишнинг методикаси ишлаб чиқилди. Тадқиқот йўлини танлаш кўпинча тадқиқот объекти қурилиши ҳақидаги фаразга қараб белгиланади. Ҳар қандай фараз маълум масалани ўрганиш мақсадида муаммоли вазият шароитида туғилади¹.

Маълумки, ўз даврида “50–60 йил давомида ўзбек тилшунослигида кўплаб тортишувлар ва мунозараларга сабаб бўлган”², русча байналмилал ўзлашмалар ва уларнинг синонимик эквивалентларининг амал қилиши ва тартибланиш муаммоси билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилишга жиддий эҳтиёж юзага келган эди. Маълумки, гипотеникс таҳлилнинг дедуктив методи изчил равишда асосий ҳисобланади, у бошқа, нисбатан хусусий методикани қамраб олади³.

¹ Бу ҳақда қаранг: Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. – Л., 1958; Селиверстова О.Н. Компонентный анализ многозначных слов. – М.: Наука, 1975; Постовалова В.И. Лингвистическая гипотеза и ее обоснования: Автореф дисс.... докт. филол.наук. – М., 1988; Арнольд И.В. Основы научных исследований в лингвистике. – М., 1991.

² Данияров Р. Терминларни ўзлаштириш мезонлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти – Т., 1991. № 6. – Б. 14.

³ Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистике. – М.: Наука, 1975; Селиверстова О.Н. Об объекте лингвистической семантики и адекватности её описания // Принципы и методы семантических исследований – М.: Наука, 1977. – С. 119–146; Арнольд И.В. Основы научных исследований в лингвистике. – М., 1991.

1931 йилда академик Л.В.Щерба ўзининг “Лисоний ҳодисаларнинг уч томони ва тилшуносликдаги тажриба ҳақида” мақоласида лингвистик тадқиқотлар тилининг далилий материалларини йиғиш, фаразлар тузилиши ва уларнинг янги фактларда ҳақиқийлигини текширишдан иборат бўлиши лозимлиги тўғрисида ёзган эди¹.

Бу ўринда биз ўзбек тили лексик-семантик тизимида тарихнинг турли даврларида турли тиллардан ўзлашган синонимик бирликлар мавжудлиги, нуткий шароит, давр таъсири билан синонимларнинг лексик маънолари мутлақ тенг даражада бўлмаслиги ҳақида фикр юритамиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек ўзбек тилининг лексик-семантик тизимида тарихнинг турли даврларида турли тиллардан ўзлашган *меъмор-архитектор, дорилфунун-университет, таътил-каникул, доклад-маъруза, котиб-секретарь, нерв-асаб, аъзо-орган, студент-талаба* каби синонимик бирликлар мавжудлиги, турли шароит, нуткий вазиятлар таъсири билан мазкур синонимларнинг лексик маънолари мутлақ тенг даражада бўлмаслиги ҳақидаги фаразларимиз ётади. “Тилда, умуман, табиатдаги каби ҳамма нарса яшайди, ҳамма нарса ҳаракатланади, ҳамма нарса ўзгаради. Хотиржамлик, тўхталиш, ҳаракатсизлик – зоҳирий ҳодиса; бу ҳаракатнинг кам миқдорда ўзгариши жузъий бир ҳол”². Умумистеъмолда фаол қўлланувчи арабча ёки форс-тожикча ва бошқа ўзлашмалар (ҳиндча, мўғулча сўзлар назарда тутилмоқда) русча байналмилал синонимларига нисбатан олдинроқ ўзбек тили системасида мавжуд бўлиб, қўлланганлик даражасининг узоқ давом этиши, умумнутққа хосланиб улгурганлиги натижасида уларни қуршаб турувчи ўз қатлам бирликлари таъсирига кўпроқ тушган ва янгилик, ўзлашганлик бўёғини деярли йўқотган. Бу номинатив бирликлар семантикаси конно-

¹ Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. — Л., 1974. — С. 24-39.

² Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. — М., 1963. Т.1. — С.349.

татив макрокомпонентларидаги кичик ўзгаришлар тўплана бориш натижасида маънонинг янги компонентларини (семалари) ҳосил қилган, фон бўёқдорлигини юзага келтирган. Бу каби сўзларни, бизнинг назаримизда, ўзбек тили лексик-семантик системасида синонимик муносабатлар жиҳатидан текшириш мақсадга мувофиқ, модомики, юқорида келтирилгани сингари кўплаб бирликлар ўзбек тили лексикасига мураккаб ва турли-туман тарзда кириб келган, аммо ўзаро шартланган семантик муносабатлар янги лексик-семантик ва функционал-стилистик маъно нозикликларини (сема, семантик компонентлар билан), эмоционал-экспрессив бўёқдорликни ифодалай олмас эди. Бу уларнинг нутқда ўзаро таъсир қилувчи параллел амалда бўлиши ва уларнинг семантикасига мувофиқ лексик қуршовнинг мунтазам таъсири натижасида юз берган. Зотан, “турли тилларга оид сўзлар, ҳатто улар яхлит ва битта тушунчани ифодаласалар-да, ҳеч қачон мутлақ тенг маъноли синоним бўла олмайди¹”.

Инсоннинг фикрий фаолияти сўзлар орқали намоён бўлади, “сўздан айри ҳолда мавжуд бўлган ёки бўла оладиган ҳеч қандай ўй-фикр, жумладан, тушунча ҳам йўқ. Ҳар қандай тушунча сўзда ёки сўзлар гуруҳида қатъийлашади, кайд этилади, ўз моддий ифодасини топади, сўзлар топилмагунча тушунчалар ҳам рўёбга чиқмайди”² экан, инсон онгли ҳаёти давомида ўз тафаккури натижасида юзага келган дастлабки тушунчаларни, нарса ва ҳодисаларни номлаган ва номламоқда. Сўзнинг фикрни узатиш воситаси бўла олишини фақатгина унинг тингловчини олдин сўзловчи бажарган ментал фаолиятни такрорлаш ҳамда ўз ақлий захираларидаги материалдан фойдаланган ҳолда, ўхшаш фикр яратишга ундашида кўриш мумкин. Сўзлаш ўз фикрини ўзгага етказиш бўлмасдан, балки унда ўз фикрини уйғотишдир³.

¹ Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – М., 1963. – С. 58.

² Богоуславский В. Слово и понятие. Мышление и язык. – М., 1957. – С. 230.

³ Потеев А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990. – С. 15.

Сўзлар ўзаро зид ёки яқин маъноли ёки бирлаштирувчи маъноси бир хил тарзда мавжуд, бироқ уларда маъно жиҳатдан мутлақ бир хиллик мавжуд эмас. Синонимик қатордаги қайси вариантни танлаш тил эгаларининг воқеликни идрок этиши, когнитив билими, лисоний қобилияти, лисоний хотираси имкониятлари, лексик бирликлар захираси билан узвий боғлиқ.

Тилшуносликда бирдан ортиқ сўзнинг маъно муносабати айнан бир хилликка асосланган синонимлар – абсолют синонимлар хусусида гап кетганда ўзбек тили лексик-семантик тизимида тарихнинг турли даврларида ўзга тиллардан ўзлашган синонимик бирликлар мавжудлиги, нуткий шароит, давр таъсири билан синонимларнинг лексик маънолари мутлақ тенг даражада бўлмаслигини исботлайди. Тилшуносликда ҳам ҳозирга қадар абсолют синонимлар масаласи ўз ечимини топган эмас: бу каби синонимларни тасдиқловчи ёки инкор этувчи олимлар гуруҳи мавжуд.

Лексикани система сифатида тушуниш ва асосан турли семантик белгилардан ҳосил бўлишини фараз қилиб, биз таҳлил учун алоҳида сўзларни эмас, балки дастлабки кузатишлар бўйича умумий ва зид қўйилган семантик компонентлардан ҳосил бўлган маъно, сўзларнинг гуруҳини (синонимик қаторни) танладик. Таҳлилларимиз натижалари тахминларнинг тўғри эканлигини тасдиқлаши шубҳасиз. Ваҳоланки, таҳлил қилинган бирликлар маънолари фақат фарқловчи семантик белгилари билан бир хил бўлиб чиқмайди, улар иштирокисиз синонимликни белгилаб бўлмайди. Сўз маъноси тузилишидаги бу кам учрайдиган, фарқловчи семантик компонентларни опшора ва сўзлар ёрдамида тавсифлаш жуда қийин¹.

¹ Бу ҳақда қarang: Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. – Л., 1958. – С. 31–42; Абаев В.И. Понятие идеосемантики // Язык и мышление. XI. – М. – Л., 1938. – С. 28–41; Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М., 1977; Селиверстова О.Н. Об объекте лингвистической семантики и адекватности её описания // Принципы и методы семантических исследований – М.: Наука, 1977. – С. 119–146; Телия В.Н. Кон-

Гап фақатгина маънони белгилашни шакллантириш қийинлигида эмас, хаммасидан кўра ва аввало, сўз алоҳида маъноларининг барчасини топишнинг ниҳоятда қийинлигида. Нисбатан маънонинг асосий гуруҳларини белгилаш осон, аммо маъно нозикликлари деб аталувчиларни аниқлаш қийинчилик туғдиради. “Ўзига хос луғавий агностицизмга олиб боровчи бундайларга шубҳа бўлмаслиги керак. Мулоҳаза жуда ҳам ишончсиз: ниманидир излаш қийинлиги ҳали изланган нарсанинг йўқлигини исботлаб бермайди!”.

Таҳлил этилаётган синонимик бирликлар лексик-семантик структурасида мустаҳкам ўрнашган ва маълум нуткий вазиятларда узуал фаоллашган семантик белгилар (маъно компонентлари, сема, коннотация) аниқланди.

Сўз лексик маъноси структурасида юзага келувчи семантик ўзгаришлар “лисоний ўзгаришлар нутқ фаолиятида билинади”² ва “тилга жойлаштирилган нарса, аниқроғи, сўзловчининг лисоний қобилияти фақат нутқда намоён бўлади”³, шу сабаб тадқиқотда контекстуал-функционал таҳлилдан самарали фойдаланилди. Семантик тадқиқотнинг бу усули ишда ўрганилаётган бирликларда учровчи кўнлаб контекстларни белгилаб беради. Бу метод ёрдамида катта миқдордаги материаллардан – матнлар, нуткий вазиятлардан бизни қизиқтирувчи семантик бирликларнинг фаоллашишига хос бўлган ҳолатлар аниқланди; сўз лексик маъносининг контекстнинг умумий семантикасига боғлиқ эканлиги белгиланди, контекстлар ва уларда қўлланилган бирликлар

нотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.:Наука,1986; Кузнецов А. М. Проблемы компонентной семасиология: Научный доклад по опубликованным трудам, представленный к защите на соискание ученой степени докт. филол.наук. – М.,1992.

¹ Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. – Л.,1958. – С. 70.

² Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Л., 1974. – С. 28.

³ Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.:Наука,1986. – С. 47.

лексик-семантик ва функционал-услубий мезонлар бўйича типик хусусиятларига қараб турларга ажратилди¹.

“Синонимларнинг ўзига хос табиатини ўрганишда контекстнинг роли катта”², синонимларга контекстуал-функционал жиҳатдан ёндашув кўриб чиқиладиган синонимик қаторларнинг бой коммуникатив ва прагматик имкониятларини, уларнинг тил стилистикаси, нутқ маданияти, лексикографияда асосий роли ва ўрнини тўла очишга ёрдам беради.

Сўз маъносини текширишда муҳим бўлган методлар мавжуд. Дистрибутив метод лексик бирликлар дистрибуциясига, яъни лексик-семантик қўшила олиш таҳлилига асослангани. Дистрибуция дейилганда мазкур лисоний бирликда учраши мумкин бўлган лексик қуршов (контекст)лар жамланмаса, у учрамайдиган қуршовга барчасини қарама-қарши қўйиш тушунилади. Бундай метод кўриб чиқиладиган сўзларнинг синтагматик алоқаларини аниқлашга ва шундай қилиб синтагматик майдонни тавсифлашга имкон беради³.

Масалан, “Иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш бўйича мутахассис” умумий семантикасига эга “меъмор” ва “архитектор” синонимларининг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин: *моҳир меъмор, истеъдодли меъмор, яхши меъмор // моҳир архитектор, истеъдодли архитектор, яхши архитектор* каби. Аммо *архитектор* нейтрал сўзидаги эмотив баҳодан фарқли равишда *меъмор* лексемаси семантик жиҳатдан салбий белги, хусусиятни ифодаловчи ёмон, қобилиятсиз, ношуд каби сўзлар билан муносабатга кириша олмайди. Яъни, ёмон/қобилиятсиз/ношуд *меъмор* деб бўлмайди. *Меъмор* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида эмоци-

¹ Бу ҳақда қаранг: Колшанский Г.В. Контекстная семантика. — М.: Наука, 1980; Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Событие. Факт. — М.: Наука, 1988.

² Брагина А.А. Синонимы в литературном языке. — М.: Наука, 1986. — С. 124.

³ Гак В.Г. О контрастивной лингвистике // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск. XXV. Контрастивная лингвистика. — М.: Прогресс, 1989. — С. 5–17; Слесарева И.П. Проблемы описания и преподавания русской лексики. — М.: Русский язык, 1990.

онал-ижобий бўёқдорликка эга бўлганлиги сабабли салбий эмотив баҳоки ифодаловчи лексемалар билан синтактик муносабат ҳосил қила олмайди, кузатганимиздек, стилистик хато юзага келади. *Меъмор* сўзи ўзбек тилига сингиб кетганлиги боис *меъморлик*, *меъморчилик* каби сўзларни ясайди, бироқ *архитекторлик* ясалмаси мавжуд бўлса-да, *архитекторчилик* ясалмаси мавжуд эмас. Дистрибутив таҳлилнинг лексик-семантик тадқиқотларда қўлланиши чегараланганлиги сўзлар ўртасидаги (айнан синоним лексемалар ўртасида) ўхшаш ва фарқли жиҳатлар тўғрисида узил-кесил хулосалар чиқаришга имкон бермайди, унинг комбинациялари компонент таҳлил билан мувофиқлигини кўрсатади¹. Компонент таҳлил фарқловчи белгилар сифатида намоён бўлувчи, яъни синоним лексемалар маъноларини ажратувчи, сўз маъносини уни ташкил қилувчиларга – маънонинг кичик бирлиги (семалар, семантик компонентлар)га ажратувчилардан иборат². “У ўзига хос миллий – лисонийдан умумийларини ажратишга имкон беради”³. Бу таҳлил биргина лексик бирлик асосида эмас, балки лексик бирликлар гуруҳи, парадигмасига таяниб иш кўришни тақозо қилади, синоним сўзлар орасидаги парадигматик муносабатларни тавсифлаш, уларнинг парадигматик аҳамиятини белгилаш имконини беради. Бундан ташқари, нисбатан кейин қабул қилинган русча-байналмилал сўзлар ўзлаштирилиши ва уларнинг синонимик эквивалентларининг қўлланиш даражасини, лексик-семантик ҳодисанинг ўзаро қиёслаган тарзда

¹ Гак В.Г. О контрастивной лингвистике // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск. XXV. Контрастивная лингвистика. – М.: Прогресс, 1989. – С. 5–17; Слесарева И.П. Проблемы описания и преподавания русской лексики. – М.: Русский язык, 1990; Кузнецов А.М. Проблемы компонентной семасиологии: Научный доклад по опубликованным трудам, представленный к защите на соискание ученой степени докт.филол.наук. – М., 1992.

² Селиверстова О.Н. Об объекте лингвистической семантики и адекватности её описания // Принципы и методы семантических исследований – М.: Наука, 1977. – С. 119–146; Кузнецов А.М. Келтирилган манба.

³ Гак В.Г. О контрастивной лингвистике // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск. XXV. Контрастивная лингвистика. – М.: Прогресс, 1989. – С. 14.

дуфузини аниқлаш учун кўп аспектли комплекс таҳлил методларидан фойдаланиш ижобий самара беради.

Юқорида қайд қилинган методлар жамланмасидан фойдаланиш сўз семантик структурасидаги янги фарқловчи белгиларни аниқлаш, муқобил имкониятларини тадқиқ қилиш ва лексик маъно қирраларини нисбатан тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш имконини беради. “Умуман олганда, семасиолог лексик маънони тадқиқ қилишда турли-туман воситаларнинг биттасини танлаши (чегаралаб қўйиш, агар у албатта, қандайдир алоҳида мақсадга интильмас) шубҳали туюлади”¹. Тадқиқотнинг комплекс методикаси муайян ишончли натижаларга эришиш имконини беради.

Таҳлилларда турли йиллардаги ва ҳозирги ўзбек даврий нашрларидан, ўзбек бадиий адабиёти намуналаридан фактик материал сифатида фойдаланилиб, айниқса, ҳозирги даврий нашрлар тили далилий асос сифатида тадқиқ этилаётган мавзу учун бежиз танланмади. Бу ўзига хос ва мураккаб бўлган услуб тил тараққиёти жараёнида янада асосий ҳисобланиб, ахборот бериш – прагматик вазифа бажаради. Аммо синонимик қаторлар таҳлилида фақат даврий нашрлар материалларигагина эмас, синонимларнинг ҳозирги ўзбек бадиий адабиётида қўлланишини тадқиқ этишга, шунингдек, лексикографик манбаларда қайд қилинган маълумотлар ва кундалик сўзлашув нутқига ҳам асосланилди.

Нутқ маданияти ва адабий меъёр соҳасида тадқиқот йўналишини кўрсатувчи белги ҳисобланган газета лексикаси тилнинг ички, шунингдек, ташқи ресурслари ҳисобига ўзбек терминологиясини тўлдиришда фаол иштирок этади: матбуот ҳозирги шароитда сўзнинг бир тилдан бошқасига кўчишида ўзининг асосий “воситачи”лардан бири эканлигини ифодаламакда.

Атамаларнинг шаклланиши унинг турли шакллари (вариантлари)нинг бўлиши билан бошланади. Ҳар бир синоним тушунчанинг турли маъно ва функционал қирраларини

¹ Кузнецов А.М. Келтирилган манба. – С. 48-49.

ифодалайди. Маълум давр ўтиши билан бу синонимларнинг бири атама сифатида тан олинади. Атаманинг шаклланишида синонимик каторларнинг бўлиши турли илмий йўналиш ва мактабларнинг бўлишига ҳам боғлиқдир. Ҳозирги кунда айрим атамалар турли шаклга (вариантга) эга. Масалан: *агроном* → *ҳосилот* → *зироатчи* → *агроном*; *орган* — *аъзо* → *орган*; *демография* — *нуфуз* → *демография*; *депутат* — *халқ вакили* → *депутат*; *омоним* — *шаклдош* → *омоним*; *синоним* — *маънодош* → *синоним* ва б.

Ўзбек ва рус тилларининг ўзаро таъсирига оид материаллар асосида икки тиллиликни ўрганиш ва шу билан боғлиқ ўзбек тилидаги русча лексик ўзлашмаларни тадқиқ этиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Н. А. Баскаковнинг фикрича, рус тилининг туркий тилларга таъсири араб, форс тилларига нисбатан ортиқроқ, шунингдек, айрим туркий тиллар лексик, жумладан, синтактик структурасида чуқур из қолдирган¹. Бизнингча араб ва форс тилларининг ўзбек (туркий) адабий тилига таъсири XIX асрга қадар рус тилига нисбатан кучлироқ ва ортиқроқ бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, хусусан XX асрда рус тилининг таъсири кучайган.

Ўзбек илмий терминологиясининг шаклланиши ва тараққий қилиши ўзлаштириш масаласи билан чамбарчас боғлиқ: терминларнинг ҳосил бўлишида рус тилининг роли, шубҳасиз, катта. Кейинги йилларда ўзбек тилшунослари томонидан терминология бўйича бир қатор ишлар нашр қилинди. Ўтган асрнинг 80 йилларидаёқ терминологик ишланмаларда ва терминларни системалаштиришнинг ўзида асосий камчилик — (асосли назарий қоидаларга суянувчи), аниқ мезонларнинг йўқлиги, социолингвистик вазиятларга ажратиш шароитида терминшунослик жараёнларининг оптималлашиши ҳисобланиши таъкидланган эди². Ўзбек

¹ Баскаков Н.А. Развитие грамматической структуры языков с расширением их общественной функции: На материале тюркских языков // Доклад на X конгрессе лингвистов. — Бухарест, 1967. — С. 120.

² Бу ҳақда қаранг: Лексическое варианты в узбекской терминологии. — Т., 1986; Терминология узбекского языка и перспективы ее развития: Материалы I

тилунослигида русча-байналмилал ўзлашмалар, уларнинг таснифи, чегараси ва амал қилиши, сўз қўллаш меъёри масалаларида ҳозирга қадар бир хиллик йўқ.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ўзбек тилининг турли доираларида *архитектор – меъмор, композитор – бастакор, студент – талаба, университет – дорилфунун, нерв – асиб, республика – жумҳурият, район – ноҳия/туман* каби синонимик эквивалентига эга бўлган лексик ўзлашмалар баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди¹.

Баҳслар моҳияти шу билан характерланадики, ўзбек тилуносларининг деярли барча ишларида (иш собиқ совет даврига қадар ёки ундан кейинги даврга оидлигидан қатъи назар) русча байналмилал лексик ўзлашмалар ва уларнинг ўзбекча эквивалентлари (жумладан, арабча ва форсча лексик ўзлашмалар ҳам) лексика ва сўз қўллаш меъёрлари нуқтаи назаридан фақат тапқи томондангина шаклан фарқланувчи семантик мутлақ бир-бирига ўхшаш, турли маъноли лексик

Республиканской терминологической конференция. (– Т., 17 апреля 1987) Бюлл. Ташкент, 1986.

¹ Бу ҳақда қаранг: Мирзаев М. Советско-интернациональные слова в узбекской периодической печати (1945–1950): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1951; Цой А. К вопросу о лексических заимствованиях из русского языка в узбекском языке // Труды УзГУ имени Алишера Навои. Выпуск 79. Самарканд, 1957; Пулатов Ю.О. Роль русского языка в развитии и обогащении словарного состава узбекского языка. – Т., 1956; Абдуллаев Ф.А. Хозирги замон ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йўллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1965, № 3. – Б.12–18; Усмонов О.У. Нутк маданиятининг баъзи масалалари // Нутк маданиятига оид масалалар. – Т., 1973; Абдуллаев Ф., Мухаммаджанова Г. Ўзбек адабий тили лексикасининг ривожланиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1973, № 6. – Б.6–14; Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке: Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Т.: ТашГУ, 1975; Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. – Т.: Фан, 1985; Исмагуллаев Х. Тилимиз ўзгаришми? Қандай? // Совет Ўзбекистони. – Т., 1989, 3 декабрь сони. – Б.4; Дониёров Р. Терминларни ўзлаштириш мезонлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1991, № 6. – Б.21–26; Тошалиев И. Сўз мантиқи – фикрлаш қалити // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 1990 № 25; Тошалиев И. Онг ва дил қалити // Халқ сўзи. – Т., 1991, 2 июнь. – Б.2.; Миртожиев М. Ўзлашган сўз – пайванд куртаги. – Т.: Ўзбекистон, 1988; Миртожиев М. Тил софлиги қандай белгиланади? // Ёш ленинчи. – Т., 1991, 12 январь; Азизов О. Сунъий тўсиқлар кимга керак? // Маърифат. – Т., 1992.

бирликлар (одатда, улар лексик дублетлар термини билан номланади) сифатида қаралди. Мазкур бирликларга бундай муносабат асосан ўзбекча бир тилли ва икки тилли луғат тувчилар томонидан қувватланди¹.

Бу каби бирликларни, фикримизча, ўзбек тили лексик-семантик системасида синонимик муносабатлар жиҳатидан текшириш мақсадга мувофиқ, модомики, *район — туман, доктор — шифокор, архитектор — меъмор* сингари кўплаб бирликлар ўзбек тили системасига мураккаб ва турли-туман тарзда кириб келган, аммо ўзаро шартланган семантик муносабатлар янги лексик-семантик ва функционал-стилистик маъно нозикликларини (сема, семантик компонентлар), эмоционал-экспрессив бўёқдорликни ифодадай олмас эди. Бу уларнинг нутқда ўзаро таъсир қилувчи параллел амалда бўлиши ва уларнинг семантикасига мувофиқ лексик қуршовнинг мунтазам таъсири натижасида юз берган.

Ўзлашма сўзлар ва уларнинг ўзбекча эквивалентлари билан синонимик муносабатлари илгари махсус ўрганилмаган. Тилшуносликка оид айрим адабиётлар ва дарсликлар саҳифаларида улар тўғрисида умумий тавсиф бериб кетилган². Бу ишларда аниқ лексик-семантик структуранинг ва бундай жуфт бирликларнинг қўлланишидаги ўзига хосликлар, уларнинг синонимиясини ўрганиш вазифа қилиб белгиланмаган.

¹ Бу ҳақда қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I. II. — М.: Русский язык, 1981; Русско-узбекский словарь. — Т., 1954; Узбекско-русский словарь. — М., 1959; Русча-ўзбекча луғат. I. II. — Т.: ЎзСЭ, 1983–1984; Ўзбекча-русча луғат. — Т., ЎзСЭ, 1988.

² Бу ҳақда қаранг: Асфандиёров И. Рус тилидан сўз ўзлаштириш билан боғлиқ баъзи масалалар // Ўзбек тили ва адабиёти. — Т., 1981, №5. — Б.3–7; Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи: лексико-этимологическое исследование. — Т.:Фан, 1983 — С. 140; Сайткулов З. Заимствование русских слов и системные отношения в узбекской лексике: Автореф. дисс.... канд. Филол.наук. — Т., 1985; Ким Л., Сайткулов З. Заимствование русских слов и системные отношения в узбекской лексике // Русский язык и литература в общении народов мира: Проблемы функционирования и преподавания. — М.: Русский язык, 1990. — С. 33.

Синонимиянинг ҳар қандай тил стилистик системасида ядрони ташкил қилиши, кўпчилиги ва турли-туманлиги тил бойишининг асосий мезонларидан эканлиги, уларни таҳлил қилишнинг долзарблигини ҳисобга олиб, бу йўналишга қизиқиш ҳар доим ҳам сусаймаган. А.Брагинанинг фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Олима рус тили материаллари асосида лексик бирликлар синонимиясини тадқиқ қилар экан, шундай фикрларни билдирган эди: “Қачон тил бойлиги ҳақида гапирилса, синонимларнинг кўпчилиги ва турли-туманлиги муҳокамасиз далил сифатида келтирилади. Қачон нутқни бекаму кўст шаклда ифода-ламоқчи бўлсалар – синонимларни ахтарадилар. Қачон ўз фикр ва ҳиссиётларини имкон борича аниқ ифода-ламоқчи бўлсалар ёки аксинча, – уларни яширмоқчи бўлсалар – синонимларни ахтарадилар”¹. Бу каби қарашларни ушбу соҳада салмоқли ишлар яратган тилшунос олимларнинг барчаси таъкидлайдилар². Ўзбек тилшунослигида русча ўзлашмаларни тадқиқ этиш бўйича ишлар рўйхати етарли даражада кенг. Аммо тилшунос олим К.М.Мусаевнинг фикрича: “Замонавий лексикология тўлалигича туркийшунослик фани сифатида янада энига ўсмоқда, аммо унда сезиларли даражада тадқиқот чуқурлиги етишмайди”³. Таниқли олимнинг бу сўзларини русча-байналмилал сўзлар ва уларнинг ўзбек тилида синонимлик ҳосил қилиши у ёки бу даражада қиёсий жиҳатдан ўрганилган ўзбек тилшунослигидаги кўплаб асарларга нисбатан қўллаш мумкин. Таҳлил қилинаётган бирликларга оид икки асарга тўхталиб ўтамиз: улардан бири яқин шўролар даврига (1985 йилга), иккинчиси шўролардан кейинги даврга (1991 йилга) мансуб.

¹ Брагина А.А. Синонимы в литературном языке. – М.: Наука, 1986. – С. 5.

² Бу ҳақда қаравг: Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. – М.: Наука, 1974; Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. – М.: Наука, 1973; Гречко В.А. Лексическая синонимика современного русского литературного языка. – Саратов, 1987.

³ Мусаев К.М. Лексикология тюркских языков. – М.: Наука, 1984. – С. 4.

Ўз даврида Н.Г.Ғуломова ўзбек тилшунослиги фанининг ривожига ҳақида фикр юритар экан, унинг “янада бойиши, тўлиши учун эскирган ва фаол луғат таркибидан чиқиб қолган, келиб чиқиши арабча бўлган *анжуман, асаб, лойиҳа, меъмор, дорилфунун* каби сўзларга нисбаган *форум, нерв, проект, архитектор, университет* каби сўзларни қабул қилиш маъқул бўлади”, деб ҳисоблаган эди¹.

Тилшунос олим М.Миртожиев қуйидаги синонимик жуфтликлардан *врач* ва *шифокорни* *эмчи* сўзига, *нерв* ва *асабни* *жизга, республика* ва *жумҳуриятни* *эл, элчиликка, районни туманга* алмаштириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр билдирган эди².

Юқорида кўриб ўтилган сўзлар турли мавзуйи гуруҳларга мансуб бўлиб, фақатгина индивидуал хусусияти билан эмас, балки умумий категориал семантик белгилари билан ҳам фарқ қилади. Масалан, *нерв* – *асаб* медицина терминлари ҳисобланади, *район* – *ноҳия* – *туман* – маъмурий – ҳудудий бирлик номини билдиради. Тилшунос олимлар Н. Г. Ғуломова ва М. Миртожиевларнинг юқорда қайд этилган бир-бирига қутбий зид бўлган фикрларига кейинги бўлимларда таҳлил ва далиллар асосида ўз муносабатимизни билдирамиз.

Мазкур ишда таҳлил қилинаётган лексик бирликлар моҳиятини тўлароқ ёритиш, тараққиётга боғлиқ ҳолда уларнинг қўлланиш даражасини кўрсатиш мақсадида юртимизнинг мустақилликка эришган дастлабки йилларига оид оммавий ахборот воситалари материалларидан, синонимик муносабатга киришган сўзлар лексик-семантик қуршовини белгилашда уларнинг рус тилида қўлланишига доир мисоллардан ҳам ўрни билан фойдаланилди.

¹ Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. Ташкент: Фан, 1985. – С. 65.

² Миртожиев М. Тил софлиги қандай белгиланади? // Ёш ленинчи. – Т., 1991, 12 январь. – Б.4.

3. Ўзбек тили лексик ўзлашмаларида синонимик муносабатларнинг тартибланиши ва таснифланиши муаммоси

Маълумки, ҳар бир тилнинг луғат таркибида бошқа тиллардан ўтган сўзлар ўзига хос ўринни эгаллайди ва бу мураккаб тарихий жараённинг натижасидир, чунки ҳар қандай жамият ўз тарихий тараққиёти давомида бошқа миллатлар билан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва илмий алоқаларда бўлади. Ҳеч бир халқ ўз тараққиёти йўлида бошқа халқлар билан алоқа қилмасдан, айри ҳаёт кечириши мумкин бўлмаганидек, бирорта халқнинг тили якка ҳолда тараққий қилиши мумкин эмас. Шунга кўра, ҳар бир тилнинг лексикасида этимологик жиҳатдан шу тилнинг ўзиники бўлган сўзлардан тапқари, бошқа тиллардан кирган лексик элементларнинг бўлиши ҳам табиийдир. Ўзбек тилига араб, форс- тожик ва рус тилларидан сўз ўзлаштирилиши ҳам ана шундай ижтимоий-тарихий омиллар туфайли содир бўлган. Арабларнинг Ўрта Осиёни забт этиши ҳамда халқимизнинг Ислом динини қабул қилиши, таълим, илм-фан, ҳужжат ишларининг араб тилида олиб борилиши, амалдаги ёзувнинг араб алифбосига асосланиши, ўзбек тили лексикасида арабча сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шунингдек, ўзбеклар қадим замонлардан буён Ўрта Осиё ҳудудида тожик халқи билан ёнма-ён яшаб келганлиги, турмуш тарзи, маданияти ва санъати, урф-одатлари жиҳатига, ўзбек ва тожиклар бир-бирига яқин халқлари сабабига кўра ўзбек тили лексикасида кўплаб форсча-тожикча сўзлар ўрнашиб қолган. Ўзбеклар ва тожикларнинг азалдан битта геополитик ҳудудда истиқомат қилиб келаётгани, қадимги туркий қабилаларнинг Ғарбга силжиб Ўрта Осиёнинг айрим жойларида яшовчи сўғд ва қадимги хоразм тиллари билан тўқнашгани, улар билан алоқа-аралашувга киришгани, Сомонийлар, Салжуқийлар, Амир Темур ва ўзбек хонликлари даврида форс тилидан давлат тили сифати-

да фойдаланиш, ҳужжатлар ишини шу тилда олиб бориш туфайли, Ўрта Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Чуст, Косонсой каби жойларида билингвизм — икки тилликнинг то хануз давом этиб келаётганлиги каби ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра тилимиз лексикаси форс-тожикча сўзлар билан бойиган.

Шунингдек, XIX асрда Ўрта Осиёнинг руслар томонидан забт этилиши, маъмурий ишларнинг рус амалдорлари томонидан олиб борилиши, ўзбек тили лексикасида чуқур из қолдирди. Ўзбек тили лексикаси русча-байналмилал сўзлар ҳисобига бойиб, тилимизда илм-фан, техника ва ижтимоий-сиёсий тузумни ифодаловчи кўплаб лексик бирликлар пайдо бўлди. Рус тилига кўп миллатли улкан собиқ совет давлатининг расмий тили (амалда давлат тили) мақомининг берилиши бу жараёнга таъсирини ўтказди. Бундан ташқари, ўзбек тили лексикаси рус тили орқали бошқа тиллардан, асосан Европа тилларидаан кириб келган байналмилал сўзлар ҳисобига ҳам кенгайиб борди.

Хорижий тиллардан сўз ўзлаштириш ҳозирда ҳам давом этмоқда. Олдинлари ўзбек тили фақат рус тилидан ва у воситасида бошқа тиллардан сўз ўзлаштирган бўлса, ҳозирга келиб бу жараён тўғридан-тўғри амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги бошқа тиллардан кўплаб сўз ўзлаштириш учун имкониятлар берди, масалан, *лицей, коллеж, диллер, менежер, брокер, биржа, концепт* каби. *Дамас, Малибу, Жентра, Нексия, Матиз, компьютер, интернет, видео, аэробус* каби сўзлар эса бугунги ҳаётимизда содир бўлаётган туб ўзгаришларнинг, янгиликларнинг ёрқин ифодаси саналади. *Уяли телефон, девонхона, чипта, қулоқчин (русча: наушник) дорихона* каби сўзлар эса русча-байналмилал сўзларнинг таъсирида пайдо бўлди, русча-байналмилал сўзлар, айниқса, иқтисодиёт, банк, дипломатия, саноат, ишлаб чиқариш, илм-фан, техника соҳасига кириб келди. Масалан, *макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, инженеринг, маркетинг, мониторинг* каби сўзлар

иктисодиёт атамалари сифатида аллақачон тилимизга сингиб бўлди.

Ўзбек тили лексикасининг ривожда бошқа тилларга оид ўзлашмаларнинг ҳам салмоғи катта, зеро сўз ўзлаштириш – ҳар қандай тил тараққиётида қонуний жараён, бинобарин, юқорида таъкидланганидек, бирор бир халқ бошқа тиллар таъсиридан ташқарида яшай олмайди. Атоқли тилшунос Э.Бегматов ўзбек тилининг лексик қатламларига бағишланган ишларида ўзбек тилининг ўз ички луғавий ресурси бўлган, ўзбек тилининг ўзида асрлар давомида ҳосил қилинган сўзларни ўзбекча сўзлар деб юритади¹. Бундай сўзларнинг ижодкори ва эгаси ўзбек халқи, ўзбек тилидир. Чунки ўзбекча сўзларни шу тилда гаплашувчи этнос ўз тилининг имкониятлари асосида ясайди, унинг лисоний ижодкоридир, яъни “ўзбекча сўзлар ўзбек тилининг ўз сўзи, ўз маҳсулидир”². Ўзлашманинг семантик мослашуви ўзлашманинг ўзга тилдаги мақоми ва вазифасини белгилаш учун хизмат қилади.

Синонимия сўз лексик маъноларининг парадигматик муносабатларидан бири сифатида воқеланар экан, синонимик муносабатни юзага келтиришнинг маълум шартлари мавжуд бўлиб, белгиловчи асосий шарт маъно муносабатидир. Гап фақатгина маънони белгилашни шакллантириш қийинлигида эмас, энг аввало, сўзнинг алоҳида маъноларининг ҳар бирини аниқлашнинг фавқулодда қийинлигидадир. “Қиёсан, маънонинг асосий гуруҳларини белгилаш осон, аммо маъно нозикликлари деб аталувчиларни аниқлаш катта қийинчилик туғдиради ва субъективликка эга бўлади”³.

¹ Бегматов Э. К проблеме собственно-узбекских слов // Тюркология – 88. Тезисы докладов и сообщений V Всесоюзной Тюркологической конференции. – Фрунзе: Илим, 1988. – С. 116–118.

² Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 128.

³ Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. – Л., 1958 – С. 70.

Ўзбек тили лексик ўзлашмаларида синонимик муносабатларнинг тартибланиш ва таснифланиш муаммосини *нерв-асаб* синонимик жуфтлиги мисолида таҳлил қиламиз. Агар русча-байналмилал сўз саналувчи *нерв* лексик бирлигига терминологик нуқтаи назардан қаралса, лисоний доирада у тўғри белгиланган тарзда “асосан номинатив-дефинитив вазифада, яъни номлаш ва махсус тушунча ифодалаш вазифасида”¹ қўлланишини кўриш мумкин. В.П.Даниленко таъкидлаганидек, бирор сўзнинг амалда қўлланишини, деривацион хусусиятларини ва қўлланишидаги ўзига хосликларни билмай туриб баҳолаб бўлмайди. Бу ўринда айтиш жоизки, биз мазкур синонимик қаторга қуйидаги сабабларга кўра *жиз* лексик бирлигини қўшишни маъқул топмадик: Биринчидан, *жиз* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида мустақил, тўлиқ маъноли сўз бўлмай, фақат турғун бирикма таркибида учрайди. Қиёсланг: «ЖИҒ I: жиғига тегмоқ Тегишиб ёки бирор ёқмайдиган иш, гап билан жаҳлини чиқармоқ, гашини келтирмоқ. Баъзан Анорхоннинг *жизига тегиш* учун йигитни улар ўзаро «Собир почча» дейишар эди. Ойбек, Олтин водийдан шабадалар. Бошқа овоз раиснинг *жизига қаттиқроқ тегди*. Ш. Рашидов, Ғолиблар. Жиғини эзмок уриб абжағини чиқармоқ. [Марасул:] Ҳа, ўша сени.. (урмокчи бўлади). *Жизингни* эзаман! А.Қаҳҳор, Оғрик тишлар» [ЎТИЛ, II, 96]. Масалан, мустақилликдан олдин нашр қилинган “Ўзбекча-русча луғат”да бу бирлик «ЖИҒ: бировнинг жиғига тегмоқ — «досаждать кому-либо», «донимать, допекать кого-либо»; мен унинг *жизини* эзиб қўяман! Разг. Я еще покажу ему!» деб изоҳланган². “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”да *жизига тегмоқ* ибораси “ким ёки нима кимнинг асабини қўзғатиб ўчакиштирмоқ Бу бола ўзимнинг ҳам *жизимга тегиб* юрибди. П.Турсун. Ўқитувчи. Бух-

¹ Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. — М., 1977. — С. 7.

² Ўзбекча-русча луғат. — Т.: ЎзСЭ, 1988. — Б.152.

галтернинг ўринсиз луқмаси Дадажоннинг *жизига тегди*. И.Раҳим. Ихлос.”¹.

Кўринадики, “Ўзбекча-русча луғат”да *жиз* сўзи иштирок этган ўзбекча жумлани рус тилига таржима қилишда қайд қилинган луғат тузувчилари *нерв* (ёки унинг ҳосилалари) терминини қўлламаганлар, бизнингча, бу *жиз* ва *нерв* лексик маъносининг айнан бир хил (бир маъноли) эмаслигидан далолат беради.

Иккинчидан, нафақат ҳозирги даврда, балки илгаридан “қадимий туркий сўз бўлган *жиз*” *асаб* ёки *нерв* терминларининг денотатини англатмаган. Ҳар ҳолда, бу лексик birlik рус тилида нашр этилган «Древнетюркский словарь»да учрамайди. У, шунингдек, туркий тиллар этимологиясига бағишланган «Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюркские основы на буквы Ж, Ж, И» луғатида ҳам мавжуд эмас². *Нерв-асаб* синонимик жуфтлигида, бизнингча, умумқўлланувчи лексикада устун вазият ҳалигача *асаб* сўзида мустаҳкам сақланиб қолган.

Асаб ва *нерв* сўзларининг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги маъноларини солиштирамиз. Масалан, арабча сўз саналувчи *асаб* сўзи қуйидагича изоҳланган: “АСАБ 1 анат. физиол. Бош ва орқа миядан барча аъзоларга таркалган ва уларнинг фаолиятини бошқариб турадиган жуда ингичка нерв томирлари тизими ва шу томирларнинг ҳар бири. Ўзи ёш, *асаблари бутун*. С.Зуннунова, Олов. 2 Организм фаолияти ва инсон ҳагги-ҳаракатларини ўз ичига олган шундай тизимлар мажмуи. 3 Шу тизимлар мажмуининг ҳолати. Бо-бошнинг *таранг асаблари бўшашиб*, *енгил тортди*-да. А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат. Гўзал манзара руҳингизни бардам, *асабларингизни осойишта қилади*. “Саодат”. 4 Асабий ҳолат. *Адолат асабдан титраб*, *бошини ушлаб*,

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – Б.95.

² Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюркские основы на буквы Ж, Ж, И. – М.: Наука, 1989.

ўтириб қолди. С.Зуннунова, Гулхан. Асабига тегмоқ Асабини кўзғатмоқ, ғижинтирмоқ, жиғига тегмоқ. У Карим билан Меҳрини мақтаб, Қодировнинг асабига текканини сезиб турарди. Ш, Рашидов. Бўрондан кучли. Асабига тегмоқ Кайфияти ёмон томонга ўзгармоқ. Бўлар-бўлмасга асабинг бузилмасин”. [ЎТИЛ, I, 96].

Нерв русча байналмилал (лотинча) сўзи изоҳига диққат қаратамиз: **НЕРВ** анат., физиол. Бош мия, орқа мия ва нерв тугунларини гавданинг бошқа аъзо ва тўқималари билан боғлайдиган, асосан, нерв толалари тугунидан иборат мураккаб анатомик тузилма ва уларнинг ҳар бири; асаб. *Кўриши нерви. Ҳаракатлантирувчи нервлар. Нерв системаси. Нерв тўқималари. Тепки касаллигида айрим ҳолларда нерв системасида ҳар хил ўзгариш бўлиб, енгил ўтадиган менингит ҳам бўлиши мумкин. «Саодат». [ЎТИЛ, III, 96].* Луғатда келтирилган иккала сўз изоҳлари таҳлилидан кўринадики, қўлланиш частотаси ва маъно кўламига кўра асаб сўзи устунлик касб этган.

Ёки аниқ маълумотлар таҳлилидан маълум бўладики, рус тили орқали тилимизга ўзлашган лотинча *нерв* сўзи араб тилидан ўзлашган, аммо ўзбек тилига тўлиқ ассимиляциялашган ўз эквиваленти *асаб* сўзи семантикасини ҳар доим ҳам тўлиқ қоплай олмайди.

Қиёсланг, мисоллар:

1. Ҳаммом қабул қилиш одамнинг асаб системасига тинчлантирувчи таъсир этибгина қолмай, бир қатор нерв касалликларига даволик қилиши ҳам мумкин (Газетадан).

2. (Суюкли ёридан)... Сувонжонга маълум бўлмаган, асабларни қитиқловчи нафис ҳид анқирди. (С.Анорбоев).

Биринчи ҳолатда *нерв* ва *асаб* синонимик жуфтлигининг илмий-оммабоп мақолада медицина термини сифатида параллел қўлланиши ўринли, чунки у тавтологияга йўл бермайди. Бу қўлланишда икки бирлик ҳам тил соҳибларига

бирдай тушунарли, бу контекстда синонимларнинг лексик маъноларини уларнинг фарқловчи семантик белгиларига қараб аниқлаш қийин, чунки бу каби қўлланишда компонентларда фарқловчи маъно фаоллашмайди. Аммо иккала синонимик терминдан ҳеч бирини *жисг* лексик бирлиги билан алмаштириб бўлмайди, чунки биринчидан, ўзбек тилида сўзлашувчиларда *жисг* сўзини *нерв*, *асаб* сўзларига синоним сифатида қўллаш қабул қилинмаган, иккинчидан, агар «терминология тозаллиги» тарафдорлари изидан борсак, байналмилал термин бўлган *система* сўзини ўзгартириб, “асаб” сўзи ёрдамида контекстда *асаб тизими – нерв системаси* сўз бирикмаси ҳосил бўлар эди. Аммо уларни соф ўзбекча сўзларга айлантириш имкони йўқ, чунки медицинада *система* атамасининг моҳиятини айнан акс эттирувчи ўзбекча (туркий) сўз ҳозирги кунда қўлланмайди.

Бадий асардан келтирилган иккинчи мисолда *асаб* сўзини *нерв* сўзи билан алмаштириб бўлмайди (*нерв* сўзи бадий бўёққа эга эмас.), контекстда *асаб* сўзи ва унинг қуршовидаги сўзлар инсоннинг руҳий ҳолатини, ички кечинмаларини нозик қирралари билан тасвирлай олган, бутун вужуди билан севги домига тушган, ёри бўйидан сархуш бўлган йигитнинг ҳиссиётларига уйғун тарзда акс эттириш имконига эга бўлинган.

В.И. Абаевнинг фикрича, “сўз санъаткори учун сўзнинг ўзининг чуқур ўтмишидан бирга олиб келаётган хилма-хил ва нозик идеосемантик маъно қирралари ва тасаввур, ҳис-туйғу, фикр ва шу кабиларнинг бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланиши билан бирга ифодаланганга мажбур қилиш олий маҳорат ҳисобланади”¹. Агар мисолда *асаб* сўзи *нерв* сўзи билан алмаштирилса, бадий асарда сўз устаси томонидан кўзда тутилган бадий бўёқ йўқолиши табиий эди. Қиёсланг: «(Суюкли ёридан) ...*Сувонжонга маълум бўлмаган, нервларни қитиқловчи нафис ҳид анқирди*». Шу-

¹ Абаев В.И. Понятие идеосемантики // Язык и мышление. XI. – М. – Л., 1988. – С. 34.

нингдек, *нерв сўзи тиббийёт* термини сифатида эмас, ҳатто умумқўлланиш лексикаси бирлиги сифатида ишлатилганда ҳам “*куруқ*” – маъно нозикликларини ифодалай олмаслиги кўзга ташланади. Демак, икки сўзнинг ўринли бирикиши учун уларнинг семантик структурасида бир-бирини тақозо этувчи семалар мавжуд бўлиши керак.

Иккинчи матнда ҳам *асаб* сўзини *жиг* сўзига алмаштириб бўлмайди, чунки *жиг* сўзи семантикасида эмоционал-салбий тавсифни билдирувчи қўшимча семалар (коннотациялар) устунлик қилади, шу сабаб нутқда кишининг салбий психологик ҳолатини кучли тарзда ифодалаш учун қўлланилади. “Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал” деганларидек, бадий асардан олинган куйидаги парчада *асаб* сўзи ўрнига *жиг* сўзини қўйиш билан бундай алмаштиришнинг мақсадга номувофиқлиги ва имконсизлигини кўрсатишга ҳаракат қиламиз:

(Суюкли ёридан) ...Сувонжонга маълум бўлмаган, *жиг*ларни қитиқловчи нафис ҳид анқирди.

Кўринадики, бундай ҳолларда ижодкор китобхонга аңлатмоқчи бўлган эмоционал ҳолат бутунлай йўқолади, матн семантикаси эса икки маъноли бўлиб қолади: бир томондан, Сувонжон ўз севгилисидан келаётган, унга нотаниш бўлган ғалати нозик ҳидни ҳис қилган (1), иккинчи томондан эса унга бу ажойиб ҳид нега ёқмаётганлиги, ғашига текканлиги сабаби номаълум бўлиб қолади (2). Юқорида махсус таҳлилга тортилган парча *жиг* сўзи семантикасида шахсни тавсифловчи эмотив салбий муносабат ифодаловчи қўшимча семалар (коннотация)нинг мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбек тилида *жиг* воситасида фақат битта лексик birlik – *жигибийрон* лексемаси ясалган. “**ЖИҒИБИЙРОН:** *жигибийрон* бўлмоқ. Куйиб-пишмоқ, ўртанмоқ; тутатиб кетмоқ. – Худо кўрсатмасин, қамаб қўйсалар яхшими? – *жигибийрон* бўлиб деди она. Ойбек, Нур кидириб. Фотима она эри берган пулнинг чўғини кўриб, *жигибийрон*

бўлди. Р.Файзий, Сен етим эмассан. *Жигибийрони* чикмок айн. *жигибийрон* бўлмок. *Жигибийрони* чикиб кетган Аҳмад ноқулай ахволга тушиб қолди. Ф.Мусаждонов, Ҳиммат” [ЎТИЛ, I, 97]. Бу сўз нутқда, асосан, *жигибийрон* бўлмок шаклида қўлланади. Тилимизда бу сўз воситасида ясалган *жигибийрони* *чикмоқ* ибораси ҳам мавжуд. “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”да *жигибийрони* *чикди* ибораси “(кимнинг) беҳад норози бўлиб, ниҳоятда тутакиб гапирмок”. Жамоат чорвасига совуққонлик билан қарайдиган одамларни жавобгарликка тортиш керак деб *жигибийрони* *чикди*. С.Абдуқаҳҳор. Ҳаётнинг бошланиши. «Сафаров билан Самандаров эрталаб қочган экан, мана ҳозир сиз...» Бўтабойнинг *жигибийрони* чикиб кетди: «Қайси унсур айтди сенга бу гапни?!» А.Қаҳҳор. Қўшчинор чироклари. У шаҳарга иш излаб кетиб, анчадан кейин яна куруқ, яланғоч, *жигибийрони* чикиб қайтарди. А.Мухтор. Опа-сингиллар” тарзида изохланган¹.

Асаб сўзини *нерв* сўзи билан ва уларни *жиг* синоними билан алмаштириб бўлмаслигига оид мисолларни яна келтириш мумкин, аммо биз биргина мисолни келтириш билан чекланамиз:

Ғуломжоннинг асаб торлари тортилди, аламига алам қўшилди. (М. Исмоилий, Фарғона тонг отгунча) Келтирилган бу матнда *асаб* ва *нерв* сўзларининг ўрнини алмаштириб бўлмайди, чунки *нерв* сўзи ҳатто умумистеъмолда ҳам ўзининг терминлик (медицинага оид) хусусиятига ишора қилиб туради, унинг учун образли-поэтик қўлланиш хос эмас. Қиёсланг: *Ғуломжоннинг нерв торлари тортилди.*

Семантикасида салбий эмотив бўёқдорлиги (маъно компоненти, коннотация) ёрқин ифодаланган *жиг* сўзи матнда салбий эмоционал бўёқдорлик ифодаляётган *асаб* сўзи ўрнида қўлланиши мумкиндек кўринади, аммо у асосий (денотатив) маъносидан ташқари, коннотатив маънога эга бўлган,

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. — Т.: Қомуслар Бош тахририя, 1992. — Б.95.

кўчма маъно ифодалаётган *тор* сўзи билан ҳосил қилинган лексик-семантик бирикмада иштирок эта олмайди, *жиг* сўзидан фаркли равишда ёрқин ижобий эмоционал маънога эга бўлган *тор* сўзи, одатда, образли поэтик нутқда қўлланади ва қоидага кўра, реципиент томонидан ўзига ижобий эмоционал муносабат уйғотувчи денотатни ифодалайди.

Сўзнинг асосий семантик конуни қуйидагиларга мос келади: икки сўзнинг ўзаро бирикиши учун уларнинг семантик структурасида бир-бирига қарама-қарши бўлган семалар мавжуд бўлмаслиги керак¹. Ифоданинг тўғри ташкиллашуви, табиийки, сўзлар бирикиши конунининг сақланишини нафақат синтагматик сатҳда, балки умумий контекст семантикасида ҳам сақланишини тақозо қилади. Шу билан боғлиқ ҳолда ўзбек тили семасиологиясида ҳам “семантик синтез муаммоларини ишлаб чиқиш сўзлар бирикиши конунларини ўрганишни нафақат лексик, балки семантик сатҳда ҳам ўрганиш масаласини қўяди. Бу эса номинациянинг тобелиги конунлари бошқа номинациялар қуршовига боғлиқлигидан далолат беради”².

Синонимия терминологияда худди умумистеъмолдаги лексика каби катта роль ўйнайди³, аммо мазкур ҳолатда, *нерв* ва *асаб* мисолида биз бу синонимларнинг медицина терминлари сифатида, масалан, илмий-оммабоп мақола-ларда тўла ҳуқуқли вазифада қўлланишини кўрамыз: *Бир қатор олимларнинг олиб борган илмий тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, яхши куй тинглаб ҳордиқ чиқарган кишиларнинг марказий асаб аъзоларининг фаолияти яхшиланиши, асабиятнинг сокинлашиши қайд этилади... Марказий*

¹ Бу ҳақда қarang: Гак В.Г. К проблеме гносеологических аспектов семантики слова. — М., 1971. Т. 1.; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. — М.: Изд. ЛИЯ. 1959. — С. 71–286;

Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. — М.: Наука, 1986.

² Арнольд И.В. Основы научных исследований в лингвистике. — М., 1991. — С. 373.

³ Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. — М., 1977. — С. 76.

асаб системасининг тормозланиш жараёнлари муסיқани роҳатланиб тинглаш натижасида яхшиланар экан. (Газетадан). Кўринадики, парчада (илмий-оммабоп мақола парчасида) айнан бир тушунча — *асаб* денотати воситасида уч маротаба такрорланган, ўзбек тилида бу денотатни ифодалаш учун уч синонимик воситанинг мавжудлиги (*асаб аъзолари, асабият, асаб системаси*) боис муаллифлар тавтологиядан қочиб, ўз фикрларини турли шаклда ифодалашга муваффақ бўлганлар. Бу синонимик ифодалар ўзбек тилида сўзлашувчилар учун тўлиқ тушунарли. Аммо уларда лексик-семантик ва синтактик бирикишда фарқлар мавжудлиги сезилади. *Асаб аъзолари* бирикмаси ўзбек тили грамматикаси қоидаларига кўра, араб тилидан ўзлашган *асаб* ва *аъзо* сўзларидан, *нерв системаси* эса ўзбек тили грамматикаси қоидаларига кўра, *нерв* ва *система* каби русча байналмилал сўзлардан ташкил топган. Бизнингча, бу бирликларнинг мазкур матнда нафақат семантик, балки синтактик жиҳатдан ҳам тўғри бирикканлигидан далолат беради. “Арабча сўзларнинг ўзбек тилига морфологик жиҳатдан мослашиши икки ҳолатда: а) арабча сўзлар негизида ўзбек тилида янги сўзлар ҳосил қилинишида; б) арабча сўзларнинг ўзбек тилидан грамматик форма ясовчи қўшимчаларни қабул қила олишида ёрқин кўринади”¹.

Аъзо сўзининг *асаб* сўзи билан *асаб аъзолари* тарзида бирикиши ўзбек тили учун одатдаги ҳол, аммо байналмилал термин ҳисобланган *нерв* сўзи билан бирикиши ноодатий ҳисобланса-да, ўзбек нутқида *нерв аъзолари* тарзида қўллаш ҳам учраб туради. Ўзбек тилида сўзлашувчилар нутқий вазиятларда *нерв системаси* денотатини қўллашни маъқул кўрадилар, *асаб аъзолари* асосан китобий, масалан, публицистик нутқда қўлланади.

Аммо нутқда, ўзбек даврий нашрларида, жумладан, илмий нутқда, илмий-оммабоп мақолаларда *асаб системаси*

¹ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. — Тошкент: Фан, 1985. — Б. 170.

бирикмасининг *нерв системаси* байналмилал бирикмаси синоними сифатида параллел равишда фаол қўлланиши ҳам маълум. Аммо советлар давригача ва ундан кейинги даврий нашрларда (мустақилликка қадар) *нерв аъзолари* бирикмасининг қўлланиши деярли учрамайди.

Сабаби, биринчидан, *асаб аъзолари* бирикмаси таркибидаги бирликлар русча байналмилал бирикмадан илгари ўзлашган бўлиб, тилда анъанавийлик касб этган. Иккинчидан, мазкур бирикма таркибидаги *аъзо* сўзи тушунча (денотат) ифодаласа-да, *система* сўзидан фаркли ўларок, алоҳида мустақил бирлик сифатида қўлланганда “инсоннинг яхлит танаси, организмнинг аъзоси, қандайдир қисми” маъноси-ни билдиради¹. Шунинг учун медицина фанлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари аниқ тушунча (денотат) ифодаловчи *нерв системаси* бирикмасини қўллашни маъқул кўришлари шубҳасиз.

Сўзларнинг семантик мазмунини тўла ёритиш учун *нерв* ва *асаб* синонимларини деривацион аспектда кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек тилига араб тилидан *асаб* сўзи билан бирга *асабият*, *асабий* сўзлари ҳам ўзлашган. *Асабият* оти ўзбек тилида қуйидаги лексик маъноларни ифодалайди: *асаблар*, *нерв системаси*, *асаблар жамланмаси*². Тилимизда *асабият* сўзи англатган маънони *нерв* терминига бошқа бирликларни, масалан, *система* сўзини қўшмасдан аниқ ифодалаб бўлмайди.

Ўзбек тилидаги *асабий* сифатини байналмилал сўзлар воситасида ифодалаб бўлмайди. Табиийки, *асабий* сўзи иштирокисиз ўзбек тилида сўзлашувчилар тилига хос бўлган қуйидаги ҳолатларни тўғри шакллантириш имконсиз бўлади:

АСАБИЙ 1 Салга асабийланаверадиган, бўлар-бўлмасга қизишиб, тутақиб кетадиган; зардаси тез, жиззаки. *Асабий*

¹ Ўзбекча-русча луғат. – Т.: ЎзСЭ, 1988. – Б.42.

² Бу ҳақда қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I. II. – М.: Русский язык, 1981 – Б.56; Ўзбекча-русча луғат. – Т., ЎзСЭ, 1988 – Б.36.

киши. Асабий бола. Отам асабий одам эди. Шундай бўлса ҳам, мени қаттиқ урмаган ва ёмон.. сўкмаган эди. С.Айний. Эсдаликлар. 2 Асабларнинг кўзғалиши билан боғлиқ. Асабий ҳолат. Асабий товуш. – Бегонадан ҳам баттарсиз! – қизишиб кетган Холнисанинг лаблари асабий титради. С.Нуров, Нарвон. Юзини асабий тимдалаетган онасининг аҳволига ачинибми, аёл жаҳлдан тушди. «Ёшлик». [ЎТИЛ, 1, 106]. Масалан:

...у ёқдан бу ёққа асабий бориб-келиб турибди (Газетадан).

Медикларнинг таъкидлашича, ичкиликка ружу қўйган кишилардан бўлган фарзандлар туғма асабий бўлган ҳолда дунёга келадилар (Газетадан).

Шунингдек, нутқда асабий киши ифодаси ўрнида нервли киши жумласини қўллаш ноодатий бўлиб, адабий тил меъёридан четга чиқиш ҳисобланади. Нерв сўзига -ий қўшимчасини қўшиб, сифат ясаб бўлмайди, чунки бу аффикс араб тилидан кириб келган сўзларга қўшилади. Нерв сўзига асл туркий бўлган -ли қўшимчасини қўшиш йўли билан сифат яшаш мумкин, бироқ ясалманинг қўлланиш доираси чегараланган. Масалан, нервли ясалмаси асосида нервли киши бирикмасини ҳосил қилиб бўлмайди, ғализ ифода юзага келади, шунга кўра, рус тилидаги у него нервы ифодаси ўзбек тилига асабий киши тарзида таржима қилинади, шунинг учун “суффикслар ва ўзакларнинг семантик мослиги белгиларини тадқиқ қилиш ўта муҳимдир”¹. Нервли киши ифодаси медицинада “нерв хужайраларига эга одам” тушунчасини билдириши мумкин. Шундагина у мантикан тўғри бўлиши мумкин. Чунки инсон тирик мавжудот сифатида, албатта, асаб хужайраларига эга бўлади. Шу боис бизнингча, ўзбек тилида -ли қўшимчаси ёрдамида нервли киши бирикмаси ҳосил қилинмаган.

¹ Кубрякова Е.С., Харитончик З.А. О словообразовательном значения и описании смысловой структуры производных суффиксального типа // Принципы и методы семантических исследований. – М.:Наука, 1976. – С. 226.

Арабча луғавий ўзлашмалар ўзбек тили сўз ясалиши жараёнларида икки хил ҳолатда иштирок этади: 1) бевосита; 2) билвосита. Арабча луғавий ўзлашмалар ўзбек тили сўз ясалиш жараёнида бевосита иштирок этганда, сўзнинг сўз ясалиш структураси ўзбек тилининг ўзига тегишли бўлади. Унда араб лексик бирликлари ўзбек тилига мансуб мотивловчи восита (ясовчи восита, ясовчи формант)лар билан сўз яшаш муносабатига киришади. Масалан, *асабийлик*, *асабийланмоқ*, *асабийлашмоқ* каби.

Арабча луғавий ўзлашмалар ўзбек тили сўз ясалиши жараёнида билвосита иштирок этганда, мотивловчи асос мақомидаги узвнинг ўзи ясама лексемалик характериға эға бўлиб, унинг ясалиш қолипи ўзбек тилиға эмас, бошқа тилға хос бўлади. Бизнингча, ўзбек тили сўз ясалишида билвосита мақом билан катнашадиган араб тилиға хос луғавий ўзлашмалари форс тилидан ўзлашган лексемалар таркибида келади.

Арабча луғавий ўзлашмалар ўзбек тили сўз ясалишининг композиция усули доирасида ҳам янги лексик бирликлар ҳосил қилишда иштирок этган бўлса, ўшандай лисоний хусусиятлар сўз яшашнинг композиция усули ёрдамида ҳосил бўлувчи қўшма сўзларнинг сўз яшаш структурасида ҳам мавжуд бўлади. Арабча луғавий ўзлашмалар композиция усулидаги сўз яшаш жараёнида иштирок этганда, мотивловчи асос, мотивловчи восита узвлари ҳар бир компонентға синхрон – синкрет тарзда қоришиб кетади. Қўшма сўзнинг ҳар бир компонентида ҳам мотивловчи асослик, ҳам мотивловчи воситалик вазифалари бир вақтда (синхрон тарзда) мужассамлашган бўлади. Арабча луғавий ўзлашмалар иштирокида ҳосил бўлган қўшма сўзларни ясовчи узвлардан бирининг қайси тилға мансублиги нуқтаи назаридан қуйидаги тўрт гуруҳға ажратиш мумкин: 1) ясовчи узвларидан бири ўзбек тилиға мансуб қўшма сўзлар; 2) ясовчи узвларидан бири форс-тожик тилиға мансуб қўшма сўзлар; 3) ясовчи узвларидан бири рус тилиға мансуб қўшма сўзлар;

4) ясовчи узвларининг ҳар иккиси ҳам араб тилига мансуб кўшма сўзлар. Ясовчи узвларидан бири ўзбек тилига мансуб кўшма сўзларнинг деярли кўпчилиги сўз бирикмаларининг лексикализациялашуви натижасида ҳосил бўлган. Масалан, *асабни бузувчи* → *асаббузар* каби.

Асабийлик, асаббузар сўзлари ёрдамида ҳосил бўлган сўзларнинг кўлланиши нутққа эмоционал-экспрессивлик бағишлайди: Бу *асаббузарнинг дастидан дод!* (Газетадан).

Асаббузар сўзига -лик аффиксини кўшиш билан бошқа мустақил лексик бирлик – *асаббузарлик* ясалган: Бу *асаббузарлик қачонгача?!* (Газетадан). Ҳар қандай *асаббузарликлар* ҳам мени бугунги ёмон одат – чекишга қайтаролмайди (Газетадан).

Асаб сўзи *асабийланмоқ, асабийлашмоқ* каби феълларнинг ҳосил бўлишида ҳам фаол ҳисобланади. Бундай ҳосил бўлган бирликларни *нерв ва жиг* сўзлари билан алмаштириб бўлмайди. Масалан:

1. *Отахон асабийлашди* (Газетадан).

2. ...*ёшлар олий ўқув юртига кириш учун танлов имтиҳонлари топширганларида «икки» ёки «уч» баҳо олсалар, ҳайрон қоладилар, мен мактабда ҳеч қачон «уч» баҳо олганим йўқ эди, деб асабийлашадилар, баъзан ҳатто жанжал кўтарадилар* (Газетадан).

Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, араб тилидан ўзлашган, ўзбек лексик-семантик системасида ўзлашганлиги деярли сезилмас ҳолатга келиб қолган *асаб* сўзининг қандай амалий қимматга эгалигини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Шу билан бирга, *нерв* байналмилал сўзи ўзбек тилининг нафақат китобий (ёзма), балки оғзаки нутқига ҳам кириб келганлиги, унинг сўзлашув нутқида синтактик қурилмаларнинг таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилганлигини кўрсатади.

Ўзбек тилида *асабига тегмоқ* ибораси мавжуд бўлиб, “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”да “ким ёки нима кимнинг асабини кўзғатмоқ, ғижинтирмоқ. Синоними: ғаш(и)

га тегмоқ ким ёки нима кимнинг; ғаш(и)ни келтирмоқ нима кимнинг ўрнашиброқ ўтирмоқчи бўлганида, стул ғижирлаб, яна *асабига* тегди, ўнғайсизланиш авжига минди. Р.Файзий, Чўлга баҳор келди. *Асабимга* тегаверма, бўлмаса, адабингни бериб кўяман! Жонли сўзлашувдан тарзида изоҳланган¹. Бироқ луғатда келтирилмаган бўлса-да, жонли нутқда *асабига тегмоқ* иборасининг *нервига тегмоқ* варианты кузатилади. Шунингдек, ўзбек тилида *жаҳли чиқмоқ* ибораси ҳам мавжуд бўлиб, луғатда “кимнинг – жаҳл(и)ни чиқармоқ нима ёки кимнинг ғазабланмоқ. Вариант: аччиғ(и) чиқди; чиққан жаҳл(и) кимнинг. Синоними: захра(си) учди кимнинг Сенинг шахсий ҳаётингга аралашаётганим учун балки жаҳлинг чиқар. С.Зуннуова, Иккинчи хотин. ... ширин уйқусидан махрум қилса, кимнинг жаҳли чиқмайди?! Ҳ.Нуъмон, Ёшлиқда берган кўнгил...Жаҳл(и) қистади: аччиғ(и) қистади”² тарзида изоҳланган.

Ушбу иборанинг ҳам жонли сўзлашувда *нерви чиқмоқ* варианты мавжуд бўлиб, луғатда берилмаган. Агар *нerv* лексик бирлигига терминологик нуқтаи назардан қаралса, лисоний доирада у тўғри белгиланган тарзда “асосан номинатив-дефинитив вазифада, яъни номлаш ва махсус тушунча ифодалаш вазифасида”³ қўлланилишини кўриш мумкин. Шунини қайд этиш керакки, *нerv* термини (ва унинг грекча эквивалентлари) *нервюра* (самолётсозлик қурилишида қўлланилувчи термин, Ўзбекистонда шундай саноат қурилиши мавжуд эди), *нервация*⁴ (медицина термини) каби махсус тушунчаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. *Нerv* терминининг *нerv* (*нervо*) шаклидаги эквивалентидан *нervралгия*, *нervростения*, *нervроз*, *нervролог*, *нervрологик*, *нervрология*, *нervропатолог*, *нervропатология* каби тиббиёт атамалари ҳосил

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – Б.22.

² Раҳматуллаев Ш. Келтирилган манба – Б.93.

³ Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М., 1977. – С. 7.

⁴ Словарь иностранных слов. – М.: Русский язык, 1986. – С. 330.

бўлган. Бу байналмилал терминларнинг барчаси рус тилидан тайёр ҳолда ўзлаштирилган. Таниқли терминшунос Б.Л.Даниленко таъкидлаганидек, қандайдир бирор сўзнинг амалий қўлланишини унинг асосий деривацион хусусиятларини ва қўлланишидаги ўзига хосликларини билмай туриб баҳолаб бўлмайди. Ўтказилган таҳлиллар ҳозирги ўзбек тили лексикасининг фаол қисмига оид бўлган *асаб* сўзининг қўлланиш даражасини архаизм билан мустаҳкам боғлангандек белгилаш асоссиз эканлигини кўрсатади¹.

Ҳозирги вақтда *асаб* сўзини *нерв* сўзига алмаштириш ёки бу синонимлар ўрнида *жиз* сўзини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Бу уч сўз (*нерв*, *асаб*, *жиз*) дан бирини бошқасидан афзал кўришга эҳтиёж йўқ, ваҳоланки, улар ўзбек тили системасида давомий мавжуд бўлиши натижасида парадигматика ва синтагматика сатҳида ривожланишда давом этмоқда².

Нерв ва *асаб* сўзларини семантик тавсифи ва функционал-стилистик хусусиятларига кўра фарқ қилувчи синонимик қатор компонентлари сифатида қараш мақсадга мувофиқ. *Нерв* сўзи ҳатто умумистеъмол тилида қўлланса ҳам, қайси нутқ услубида қўлланишига қараб семантикаси ўзгариб турувчи *асаб* сўзидан фарқли равишда ўзининг терминологик маъносини мустаҳкам сақлаб қолган.

Синонимия сўз лексик маъноларининг парадигматик муносабатларидан бири сифатида вокеланади, синонимик муносабатни юзага келтиришнинг маълум шартлари мавжуд бўлиб, белгиловчи асосий шарт маъно муносабатидир. Агар *нерв* лексик бирлигига терминологик нуқтаи назардан қаралса, лисоний доирада у тўғри белгиланган тарзда “асосан номинатив-дефинитив вазифада, яъни номлаш ва махсус тушунча ифодалаш вазифасида”³ қўлланишини кўриш

¹ Гулямова Н. Русские лексические заимствования в узбекском языке. – Т.:Фан, 1985. – С. 65; Миртожиев М. Ўзлашган сўз – пайванд куртаги. – Т.: Ўзбекистон, 1988. – Б.3.

² Даниленко В. И. Келтирилган манба. – Б.7.

³ Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания.

мумкин. Номинатив бирликлар семантикасининг коннотатив макрокомпонентларидаги кичик ўзгаришлар тўшлана бориш натижасида маънонинг янги компонентларини (семаларини) ҳосил қилиб, фон бўёқдорлигини юзага келтирган. “Турли тилларга оид сўзлар, ҳатто улар яхлит ва битта тушунчани ифодаласалар-да, ҳеч қачон мутлак тенг маъноли синоним бўла олмайди”¹.

Ифоданинг тўғри ташкиллашуви, табиийки, сўзлар бирикиши конунининг сақланишини нафақат синтагматик сатҳда, балки умумий контекст семантикасида ҳам сақланишини такозо қилади. Демак, синонимларнинг ўзига хос табиатини ўрганишда контекстнинг роли катта аҳамиятга эга эканлигига яна бир бор амин бўлинди.

– М., 1977. – С. 7.

¹ Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – М., 1963. – Б. 58.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИК СИНОНИМЛАРИНИНГ НУТҚИЙ ВОКЕЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР

1. Ўзбек тили лексик синонимларининг нутқий вокеланишида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги

Ўзбек тилининг ҳозирги мавқеига кўтарилишида адабий тил тараққиётини белгиловчи омиллар (лисоний ҳамда нолисоний омиллар)нинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Нутқий системада лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги масаласи жаҳон тилшунослигида П.Грайс, Д.Франк, Т.А.Дейк ван, С.Д.Кацнельсон, Л.В.Щерба, Н.Д.Арутюнова, В.В.Богданов, М.С.Каган, Л.П.Крысин¹, ўзбек тилшунослигида Р.Қўнғуров, И.Қўчқортоев, Ғ.Абдурахмонов, Т.А.Бушуй, Ш.Сафаров, Ш.Искандарова, С.М.Мўминов, Б.Х.Раҳматуллаева, З.Х. Утешева, З.А.Акбарова, Н.Аҳмедова каби лингвистларнинг ишларида учрайди². Улар нутқий система-

¹ Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. – М.: Прогресс, 1985. – С. 217–237, Франк Д. Семь грехов прагматики: тезисы о теории речевых актов, анализе речевого общения, лингвистике и риторике // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1989. – С. 363–373, Дейк ван Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989. – С. 308, Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1980. – С. 216, Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Л.: Наука, 1974. – С. 428, Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С. 5–32, Богданов В.В. Функции вербальных и невербальных компонентов в речевом общении // Языковое общение: единицы и регулятивы. – Калинин, 1987. – С. 18–25, Каган М.С. Мир общения. – М.: Политиздат, 1988. – С. 138, Крысин Л.П. Речевые общение и социальные роли говорящих // Социально-лингвистическое исследование. – М.: Наука, 1976. – С. 42–51.

² Қўнғуров Р., Қўчқортоев И., Абдурахмонов Ғ. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент, 1973. – Б.51–55, Бушуй Т.А. Лексическая прагматика как общелингвистический объект // Хорижий тил таълимининг когнитив-прагматик тамойиллари. – Са-

даги турли омилларнинг ҳамкорлигини бевосита ёки билвосита қайд этишган.

Лексик синонимларнинг нутқий вокеланишида соф лингвистик омиллар доирасидан чиқиб, прагматик омиллар билан иш кўрилади. Бу, айниқса, синонимик каторни ташкил этувчи икки ёки ундан ортиқ сўзнинг маъносидаги ифода ҳажми, прагматик семаси ва услубий томонлари ўзаро фаркланадиган лексемаларда яққол кўзга ташланади. Хусусан, синонимларнинг лисоний вокеланиши учун ҳамкорликнинг зарурлигига, ҳамкорлик эса лисоний ва нолисоний омиллар муштараклигида бўлишига олиб келади. Ҳар қандай ҳамкорлик боғлиқлик ва мустақиллик қарама-қаршилиги асосида мавжуд бўлади. Мутлақ боғлиқлик ҳамкорлик бўлмаганидек, мутлақ мустақиллик ҳам синергетик фаолиятга зид.

Синонимларнинг нутқий вокеланишида лексик ва синтактик омиллар ҳамкорлиги масаласи тилшунослигимизда маълум даражада ўрганилган. Бирок нутқий вокеланишни соф лисоний омиллар билан чеклаб бўлмайди. Чунки инсоний мулоқот системаси лисоний ва нолисоний омиллар яхлитлигидан иборат. Нутқда лисоний омиллар сўзловчи томонидан «мажбурий-ихтиёрийлик» тамойили асосида бошқарилади. Масалан, сўзловчи мулоқот интенцияси ва унинг намояндаси бўлган нутқий интенция асосида синонимик катор лексемаларидан бирини, яъни маъновий жиҳат-

марканд, 2007. – Б.35–40, Сафаров Ш. Система речевого общения. Универсальное и этноспецифическое. – Самарканд, 1991. – С. 170, Исқандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Самарканд, 1993. – 26 б. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 45 б, Раҳматуллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 210 с, Утешева З. Лингвокультурологический аспект в методике обучения речевого этикета на иностранном языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 2009. – 26 с, Акбарова З.А. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2007. – Б.136, Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2008. – Б.25.

дан ўзига мосини танлайди – лексеманинг валентлик имкониятларидан келиб чиккан ҳолда фикрини муайянлаштириш ҳамда ўз мақсадига осонроқ ва қулайроқ эришиш учун фикрий танловни амалга оширади. Албатта, бир вақтнинг ўзида, онг остига ўтиб кетган прагматик омилларни инобатга олиш ва уларни ҳам ўз ўрнида «ишлатиш» компетенциясига таянади. Натижада лисоний ва прагматик омилларнинг уйғунлигига эришилади.

Синонимик қатор лексемаларнинг семик компонентлари нутқ таркибида қаралганида нутқнинг гетероген табиатли система эканлиги, лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигида бўлиши ҳамда шу хусусияти асосида лисоний системадан фарқланиши, танланган синоним лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигида воқеланиши, бунда лисоний омиллар кучайганида нолисоний омилларнинг сусайиши, нолисоний омиллар кучайганида эса лисоний омиллар сусайиши эътиборни тортади.

Лисоний ва нолисоний омилларнинг ҳамкорлиги мувофиқлик кўринишида намоён бўлади, нутқий система таҳлилида улардан бирортасининг мавқеига паст назар билан қараш ноўрин, бунда комплекс таҳлил тамойили устуворлик қилади. «Нутқий қурилмаларнинг структураси ва маъносининг аниқ тавсифини контекстуал ёки, аниқроқ айтганда, ушбу тузилмаларнинг қўлланишига оид омилларга таянмасдан туриб билишнинг имкони йўқ».¹ Коммуникатив интенция фаоллик, сўзловчи ўз мақсадига эришиш учун бир вақтнинг ўзида прагматик омилларга бўйсуниб билан бирга, уларни усталик билан ўзига мослашга интиладиган ўринларда лисоний воситаларга ҳам устуворлик берилади. Сўзловчи лисоний системадан тил бирликларини танлашда ўзининг лисоний ва ижтимоий компетенцияси асосида ижтимоийлашган лисоний-нутқий меъёрга бўйсунади.

Адабий тил тараққиётида лисоний омиллар муайян тилнинг луғат бойлигига таянади. Тилнинг луғат бойлиги

¹ Nuyts J. Aspects of a Cognitive-Pragmatic Theory of Language. On cognition, functionalism, and grammar. – Amsterdam, 1992. – P. 68.

синонимларнинг кўлами кенглиги билан белгиланади. Тилдан ташқарида мавжуд бўлган факторлар, яъни нолисоний омиллар (ижтимоий тузум шакллари, тарихий жараёнлар, халқлар ва миллатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий алоқалар, илм-фан ривож, ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти, ижтимоий тафаккур, инсон руҳияти, ҳис-туйғулари, тил ва ёзувга оид қонун ва фармонлар каби) ҳам синонимлар кўламининг кенгайишига сабаб бўлади.

Масалан, Ўзбекистон истиқлолга эришгач, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ва маънавий ҳаётида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди: бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни бошланди, миллий қадриятларга эътибор кучайди, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг янги шаклларининг юзага келиши ўзбек тили лексикасига ўз таъсирини кўрсатди: *ҳоким, ҳокимият, вазир, вазирлик, вилоят, туман* каби лексемаларнинг мазмун мундарижасида ҳозирги тузумга хос янги маъно кирралари юзага келди, натижада бундай сўзлар эски қатламдан замонавий қатламга ўтиб қолди.

Прагматик муҳит ташкил этувчилари турли-туманлиги билан характерланади. Шахс, унинг табиати ва мавқеи, шахс омили, мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабат, вазият, шароит, макон ва замон кабилар муҳим аҳамиятга эга. Биргина шахснинг нутқий ҳолати, феъли, савияси, ижтимоий мавқеи, ёши, маълумоти, мутахассислиги, соғлиги, кайфияти, жинс каби хусусиятлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири лисоний бирликлар, хусусан, синонимларнинг нутқий воқеланишига маълум даражада таъсир кўрсатади — баъзан сусайиши, баъзан моҳиятдан маълум даражада четлашиши даражасида, баъзан ундан қуйи мақомда туради.

Ҳозирги ўзбек адабий тили лексикаси жамият ҳаётидаги ҳар бир ўзгаришни акс эттириб, янгиланиб ва ривожланиб бормоқда. Ўтган асрнинг сўнгида ўзбек тилининг давлат тили мақомини олиши, Ўзбекистон Республикаси мустақил-

лигининг эълон қилиниши натижасида соҳаларнинг кенгайиши ва ривожланишига, бу эса ўзбек тили лексик қатламининг бойишига, балки синонимик компонентларнинг кенгайишига, янгиланиб боришига сабаб бўлди. Масалан, дастлабки йиллар ўзбек тилида конкурс – танлов, «транспорт» – «нақлиёт», «улов»; «самолёт» – «тайёра», «учок», «учқич»; «аэропорт» – «тайёрагоҳ», «қўналға», «учоқ майдон»; «журнал» – «жарида», «мажалла», «ойнома»; «газета» – «рўзнома», «куннома»; «билет» – «чипта», «патта»; «телевизор» – «ойнаи жаҳон», «телекўзгу», «тележаҳон»; «президент» – «элбоши», «юртбоши», «жумхурайис» каби кўп-лаб синонимик қаторларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳолбуки, тилда янги пайдо бўлган ҳар бир лексема ёки янги функционал маънода қўлланаётган ҳар бир архаик сўз илмий изоҳни, унинг специфик табиатини, хусусиятларини ўрганишни талаб қилишини мустақилликка қадар истеъмолда бўлган *район* сўзи ва унинг синонимик қатори мисолида кўриб ўтамиз. Мустақилликдан олдин “мамлакат ёки катта шаҳар ичида маъмурий-ҳудудий бирлик”¹ бўлган *район* сўзининг синонимлари умумистеъмол лексикасида қўлланмаган, мустақилликнинг дастлабки йилларида ижтимоий ва сиёсий сабабларга кўра умумистеъмолга *район* сўзининг *ноҳия*, *депара*, *музофот*, *мавзе* каби турли эквивалентлари кириб кела бошлаган эди. Ўша йиллардаги даврий нашр материалларида *район* сўзи синонимик эквивалентларининг параллел қўлланилигини кўриш мумкин:

Фаргона вилояти Бувайда районидаги «Октябрь» жамоа ҳўжалиги боғларида бўлган киши ҳосилнинг мўллиги, заминимизнинг саховатига таҳсинлар айтади. (Газетадан).

Сурхондарё вилоятининг Денов ноҳиясидаги Охунбобоев номли давлат ҳўжалигида қишлоғга пухта ҳозирлик билан киришилди. (Газетадан).

¹ Ожегов С.И. Словарь русского языка (Под реакцией Шведов Н.Ю.) 23-изд. Москва. Русский язык, 1990, – С. 654.

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги «Китоб совхозининг Н.Раҳмонов бошлиқ боғдорчилик бригадаси жамоаси. (Газетадан).

Бу каби қўлланишлар нафақат даврий нашрларда, балки оммавий ахборот воситаларида ҳам кузатилган.

Район лексемасининг туман-ноҳия синонимлари депара, мавзе ва бошқа бирликларга қиёслаганда фаол қўлланилганлиги боис уларга батафсил тўхталамиз.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, ўтган асрнинг 90 йилларида *район* сўзининг турли эквивалентларининг пайдо бўлиши тилда турли мунозараларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Дейлик, бу атамаларнинг қайси бири афзалроқ бўлиши керак: *туман* ёки *ноҳия*? Бу муаммоларга доир даврий матбуот саҳифаларида чоп этилган тилишуносликка оид мақолаларда тортишувлар янада кескинлашиб борди. Муаммо бўйича қўплаб мақолалар нашр қилинди. Бахслар тобора кескин тус олиб, лингвистик тадқиқотлардан даврий нашрларга кўчди¹

Ўзбек тили лексикасини тартибга солиш ва меъёрлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган Атамашунослик қўмитаси (1989), қатъиян бир лексик бирликни – *ноҳия* атамасини (1989 йилдан) ишлатишни тақлиф қилган эди.² Лекин бу атама омма

¹ Исмагуллаев Х. Тилимиз ўзгараётими? Қандай? // Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1989, 3 декабрь, – Б.4; Дониёров Р. Терминларни ўзлаштириш мезонлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1991, № 6. – Б. 21–26; Алиқулов Т. Қоидаларга монанд бўлсин // Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1990. 7 август. – Б.3; Мусаев Қ. Қонун берган имконият // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990, № 33, – Б.2; Тошалиев И. Сўз мантики – фикрлаш калити // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990, № 25; Ҳожиев А. Чумчук сўйса ҳам, қассоб сўйсин // Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1990, 14 август; Абдурахмонов Ғ. Миллий тил сиёсати муаммолари // Халқ сўзи. – Тошкент, 1991, 1 февраль, – С. 2; Азизов О.А. Сунъий тўсиқлар кимга керак? // Маърифат. – Тошкент, 1992, – С. 3.

² Абдурахмонов Ғ. Ҳар сония зарур ёки атамашунослик ва сўз танлаш хусусида // Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1989, 13 декабрь, – С. 3; Қосимов Н., Рамазонов М. Атамақўм қарори – вожиб // Халқ сўзи. – Тошкент, 1991, 10 август, – С. 4.

сўзлашувида кенг ишлатилмасдан, ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли(кишлоқларда яшовчи аҳоли ҳам)нинг кўпчилиги ўша вақтда кундалик сўзлашув луғатида рус тилидан олинган *район* сўзини ишлатишда давом этган. Атамашунослик кўмитаси фикрича, *ноҳия* атамасини вилоят таркибидаги ҳудудларни аташда ишлатиш керак, чунки бу атама, айрим олимларнинг фикрича, ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарига мос келиши, Алишер Навоий асарларида ишлатилиши, ўзбек халқининг миллий хусусиятларини ифодалаши билан ажралиб туради.¹ Ушбу фикрга академик Азим Ҳожиёв даврий нашрда эътирозли фикр билдириб, *ноҳия* қийин талаффуз қилинадиган, кенг жамоатчилик учун тушунарсиз бўлган сўз эканлигини, бу сўз ҳеч ҳам *район* сўзи англатувчи маънони ифодаламаслигини, унинг ўрнида қўлланмаганини таъкидлаган.² Атоқли олим А.Ҳожиёв *ноҳия* сўзи ўрнига *район* атамасини ишлатишни маъқуллаган.

Район сўзининг синоними сифатида таклиф этилган *туман* сўзи келиб чиқиши бўйича қадимги туркий сўз ҳисобланиб³, Қўқон хонлиги (1868) ва Бухоро амирлиги (1920) тугатилгунга қадар ҳам маъмурий-ҳудудий бирлик номи сифатида амалда бўлган. Бу сўзнинг “Ўзбек совет энциклопедияси”да изоҳланишини қиёсланг: “10 минг ва ундан зиёд жангчини сафарбар этишга қодир маъмурий-ҳудудий бирлик”.⁴ Бухорода тузилган ҳукукий ҳужжатлардан бирида “Туман” (туркча – “ўн минг”) маъмурий-ҳудудий бирликни ифодаловчи атама сифатида биринчи марта 1299 йилда эслатилади”.⁵

¹ Мусаев К. Қонун берган имконият // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990, № 33, – Б.2.

² Ҳожиёв А. Чумчук сўйса ҳам, қассоб сўйсин // Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1990, 14 август.

³ Древнетюркский словарь. – Л.: 1969. – С. 89.

⁴ Ўзбек совет энциклопедияси. 14-томлик. 11 том, – Т.: ЎзСЭ, 1978. – Б. 333.

⁵ Бегалиев Н. Ноҳиями ёки туман? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990, 7 декабрь, № 5.

Тарихчиларнинг эътироф этишича, мазкур термин айнан шу вазифада Темур ҳукмронлиги даврида (1370–1404) ва ундан кейин Ўрта Осиёнинг Россия томонидан истило этилгунига қадар (XIX асрнинг иккинчи ярми) қўлланилган. Масалан, темурийлар даври тарихшуноси Ҳафиз Абру “Зубдат ат-таворих” асарида Самарқанд вилоятига кирувчи етти та туман номини санаб ўтган, бу ўринда *туман* атамаси *район* лексемаси англатадиган маънога тенг келади.¹

Ўрта Осиё тарихи бўйича таниқли олимлар В.Бартольд, А.Ю.Якубовскийлар ўз асарларида Туркистон тарихига оид қадимги ўрта асрлардаги воқеаларни тавсифлар экан, *район* сўзига параллел равишда унинг синоними бўлган *туман* (тумэн) лексемасини қўллаганлар.² Ушбу олимларнинг асарларида *туман* варианты бошқа лексик бирликлар билан қўшилиб, ҳудуднинг тарихий-жуғрофий кўринишини образли ва аниқ ифодалаш учун қўлланилган. Таниқли ўзбек тарихчилари ҳам зарур ҳолларда номлари юқорида қайд этилган рус олимларининг асарларини таржима қилишда ёки ҳавола беришда ўз асарларида ўринли равишда *туман* сўзидан фойдаланганлар³. Шунингдек, *туман* сўзи эски ўзбек (Ўрта Осиё – турк, чигатой) адабий тилида ҳам ишлатилган. Масалан, Алишер Навоий асарларида мазкур атаманинг келтирилишини кўринг: “Туман:, 1. Ўн минг; 2. Туман (уезд, район)”.⁴

Ушбу сўз ҳатто собиқ совет Иттифоқи даврида ҳам тарихий, тарихий-бадий ва илмий-оммабоп манбаларда ишлатилган, лекин фаол лексикада *район* сўзи билан ёнма-ён қўлланилмаган. Масалан: *Аббосариқ Ургуут туманидаги*

¹ Бегалиев Н. Нохиями ёки туман? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990, 7 декабрь, № 5.

² Якубовский А.Ю. Тимур. В сборнике: Вопросы истории. – М., 1946, №8–9. – С. 42–44; Бартольд В. Царствование Тимура. В книге: Тамерлан. Эпоха. Личность. Деяния. М., 1992. – С. 472–490.

³ Ахмадова Б. Кўчманчи ўзбеклар давлати. – Т.: 1986. – Б. 57.

⁴ Навоий асарлари лугати / Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 616.

Янги ариқ каналининг ўрта асрлардаги номларидан бири. Аббосариқнинг оқимидан Анҳор тумани ерлари сув ичган (“Зарафшон” газетаси). Биринчи гапдаги туман сўзини район сўзига алмаштириш мумкин, чунки Ургут райони маъмурий-худудий бирлик сифатида собиқ Иттифок даврида ташкил топган эди. Иккинчи гапда эса бундай алмаштириш тўғри бўлмайди. “Аббосариқ” ва “Анҳор тумани” ифодаси тарихийлик бўёғига эга, бундай алмаштиришда ифода семантикасидаги тарихий боғлиқлик бузилар эди, чунки бу сўзларнинг денотатлари бир неча юз йиллар илгари, рус тилидан район сўзи ўзлашгунга қадар пайдо бўлган ва шу номга эга бўлган. Агар матннинг умумий семантикасидан келиб чиқилса, туман сўзининг ўзбек тили системасида илгаридан қўлланиш жараёнида мавжуд бўлганлиги, унинг маъно тузилиши миллий-маданий ва тарихий характердаги ўзига хос кўшимча бўёқдор семалар жамланмасига (коннотация) эга бўлганлиги билан характерлидир. Аббосариқ ва Анҳор (туман) номинатив бирликлари асосий денотатив маъносидан тапқари, кўшимча семаларга (“миллий ўзига хослик”, “тарихийлик”) ҳам эга. Бу семалар контекстда фооллашади. Тилшунос олим Н.Бегалиев тарихий фактларга асосланиб¹, Анҳор туманининг XIV асрдан XVIII асргача мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Аммо Абу Тохир Хўжа Самарқандий Ўрта Осиё худудида XIX асрда юз берган воқеалар ҳақида фикр юритар экан, ўтган юз йилликда Анҳор тумани Самарканд вилоятидаги энг катта туманлардан бири эканлигини таъкидлаб, шундай ёзади: “Дарғом ариғи... Самарқанд шаҳрининг ичи ва тоши, Шавдор ва Анҳор туманларини сугориб, ортиқчаси Кўҳак дарёсига қўшилади”.²

Тарихий асардан мисол тариқасида олинган намунада илгариги (газета мақоласидан олинган) мисолдаги каби ту-

¹ Бегалиев Н. Ноҳиями ёки туман? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990, 7 декабрь, № 5.

² Абу Тохирхўжа Самарқандий. Самария. – Тошкент, 1991, – Б.21.

ман сўзини бошқа бир синоними билан алмаштириш имкони йўклиги кузатилади. Бундай алмаштириш ўтган асрнинг нолисоний воқелигини вербал ифодада аниқ тасвирлашга салбий таъсир кўрсатар эди. Келтирилган мисолларда (уларни қўплаб келтириш мумкин) *туман* сўзи семантикаси нисбатан типик бўлган миллий-ўзига хос ва маданий-тарихий семалар фаоллашувини ўзида намоён этган.

Араб тилидан ўзлашган *ноҳия* лексемасининг адабий меъёр учун мувофиқ эмаслиги аён эди. Биринчидан, у ҳеч қачон ўзбек адабий тилида *район* ёки *туман* синонимик сўзлари маъносида қўлланилмаган. Эски ўзбек адабий тилида ёзилган адабий манбаларда, масалан, Алишер Навоий асарларида “мамлакат”, “тупроқ”, “ер” маъноларида қўлланилган.¹ Иккинчидан, у ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг асосий қисми, аниқроғи, алоҳида мутахассис-тарихчи ва тилшунос-этимологларни ҳисобга олмаганда, барча томондан унутилган. Табиийки, шунинг учун ҳозирги ўзбек тилининг асосий луғатларининг барчасига “тар.” – “историзм” деб, аммо “эск”- “эскирган” белгиси билан киритилган *туман* сўзидан фарқли равишда *ноҳия* сўзи октябрь (1917) давридан кейинги замонавий луғатларнинг бирортасида ҳам учрамайди.

Ноҳия сўзининг биринчи бўғинини талаффуз қилганда тил бўғиз ундоши (х)ни талаффуз қилиш учун орқага силжийди. Бўғиз ундоши (х)нинг навбатдаги тил олди “и” унлиси билан бирикиши ҳолати қийинлашади. Тил олди ингичка “и” товушининг бу ҳолда талаффуз этилиши қисқа “у”ни эслатувчи товушга айланиб, талаффузни қийинлаштиради. Балки шулар сабабли Атамашунослик кўмитаси ва айрим тилшуносларнинг тавсиясига қарамасдан ўзбекларнинг оғзаки, кундалик сўзлашув нутқида бу сўзнинг *район* – *туман* маъносида қўлланиши кузатилмаган бўлиши мумкин. Масалан, “Ўзбекча-русча луғат”да ҳам *туман*

¹ Навоий асарлари луғати / Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 471.

сўзи изоҳида *ноҳия* лексемаси келтирилмаган: “ТУМАН: тар. Туман, уезд, район, Самарканд тумани – «Самаркандский уезд”.¹

Ноҳия сўзи *туман* сўзидан фаркли равишда ўзбек адабий тилининг бутун тарихида район, уезд маъносида қўлланилмаган. Кўриниб турибдики, мустақилликдан сўнг истеъмолга киритилган *ноҳия* сўзи *район* – “вилоят – катта маъмурий-худудий бирлик таркибига кирувчи кичикрок маъмурий-худудий бирлик” сўзининг аниқ ва тўғри маъносини бера олмайди, эски ўзбек адабий тилига хос мумтоз асарлардан ҳам маълумки, *ноҳия* сўзи вилоятдан ҳам катта маъмурий-худудий бирликни англатган. Қиёсланг: “Ноҳия: ўлка, чекка, мамлакат, ер”.²

2006–2009 йилларда ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, соҳаларга доир терминларни, шева сўзларини, тарихий ва архаик атамаларни ўз ичига олган 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” яратилганлиги маълум. Луғатда *район* сўзининг айнан *туман* сўзи билан синоним эканлиги келтирилган.³ Лекин луғатда *ноҳия* сўзи хусусида гапирилмаган.

Шундан хулоса қилиш мумкинки, *ноҳия* сўзининг *район* маъносида қўлланиши шу сўз учраши мумкин бўлган классик даврдаги бадиий асарларни (нафақат бадиий адабиётни, балки тарихий кимматга эга бўлган ёзма манбаларни ҳам) ўқишда айрим қийинчиликлар туғдириши табиий. *Ноҳия* сўзи дастлаб идрок қилишда ҳар доим ҳам бир маънода тушунилмайди: у *район*, *туман*, *уезд* масштабидаги худудни билдириши ёки қандайдир катта мамлакат худудини англатаётганлиги ноаниқ бўлиб қолади. Ҳозирги ўзбек тилида

¹ Ўзбекско-русский словарь. Тошкент, 1988, – Б. 454.

² Навоий асарлари луғати / Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 471.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли. 3-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2007. – Б.344.

(даврий нашрлар ёки оммавий ахборот воситалари материалларида) *ноҳия* сўзидан фарқли равишда *туман* сўзи *район* тушунчасини англатади: “вилоят таркибига кирувчи маъмурий-худудий бирлик”, чунки бу сўз авваллари худди шундай (ёки шунга яқин) катталиқдаги худудни номлаш учун ишлатилган.

Маълум бир лексема ўзи билан алоқага киришаётган бошқа лексемаларнинг семантик табиати билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлади, сўзлар тўғри танлансагина, айниқса, миллий-маданий, тарихий жиҳатлар кўзда тутилганда, семантикасида миллий-тавсифий колорит юқори бўлган сўзлар танланади ва ифодани аниқ англаш имконини беради. Масалан, собиқ Иттифоқ даврида *«Хўжанд вилояти, ўзбек маданий маркази»* каби номланишлар қўлланилмас эди. Таққосланг: *Хўжанд вилояти – Ленинобод области* тарзида қўлланган. «Ўзбек маданий марказлари» каби жумлалар мустақилликдан сўнг қўлланила бошланган.

Куйидаги матнда *туман* лексемаси ва у билан семантик боғланган сўзларда айнан шу ҳолат кўзга ташланади: *Хўжанд вилоятида ўзбек маданий маркази иш бошлаганига икки ойдан ошди... Ҳозир вилоятнинг кўпгина шаҳар ва туманларида янги ўзбек маданият марказлари иш бошлаётир* (Газетадан.)

Ўзбекча сўзлар қаторида уларнинг байналмилал эквивалентларининг қўлланиши даврга муносабатни англашда мавҳумликни юзага келтиради: таҳлил қилинаётган матннинг қайси даврда – собиқ Иттифоқ давридами ёки ундан кейинги даврда ёзилганлиги ноаниқ бўлиб қолади. Шунингдек, ўзбекча *туман* сўзини *ноҳия* сўзига алмаштириш ҳам шундай ҳолатни юзага келтиради. *Ноҳия* сўзи қадимда эски ўзбек адабий тилида қўлланилган, маъно аниқлиги нуктаи назаридан *туман* сўзи билан синоним бўла олмайди. *Ноҳия* лексемаси *туман* сўзига қиёсан олганда нисбатан катта худудни англатган. Шунга асосан, юқорида келтирилган мисолдаги “шаҳар ва туманларида” бирикувида иштирок эт-

ган туман сўзини ноҳия сўзи билан алмаштириб бўлмайди. У ўзбек тилида сўзлашувчилар томонидан келиб чиқишига кўра ўзлашма бўлган неологизм сифатида қабул қилинади. Алишер Навоий даврида арабча ноҳия кенг оммага номаълум бўлган. У тумандан фарқли равишда халқ оғзаки ижоди асарларида, масалан, мақол ва маталлар таркибида учрамайди. Мазкур сўз халқ оғзаки ижодида, чунончи, “Алпомиш” ва “Гўрўгли” каби халқ дostonларида ҳам учрамайди. Бу асарларда «ноҳия» маъносида халққа тушунарли бўлган ўлка, мамлакат, юрт, ўзга ерлар каби сўзлар ишлатилган.

Маълумки, сўзнинг ички шакли ҳам лексик бирликнинг миллий ўзига хослик касб этишида маълум маънога эга бўлади,¹ у нолисоний воқелик реалиялари ва предметларни номлашда муҳим ҳисобланади.² Туман сўзи район ва ноҳия сўзидан фарқли равишда очик-ойдин ўз ички шаклига эга: “ўн минг”, бу эса сўзнинг ўрта асрларда маъмурий-худудий бирлик сифатида қўлланишидаги дастлабки лексик маъноси. Туман сўзи собиқ Иттифок даврида ўзининг дастлабки “ўн минглик қўшинни бошқарувчи ҳарбий бошлиқ”, туманбеги – “бошлиқ, хонликнинг туман етакчиси” маъносида қўлланган, лекин бу сўз ўзбек мақол ва маталларида мустаҳкам сақланиб қолган ва ҳозирга қадар ишлатилади: “Бирники мингга, мингники туманга” ёки “Саломатлик – туман бойлик” каби. Кўринадики, “сўзнинг семантик бирлиги бу мустақил маъноларнинг бир-бири билан маълум алоқада эканлиги, уларнинг айнан бир белги билан мустаҳкамланганлигини ўз ичига олади”.³

Демак, ҳозирги ўзбек тилида маъмурий-худудий бирликни ифодаловчи лексема сифатида қабул қилишда ноҳия

¹ Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. М.: Наука, 1986; Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. М.: Русский язык, 1990. Изд. 4-е переработанное и дополненное. – С. 43.

² Серебренников Б.А. Номинация и проблемы выбора // Языковая номинация. Кн.1 М.: 1977. – С. 37.

³ Шмелев Д.Н. Проблемы работы по языкознанию и фонетике. Л.: 1973. – С. 76.

сўзи кўшлаб лисоний мезонлар бўйича рус тилидан ўзлашган *район* ва ўзбекча (туркий) *туман* сўзига ўрнини бўшатиб берди. У *район* ёки *туманга* қиёсланганда тежамкорлик тамойилига¹ мувофиқ равишда, *район*, *туман* синоним сўзларига нисбатан қулай талаффуз қилинмайди, Ноҳия сўзида “товуш ёки оҳангдошлик анча оғир, маълум вақт давомида анча енгил товуш ёки оҳангдорликка айланишини тақозо қиладиган”² тил тараққиёти умумий қонунларидан бирининг амал қилишини қийинлаштиради.

Тўлиқ ҳолис, объективлик бўлиши учун шу фактни ҳам қайд этиш лозимки, *ноҳия* бошқа лексик бирликлар сингари мумтоз ўзбек адабиёти намояндалари асарларида ўз ўрнига эга бўлиб, мазкур тилнинг маданий ёдгорлиги ҳисобланади, ҳозирги ўзбек луғатларини қайта нашр этишда уларга *ноҳия* сўзини “тар.”(историзм) белгиси билан киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ негадир 2 томли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (1981 йил) ҳам, 5 томли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (2006–2008 йиллар) ҳам мазкур сўз келтирилмаган.

Прагматик ёндашувда фикр ифодалашнинг қулай ва унумдор шакллари қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Коммуникантларнинг турлича билим савияси белгиловчилик вазифасини турли аспектда бажаради.

Келтирилган маълумотлардан шу нарса аёнлашадики, миллий тилнинг, шу жумладан, миллий адабий тилнинг тараққиётида лисоний ва нолисоний омиллар бирга қатнашади, уларнинг бири иккинчисига шароит яратади, ҳар иккаласи бир бутун механизм сифатида хизмат қилади; тил ва жамият, тил ва онг, тил ва тафаккур муносабатлари шуни тақозо қилади.

¹ Серебренников Б.А. Вероятностные обоснования в компаративистике. М.: Наука, 1974. – С. 53.

² Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. М.: Т.П.1963. – С. 57.

2. Ўзбек тили нутқий синонимлари фарқланиши ва қўлланишини белгиловчи омиллар

Маълум бир сўзнинг семантик структураси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш ва уни аниқ тавсифлаш учун лексик маъносини денотатив (денотат, референт, предмети-мантикий, асосий, номинатив маъно ва бошқалар); коннотатив (коннотация, эмоционал-экспрессив бўёқ ёки эмотив-баҳоловчи маъно, миллий ўзига хослик ва шу кабилар); функционал-стилистик (стилистик белгиланганлик, ўзига хос қўлланиши, услубий маъно нозикликлари ва шу кабилар) ва бошқа аспектларда¹ кўриб чиқиш, таҳлил қилиш керак. Бу мақсадга эришиш учун сўз ва унинг бошқа сўзлар билан бирикишини лексик-семантик аспектда,² сўз ва унинг ясалмаларини лексик-семантик муносабатда ҳамда деривацион алоқаларда³ ва

¹ Абаев В.И. Понятие идеосемантики // Язык и мышление. XI. —М.-Л.: 1948. — С. 28–41; Арнольд И.В. Основы научных исследований в лингвистике. — М.: Высшая школа, 1991. — 140 с.; Брагина А.А. Синонимы в литературном языке. М.: Наука, 1986. — 124 с.; Брагина А.А. Лексика языка и культура страны: Изучение лексики в лингвострановедческом аспекте. 2-е издание. 1986. — 151 с. Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. — М.: 1977. — 312 с.; Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. — М.: Русский язык, 1990. Изд. 4-е переработанное и дополненное. — 246 с.; Гак В.Г. К проблеме семантической синтагматики // Проблемы структурной лингвистики. — М.: Наука, 1972. — С. 367–395; Гак В.Г. О контрастивной лингвистике // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. Контрастивная лингвистика. — М.: Прогресс. 1989. — С. 5–17; Насилов Д.М. Проблемы тюркской аспектологии. Акциональность. Л.: 1989; Мусаев К.М. Лексикология тюркских языков. — М.: Наука, 1984. — 278 с. Шмелев Д.Н. Проблемы работы по языкознанию и фонетике. —Л.: 1973. — С. 76; Селиверстова О.Н. Об объекте лингвистической семантики и адекватности её описания // Принципы и методы семантических исследований. — М.: Наука. 1977. — С. 119–146; Кузнецов А.М. Проблемы компонентной семасиологии: Научный доклад по опубликованным трудам, представленный к защите на соискание ученой степени докт. филол. наук. — М.: 1992; Телия В.Н., Графова Т.А., Шахнарович А.М. Языковые механизмы экспрессивности // Человеческий фактор в языке. — М.: 1991. — С. 3–114.

² Гак В.Г. Сопоставительная лексикология: на материале французского и русского языков. — М.: 1977. — 264 с.; Слесарева И.П. Проблемы описания и преподавания 1990. — 182 с.

³ Кубрякова Е.С., Шахнарович А.М., Сахарный Л.В. Язык и порождение речи // Человеческий фактор в языке. — М.: Наука. 1991; Тихонов А.Н., Пардаев

ниҳоят, лексик бирликлар семантикасини мазкур тил бирлиги қўлланган типик контекстлар¹ семантикаси билан муносабати аспектида уни қўшаган контекстларга зид қўйиб қўриб чиқиш ва лексик қўшовлар (контекстлар)нинг сўз лексик-семантик структураси тараққиётига, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро шартланганлигига таъсирини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Аммо деярли барча лингвистик тадқиқотларда у ёки бу даражада ўзбекча сўзлар (жумладан, арабча ва форсча сўзлар ҳам) ва уларнинг рус тилидан ўзлашган эквивалентлари (қиёсланг: *меъмор* – *архитектор*, *талаба* – *студент*, *шифокор* – *врач*, *туман* – *район*, *асаб* – *нерв* ва б.) қиёсий жиҳатдан коннотатив аспектда алоҳида ўрганилмаган ва фаол равишда бундай сўзлар лексик маъносининг функционал-стилистик ўзига хослиги тадқиқ этилмаган.²

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, таникли туркий-шунослар туркий тиллар лексикасини ўрганишга бағишлан-

А.С. Роль гнезд однокоренных слов в системной организации русской лексики. Тошкент: Фан, 1989.

¹ Гак В.Г. Сопоставительная лексикология: на материале французского и русского языков. М.:1977. – 264 с. Кошланский Г.В. Контекстная семантика. М.: Наука, 1980. – 154 с.; Арнольд И.В. Основы научных исследований в лингвистике. М.: Высшая школа, 1991. – 140 с.

² Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке: Автореф. дис....канд.филол.наук. Ташкент: ТашГУ, 1975. –26 с.; Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. Ташкент: Фан, 1985. – 110 с.; Асфандияров И. Рус тилидан сўз ўзлаштириш билан боғлиқ баъзи масалалар // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1981. № 5. – Б. 3–7.; Асфандияров И. Русские лексические заимствования в узбекском языке // Вопросы языкознания. 1982. № 2. – С. 75–80; Сайткулов З. Заимствование русских слов и системные отношения в узбекской лексике: Автореф. дис....канд.филолог.наук.Ташкент, 1985. – 123 б. Ким Л., Сайткулов З. Заимствование русских слов и системные отношения в узбекской лексике // Русский язык и литература в общении народов мира: Проблемы функционирования и преподавания. М.: Русский язык, 1990. – С. 33–35; Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи: лексико-этимологическое исследование. –Ташкент: Фан, 1983. –140–141; Аликулов Т., Қойдаларга монанд бўлсин // Совет Ўзбекистони. Ташкент.1990. 7 август. Тошалиев И. Сўз мантики – фикрлаш қалити // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Тошкент, 1990. № 25; Миртожиев М. Тил софлиги қандай белгиланади? // Ёш ленинчи. Тошкент. 1991. 12 январь; Азизов О.А. Сунъий тўсиқлар кимга керак? // Маърифат. Тошкент,1992.

ган умумназарий ишларида “сўз семантикаси тараққиётида умумий ва ўзига хосликни аниқлаш асосий вазифа ҳисобланади”¹ деб таъкидлайдилар.

Синоним сўзларнинг умумий семантикасида, асосан, уларнинг денотатив (предметли-мантикий) маъноси, хусусан, коннотатив маъноси, шунингдек, бу бирликларнинг нутқда қўлланишидаги ўзига хосликлар ёрқин ифодаланади. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, умумий семантик белгиларига кўра бир лексик-семантик гуруҳга кирувчи шахс фаолияти, касбини билдирувчи *архитектор* – *меъмор* синонимик сўзлар қаторини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Архитектор ва *меъмор* сўзларига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича таъриф берилган: “АРХИТЕКТОР [юн. *arhitektion* – архитектура мутахассиси] Архитектура мутахассиси, бино ва иншоотларни лойиҳаловчи ёки қурувчи мутахассис; меъмор”.² “МЕЪМОР [а. – бинокор, иморат-соз; архитектор]. Меъморчилик мутахассиси...бу бинонинг ҳақиқий санъат даражасига кўтарилиши Хуросон *меъморлари* — устоз Қавом, устоз Нажмиддин Бухорий.. номи билан боғлиқдир. Мирмуҳсин, Меъмор”³. Кўринадикки, луғатда бу сўзларга берилган изоҳлар деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Аммо икки сўз ўзаро қўлланиш доираси, стилистик хусусиятлари ва ўзига хос маъно нозикликлари билан фарқ қилиб туради. Бу қуйидагича кўзга ташланади:

Архитектор байналмилал сўзи ўз синоними бўлган *меъмор*дан фарқли равишда эмоционал-экспрессив бўёқдорлигига кўра нейтрал ҳисобланади, оғзаки ва ёзма нутқда қўлланишида шу хусусиятини сақлаб қолади:

1. *Лойиҳа муаллифи* –... *архитектор* С.Сутягин... (Газетадан).

¹ Мусаев К.М. Лексикология тюркских языков. М.: Наука, 1984. – Б.6.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдди. 1-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – Б.102.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдди. 3-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2007. – Б.586.

2. *Муҳими, архитекторлар уй-жой қурилишига бефарқ қарамасликлари керак* (Газетадан).

3. *Ҳасан архитектор бўлгани билан ҳали ёш...* (жонли нутқдан).

Меъмор лексемаси *архитектор* лексемасидан фаркли равишда эмотив баҳога нисбатан нейтрал эмас, у ижобий муносабат англатувчи қўшимча семага (моҳир меъмор) эга ва асосан бадий-китобий нутқда қўлланади. *Меъмор* сўзининг биринчи хусусияти – эмотив баҳога нисбатан нейтрал эмаслиги бирорта ўзбекча луғатларда қайд этилган эмас, иккинчидан, “китобий” белгиси билан қайд қилинган.¹

Меъмор сўзи “таникли”, “машҳур”, маҳоратли” каби сўзлар билан бирга қўлланганда нутқда (контекстда) ижобий бўёқдорликни ёрқин акс эттиради: ...*Машҳур меъморнинг устахонаси Токионинг марказида, Аояма проспектидаги ўн қаватли бинода жойлашган* (Газетадан).

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да қуйидагича таъриф берилган: МЕЪМОР, архитектор – турли иморат ва иншоотларни меъморлик конун ва қоидалари асосида ижод этувчи ва лойиҳалар ишловчи мутахассис. Қадим замонларда *меъмор* бино лойиҳасини ишлаш билан бирга уни қурувчи бинокор ва муҳандиси ҳам бўлган. *Меъморлик* ва техника тараққиёти натижасида *меъмор* ижоди мураккаблашиб, бир канча махсус соҳаларга бўлиниб кетган: *шаҳарсоз меъмор; саноат корхоналарини лойиҳаловчи меъмор; меъморлик тарихи ва назарияси бўйича меъмор* ва бошқа кўп қиррали соҳаларни эгаллаган ижодкор мутахассис. У бинокорлик имкониятларидан фойдаланиб, гўзаллик конунлари асосида янги фазовий муҳит яратади. Аввал лойиҳада режани олиб, кейин замин устида бунёд этади².

Синонимлар сўз ясалиш хусусиятига кўра ҳам фарқланади. Масалан, ўзбек тилида *меъмор* сўзига -лик, -чилик

¹ Ўзбекско-русский словарь. – Ташкент: 1988. – С. 263.

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5 жилдди. – Ташкент: ЎЗМЭ, 2003. – 5-жилд. – 625 б.

қўшимчаларини қўшиш билан *меъморлик* (“МЕЪМОР-ЛИК, архитектура – фойдаланишдаги мақсад ва вазифалар, замонавий техник имкониятлар ва жамиятнинг эстетик қарашларидан келиб чиқиб бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш санъати”)¹ ва -ий қўшимчасини қўшиш билан *меъморий* сўзлари ясалган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *меъмор* сўзига -лик ва -чилик қўшимчаларини қўйиш билан ҳосил килинган *меъморлик* ва *меъморчилик* сўзлари шундай изоҳланган: «МЕЪМОРЛИК 1 Меъмор иши, касби. *Меъморликни* муқаддас бир санъат деб билган Мулла Фазлиддин Ёқуббекнинг шаҳвоний ниятларидан нафрати келди. П. Қодиров, Бобур. 2 айн. *меъморчилик*. Хоразмлик вакиллар Хивага ўхшаб кетадиган қадим тарихга бой Бухоронинг *меъморлик* санъати нодир ёдгорликларини қўриб, ниҳоятда қойил қолишди. Ж.Шарипов, Хоразм».²

«МЕЪМОРЧИЛИК 1 айн. *меъморлик* 1 Меъморчиликни ўрганмоқ. 2 Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва безатиш санъати. *Меъморчилик* асари сифатида музей биноси жуда оригинал ва ўзига хос. Ф.Мусаёнов, Ҳиммат».³ Кўринадики, сўз ясаш хусусиятига кўра, *меъмор* сўзи *архитектор* сўзига нисбатан маҳсулдор. *Архитектор* сўзи воситасида -лик қўшимчаси ёрдамида *архитекторлик* сўзи ясалади, холос.⁴

Қайд этиш лозимки, тўпланган материаллардан маълум бўлишича, *меъморлик*, *меъморчилик*, *меъморий* сўзларини уларнинг русча-байналмилал вариантлари билан алмаштириб бўлмайди. Чунки бу сўзларда меъморий обидаларнинг тарихий қимматга эга бўлган миллий-маданий хусусиятлари

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5 жилдди. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2003. – 5-жилд. – 625 б.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдди. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – 2-жилд. – Б. 586.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдди. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – 2-жилд. – Б.586.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдди. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – 1-жилд. – Б.102.

акс этади. Масалан: *Тепанинг шарқида мўъжазроқ гиштин бино қўринади. Бу минг йил муқаддам бунёд этилган ва кейинги даврларда маҳаллий аҳоли орасида Араб-ота мазори деб юритилган меъморий обидадир* (Газетадан). Келтирилган мисолда меъморий обида синтактик бирикмасида иштирок этган сўзларнинг лексик маънолари чамбарчас уйғунликда бўлиб, улар биргаликда яхлит ҳолда ўзининг байналмилал эквивалентида такрорланмайдиган, бутун ифода (контекст)га ёрқин миллий (шарқона) колорит бағишлайдиган бетакрор семантик компонентлар сифатида белгиланган мумкин бўлган ўзига хосликларни ифодалайди.

“Сўз семантик бирлиги маълум тарзда унинг деривацион алоқаларига боғлиқ бўлади”¹, *меъморий обида* бирикмаси, одатда, айнан шу сўзларга (уларнинг байналмилал синонимларига эмас) мустаҳкамланган бўлиб, нафақат денотат (архитектура ёдгорлиги)ни, балки бу денотатнинг миллий ўзига хос моҳиятини («Шарқнинг кўҳна меъморий обида-си» маъносини) англатмоқда.

Бу сўзлар семантикасида миллий – ўзига хос компонентлар фаоллашуви (фон бўёқдорлиги) юқорида таъкидланганидек, маълум контекстларда нафақат волисоний воқеликни, балки уларнинг ўзига хос, миллий-маданий белгиларини ҳам акс эттиради: Масалан, ўрта асрлар меъморчилик санъатининг ноёб намунаси бўлган Араб-ота *меъморий обидасининг* номланиши туб туркийчадир, Араб-ота тарихий-жуғрофий жой номи сифатида қабул қилинади, унда этноснинг миллий-маданий қирралари мавжуд бўлиб, объектга ўзига хослик, бутун ифода семантикасига – миллий-маданий лисоний олам манзарасига ёрқин миллий фон бағишлайди.

Бу минг йил муқаддам бунёд этилган ...маҳаллий аҳоли орасида Араб ота мазори деб юритилган меъморий обидадир (Газетадан). Марказий Осиёда илгаридан яшаб келаёт-

¹ Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. – М.:1973. – С. 102.

ган туркий тилли халқларда (асосан ўзбеклар ва қозоқларда) кўпинча шу тиллар учун хос бўлган турли тарихий-маданий гуруҳлар томонидан киритилган компонентли терминлар учрайди. Масалан, *Чупон ота*, *Занги ота*, *Нур ота* (Ўзбекистонда), *Авлиё ота* (Қозоғистонда) кабилар. Бундай топонимлар география фанининг оддий терминлари бўлибгина қолмай, ўз семантикасида миллий-маданий илдизларни сақлаган бўлади.

Топонимларнинг коннотатив мазмундорлиги уларда ички шаклнинг софлигини таъминлайди. Масалан: “Араб ота” – «азиз, табаррук араб» (сўзма-сўз: арабларнинг отаси), “Чўпон ота” – “чўпонлар, подачиларнинг хомийси” (сўзма-сўз: чўпонларнинг отаси), “Нур ота” – “нур ёғилиб турадиган азиз авлиё” ва шу кабилар. Демак, ўзбек тили лексикасининг миллий белгиланган гуруҳларига кўплаб топонимлар киради, улар кўпинча нафақат табиий-жуғрофий объектларни номлайди, балки тарихий-маданий ёдгорликларни ҳам англатади.

Ўзбекча матнларда (уларнинг бадиий ёки публицистик услубга мансублигидан қатъи назар) қадимий (аммо эскирмаган) *меъмор*, *меъморий*, *меъморчилик* каби сўзларнинг қўлланиши мақсадга мувофиқлиги билан бир қаторда уларнинг байналмилал синонимлари бўлган *архитектор*, *архитектура* сўзлари воситасида Марказий Осиё халқларининг миллий-маданий тараққиёти тарихий манзараси акс этади. Таниқли ёзувчилар ва журналистлар асарларида миллий-тарихий бўёққа эга сўзларнинг нафақат услубга мослаш, балки тавсифланаётган воқеа-ҳодиса бўйича ўз фикрларини таъсирчан ифодалаш мақсадида қўлланганлиги кузатилади, эски (эскирмаган) сўз бундай ҳолатда ифоданинг стерженига айланади.

Алишер Навоий яшаган Ҳирот шаҳри кўпгина шоирлар, тарихчилар, меъморлар шаҳрига айланган эди (Газетадан).

Темурийлар салтанатида бошқалардан алоҳида ажралиб турувчи шоҳ – Улуғбекдир. Улуғбек муҳандис ва меъ-

моргина эмас, балки шоир ва кўп қиррали олим – ҳисобдон, тарихшунос ва энг аввало, тенги йўқ мунажжим бўлган (Газетадан).

Бу мисолда шох Улуғбек ўрганган касблар санаб ўтилмоқда, уларнинг айримлари байналмилал синонимларига эга, масалан, *ҳисобдон – математик, меъмор – архитектор, муҳандис – инженер* каби. Муаллиф онгли равишда байналмилал сўзларни қўллашдан қочган. Акс ҳолда ифодаланаётган воқелик ва унинг моҳияти (денотат ва денотатли вазият) ни яхлит ҳолда ҳис қилиб, идрок қилиш қийинлашар эди. Ва мулоҳазали, ижобий туйғули кайфиятдаги реципиент шунга ўхшаш ҳисларни кечириши, масалан, у куйидаги денотатив вазиятни тасаввур қилиши мумкин: *Мовароуннаҳр шоҳи Улуғбек шарқона қимматбаҳо либосда, аммо бошида Европада русум бўлган шляпа кийиб олган*. Материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, сўз устаси ўз нутқида бундай бемаъниликка йўл қўймайди, лексик-семантик куршовга мос тарзда синонимларни тўғри танлайди.

Архитектор байналмилал сўзи ўзбекча синонимлари лексик маъносида кузатиладиган миллий компонентларга эга эмас. Бизнингча, бу ҳолатни экстралингвистик омиллардан келиб чиқиб изоҳлаш мумкин. Биринчидан, байналмилал сўз собиқ Иттифок даврида ўзбек тили семантик системасига кириб келган, лексик бирликларнинг фон бўёқдорлиги (миллий-специфик ўзига хослик) эса унинг бирор тилда давомий тарзда мавжуд бўлишини талаб қилади. Иккинчидан, собиқ совет даврида “байналмилаллаштирин” кучи билан миллий тиллар лексикаси қўплаб сиёсатчилар ва айрим тилшунослар ҳаракати туфайли байналмилал сўзлар ўзбек тилида сўзлашувчилар томонидан қабул қилинган бўлса-да, бу сўзларда номиллийлик бўёғи сақланиб қолинди. Демак, ушбу ўзлашмалар семантикасида уларнинг асосий, денотатив маъносидан ташқари ўзбек жамиятининг собиқ совет даври билан ассоциациялашган замонавийлик белгиси ҳалигача фаол сақланиб қолинган.

Бу бирликлар лексик маъносида бундай маъно нозикликларининг сақланиб қолиши ва фаоллашиши улар каторида маълум даражада ўзбек тили семантик системасида “ёши улуг” синонимларнинг ҳам мавжуд бўлиши ва қўлланиши учун имкон беради:

Тошкент... кўҳна ва навқирон шаҳар ҳақиқатан ҳам чиройлидир! Ўзининг бугунги қиёфасида ўтмиш меъморлик обидалари ва архитектуранинг бугунги ютуқларини муҳассам этган шаҳар кўчалари ва проспекtlари, майдонлари ва хиёбонларида фавворалар барқ уриб, гуллар ял-ял ёниб турибди (Газетадан). Шунинг учун юкорида кўриб ўтилган нутқий вазиятлар (контекстлар)да байналмилал сўзлар ва уларнинг ўзбекча синонимлари ўринли қўлланилган. Шу муносабат билан олимларнинг “халқ тарихидан хикоя қилувчи” сўзлар семантикасидаги миллий-специфик ўзига хослик “алоҳида тадқиқ этишга арзийди”¹ деган фикрлари эътиборга лойиқ. Таъкидлаш жоизки, меъмор сўзининг контекстларда тантанаворлик, кўтаринкилик бўёғи билан қўлланиши тез-тез кузатилади, масалан:

Азалдан қўли гул заргарларию меъморлари билан машҳур Шаҳрихон ... (Газетадан).

Бу мисолда меъмор ва азалдан сўзлари бежиз ажратилмаган. Меъмор сўзи нафақат ифодага тантанаворлик бағишлайди, балки ўзини куршаб турган лексик бирликлар, аввало, азалдан сўзи билан семантик уйғунликни таъминлайди. Матнда халқнинг асрлар давомида шаклланган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий-маънавий қадриятлари тушунчаси билан боғлиқ ижобий-бўёқдор коннотацияларни ҳосил қилади. Агар меъмор сўзи ўрнида архитектор сўзи қўлланилганда ифоданинг яхлит идрок қилиниши бузилар, ўтмиш ва ҳозирги давр орасидаги боғланиш йўқолар эди. *Архитектор* байналмилал сўзи учун тарихийлик бўёғига эга контекстлар одатий саналмайди, меъмор сўзи учун эса типик ҳисобланади. *Архитектор* сўзи меъмор синоними-

¹ Мусаев К.М. Лексикология тюркских языков. – М.: Наука, 1984. – С. 12.

дан кейин ўзлашганлиги сабабли ўз семантикасига мувофиқ конструкцияда “яқиндан бери”, “бугунги кунда”, “ҳозирги вақтда” тушунчаларини англлатувчи сўзлар билан бирга қўлланади. Мазкур сўзга нисбатан *азалдан* сўзини қўллаб бўлмайди, масалан: *Азалдан қўли гул заргарларию архитекторлари билан машҳур Шаҳрихон* тарзида. Бу контекстга диққат билан эътибор берилса, маълум бўладики, ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг онгида Шаҳрихон шаҳри азалдан архитекторлар билан эмас, балки қурилиш ишлари халқ усталари – меъморлар билан машҳур. Архитектор сўзи эса ўзбек тилида XX асрда пайдо бўлган ва замонавий архитектура соҳаси билан зич алоқада.

Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, *меъмор* сўзи ўзининг байналмилал синонимидан нафақат коннотатив маънолари (эмотив-баҳоловчи компонент, миллий-специфик ўзига хослик ва шу кабилар) билан, балки маълум жамоавий англланган ва контекстларда қатъийлашган “анъанавий, миллий иншоотлар, бинолар қурилиши бўйича, ўз касбини олий ўқув юртидан эмас, халқ ишбилармонлари (усталари)дан ўрганган мутахассис” маъносини билдирувчи асосий денотатив маъноси билан фарқ қилади. Сўзнинг семантикасидаги бундай фарқлар ўзбекча луғатларда қайд қилинмаган. Айтилган фикрлар тўлиқ тушунарли бўлиши учун мисоллар келтирамиз:

Архитектура кадрлари тайёрлаш ишидаги асосий камчилик шундан иборатки, бугунги ўқув методлари ўсиб бораётган ҳаёт талабларидан узилиб қолаётир. Илгарилари лойиҳалаштириш ҳам, қуриш ҳам, уста, *меъмор* ва *архитектор*нинг бевосита иштирокида ҳамда улар раҳбарлигидаги шогирдлар ва ёрдамчилар билан биргаликда амалга оширилган. Гап шундаки, *архитектура* – қурилиш фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини қўлга киритган бундай уста, *меъмор*, *архитектор* ўз изодий фаолияти даврида муайян *архитектура* мактаби бўйича асосий мутахассис ҳисобланган. Яъни бўлғуси *архитектор* ўзининг професси-

онал йўлини шогирд, уста ва меъмор ёрдамчиси сифатида бошлаган (Газетадан).

Архитектор байналмилал сўзи оммавий ахборот воситаларида эмоционал бўёқдорлиги билан унчалик ажралиб турмайди (масалан, хабар мазмунидаги маълумотларда) ва ўзбекча синоними бўлган *меъмор* сўзига қараганда фаол қўлланади: *Архитекторлар ва қурувчилар йиғилишида ... экология жсиҳатидан соф қурилиш материалларини ишлаб чиқиш муаммолари кўтарилди* (Газетадан).

Айни вақтда *меъмор* маълум тарихий саналарга бағишланган газета мақолаларида услубий доминант (тасвирий стержен) ҳисобланади, масалан, бирор-бир таникли архитектор фаолияти ёки унинг янги китоби муносабати билан эълон қилинган мақолаларда қўлланади: *Япон архитекторлари хусусида сўз юритилганда, энг биринчилар қатори Кендзе Тангэ исмини тилга олишади... Яқинда бу машхур меъмор Ўзбекистонга ташириф буюрди* (Газетадан).

Кўринадики, бир матнда *меъмор* сўзининг байналмилал синоними бўлган *архитектор* сўзи билан параллел қўлланиши ифоданинг аниқлиги ва тасвирийлигини таъминлашдан ташқари, тавтологиядан, бир сўзнинг такрор қўлланишидан қочишга имкон яратган.

...Меъмор кўп вақтини ҳамкасблари – архитекторлар билан бўлган мулоқотда ҳамда турли зиёли ижодкорлар гуруҳи даърасида ўтказади (Газетадан).

Меъмор сўзининг ўз байналмилал синонимидан яна бир фарқли хусусияти шундаки, у адабий-бадий ва публицистик услубда кўчма (образли-метафорик) “яратувчи, асосчи”¹ маъносида қўлланиши мумкин: *Ҳамза моҳир меъмор каби янги маданият қасримизнинг дастлабки гиштларини қўйиб, унинг пойдеворини тиклади, – деганда М.Турсунзода тамомила ҳақ эди* (Газетадан). *Меъмор* сўзи кўчма, бадий-образли қўлланишда кучли прагматик йўналтирилганликка

¹ Ўзбекско-русский словарь. Ташкент: 1988. – С. 263.

эга бўлади, стилистик усулларнинг алмаштириб бўлмас унсурига айланади (троплар, метафоралар ва шу кабилар). Сўз усталари томонидан бу лексик бирлик ёрдамида яратилган образлар, айниқса, бадийлиги билан нафақат сўзнинг денотатив семантикасида, балки шу билан бирга реципиент (ўқувчи, ҳамсухбат)га эмоционал-эстетик таъсир этиши билан ажралиб туради, унда маълум ижобий ҳис-туйғуларни уйғотади:

1. *Биз ўқитувчини ҳурмат ва эъзоз билан қалбимизнинг маънавий меъмори деб атаймиз* (Газетадан).

2. *Халқ руҳининг меъмори Алишер Навоий...* (Газетадан).

Бу каби мисолларда аввало, *мемор* сўзини унинг байналимилал синоними *архитектор* сўзи билан алмаштириб бўлмайди. Чунки *архитектор* сўзи ўзбек тилида кўчма маънода қўлланмайди. Кўринадикки, бирор-бир тил бирлигининг фон бўёқдорлиги сифатида образли-метафорик маъно касб этиши бу сўзнинг маълум бир тилда мослашиб даражаси ва тарихан мавжудлигига боғлиқ бўлиши мумкин, *мемор* мазкур тилда етарли даражада бу вазифани бажариб келмоқда. Иккинчидан, Алишер Навоий ва *архитектор* сўзлари нолисоний воқеликнинг турли даврига мансуб бўлган денотатлар, реалиялар номи сифатида бир лексик қуршов (нутқий вазият, контекст)да учрамайди. *Бобур меморчилик ҳақида* (Газетадан). Аммо *Бобур архитектура ҳақида* дейиш мумкин эмас.

Шуниси диққатга сазоворки, *мемор* сўзи ўз ва кўчма маънода ўзбек адабий тилида илгаридан ишлатилиб келинмоқда, масалан, ўзбек мумтоз шоирлари ижодида кўп қўлланилган.

Қиёсланг:

1. *Манзилгаҳи кўнглум эди вайронаи абтар,*

Кошона бино қилгувчи меъмора йўлуқтум. (Увайсий)

2. *Бу дили вайроналар меъмoring айлар орзу.* (Увайсий)

Аммо бу сўзнинг образли-метафорик маъноси ўзбек мумтоз асарлари лексикасини қамраб олган луғатларда ўз

аксини топмаган. Уларда *меъмор* сўзининг фақатгина биринчи маъноси қайд қилинган¹. Баъзиларида эса қуйидаги метафорик маъноси билан чекланилган холос: «Меъмори кудрат – кудрат бинокори; илоҳий куч; Бўлб меъмори кудрат анда боний...»²

Лексик сатҳдаги зиддият муаммосини ўрганишда энантиосемик бирликлар алоҳида ўрин тутати, чунки уларда семантик зиддият бениҳоя ёрқин акс этади. Бундай бирликларнинг семантик структурасини бевосита икки (ёки ундан ортиқ) қарама-қарши, зид маъно ташкил этади. Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигида бу ўзига хос семантик ҳодисага алоҳида эътибор қаратилмоқда.³ Масалан, *меъмор* сўзи ўзининг эмоционал-экспрессив бўёқдорлигига кўра самарали стилистик усуллардан бири энантиосемиянинг вужудга келишида муҳим восита ҳисобланади. Лексикада зиддият энантиосемик бирликларда ёрқин акс этади, чунки бундай бирликларнинг семантик структурасида бевосита икки қарама-қарши, зид маъно жойлашган бўлади. Рус тилшуноси А.Д.Шмелов, Н.Ефимов таъкидлаганидек, “энантиосемияни кам учрайдиган ва бефойда ҳодиса деб ҳисоблаш нотўғри: у ҳеч қандай системани ташкил қилмайдиган бир неча узук-юлук мисоллар билан кўрсатиладиган ғалати бир нарсаси эмас, балки инсоннинг билиш қобилиятлари ва инсоний мулоқотнинг айрим умумий тамойилларига асосланган мунтазам ҳодисадир”⁴. Энантиосемия бир сўзда зиддиятли (антонимик) маънонинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ экан,

¹ Шамсиев П., Иброҳимов С. Ўзбек классик адабиёти лугати. Тошкент. 1953; Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари лугати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 784 б.

² Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. Тўрт томлик. Иккинчи том. –Т.: Фан, 1983. – Б. 299.

³ Махмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларнинг изоҳли лугати. – Т.: Академнашр, 2014. – Б.20.

⁴ Шмелов Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. М.:1973. – С. 103; Ефимов Н. Энантиосемия как проявление аллофонии: лингво-семантические аспекты // Вестник Иркутского государственного лингвистического университета. 2013 № 2 (23). – С. 148.

тилшуносликда лисоний ва нутқий энантиосемия фарқланади, нутқий энантиосемия моҳир ижодкорлар ва журналистлар учун кучли бадиий ифодалилиқ, ёрқин эмоционал лисоний феномен воситаси саналади. Масалан, *меъмор* (“моҳир архитектор”) сўзи узул семантикаси билан мустаҳкам боғланган, одатдаги маъносига зид маънода прагматик мақсадда қўлланиши мумкин, яъни “ёмон архитектор” маъносига. Масалан: *Бу «ноёб архитектура дурдонасининг» «меъмори» ким экан деб ёқа ушлаб қоласиз...* (Газетадан). Бутун контекстдан маълумки, “ноёб архитектура дурдонаси» эмас, балки ўртамиёна, совет даврида тарихий Самарканд шаҳри марказида ҳақиқий *меъморий* ёдгорлиқлар қаторида эстетик дидсиз қурилган иморат назарда тутилмоқда.

Қўринадики, *меъмор* сўзи маълум нутқий вазиятларда нутқий энантиосемияни ирония қўринишида ҳосил қилиб, тил соҳиблари онгида “ёмон архитектор”, “иморатлар қуриш бўйича укувсиз мутахассис”; “қулфат устаси” маъноларини яққол намоён қилиши мумкин. Ваҳоланки, *архитектор* сўзи эмотив – баҳоловчи бўёққа ўзининг нейтраллигига кўра, ўз-ўзича контекстдан ташқарида англанаётган денотатга ижобий ёки салбий муносабатини кўрсатмайди.

Демак, *архитектор* сўзи ўзининг атамалиқ хусусияти, эмотив-баҳоловчи бўёққа нейтраллиги, семантикасида миллий-маданий компонент мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Айни вақтда *меъмор* нафақат денотатни (иморатларни лойиҳалаш ва қуриш бўйича мутахассис) ифодалашдан ташқари, унинг ижобий сифатларини, моҳиятини «иморатларни лойиҳалаш ва қуриш бўйича яхши, маҳоратли, билимдон мутахассис» маъносини ҳам англатади. Бу сўз семантикасида маълум нутқий вазиятларда (узул контекстларда) фаоллашувчи миллий-специфик ўзига хослик ва тарихий-маданий мазмуннинг турли коннотациялари қузатилади. Алоҳида “жамоавий англанган ва контекстларда қатъийлашган”¹, шунингдек, мазкур мутахассислар (архи-

¹ Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. М.: 1977. – С. 65.

текторлар) нуткида бу бирликлар асосий – денотатив маъносида дифференцияланиши. Ўзбек тили лексик-семантик системасида мавжуд бўлган синонимлар ўзаро бир-бирини тўлдиради, нутқда аниқлик ва ифодалилини таъминлайди. Эмотив-баҳоловчи маъно бошқа сўзнинг шундай бўёқдорлигига нисбатан нейтрал фонда ёркин намоён бўлади.

Қайд қилинган ўзбекча луғатларни қайта нашр этишда ёки янги луғатлар яратишда, шунингдек, ўзбек тили синонимлари луғатини тўлдиришда мазкур ишда кўриб ўтилган *архитектор–меъмор* синонимларининг лексик-семантик ва функционал-стилистик хусусиятларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Ўзбек тили лексик синонимларининг матн ҳосил қилиш ва услубий имкониятлари

XX асрнинг 60-йилларида матн лингвистикаси алоҳида фан сифатида шаклланиб, 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида матн лингвистикасига бағишланган қатор тадқиқотлар юзага келди. Тил тизимининг асосий бирликлари бўлган сўз ва гаплар матннинг мазмуний қурилмасида «матн – сўз» ва «матн – гап»га айланиб, ушбу коммуникатив бирликларнинг «маъноси ва синтаксисида бир пайтнинг ўзида тил тизими ҳамда матн тизимидан ўзлаштирилади»¹.

Тилшунослиқда матн ҳодисасининг қуйидаги уч асосий ва кенг тарқалган тавсифи кузатилади:

1. Матн фонема, морфема, сўз, гап, тил бирликларининг ўзаро ҳамкорлиги маҳсули бўлиб, нисбат берилган ҳолда қаралиб, тил тизимининг энг юқори сатҳидаги бирлик сифатида талқин қилинади. Табиийки, бундай ёндашувда матн грамматика нуктаи назаридан ўрганилиб, асосий эътибор матн тузилишини таъминловчи синтактик-мазмуний муносабатлар, алоқалар ҳамда ушбу алоқаларни шаклланти-

¹ Гончарова Е.А. Еще раз о стиле как объекте современного языкознания // Текст-Дискурс-Стиль. – Санкт-Петербург, 2003. – С. 12.

рувчи лексик-грамматик воситалар мажмуасини аниқлашга йўналтирилади.

2. Тавсиф марказида инсон нутқий «фаолиятида воқеаланувчи ҳаракатдаги лисон» ғояси туради ҳамда матн тил тизимининг нутқдаги маҳсули сифатида талқин этилади.

3. Матн – нутқий мулоқот тизими бирлигидир, унда мулоқот иштирокчилари – адресант ва адресат муносабати, мақсади ифодаланади.¹

Матн – лисоний белгиларнинг коммуникатив ҳамкорлик жараёнида юзага келадиган ва мазмуний яхлитликни таркиб топтирувчи ўзаро бирлашган қаторидир. Тил бирликлари матн таркибида фаоллашиб, коммуникатив мазмун касб этади. Бу, шубҳасиз, муаллифнинг мақсадли лисоний фаолияти жараёнида бажариладиган «сўз танлаш» ҳаракатининг натижасидир. Мантиқий изчиллик ва мазмуний яхлитликка эга бўлган нутқий тузилма – матнни яратиб жараёнида муаллиф тил тизимидан матн мазмунига мос келадиган тил бирликларини танлаб олади ҳамда ушбу бирликлар матн таркибидан тайёр «қурилиш материали» сифатида жой олади. Демак, матн лисоний имкониятларнинг тил қонун-қоидаларига мувофиқ нутқда воқеланишидир, ҳар қандай лисоний бирлик матн таркибида маъно жиҳатидан бойийди, янги мазмун касб этади.

Ҳар қандай нутқий тузилманинг матн сифатида эътироф этилиши учун у маълум меъёрдаги барқарор, туб хусусиятларга эга бўлиши зарурки, бу хусусиятлар матн моҳиятини белгилаб беради. Ҳозирга қадар «матн» терминига берилаётган таърифларнинг турли-туманлиги соҳанинг кўп қиррали эканлигини кўрсатади, шу сабаб ҳар бир тадқиқотчи матннинг бирон бир қиррасини ўрганиш асносида матн ҳодисасига нисбатан ўзига хос нуқтаи назарини шакллантирган. Матн ҳодисасига берилаётган таърифларнинг ҳар

¹ Левченко Е.В. О первичных и вторичных свойствах текста // Стереотипность и творчество в тексте. – Пермь, 2004, Вып.7. – С. 174–184; Brinker K. Linguistische Textanalyse. Eine Einführung in Grundbegriffe und Methoden. – Berlin, 2010. – P. 29.

бирида матн ҳодисасининг у ёки бу жиҳатлари ёритилганлиги маълум.

Фақат объектив информациядан иборат бўлмай, балки ўзига прагматик мазмунни ҳам қамраб олган нутқнинг материал кўриниши саналмиш матнни¹ нутқий жараён маҳсули бўлган, тугалланган, ёзма шаклда мавжуд бўлган, адабий шаклланган, суперфразали бирликлардан тузилган, лексик, грамматик, логик, стилистик алоқалар билан боғланган, аниқ мақсадли ва прагматик қурилмали нутқий асар² эканлиги маълум. Зеро, матн – кўп жиҳатли, мураккаб тузилишга эга бўлган қурилма, шунинг учун ҳам уни тавсифлашда унга хос бўлган семиотик, коммуникатив, структуравий, прагматик, когнитив, лингвوماданий, номинатив хусусиятларни эътиборга олиш талаб қилинади.

Муаллиф ўз мақсадини матн асосида баён қилиш учун маълум бир ифода усулини танлар экан, фикр ифодалашнинг бундай усул ва услуби муаллифнинг коммуникатив стратегиясини белгилаб беради. Бунинг учун фақат семантик ва грамматик илмларни билишнинг ўзи етарли эмас, балки ижтимоий ҳаёт қонун-қоидаларни билиш ва унга амал қилиш натижасида коммуникатив стратегия маҳорати-га эга бўлиш мумкин.³

Нутққа хос бир ифода актида коммуникантнинг турли мазмундаги коммуникатив нияти ифодаланади, матнда кўзда тутилган мақсадга эришишда нутқий акт содир бўлаётган вақт ва маконнинг, муаллиф фон билимлари даражасининг ва ижтимоий мавқеининг таъсири катта бўлади. Ахборотни бериш жараёнида муаллифлар у ёки бу даражада коммуникатив таъсир қилиш мақсадида у ёки бу лисоний кодлардан, лисоний бирликлар орқали ифодаланган эмо-

¹ Матвеева Т.В. Функциональные стили в аспекте текстовых категорий. – Свердловск, 1990. – С. 23.

² Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фағ, 2007. – Б.11.

³ Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Фил.фан.докт. дисс. – Тошкент, 2001. – Б.32.

ционал таъсир воситаларидан фойдаланадилар. Ҳар қандай фикр матнда ифодаланганда, муаллифнинг прагматик мақсадига кўра бирор бир шахс, ўрин, воқеа-ҳодиса ҳақида дарак-хабар беради. Демак, нуткий акт коммуникантлар фикрининг аниқ бир мақсадда воқеланишидир. Нуткий акт мазмунининг шаклланиши билдирилган фикр маъносининг муаллиф ва реципиент томонидан мулоқот матнига нисбатан «бойитилиши», идрок этилиши натижасидир.

Матннинг таркиб топиши ва мавжуд бўлишида ягона бир бутунлиқни ташкил этувчи мазмун доираси ва шакл кўринишлари турли асосга эга бўлади: мазмун бутунлиги воқеликдаги ҳодисани тўлиқ акс эттириш мақсади билан боғлиқ бўлса, шакл ушбу мазмунни баён этиш учун хизмат қилувчи лисоний белгилар тузилмасидир. Демак, матн шаклий тузилишида жанр ва услуб шакллари бирикади. Бунда жанр умумий шаклнинг объектив асосини яратса, услуб унинг субъектив томонини юзага келтиради. Тил лисоний имкониятларининг нуткий воқеланиши бирор бир матн доирасида бўлмаслиги мумкин эмас. Матнда лисоний бирлик имкониятининг қайси қирраси қай тарзда ва қай вазиятда воқеланиши муаллиф нияти билан характерланади.

Маълумки, публицистик матнлар ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар билан ҳамбарчас боғлиқлиги, ривожланишда у билан муштараклиги асосида ўзига хослик касб этади. Зеро, публицистикада ижтимоий-сиёсий ҳаёт ёритилади, шунга кўра, публицистик материаллар бадиий, сиёсий, илмий кўринишларда мавжуд бўлиб, баён материалида тил бирликларидан фойдаланиш, сўз танлаш ва қўллаш шунга мос тарзда фарқланади.

Публицистик матнларда ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида сўз алмашинувлар, маъно алмашинувлар, маъно кўчишлари, бирликларнинг янги ифода ёки вазифа семалари касб этиши, синонимик қаторларда торайиш ёки кенгайиш кабилар янада яққол кўзга ташланади. Табиийки, тил ўз имкониятлари орқали ривожланади. Мустақиллик

даврига келиб ўзбек тили лексикасида кескин ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Тилнинг ўз ички имкониятлари ва лисоний захираларидан кенгроқ фойдаланишга интилиш ҳаракат юзага келди. Ўзбек тили тарихида истеъмолда бўлган, кейинчалик қўлланишдан чиққан бир қатор сўзларни адабий тилнинг турли услуб эҳтиёжига кўра адабий тил меъёрига киритиш фаоллашди, *мусаввир* сўзи хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Истиқлолга қадар *рассом* сўзининг синоними ҳисобланган мусаввир сўзи китобий бўлиб, умумистеъмолда кенг қўлланмаган, кўпинча матнларда поэтик алоҳидалик ёки ўтмишга ҳос давр руҳини акс эттиришда ишлатилган. Ҳатто икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да келтирилмаган. Луғатда фақат *рассом* сўзи изоҳланган: «РАССОМ [а.] Расм солувчи санъаткор; сураткаш. Ўзбек халқ рассомлари. Нўноққина бир *рассом* ўша вақтда қизил аскарлар кийган қалпоқнинг суратини ҳам солибди. А.Қаҳҳор, Хотинлар. Нозик дидли *рассомларни* ҳам ҳайратда қолдирадиган ойнадаги нақш [Элмуроднинг] ҳаёлини банд этди. Шўхрат, Шинелли йиллар».¹

Ўзбек тили лексикасига *рассом* сўзидан аввал қабул қилинган *мусаввир* сўзи истиқлол шарофати билан миллий-маданий муносабатларнинг қайтадан қарор топиши эвазига яна моҳият касб этди. Шу боисдан янги давр руҳини ўзида намоён этувчи беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да сўзнинг лексикографик тавсифи қуйидаги тусни олган: МУСАВВИР – [а. *مصور*] *рассом*; тасвирга, суратга олувчи] Турли тасвирлар ишловчи, расм чизувчи ижодкор. Ранг излайди *мусаввир* кўзи, Дарахтларга баргдек қўпилиб. Х.Даврон. Тасвирий санъатда ижодкор кишилар образини яратини *мусаввирдан* катта тажриба талаб этади. «Гулистон». *Мусаввирнинг* энг сара бўёқлари, энг қимматли онлари кўклам тароватини суратга муҳрлашга кетади. Газетадан».²

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. / З.Маъруфов таҳрири остида. -М.: РЯ, 1981. – Б. 616.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Т.:ЎЗМЭ, 2006. – 2-жилд. – Б. 647.

РАССОМ [а. – чизмакаш; тасвирчи, мусаввир] Расм солувчи санъаткор; сураткаш. Ўзбек халқ рассомлари. – Нозик дидли *рассомларни* ҳам ҳайратда қолдирадиган ойнадаги нақш [Элмуроднинг] ҳаёлини банд этди. Шухрат, Шинелли йиллар. *Рассом* ўз асарларини бошқа санъаткорларга ўхшаб халқ оммасига кенг тарқатиш имкониятига эга эмас. Ф.Мусаёнов, Ҳиммат. Ёзувчи билан *рассом* қўлни қўлга бериб, дўстона хайрлашишди. С.Аҳмад, Юлдуз¹.

Ўзбекистон давлат санъат музейи директори Василя Файзиеванинг “Ранглар билан тиллашган мусаввир” мақола-си² Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаровнинг ижодий фаолияти хусусида бўлиб, биз мақолада параллел қўлланган *рассом* ҳамда *мусаввир* синонимларини таҳлил этамиз.

Мақолада *рассом* лексемаси 14 мартаба қўлланган, шундан уч ўринда унвон номида келтирилган. Масалан:

1. *Ўзбекистон халқ рассоми, монументал деворий расмларнинг моҳир устаси Чингиз Ахмаровнинг номини эшитмаган, унинг бетакрор ижод намуналарини билмаган тасвирий санъат ихлосманди бўлмаса керак.*

2. *Ўзбек миллий тасвирий санъатини юксак погоналарга қўтаришдаги улкан хизматлари учун Чингиз Ахмаров Ўзбекистон халқ рассоми унвонига, Ҳамза номидаги давлат мукофотида сазовор бўлган.*

3. *Ўзбекистон давлат санъати музейи фондида юртимиз тасвирий санъатига оид бўлган уч мингга яқин ноёб санъат дурдоналари қаторида ўзининг бетакрор ижоди билан жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирган Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаровнинг 50дан зиёд асари сақланмоқда.*

Бир ўринда эса Чингиз Ахмаров қаламига мансуб асар номида келтирилган: Масалан, “*Рассом Р.Темуров портрети*” мутлақо ўзгача бир кўринишда ишланган.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Т.:ЎЗМЭ, 2007. – 3-жилд. – Б. 355.

² Файзиева В. Ранглар билан тиллашган мусаввир. Миллий тикланиш. 2019, 19 июнь.

Демак, мақолада *рассом* сўзи ўн ўринда *мусаввир* синоними билан ўрин алмашиб қўлланган. Мақолада *мусаввир* лексемаси 4 маротаба ва уларга синоним тарзида *мўйқалам соҳиби* перифразаси 1 маротаба қўлланган. Кўринадики, публицистик матнда *рассом* лексемасининг ишлатилиши синонимик жуфти бўлган *мусаввир* сўзига қараганда фаоллашган.

Одатда, инсоннинг касби доимий тарздаги фаолияти бўлиб, бу фаолият унинг руҳиятига, дунёқарашига, тасаввурларига, демакки, мулоқот ифодасига – мулоқот хулқига, албатта, таъсир этади. Шунга кўра, ҳар бир етук мутахассис касби билан боғлиқ сўзларни, уларнинг синонимларини, ҳар бир вариантнинг қўлланиш кўламини, маъно салмоғини чуқур билиш малакасини ва ўзига хос фикр баён этиш услубини эгаллаган бўлади. Мақолада муаллифнинг фактик материал танлаб ва ўзи шу соҳага яқин вакил сифатида материалларни бой дунёқараш асосида тилнинг матн учун энг фаол саналувчи бирликлари – синонимлардан фойдаланиб таҳлил қилиши ахборот мақсадига тўла эришишга хизмат қилган. Масалан: “*Нодира*” портретида *рассом* қаҳрамонини шоҳона либос кийган, қимматбаҳо тақинчоқларга бурканган ёшгина қиз тимсолида тасвирлаган.

Муаллиф ўқувчи диққатини Ч.Ахмаров чизган сураатлар изоҳига қаратишни, уларни мантиқий мулоҳаза, далилларга асосланиб таҳлил қилишни ва ўқувчини бунга ишонтиришни мақсад этганда синонимик қатордаги айнан *рассом* деноватини қўллашни маъқул кўрган. Масалан: *Рассом* қаламига мансуб “*Она*” асарининг марказида меҳрибон ўзбек аёли, тиззасида фарзандини ушлаб ўтирган ҳолда тасвирланган.

Бадий матнларда бўлгани каби публицистик матнларда ҳам муаллифлар бир-биридан ё маъно оттенкалари билан ё стилистик буёғи билан ёки ҳар икки хусусиятлари билан фарқланадиган синонимлардан усталик билан фойдаланадилар. Таъкидлаганимиздек, ҳар бир синоним сўз бири иккинчисидан семик компонентлари кўламдорлиги, муай-

ян бир маънонинг турли оттенкаларини ифодалаши билан фарқланади. *Рассом* денотати даставвал объектив эҳтиёж таъсирида қабул қилинган бўлса, бугунги кунда ҳам ана шу эҳтиёжни ифодалаш талаби билан – “тасвирий санъат соҳасидаги ижодкор” номинатив маъносини ифодалашига кўра нутқда фаоллашади. Тўғри, *рассом* сўзи окказионал маънога ҳам эга, масалан, бу сўз “қалб рассоми” каби боғланишда образлилик, мажозни юзага келтириш мақсади билан инсон қалбининг нозик ҳис-туйғуларини рангларга кўчира оладиган нафақат нозиктаъб *рассом* ёки ҳассос шоир, шунингдек кучли психолог каби маъноларни англатиш учун қўлланаётганини кузатиш мумкин.

Таҳлил этилаётган мақолада айнан денотат(*рассом*) нинг энг кўп қўлланишига сабаб денотация субъектининг баҳолаш ва тушуниш вазифасини бажаришидир. Шу сабаб муаллиф келтирилаётган фактик материаллар юзасидан ўқувчининг идрок қилиш, тасаввурларини аниқ шакллантиришни назарда тутган дейиш мумкин. Мақолада *рассом* нинг санъатимизга қўшган улкан ҳиссаси яратган асарлари таҳлили мисолида очиб берилганки, шу сабаб предикатив конструкциялар *рассомнинг ушбу асарида, асарда рассом, рассом шоиранинг портретини яратишида, рассом қаламига мансуб, рассом ушбу образни яратишида, рассом бу асарида* каби жумлалар билан бошланган. Мисол келтирамиз: *Рассом бу асарида Мукаррама Турғунбоеванинг касбига бўлган муҳаббатини, маҳоратли раққоса эканлигини чизгилари орқали тўлиқ очиб бера олган.*

Шу ўринда айтиш жоизки, тил сиёсатида мавжуд сўзларни янгисига алмаштириш ёки синонимик каторни кенгайтириш масаласи ҳар доим бўлган ва бунда зўрма-зўракилик ҳеч қачон ўзини окламаган. Тўғри, *рассом* сўзи каби *мусаввир* сўзи ҳам туркий эмас, арабчадир. Бироқ эҳтиёж талаби билан тилимиз лексикасига қайтадан қабул қилиниб нутқимизни безаб келмоқда. Бу ўринда баъзи олимларнинг мулоҳазаларини таҳлил этиб кўрсак.

Тилшунос олим С. Каримов “Тил таълими ва меъёр” ўқув қўлланмасида келтиришича, ўтган аср охирларида, «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг юзага келиши ҳамда мустақиллик шарофати билан атамаларни «миллийлаштириш»га иштиёқнинг кучайиб кетиши натижасида “ҳазм бўлиши кийин” бўлган таклифлар ҳам ўртага ташланган. Бунинг самараси ўларок, *математика-риёзиёт, факультет-қуллиёт, рассом-мусаввир, газетхон-муштарий, аудитория-сабоқхона, хона, ўқув хонаси, цирк-томошахона, циркуль-паргар, целлофан-сувқоз, сейф-зарф, аттестация-кўрик, самолёт-аэроплан, тайёра, аэропорт-тайёрагоҳ, фамилия-наслнома, клуб-даъватхона, титул лист-сарварақ* каби синонимлар юзага келган. Олим бу қарашларда тилни мумкин қадар чет эл унсурларидан тозалаш, умумтуркий бирликларни адабий тил меъёри сифатида белгилаш ғояси ётганлиги, масаланинг қўйилиши ана шу тарзда тушуниладиган бўлса, юқоридаги *риёзиёт, қуллиёт, мусаввир, муштарий, сабоқхона, паргар, тайёра, тайёрагоҳ, наслнома, даъватхона* каби сўзлар бу ғояга мос келмаслиги, қабул қилишга тавсия этилаётган сўзлар умумтуркий бўлмагач, қандай фарқи бор – русча-байналмилал бўлди нима-ю, арабча ёки форсча-тожикча бўлди нима? каби фикрларни ўртага ташлаган эди.¹

Дарҳақиқат, таниқли олимнинг эътирозига сабаб бўлган русча-байналмилал сўзларнинг юқорида қайд этилган эквивалентларининг (*қуллиёт, сабоқхона, тайёра, зарф* каби) аксарияти тил соҳиблари томонидан қабул қилинмади.

Ўз даврида *мусаввир* сўзи ўзбек адабиёти намоёндалари асарларида кенг қўлланилган. Тилимиз тарихига назар ташланса, ушбу сўз тушунча(денотат)ни аниқ тасвирлаш мақсадида қўлланган. Масалан: *Ва ул Моний мусаввирни ва атбоин хужжат била такфир қилиб, жазоларига еткурди. (Тарихи мулуки Ажам). Мусаввирлардин Бехзод эди. Мусаввирлик ишини ўта нозик қилди. (Бобурнома).*

¹ Каримов С. Тил таълими ва меъёр. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2002. – Б.104–105.

Шунингдек, поэтик матнда мажозий маънода фаол ишлатилган:

*Не турфа суврате бордурки ҳеч суврат ила
Қазо мусаввири қилмади бўйла тасвиरे.*

(А. Навоий).

Таъкидлаш жоизки, муқаддас Қуръони Каримда Аллоҳнинг 99 исмларидан бири Мусаввир деб аталган (Қуръони Карим 59-сура, 24-оят). Хусусан қуйидаги матнда *мусаввир* сўзини синоними (рассом) билан алмаштириб бўлмайди.

“Хожаки, Наққоши сипеҳри баланд” – баланд осмон, юксак фалак Наққоши бўлган Хожа – Аллоҳ. Наққош – нақшсоз, нақш солувчи, сураткаш, гул солувчи маъносини англатади. Наққош бу мисрада бутун борлик, фалакни яратган, яратувчи Худо мазмунидадир. Бутун борлиқни гўзал суратда яратган *Мусаввири* Навоий Наққош деб ёзган. Навоий Нақшбанд нима эканлигини ишро этиш мақсадида нақш сўзининг мазмун-моҳиятини очилишини ният қилган бўлса керак. Бутун само ва ернинг гўзал суратда нақшлаган Наққош – Тангри, Худо, Аллоҳдир”¹.

Шаклан ва мазмунан уйғун тугалланган бу каби матнлар *мусаввир* сўзи учун типик ҳисобланади.

Сўзнинг ижобий коннотатив мазмунда қўлланишини назарда тутсак, маъно даражаси, стилистик бўёғи *рассом* сўзига нисбатан юқорида эканини аниқлаш мушкул эмас. *Рассом* сўзи *моҳир рассом* ёки *буюк рассом* тарзида қўлланилганда *мусаввир* лексемаси аниқлаш коннотацияга яқинлашади. Киёслаймиз: *Мусаввир Чингиз Ахмаров // моҳир рассом Чингиз Ахмаров // буюк рассом Чингиз Ахмаров* тарзида. Масалан: *Ўзбекистон тасвирий санъатида миниатюрага ҳос ажойиб ранг-тасвир Ҳамоҳанглигини яратиб, миллий санъатимизнинг ривожига улкан ҳисса қўшган бу буюк рассомнинг ижодий йўли ва санъат мактаби мавжуд гапи Ўзбекистон тасвирий санъатида миниатюрага ҳос*

¹ Баҳсуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г.Н. Наврўзова. – Тошкент: «Sano-standart», 2019. – Б. 177.

ажойиб ранг-таъсир ҳамоҳанглигини яратиб, миллий санъатимизнинг ривожига улкан ҳисса қўшган бу мусаввирнинг ижодий йўли ва санъат мактаби мавжуд тарзида қўлланганда маъно даражаси яқинлик касб этади.

Сўзловчи прагматик мақсадини кўзлаб, тингловчи онгида денотатни барча белги ва сифатлари билан яхлит намоён эттириш учун синонимик катордаги лексемалардан энг мақбулини тўғри танлаб олиши муҳим. Ҳар қандай коннотатив ифодада ҳам денотацияга хос маълум семалар сақланган бўлади. Ушбу қоришиқликни мақола бошланишидаёқ *рассом* варианты эмас, айнан *мусаввир* синонимининг танланиши сабабидан англаш мумкин. Масалан: *Гўзаллик сирларини қидириш мусаввирни Алишер Навоий ижодига янада яқинлаштирди*. Муаллиф ўқувчининг моҳиятни идрок қилиши учун диққатини Чингиз Ахмаров даҳосига қаратишни лозим топган, шунинг учун *рассом* сўзи билан эмас, балки *мусаввир* синоними билан фикрини бошлашни маъқул кўрган, шунингдек, танланган сўз муаллифнинг ижодкорга бўлган ҳурматини, эътирофини, баҳосини очиқ ифода этишини таъминлаган. Матнда баҳо билдирувчи сўзнинг қўлланиши муаллифнинг ўзи ифода этаётган ахборотга муносабатини белгилашда муҳим ўрин тутади.

Мақолани таҳлил этиш жараёнида кўринадики, муаллиф Чингиз Ахмаров чизган суратлар эмас, ижодкорнинг ўзини тавсифлаш лозим бўлган ўринларда *мусаввир* вариантини қўллаганки, унинг энг зўр, тенгсиз ижодкорлардан бири эканлиги шу сўз орқали яққол анланган. Муаллиф мақола тугалланмасида ҳам Чингиз Ахмаровнинг Ўзбекистон тасвирий санъати миниатюрасидаги бекиёс ўрнини таъкидлаш мақсадида *мусаввир* синонимини танлаган. *Мусаввир* сўзи муаллифнинг коммуникатив-эстетик мақсадини яққол юзага чиқарган. Масалан: *Шарқ миниатюра санъатини шаклий, фалсафий ва мазмунан бойитган ушбу ижод намуналарининг барида мусаввирнинг ўзига хос, бой ва бетакрор, гўзал руҳий дунёси акс этган*. Мақола сарлавҳасида,

шунингдек, мақола бошланиши ва тугалланишида айнан *мусаввир* синонимининг танланиши матннинг асосий мазмунини ёрқинроқ очипга, сарлавҳа билан уйғунликни, мазмуннинг изчил равишда ривожлантириб борилганлигини таъминлашга хизмат қилган, идрок қилинаётган матн орқасида турган маънонинг ҳақиқий мазмунга айланиш жараёнини таъминлаган.

Тушуниш жараёнида реципиент мазкур ифоданинг мазмун мажмуини ташкил этувчи синоним сўзлар ўртасидаги нозик маъно қирраларини англайди. Англаш натижаси ўларок, ифоданинг асосий мазмунини тушунади. Матнни тушуниш жараёни унинг ахборотлар оқимидан муҳим жиҳатни, муҳим мазмунни ажратиб олишига кўмак беради. Бунинг учун матндаги асосий мазмунни унга ишора қилувчи таянч сўзлар ушлаб туради ва улар матнда ишлатилишига кўра қуршов лексемалардан қайта-қайта такрор қўлланиши билан ажралиб туради. Нутқ мазмунига бу каби ёндашиш реципиентнинг муаллиф нутқи мотивларини, ифоданинг ички мантиғини тўлиқ тушунишига имкон беради. Тушунишнинг ушбу даражаси муаллиф томонидан фикр ифодалашда фойдаланилган лисоний воситаларни баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Мақолада муаллиф нутқининг кўркемлигини таъминловчи бош белгилардан бири бадиий услуб ҳамоҳанглигининг намоён бўлишидир. Матн сарлавҳасининг “Ранглар билан тиллашган рассом” эмас, балки “Ранглар билан тиллашган мусаввир” деб номланишида ва унга мос тарзда келтирилган тасвирларда бўёқдорликка эга бўлмаган ҳамда поэтик ифодавийликка эга *рассом-мусаввир* синонимик бирликлари бақамти ҳаракат қилдирилган. Бу ҳолат реципиентда кўтаринки эстетик завқ ҳосил қилишини таъминлайди.

Муаллиф бир ўринда *рассом*, *мусаввир* вариантларига контекстуал синоним сифатида *иждоқор* сўзини ҳам келтирган. Масалан: *Иждоқорнинг ўзбек аёллари образи яратилган туркум асарлари, тарихий, замондошлар сиймоси акс этган*

турли касб эгаларининг портретлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Контекст доирасида синонимлаштириш ходисаси ижодкор лексемасининг нутқдаги қўлланишида кўп учрайди. Маълумки, ижодкор лексемасининг семемаси таркибида "ёзувчи", "шоир", "хайкалтарош", "меъмор", "рассом", "наққош" "олим", "ихтирочи", яъни санъатнинг барча тури билан шуғулланувчиларни ифодаловчи семалар мужассамлашган. Демак, унинг маъно қўлами анча кенг. Контекст ичида эса ижодкор семемасининг шу семаларидан бири актуаллашади, қолганлари реаллашмайди. Масалан, *ранг-тавир*, *бўёқ*, *миниатюра*, *портрет* каби лексик бирликлар куршовида ижодкор лексемаси фақат "рассом" маъносида қўлланади: демак, *рассом* лексемасининг контекстуал синонимига айланади, контекстдан ташқарида эса бу икки сўзнинг маъно қўлами ўзаро фарқли, тенг эмас. Юкорида келтирилган мисол аслида *Рассомнинг ўзбек аёллари образи яратилган туркум асарлари, тарихий, замондошлар сиймоси акс этган, турли касб эгаларининг портретлари ўзига хослиги билан ажралиб туради* шаклидадир.

Муаллиф яна бир ўринда *рассом*, *мусаввир* синонимларидан айнан бирини эмас, балки ҳозирда ҳеч қандай изоҳсиз, тушунтиришсиз ҳаммага маълум бўлган, тил фактига айланган *мўйқалам соҳиби* перифразасини қўллайди. Масалан: *Умуман олганда, Чингиз Ахмаров ўзининг бетакрор асарлари билан миллий маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган мўйқалам соҳибидир. Шахсларни умумий тарзда англатувчи мўйқалам соҳиби перифразасининг юзага келишига мўйқалам лексемаси туртки берган. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да лексема қуйидагича тавсифланган: "МЎЙ-ҚАЛАМ [мўй+қалам] Рангтавир ва графикада, шунингдек, каллиграфияда бўёқни мато, қоғоз ва б. асосга суртишда ишлатиладиган асбоб (рассомнинг асосий иш қуроли; ҳайвонларнинг жунидан юмалоқ, ясси, ўткир учли қилиб тайёрланади); қилқалам. Муваффақиятдан руҳланган ижодкор ўз меҳнати, орзу-хаёллари билан яшаётган содда ва беғубор*

инсонлар образини яратиб, қаламини чархлагандан кейингина **мўйқалам** орқали буюк инсонлар сиймосини яратишга бел боғлади. Газетадан”.¹ Бундай қаламда кишиларни ҳайратга соладиган, кишилар тан берадиган расмлар чизган инсонгина унинг ҳақиқий эгаси – соҳиби бўлишга мушарраф бўлади. Шунга қиёсан қаламнинг ҳақиқий соҳиби мўйқалам соҳиби перифразаси билан сифатланади. Муаллиф томонидан фикр характериға мос тарзда кетма-кет келган, алмашиниб қўлланган синонимлар ўқувчини таъсирлантирмасдан қолмайди.

Маълумки, ижодкор услуби матннинг ҳаракатчан, ўзгарувчан хусусиятини таъминлайди, шунингдек, индивидуаллик ижод жараёнида муаллифнинг тил бирликларини танлаш фаолияти натижасида ҳосил бўладиган матн кўрсаткичидир. Шу маънода, бадиий асар матни бошқа турдаги матнлардан лисоний шакли, мазмун ифодаси жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Бу фарқ матн шаклланишида “юқори” тил бирликлари иштироки орқали намоён бўлади. «Бадиий матн бадиий асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услуб кўринишларини муаллиф ихтиёриға кўра эркин жамлай оладиган, кишиларға эстетик завқ бериш хусусиятиға эға бўлган ғоят мураккаб бутунлик ҳисобланади».²

Одатда, ҳар бир бадиий матн ташки томондан у ёки бу жанр меъёрларига бўйсунса-да, тил тизими меъёриға оид қоидалар индивидуал тарзда қўлланиш хусусиятиға эға. Айниқса, поэтик матнда бадиий образ яратиш мақсад этилиб, кўпинча моҳиятни метафорик мазмунда очишға интилинади, натижада биз билган нарса-ҳодиса кўз олдимизда буткул янгича бир тарзда гавдаланади. Хуршид Давроннинг

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Т.:ЎзМЭ, 2006. –2-жилд. – Б. 667.

² Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б 35.

рассом Исфандиёр Ҳайдаровга бағишланган “Мусаввир бўлмоқ эрсанг” сарлавҳали ҳар бир банди тўрт мисрадан иборат бўлган беш бандли шеърининг ҳар бир бандида сарлавҳадаги *Мусаввир бўлмоқ эрсанг* жумласи такрорланган. Юқорида таъкидлаганимиздек, публицистик матнда *рассом* лексемасининг ишлатилиши фаоллашган бўлса, таҳлил этилаётган бадий матнда эса *мусаввир* лексемасининг қўлланиши синонимик жуфти бўлган *рассом* сўзига қараганда фаоллашган, яъни *рассом* лексемаси қўлланилмаган. *Мусаввир бўлмоқ эрсанг* жумласида *мусаввир* нафақат денотат (рассом)ни англатяпти, шу билан бирга, у денотатнинг ижобий сифатини кучли даражада ифода этипти, яъни *мусаввир “оддий рассом”* гина эмас, балки “зўр истеъдодли” *рассом* маъносига ҳам эга. Қиёсланг: *Мусаввир бўлмоқ эрсанг – рассом бўлмоқ эрсанг – зўр рассом бўлмоқ эрсанг*.

Хуршид Даврон ушбу шеърида рангтасвир санъати ҳақида ёзар экан, бир ўринда дейди: “*Мусаввир бўлмоқ эрсанг, Тилингни суғуриб ол Ва ярадан тўкилган Қон рангига қулоқ сол*”. Албатта, рангтасвирда ранглар “тилга киради”, айни шу фикрни “сўзлаётган кон ранги” образи орқали метафорик тарзда берилгани – кашфиёт. Бу каби бетакрор ифодалар, образлар келтирилган матнда танланаётган сўзнинг мавқеига, оҳорига эътибор қаратмасдан бўлмайди. Шоирнинг *рассом, мусаввир* синонимик қаторидан айнан *мусаввир* сўзини танлагани бежиз эмаслиги аёнлашади. Тасаввур образларини ҳосил қилишда сўзнинг маъносини аниқ англаш образнинг мазмунини очади, бунинг натижасида сўз тасаввурнинг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади. Ижодкор сўзнинг номинатив функцияси орқали ўзи иштирок этмаган, бевосита ҳаётда кузатмаган воқеа ва ҳодисалар билан иш кўра олар экан, бу воқеа-ҳодисаларнинг сўз воситасида англашиш орқали китобхон тасавурларини ҳам уйғота олади.

Бадий матнларда инсон билан боғлиқ тушунчалар ифодаси кўп учрайди. Бадий матн ижодий фаолият маҳ-

сули бўлганлиги сабабли, муайян концепт ифодаси бу каби матнларда, табиийки, индивидуаллик, образлилик белгиларини намоён этади. Масалан, қуйида келтирилаётган мисолдан ҳам равшанки, *мусаввир* сўзидаги коннотация *рассом* сўзидаги коннотацияга қараганда анча салмоқли бўлганлиги учун ҳайрат концептининг лисоний воқеланишида градуонимиклик кузатилади: *Бу жуда гўзал манзара эди, буни фақат уста рассомларнинг суратларидагина кўриш мумкин, бироқ энг зўр мусаввир ҳам унинг қўшиғига бўёқ тополмаган бўларди.* (Н.Эшонкул. “Момоқўшиқ” қиссаси).

Бадий нутқда тил бирликларининг образлиликни ифодалаш имкониятлари эстетик мазмунни шакллантирувчи муҳим воситалардандир. Фақатгина бадий матнда экспрессивликни ифодалаш мақсади ва ундан кутиладиган натижа бир-бирига кўпинча мувофиқ келади. Бадий нутқда ҳар бир тил бирлиги танлови онгли равишда, меъёрга мос равишда амалга оширилади.

Мустақилликдан сўнг ўзбек тили лексикаси тараққиётида ўзбек халқи ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги инқилобий ўзгаришлар натижасида синонимик бирликларнинг архаик деб қаралувчи кўшлаб вариантлари фаол лексикага кириб келди. Сўз инсон хотирасида сақланиб турувчи ҳиссий ва руҳий омил саналиб, номинатив функцияси ана шу хотирада қолувчи омилни ишга солиши учун сўзни нутққа чиқариш лозим, чунки сўз нутқ жараёнидаги мавжудликдир. Йиллар давомида унутилган *мусаввир* сўзининг (гарчи ўзлашма сўз бўлса-да) нутққа чиқарилиши ва кенг жой олиши тилимизнинг тарихий, миллий хусусиятлари билан боғлиқ тарзда десак хато бўлмайди, зеро, тилнинг тарихий, миллий хусусияти эса сўз лексик маъносининг прагматик компонентида юзага чиқиши билан танишдик.

Англашиладики, денотация субъекти баҳолаш ва тушуниш каби икки вазифани бажарса, коннотация субъекти тушуниш, соф баҳолаш, эмотив таснифлаш каби уч вазифани бажаради. Ана шу вазифалар *рассом* ҳамда *мусаввир*

синонимлари ўртасидаги нозик маъно фарқларини юзага чиқариши публицистик ҳамда бадиий матн мисолида таҳлил этилди.

Матн курилишида ўзбекча сўзлар, ўзбек тилига турли даврларда ўзлашган сўзлар ҳамда улар ўртасидаги синонимик муносабат муҳим саналиб, матнни шакллантиришда бу каби сўзларнинг қўлланиш миқдори тилга олинаётган мавзу, унинг мақсади, матн ёзилган тарихий шароит, макон нуқтаи назаридан фарқли бўлиши мумкин. Мумтоз матнларда қўлланган синонимларни Алишер Навоий асарлари матни мисолида таҳлил этамиз.

Азалдан ўзбек халқининг жонкуяр намоёндалари тил, жумладан, она тили масаласига алоҳида эътибор билан қараганлар. Алишер Навоийнинг туркий тилнинг ифода имкониятлари бойлигини кўрсатиб бериш мақсадида олиб борган савъ-ҳаракатлари, хусусан, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини яратгани ёрқин далилдир. Шу сабаб Алишер Навоий асарлари эски ўзбек тилининг фонетик, орфографик, лексик-семантик, грамматик жиҳатларини ўрганиш учун бой фактик материал бўлиб, Алишер Навоийнинг миллий тилимиз олдидаги хизматларини англашга дохил этади. XV асрда Алишер Навоийнинг туркий тилнинг ифода имкониятлари бениҳоя кенглигини ўз ижоди орқали кўрсатиб бера олганлиги, ўз даврида туркий тилни давлат тили даражасига кўтара олганлиги, тилимиз лексикасини форсий, арабий ўзлашмалар билан бойитганлиги илм аҳлига маълум.

Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилини ўрта асрлар Шарқ халқлари дунёсида юқори мавқедаги араб ва форс тиллари даражасига кўтарди. Қадимги туркий тил лексикасига мансуб 1400 атрофидаги сўзнинг Алишер Навоий даври эски ўзбек адабий тилида деярли ҳеч қандай семантик ўзгаришларга учрамаган тарзда истёъмолда бўлганлиги ёки олимларнинг XI-XIV асрларга хос қўлёзма манбалар тилида истёъмолда бўлган 700 га яқин ижтимоий-сиёсий термин-

ларнинг 640 дан ортиқроғини Алишер Навоий асарларида маъно ҳамда шакл нуқтаи назаридан деярли ҳеч қандай ўзгаришсиз қўлланишда давом этганлигини эътироф этишлари шоирнинг оламшумул саъй-ҳаракатлари натижаси эканлигини инкор этиб бўлмайди.

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да туркий тил билан форсий (сорт) тилни киёсий ўрганиб, эски ўзбек тилининг луғат бойлигини кўрсатишда ҳолисона фикрларни баён қилди, бироқ бу асарни туркий тилининг аҳамиятини ошириб, форсий тилни камситиш мақсадида ёки форсий тилни улуғлаб, туркий тилни камситувчиларга жавобан ёзмаган эди. Балки ҳар иккала тилни тилшунос олим сифатида аниқ фактларни чуқур таҳлил қилиш асосида туркий тил лексикаси ҳам форсий тил сингари бой ва гўзаллигини, туркийда мавжуд айрим лексемаларнинг ўта нозик маъно қирраларига эғалиги форсийда кузатилмаслигини, шунингдек, туркийлар сўз тузишда форслардан устун келганларини ва ўз сўзларида белгилар ишлатишда ҳам ортиқлик кўрсатишларини мисоллар асосида далиллади. Бир ўринда Алишер Навоий шундай ёзади: *“Сорт тилида чоқин ва илдиришдек мутааййин ва муътабар икки нимага от қўймайдурурлар ва араб тили барқ ва сойқа била адо қилибдурурлар”* (Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн).

Алишер Навоий асарларида қўлланган, ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам фаол қўлланувчи *чақин//чоқин* сўзи *чақмоқ* сўзи билан вариантдош саналиб, “Атмосферавий электр заряди; яшин” деган ўз маъносига эга. Лексема “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шундай изоҳланган: **“ЧАҚИН... 2 айн. чақмоқ III. Баҳор осмонида чақнаса чақин, Кўксингдан отилар оловли нафас. А. Орипов. Қора булутлар орасида қиличдек ялтираб чақин чақа бошлади. С. Аҳмад, Жимжит-лик.”** “Садди Искандарий”да Алишер Навоий ёзади:

Анингдекки тушгай чақиндин дурахш,

Скандар сафидин биров сурди рахш.

(Садди Искандарий).

Чақин сўзининг **илдирим** синоними ҳозирги ўзбек адабий тилида эскирган бўлиб, “Алишер Навоий асарлари луғати”да шундай келтирилади: “Илдириим – яшин, чақмоқ: Турклар дамни *чоқинга*, оҳни *илдириимга* нисбатан бериб дебтурларким: Фироқинг ичра улус ўртамакка, эй моҳим, *Чоқин* дурур дамиму *илдириим* дурур оҳим.¹ Алишер Навоий таъкидлаганидек, ошиқнинг олаётган нафаси *чақин* мисоли шиддатли бўлса, нафасидан келаётган *нолалари* илдириим мисоли ўта шиддатлидир. Келтирилган мисолдан кўринадики, *чақин* ва *илдириим* синонимик вариантида маъно даражаси илдириим синонимида кучлироқдир.

Алишер Навоий асарлари тилида арабча ўзлашмалар кўп қўлланиши маълум, шоир бу каби лексемаларни чиройли ифода учун ўз маъносида қўллабгина қолмасдан, балки уларнинг кўчма маъноларини чуқур билган, бошқа тилдаги муқобилларидан ҳам яхши хабардор бўлган ҳолда қўллайди. Масалан, *барқ* лексемаси араб тилига мансуб бўлиб, “чақмоқ, чақин, яшин”² маъносини беради:

Чақилса барқ олам ичра бебок,

Тура олғайму ўтрусида хошок.

Шоир айтадики, яшин олам ичра шафқатсиз равишда чақнаса, хашак унинг қаршисида ёнмасдан турармикан.

Иккинчи бир ўринда эса ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд “яшиндек отилиб чиқмоқ” иборасининг ўша даврга хос варианты қўлланганлигини кузатиш мумкин:

Хаёдин терга бўлди абрдек зарқ,

Ул уйдин чиқти секриб ўйлаким барқ.

Бундан ташқари, “Фарҳод ва Ширин” достонида *барқ* лексемаси асосида *барқпарвоз*, *барқваш*, *барқрафтор*, *барқхўд*, *барқосор* каби ясама сўзлар келтирилган. Масалан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг Буроқ номли отининг парвози яшинга қиёсланиб, *барқпарвоз* сўзи билан берилган:

¹ Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. – Т.: Тафаккур, 2014. – Б. 11.

² Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 95.

*Ки, етти ул бариди ҳомили роз,
Қўлинда бир Буроқи барқпарвоз.*

Маълумки, мумтоз адабиётда тўрт унсурга нисбатан “унсурий жисмлар” дейилиб, уларга тушроқ, сув, олов ва шамол киритилган, сўфийлар ана шу унсурлар инсон яратилиши учун асос бўлган деб қарашади. Достоннинг V боби сарлавҳасида *барқваши* лексемаси келтирилган бўлиб, мазкур сўз арабча асосга (барқ) форс тилига мансуб қўшимчанинг (-ваши) қўшилишидан юзага келган бўлиб, “яшиндай”¹ маъносига эгадир, яъни шоир бу ўринда ҳам “Буроқи барқваши” изофаси орқали қиёслаш маъносини юзага келтирган.

Қуйидаги мисолда *барқрафтор* ясалмаси келтирилган бўлиб, форсча рафтор сўзи “юрувчи, юриш”² маъносини англатади ва барқрафтор сўзидан “яшиндек тез юрувчи” маъноси тушунилади, бу ўринда ҳам “лаҳза” маъносининг образлаштирилган тасвирини кўришимиз мумкин:

*Мени маҳзунни ишқи барқрафтор,
Ул офат ўтига айлаб гирифтор.*

Байт Фарҳод тилидан келтирилган бўлиб, “мен ошиқни (маҳзун) ишқ лаҳзада (яшиндек тез юрувчи) азобга (офат оловига) гирифтор этди” маъноси англашилади. Одатда, поэтик образ яратиш ва уни бадий талқин қилиш – шоирнинг ядровий интенцияси саналиб, бу мақсадни рўёбга чиқаришда коммуникант қуйидаги ёрдамчи интенцияларга ҳам таянади:

- а) бадий талқинда ўзликни намоён қилиш;
- б) такрордан қочиш;
- в) ўқувчи ҳис-туйғуларига кучли таъсир қилиш;
- г) оҳангдорликка эришиш.

Бу омилларга услубий омил – бадий услубга хос эркинлик, шу билан бирга, чекланганлик қоришиб, шоирга синонимлардан мосини танлашга имкон беради. Демак, ушбу

¹ Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Т.: Фан, 1993. – Б. 40.

² Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 томли. – Т.: 1983. – 2-том. – Б. 608.

ўринда интенциал ва лисоний (услубий) омил ҳамкорлиги намоён бўлади.

Алишер Навоий “Маҳбубул қулуб” асарида арабча *соиқа* вариантидан ҳам кенг фойдаланади: Араб теvasи «худи» лаҳни била бодия қатъида тез бўлур, булут бухтиси раъд садосидин *соиқаангиз*.¹

“Алишер Навоий асарлари луғати”да *соиқа* сўзи арабча сўз эканлиги, “яшин, йилдирим” маъносини англатиши айтилади.²

Ҳозирги ўзбек адабий тилида “атмосферавий электр заряди” денотатив семасини ифодаловчи *чақмоқ*, *чақин*, *яшин* синонимик қаторида арабча *соиқа*, *барқ* лексемалари мавжуд эмас; *соиқа* лексемаси бутунлай архаиклашган, *барқ* лексемаси эса тарихий мавзудаги замонавий бадий адабиётда “тез” коннотатив семаси билан унумсиз тарзда қўлланганлиги кузатилади: *Воқеалар барқ суръати билан давом этди*. (Ойбек, Навоий).

Тил эгаларининг фикрлаш, англаш, ўзлаштириш хусусиятлари асосида денотатив сема муайян ном (шакл)га бириктирилар экан, вақт ўтиши билан муайян предмет ҳақидаги тушунчалар такомиллашиб, ўзгариб – янги маъно (бўёқ) касб этиб бориши мумкин. Масалан, тилимиз тарихида *барқ* сўзи орқали маълум бир табиат ҳодисаси англашилган бўлса, бугунги кунда шахс ҳолати, нарса-предмет хусусияти, белгиси билан боғлиқ тушунчани англатувчи *барқ* урмоқ фраземаси қўлланилади. “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”да ушбу фразама қуйидагича изоҳланган:

“**БАРҚ УРИБ** I гуркираб, ғоят тез, яйраб-яшнаб. Икки чопиқдан чиқарилган гўзалар *барқ уриб* ривожланмоқда. Р. Файзий. Чўлга баҳор келди. Гўзаларнинг *барқ уриб* ўсиши кишининг ҳавасини келтиради. Р.Файзий. Чўлга баҳор келди.

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Мукамал асарлар тўплами, 20 жилдлик. – Т.: Фан, 2000. – 14-жилд. – Б. 28.

² Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 567.

барқ уриб II барқ урмоқ

БАРҚ УРМОҚ нима яшнамоқ, жилоланмоқ. Вариант: **барқ уриб II; барқ урдирмоқ нима нимани.** *Боқишларида аллақандай майинлик, меҳр барқ урарди.* Р.Файзий. *Чаноққа томган қон...*¹

Ушбу фраземада бўёқдорлик аниқ кўриниб тургани учун сўз усталари томонидан кўп қўлланади:

1. *Йўлчи қуёш ва дала шамоли билан бир оз қорайган. Аммо бундан унинг йигитлик ҳусни яна кучлироқ барқ урган эди.* (Ойбек, Қутлуг қон).

2. *Баҳорда теварак жўшиб, гулу гулзорлар барқ уриб, ўт-ўлан жонланганида...* (И.Султон, Боқий дарбадар).

3. *Илму санъат барқ урган даврларда аёлларнинг ҳурмати ҳам баланд.* (П.Қодиров, Авлодлар доवони).

Кўринадики, **барқ урмоқ** турғун бирикмаси **чақмоқ урмоқ**, **яшин урмоқ** бирикмаларидан ёрқин образлилиги билан ҳам фарқланади.

Масаланинг иккинчи томонига эътибор қаратайлик: Аввало, синонимик қатордаги мос шаклни қўллашда коммуникантнинг тилдан фойдаланиш сифати муҳим роль ўйнайди. Мос вариантнинг қўлланиши ва услубий маъносининг бифуркацияланишида коммуникатив интенция (албатта, «тафаккур» интенцияси билан лирик қаҳрамон мақсадининг қоришиб кетиши ҳам ўзига хос омил вазифасини ўтайди) ҳамда муаллиф интенцияси социопрагматик омил сифатида услубий ва акцентуатив омиллар билан ҳамкорлик қилади.

Кўринадики, поэтик шакл, услубий меъёр, коммуникатив интенция акцентуатив тажалли билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиб, лисоний-мантикий-бадий уйғунликни вужудга келтирган.

Айтилганлардан маълум бўладики, синонимик шакллардан бирининг танланиши, нутқий хосланиши кўплаб ички (лисоний) ва ташқи (нолисоний) омиллар билан боғлиқ. Бу

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. –Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – Б. 27.

лисоний омиллар синонимнинг бир-бирига кўмаклашуви, бири иккинчисини, иккинчиси биринчисини мустаҳкамлаши тарзида, шунингдек, акцентуатив ҳодисалар ролининг ортиши, услуб каби омилларнинг ўрни, шу билан бирга, лексик маъноларининг айрича хусусиятларини юзага чиқариши кабиларда намоён бўлади. Бу омилларга кўп ўринларда полисоний омиллар – сўзловчи интенцияси, макон ва замон, миллий-ментал факторлар, социал мавқе кабилар ҳамкорлик қилади. Бу омилларнинг етакчилиги, бирининг роли ва мавқеи кўтарилганида бошқасининг кучсизланиши асло улар орасидаги зиддият ва қарама-қаршилиқ натижаси бўлмай, балки ўзаро мослашиш, ҳамкорликнинг намоён бўлишидир.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИК СИНОНИМЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ МАСАЛАЛАРИ

1. Ўзбек тили изоҳли луғатларида лексик синонимлар тавсифи ва уни такомиллаштириш вазифалари

Тил тараққиёти жараёнида унинг бошқа соҳаларига нисбатан лексикаси тез, сезиларли ва жиддий ўзгаришларга учрайди. Лексикадаги ривожланиш, ўзгариш янги луғавий бирликларнинг пайдо бўлиши, айримларининг йўқ бўлиши (истеъмолдан чиқиши), сўзларнинг янги маънолар касб этиши ва баъзи маъноларининг йўқолиши каби ҳодисалар билан характерланади. Ана шундай ўзгаришлар маълум даражага келганида, уларни назарий ва амалий жиҳатдан акс эттирувчи изоҳли луғатлар тузишга эҳтиёж туғилади. 1981 йилда 60 минг сўз ва сўз бирикмаларини қамраб олган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нашр этилгандан кейин ўтган давр мобайнида республикаимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй берган жиддий ўзгаришлар, хусусан, мамлакатимизнинг мустақилликка эришуви, тил сиёсатидаги янгиликлар, «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши, ўзбек тилига давлат тили макомининг берилиши натижасида унинг тўлақонли ривожланишига кенг йўл очилиши, қолаверса, янгича иқтисодий муносабатлар, жаҳоннинг кўплаб илғор мамлакатлари билан иқтисодий, илмий, маданий алоқалар ўзбек тили ва унинг лексикаси ривожига катта таъсир кўрсатди. Ўзбек тили луғат таркибидаги бундай жиддий ўзгаришлар давр талабига жавоб берадиган, янги изоҳли луғат яратиш заруриятини келтириб чиқарди. Натижада 2006–2008 йилларда нашр этирилган 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да биринчи навбатда ҳозирги тилимизда истеъмолда бўлган, кенг қўлланилаётган 80 мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмалари изоҳ ва иллюстрациялар билан таъминланган, сўз ва сўз бирикма-

лари (шева сўзлари ва терминлар қисман), фразеологизмлар ҳамда уларнинг барча маъноларини мумкин қадар кенгрок кўрсатишга аҳамият берилган; луғатнинг хронологик чегараси XX асрнинг бошидан XXI асрнинг бошларигача бўлган даврни қамраб олса-да, унда ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларига мос келадиган, ўзбек мумтоз адабиёти намоёндалари асарларида учрайдиган, лекин ҳозиргача ўз шакл ва маъноларини сақлаб қолган луғавий бирликлар ҳам акс эттирилган. Шунингдек, республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги йилларда истеъмолга кирган турли фан соҳаларига оид асосий сўз-терминлар, неологизмлар, шева ва фольклорга хос айрим сўз ва иборалар, ўтмиш маданий ёдгорликларимизда учрайдиган диний-фалсафий атамалар ҳам алоҳида ўрин эгаллаган.

Ўзбек тилининг ҳақиқий изохли луғати сифатида 1981 йилда нашр этилган икки жилдли «Ўзбек тилининг изохли луғати» жуда катта меҳнат эвазига юзага келган ва у маълум вақтга қадар (айтиш мумкинки, Республикамиз мустақилликка эришгунга қадар) ўз вазифасини ўтаб келди. Бироқ луғат 70-йилларнинг ўрталаридан то шу вақтга қадар ўзбек тили лексикасида рўй берган катта ўзгаришларнинг мазкур луғатда акс этмаган ва асосийси, республикамизнинг мустақилликка эришуви, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ва бунинг натижасида тил сиёсатида ва бевосита ўзбек тилининг ўзида, хусусан, унинг лексикасида юз берган ўзгаришлар ҳам, ўз-ўзидан маълумки, мазкур луғатда акс эта олмаган. Шўро давридаги сиёсий, мафкуравий қарашларнинг кўпи ҳозирги даврга мос келмаслиги, ҳатто зарарли эканлиги маълум; қолбуки, икки жилдли луғатда бундай қарашлар ўз аксини топган.

Ўзбек тилининг бебаҳо мулки бўлган, ҳаётда бекам-кўст хизмат қилаётган жуда кўп сўзлар шўро даврида «диний», «эскирган» каби тамғалар билан тазйиққа учраган, истеъ-молдан чиқарилган, уларнинг ўрнини «русча-байналмилал сўзлар» эгаллаган ва бундай муносабат икки жилдли луғат

материалларида ҳам ўз аксини топган. Изоҳли луғатлар, жумладан, миллий адабий тилнинг изоҳли луғати халқ маданияти ва маънавиятида, айниқса адабий тилнинг меъёрларини белгилашда ва ўзлаштиришда, нутқ маданиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир. Шу сабабли ҳам миллий тилларнинг изоҳли луғатини тузиш ишига алоҳида эътибор бериб келинади, унга давлат аҳамиятига эга масала деб қаралади.

Янги изоҳли луғатда луғатчиликнинг тавсифий, синонимик, комусий, ҳавола каби изоҳ усулларида, узвий (компонент) таҳлил усулидан, жаҳон луғатчилиги тажрибаларидан кенг ва унумли фойдаланилган.

Луғат тузишда асосий эътибор луғат мақоласини тўғри шакллантиришга қаратилади, чунки изоҳли луғат айнан луғат мақолаларидан ташкил топади. Луғатдан совет даврида кенг истеъмолда бўлган, ўзбек тилига давлат тили макоми берилгандан кейин бошқа сўз билан алмаштирилган *революция* (инқилоб), *экономика* (иктисодиёт), *план* (режа), *район* (туман), *область* (вилоят) каби сўзлар ҳам киритилди.

Бош сўз ва унинг маъноси (маънолари)га бериладиган изоҳ луғат мақоласининг доимий компонентлари ҳисобланади, яъни ҳар бир луғат мақоласида шу компонентлар албатта бўлади. Қолган компонентлар эса луғат мақоласида бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Чунки уларнинг айримлари тилда бўлмаслиги ёки уларни луғат мақоласида қайд этишга эҳиёж бўлмаслиги мумкин.

Ўзлашиш базасида юзага келган ва турли мавзуй гуруҳларга мансуб бўлган синонимик қаторлар таҳлили “мутлақ синонимия иллюзияси унинг қатъий белгилангани ҳолда ҳеч қандай танқидга бардош бера олмайдиган, сўз маъносига тахминан жуда юзаки берилган баҳо туфайли ҳосил қилинади”¹, шунингдек, батафсил ҳар томонлама кўп аспекти таҳлилда намоён бўлади.

¹ Колшанский Г.В. Контекстная семантика. М.: Наука, 1980, – С. 109.

“Синонимларнинг амал қилишида контекстнинг тўғри шарҳланиши тилшунослик учун ўта муҳим”¹ бўлиб, контекст семантикасининг коннотатив компонентлари ва қўлланишининг ўзига хослиги фарқ қилувчи, денотатив маъносига кўра якин ёки ўхшаш бўлган лексик бирликларнинг семантик жиҳатдан турли маънолилиги, мутлақ синонимлик тушунчасининг мавжуд эмаслиги ҳақида гапириш учун асос бўлади.

Турли лексик-семантик гуруҳлар ва мавзу қаторларига кирувчи синонимларни таҳлил қилишда, умумий семантик белгиларига кўра бир лексик-семантик гуруҳга кирувчи шахс фаолияти, касби, машғулотини билдирувчи «композитор» – «бастакор» синонимик сўзлар қаторини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Композитор-бастакор синонимик бирликларининг лексик-семантик тузилиши ҳамда нутқда ишлатилиши маҳсус текширишни тақозо қилади, бу хусусият ишда таҳлил қилинган барча синонимик бирликларга тааллуқлидир, шу сабабли улар ҳамма лексикографик манбаларда бир-бирига айнан ўхшаган, бир хил маъноли лексик бирликлар сифатида келтирилган. Масалан, бу бирликларнинг лексик маъносини юқоридаги таҳлиллар каби икки ҳамда беш жилдди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» асосида солиштирамиз.

Икки жилдди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да **бастакор** сўзи қуйидагича изоҳланган: **БАСТАКОР** [*ф+m*] музика асарлари басталовчи; композитор. *Йигилди бастакору соз ила созанда, хушхонлар*. Ҳабибий.² Мазкур сўзнинг синоними бўлган *композитор* сўзи эса қуйидагича изоҳланган: композитор [*р <лат.*] Музика асарлари ёзувчи киши; бастакор.³

¹ Колпчанский Г.В. Контекстная семантика. – М.: Наука, 1980, – С. 109.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдди. 1-жилд. –Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – Б. 84.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдди. 1-жилд. –Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – Б. 394.

Бу синонимлар бошқа луғатларда (бир тилли ёки икки тилли) худди шу тарзда берилган, фақат шу фарқ биланки, баъзи луғатларда «бастакор» сўзининг лексик маъносини аниқлашда «эск» стилистик белги қўшилади (яъни «эскирган», аммо кўп олимлар таҳлилининг кўрсатишича ва бу қуйида конкрет мисолларда тасдиқланади, бундай қўшимча, яъни «эскирган» сўзли белги бу ҳолда ўринсиздир.) «Композитор-бастакор» синонимик қатор ўзбек тилининг синонимлари луғатига киритилмаган.¹ Бу бирликларнинг семантикасини изоҳлашда ўзбекча луғатларнинг ҳар хил турларида уларнинг фарқланадиган семантик аломати келтирилмаган, синонимларнинг функционал-стилистик хусусияти кўрсатилмаган, ҳаттоки, таҳлил қилинаётган бирликларнинг нутқда турғун бўлган, мунтазам такрорланадиган, уларнинг тузилиши хусусияти билан боғлиқ бўлган эмотив коннотацияси ўз аксини топмаган.

Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *бастакор* ҳамда *композитор* синонимлари қуйидагича изоҳланган:

БАСТАКОР [баста + *ф.* — иш, машғулот] Анъанавий мумтоз мусиқа асарлари ижодчиси; композитор. *Йигилди бастакору соз ила созанда, хушхонлар. Ҳабибий. Бахт тенгдир шоиру бастакорга ҳам, Абдурайим деган пахтакорга ҳам.* А. Орипов.²

КОМПОЗИТОР [*лот.* compositor – тузувчи; яратувчи, ижод қилувчи] қ. бастакор. *Композитор Мутал Бурхонов Ҳамзанинг музика меросидан ижодий фойдаланиб, фильмнинг тасвирий материалига мувофиқ куй басталаган.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.³

Ушбу синонимик қаторнинг бирликлари ўртасидаги лексик синонимиянинг пайдо бўлиш қонунияти юқорида

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли. 1-жилд. Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – Б. 175.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли. 1-жилд. Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – Б. 2.

текширилган синонимик қаторлар билан жуда ўхшашдир. *Бастакор* сўзининг экспрессивликка эга бўлиш механизми, яъни маънонинг коннотатив аспекти, шу билан бирга компонентнинг эмотив баҳоланишига ва фон жиҳатидан ранг-тусга эга бўлиши *меъмор* сўзининг синоними бўлган *архитектор* сўзи билан лексик-семантик тузилишини таққослагандагидек бир хил. Шу сабабли текширишнинг асосий жиҳатларига тўхталамиз.

Композитор – *бастакор* синонимлари «анъанавий мумтоз мусиқа асарлари ижодчиси» деган умумий семантикага эга. Аммо улар лексик семантикасининг коннотатив компонент ва нутқда ишлатилиш хусусияти билан фаркланади, шу сабабли матнда бир хил позицияни ҳар доим ҳам эгаллайвермайди. Сўзнинг нутқдаги позицияси унинг лексик бирикуви, яъни семаларнинг, семантик компонентларнинг бирикуви билан, контекстуал бирикуви билан, маълум бир нутқий вазиятларда қўлланилиш имконияти билан аникланади. Масалан, *композитор* ва *бастакор* синонимлари умумий семантикага эга бўлган бирлик сифатида уларнинг денотатив маъносини ижобий томондан таърифлайдиган сўзлар билан эркин бирика олиши мумкин. Солиштирамиз: *моҳир* (ажойиб, яхши, зўр ва ш.к.) *композитор* ва *моҳир* (ажойиб, яхши, зўр) *бастакор* тарзида.

Бирок *бастакор* сўзи *композитор* сўзининг нейтрал эмотив баҳоланишидан фарқли ўлароқ ижобий семантикага эга ва предметларнинг салбий хусусиятларини, сифатларини англатувчи «ёмон», «қобилиятсиз», «ношуд» каби сўзлар билан бирикмайди. Масалан, «қобилиятсиз бастакор» деб айтиб бўлмайди. Бу икки бирлиكنинг лексик бирикувидаги чекланиш уларнинг семантик структурасида мослашувига зиддик қиладиган конкрет сема борлигидан далолат беради. Умумий семантикаси *бастакор* сўзини унинг эмоционал ижобий бўёғи мос келмаган контекстларда ёки нутқий вазиятларда ишлатиш ўринсиз. Одатда, бундай ҳолатларда унинг байналмилал синоними бўлган *композитор* сўзи ишлатилади. Масалан, солиштирамиз: ...умуман олганда

ўрта ва ёш авлод **композиторлари** асл қўшиқ жанрини қўлдан бой беришди. (Газетадан).

Таҳлиллarga эътибор берилса, синонимлар нутқда ишлатилишининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Синонимларнинг семантик тузилиши уларнинг яқин синонимик синтагмаларга ҳамда умумий контекстуал семантикасига боғлиқ. **Бастакор** сўзи ўзининг байналмилал синоними **композитордан** фарқли равишда ҳозирги воқелик тасвирланган матнларда ҳамда тарихий жанрдаги асарларда ишлатилиши мумкин, лекин икки ҳолатда ҳам **бастакор** сўзи лексик бирликлар билан унинг семантикасига мос бўлган комбинацияда нутқнинг тасвирийлигига, маънодорлигига имкон яратади ва миллий колоритни беради, яъни у бутун бир фикрга миллий-маданийлик жиҳатидан ўзига хос тус яратилишида иштирок этади.

Фонга бирор бир тус, ранг, жило бериш деганда лексемадаги асосий маъно (денотат)га ҳамроҳ, қўшимча бўлган ушбу асосий маънони ўзига хос нозиклик билан тўлдирадиган муайян, типиклашган нутқий вазиятларда узул ақтуаллашадиган ассоциатив образлар ва ҳиссиётларни хогирада уйғотадиган информация тушунилади, у реципиентда (китобхонда, ҳамсуҳбатда ва ш.к.) миллий-маданий ёки тарихий мазмундаги, турли эмоциялари, ҳис-туйғулари ошкор қилинган ушбу ҳолда ижобий коннотацияларни эсга солади¹:

1.... *Шерали Жўраевни фақат хушовоз хонанда эмас, балки ажойиб **бастакор** дегим келади. Атоқли шоиримиз Гофур Ғуломнинг «Йигитлар» ва «Санъатим» шеърларига халқимизга манзур чиройли куйлар **басталаб**, катта маҳорат билан ижро этди.* (Газетадан).

2. *Алишер Навоий ҳаётлигидаёқ моҳир **бастакорлар** унинг сўлим ғазалларига ажойиб куйлар **басталашган*** (Газетадан).

¹ Данияров Б. Х. Проблемы лексической синонимии узбекского языка: Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. Москва: Институт языкознания РАН, 1994. — 112 с.; Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: Филол. фанлари номзоди дисс... Наманган, 1997. — Б. 43.

Бу мисолларда *бастакор* сўзи синоними бўлган *ком-
позитор* сўзига алмаштирилса, информантлар (авторлар)
ўзларининг маълумотларида *бастакор* сўзи орқали ифо-
далаётган эмоционал баҳо йўқолади. Кўринадики, «ком-
позитор» сўзи терминологик жиҳати билан фарқланиб,
лексик семантиканинг эмотив баҳолаш компонентига эга
эмас. Иккинчи мисолдаги бундай алмаштиришнинг мумкин
эмаслиги *композитор* байналмилал сўзининг ўзбек тили
лексикасига шўролар даврида кириб келиши, ўзбек тилида
сўзлашувчиларнинг онгида кейинги жамият ривожланиши
даври ассоциациясининг замонавийлик туси кузатилиши
билан изоҳланади. Шунингдек, *композитордан* фарқли ра-
вишда *бастакор басталамоқ* сўзи билан уйғун бирика ола-
ди. Келтирилган мисоллар *бастакор* сўзини *композитор*
сўзи билан алмаштиришнинг мумкин эмаслигининг ўзига
хос ҳолларини кўрсатади. Яна иккита мисол келтириш би-
лан кифояланамиз:

1. *Устига устак ўзини бастакор деб билгувчилар кўпа-
йиб кетди. Аслида бу юксак номни халқ бериши лозим. Унга
сазovor бўлиш учун игна билан қудуқ қазиччилик машаққат-
ли меҳнат керак.* (Газетадан).

2. *Мароғий – Темур саройида хизмат қилган машҳур ҳо-
физ, созанда ва бастакор.*

Шундай қилиб, синонимлар асосий маъноси бўйича
яқин сўзлар бўлиб, лексик-семантик бирикувнинг умумий
ҳамда фарқли жиҳатларига эга. Улар нафақат лексик-семан-
тикасининг коннотатив аспекти бўйича фарқланади, балки
аниқ бир ҳолларда ижтимоий томондан англаingan тарихий
жиҳатдан сақланган контекстлардаги денотатив маъноси
бўйича ҳам фарқланади. Масалан: *Буюк мутафаккир Али-
шер Навоийга бағишланган «Алишер Навоий ва мусиқа
санъати» Бутуниттифоқ илмий-назарий анжумани кеча
ниҳоясига етди. Анжуманни Ўзбекистон маданият вазир-
лиги, жумҳурият композиторлари ва бастакорлари уюш-
маси ҳамда Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат
консерваторияси ҳамкорликда ўтказди.* (Газетадан).

Бу икки лексема санъатшунослик соҳасида, соҳа эгалари нутқида фарқланади. Санъатшунослик термини сифатида **бастакор** сўзи «анъанавий халқ услубидаги мусикаларни яратувчи «композиторни» англатади¹.

«...Ўша даврларда композиторлар билан бастакорлар ўртасидаги муносабат ўта самимий, дўстона бўлган. «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра»... каби шоҳ асарлар ана шу ижодий ҳамкорлик ҳамда санъатимизга нотанинг кириб келиш шарофати туфайли пайдо бўлган». (Газетадан).

Синонимлар ўзининг деривацион хусусияти ва имкониёти билан ҳам фарқланади. **Бастакор** сўзи куйидаги морфемалардан ташкил топган: баста – ўзак морфема, «кор» – аффикс. Форс-тожикча **баста** ҳамда **бастакор** сўзлари асосида ўзбек тилида сўзлар ҳосил қилинган, масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да куйидаги ясалмалар келтирилган:

БАСТАКОРЛИК Мумтоз, анъанавий мусиқа асарлари (куй ва ашулалар) яратиш машғулоти, касби; мусиқа ижодчилиги. **Бастакорлик** санъати, айниқса, XV–XVI асрларда оммавийлашган: қатор шоир, олим ва б. лар айна пайтда **бастакор** ҳам бўлган. «ЎЗМЭ».

БАСТАЛАМОҚ Мусикий асарлар яратмоқ. *Эркин меҳнат қўшиқларин басталаб, яхшилаб чал, ҳордиқларим тўкайин.* Ғайратий.²

Ўзакдош сўзлар тилнинг (нутқнинг) бошқа бирликлари билан лексик-семантик муносабатга киришганда ўзаро коррелятив ва лексик алоқаларни йўқотмайди, аксинча, ҳар сафар ҳар бир коммуникатив актда бу алоқаларни ўзининг семантикасида акс эттиради ва шу билан бирга ўзбек лексикасини тартибга ва тизимга солишга ўзининг аниқ бир ҳиссасини қўшади.

Композитор байналмилал сўзи асосида ўзбек тилида фақат бир лексик birlik ҳосил бўлган, яъни **композитор**–

¹ Республикада 1991 йилнинг августигача иккита мустақил ташкилот фаолият юритган: «Композиторлар уюшмаси» ва «Бастакорлар уюшмаси».

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилд. 1-жилд. Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – Б. 175.

лик лексемаси, ушбу лексема икки жилдли Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам, беш жилдли Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам келтирилмаган, **бастакорлик** лексемаси икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да келтирилмаган, бироқ беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да изоҳланган: “**БАСТАКОРЛИК** Мумтоз, анъанавий мусика асарлари (куй ва ашулалар) яратиш машғулоти, касби; мусика ижодчилиги. *Бастакорлик санъати, айниқса, 15–16 асрларда оммавийлашган: қатор шоир, олим ва б. лар айни пайтда бастакор ҳам бўлган.*¹ Ҳолбуки, **композиторлик** сўзи ўзбек тилида **бастакор** сўзидан ҳосил бўлган **бастакорлик** синонимига эга ва нутқда қўлланади. Юқорида кўрсатилганидек, маълум нутқий ҳолатларда (контекстларда) «касб ёки композиторнинг машғулоти», яъни композиторлик сўзи «бастакорнинг касби ёки машғулоти» — бастакорлик сўзидан фарқ қилади. Солиштирамиз: *Азалдан ўзбек санъатининг ўз йўли, йўналиши бўлган... бастакорлик халқимизнинг энг қадимий ижод турларидан* (Газетадан).

Сўзни тўғри ишлатиш учун муҳими тилдан ташқаридаги объектни танлашда хато қилмасликдир², кўриб турибмизки, тилдан ташқаридаги объектни (денотатни) тўғри таърифлаш учун сўз танлашда хато қилмаслик зарур. Мадомики, денотатни тўлиқ, айнан ўхшаш, вербал тасвирлаш уни онгда акс эттиришдек мураккаб; сўзнинг лексик маъносини айнан тўлиқ тасвирлаш (таърифлаш) нафақат тил соҳасида тайёргарликни ва билимдонликни талаб қилади, балки тилнинг кўп асрлик маданий-тарихий соҳаларидан хабардор бўлишни ҳам кўзда тутади. Материаллар таҳлилининг кўрсагишича, сўз усталари (адиблар, мохир журналистлар, филологлар) маънони тўғри англаган ҳолда у ёки бу материални (асосан сўзни) ўз ўрнида танлашади. Ўзлаштириш асосида пайдо бўлган лексик синонимларни текшириш (ку-

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли. 1-жилд. Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. — Б. 175.

² Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Событие. Факт. — М.: Наука, 1988. — С. 5.

затиш, таҳлил қилиш) шундай умумлашган фикрга олиб келади, яъни синонимик қатордаги ҳар бир таҳлил қилинган сўз ўзбек тилининг семантик тизимида ўз ўрнига, амал қиладиган вазифасига эга, улар биргаликдаги ўзаро муносабати ва таъсирида бу тизимни аҳамиятли равишда бойитади, ўзбек нутқининг маъноли, ихчам, аниқ ва турлича бўлишига имкон беради. Лексемалар маъносида айнан шу социумга (жамиятга) тегишли бўлган инсон билиш фаолиятининг коммуникатив масалаларини ҳал қилишга йўналтирилган натижаси қайд қилинган.

Беш жилдли луғатда синонимларнинг изоҳлари қайта шакллантирилиб, айрим синонимларнинг мустақиллик туфайли юзага келган кўчма маънолари билан бойитилган. Шу билан бирга, асосий эътибор синонимларни мафкуравий бўёқдан холи, холис изоҳлашга қаратилиб, олдинги нашрга киритилган шўро тузуми воқелиги билан боғлиқ, бутунги кун нуқтаи назаридан ўз аҳамиятини йўқотган баъзи изоҳлар луғатдан чиқарилган. Луғатда ўзаро синонимик муносабатда бўлган лексемалар учун системалашган таъриф қаторлари – намунавий изоҳларнинг шакллантирилганлиги изоҳларни бирхиллаштиришга имконият яратган. Луғат бирликлари (бош сўз ва турғун иборалар) маъноси (маънолари)ни аниқ, тўғри ва тўлиқ белгилаш, шунингдек, ўзаро боғлиқлик асосида тартиблаб қайд этиш изоҳли луғат тузиш ишининг энг қийин ва асосий жараёнларидан ҳисобланади. Беш жилдли луғатнинг киймати, муваффақияти ана шу вазифани имкон даражасида бажарганлиги билан белгиланади.

2. Ўзбек тили синонимлари изоҳли луғатида маънодош бирликлар тавсифи

Мустақил юртимиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган катта ўзгаришлар ўзбек тилининг тараққиётига, аynиқса, унинг лексикология ва лексикографиясининг ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Жумладан, лексикология

ва лексикография соҳасида олиб борилаёйган ишларни эътироф этмасдан бўлмайди. Бу соҳада муайян ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Шунингдек, турли филологик луғатларнинг, хусусан, беш жилдли ўзбек тилининг изоҳли луғатининг яратилишини луғатчилар томонидан амалга оширилган энг катта иш деб баҳолаш мумкин. Лекин лексикографияда ҳалигача синонимия масаласи эътибордан четда қолиб келмоқда.

Маълумки, 1974 йилда атоқли олим, академик А.Ҳожиев томонидан «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» нашр этилгандан кейин ўтган қирқ беш йил мобайнида республикамиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар, юксалишлар юзага келди. Ўзбекистоннинг истиқлолни қўлга киритиши, ўзбек тилининг давлат тили мақомини олиши, «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши ўзбек тили ва унинг лексикаси ривожига катта таъсир кўрсатибгина қолмасдан, ўзбек тилшунослиги олдида янги вазифаларни кўндаланг қўйди. Ўзбек тили лексик захирасининг жадаллик билан кенгайиши ва бойиб бориши, давр талабига жавоб берадиган, синонимларнинг изоҳли луғатини қайта яратиш заруриятини келтириб чиқарди. Кўринадикки, ўзбек тилшунослиги олдида синонимик бирликларни тартибга солиш, такомиллаштириш, уларни луғатда акс эттириш ва изоҳлаш билан боғлиқ талай муаммолар ҳам мавжуд.

Ўзбек тилининг кўп асрлик тарихга эга қадриятларини ўзида ифода этган синонимик муносабатдаги диний тушунчалар номлари ҳам ушбу луғат материалларида ўз аксини топмаганлиги ҳамда юқорида далил ва фактлар билан тасдиқланган фикрларнинг ўзиёқ «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»нинг ҳозирги талабларга қай даражада жавоб бериши ҳақида аниқ тасаввур уйғотади.

«Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»нинг луғат мақоласи қуйидагилардан ташкил топган: 1) сино-

нимик қатор, 2) синонимик қатордаги сўзлар учун умумий бўлган маънонинг изоҳи, 3) синонимик қатордаги ҳар бир сўзга хос хусусиятнинг таърифи, 4) синонимик қатор ва ҳар бир синонимга берилган таърифни тасдиқловчи мисол-цитата (иқтибос)лар.

Олимнинг таъкидлашича, синонимик қатордаги ҳар бир сўзга қарата айтилган фикр-мулоҳаза шу сўзни қўллашда амал қилинадиган қатъий ҳукм деб эмас, балки тавсиялар деб қаралиши лозим.¹

Ўзбек тили умумистеъмолидаги сўзларнинг қўпчилигини қўп маъноли сўзлар ташкил этади, шу маънода, қўп маъноли сўз бирдан ортиқ синонимик қатор бирлиги сифатида иштирок этиши мумкин, қўп маъноли сўзлар маъноларини контекстда аниқлаш у даражада қийинчилик туғдирмайди. Синонимик қаторда қўп маъноли сўз ҳисобланган бир сўз бош сўз (доминанта) саналганда ҳар бир доминантдан сўнг рим рақами қўйилган ва синонимик вариантлари келтирилган. Масалан, *бало* бош сўз сифатида икки ўринда синонимик қаторда қўлланган:

БАЛО I, ФАЛОКАТ, ОФАТ. Ғам-ғусса, ортиқча ташвиш, азоб бўлувчи нарса. Фалокат, офат “бало, мусибат” дан кўра уни юзага келтирувчи нарса (ҳолат) маъносида қўп қўлланади. Офат кенг микёсдаги ва ортиқ даражадаги мусибатни (балони) билдиради. Ёки жондан севган ўғилчагнинг тошқин сувлар олиб кочдими? Ё бошқа бир *бало* юз берди-да, ҳасрат-алам кучоқ очдими?..(Уйғун). Онахоннинг юраги бир *фалокатни* сезгандай бўлди-ю, оёқлари беихтиёр олдинга юрди (А.Мухтор). Майдонда ул санам деб, душманга бўлдим *офат*. Бўстони гулга тўлган фасли баҳора айтинг (Уйғун).

БАЛО II, УСТА, УСТАМОН, БИЛАҒОН, БИЛАРМОН, ЧЕЧАН, ЭПЧИЛ, ЧАҚҚОН, УДДАБУРОН. Ўринлатиб ба-

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1974. – Б. 6.

жарадиган, маҳорат ва чакқонликка эга. **Бало** кўпроқ оддий сўзлашувга хос, у ақлий, жисмоний иш-ҳаракат бажаришда юқори маҳоратга эгаликни ифодалаш учун қўллана олади. **Уста** ақл, малака талаб этадиган ҳаракатларга нисбатан қўлланади. **Устамон** кувлик, айёрлик оттенкасига эга. **Билармон**, **билагон** сўзларининг хусусияти уларнинг ўзагидан англашиб туради. **Билармон** салбий бўёққа эга. **Чечан**, **чаққон**, **эпчил** тез ва осон бажариш маҳоратга эгаликни билдиради. **Уддабурон** асосан иш-вазифани ижро этиш маҳоратига эгаликни ифодалаш учун қўлланади.

«Жўрттага кўрингансан, ёш бўлсанг ҳам, *балосан...*» – тескари қараб, лабини буриштирди Нури (Ойбек). «Сайфиддин Умаров Ўрта Осиё университетида физматда ўқийди. Эсингдами, математикага *бало эди*», – деди Комила (Ойбек). Узун экан оёғи, Худди чолнинг таёғи. Қаноти ола экан, сайрашга *бало экан* (Уйғун)... аскияга жуда *уста экан*, оламда дард нима, ўлим нима эканини буткул унутиб, роса кулишдик (А.Қаҳҳор). Ҳа, қизлар шунақа гапга *уста* бўлади (Н.Сафаров). Кассир Б.Чўтматов ҳам текин нарсаларнинг мазасига тушунгандан бери, анча *устамон* бўлиб қолди (Муштум). Сен жуда *билагон*, ҳаддан тапқари *билагон* бўлиб кетибсан (С.Зуннунов). Дўснатнинг усти-боши қанақа-ю, қиёфаси қанақалигини тасвирлашга Бувинисо жуда *чечан* бўлиб қолди. (П.Турсун). Разведкага игна тешигидан ўтадиган *эпчил*, дарёдан ҳатлайдиган *чаққон* киши керак (Шухрат). Мен дўстларга сира ишонмайман. Маслаҳатга ҳаммаси *чаққон*. Нега десанг, маслаҳатгўйлик осон нарса-де! Тили қимирлайди холос (Ойбек). Ойнахоннинг идорадаги ишлари, одамларга муомаласи, ҳар бир масалани ақл билан ҳал қилиши, умуман унинг *уддабуронлиги* Абатни қойил қолдирди (Х.Сеитов).

Баъзи ўринларда келтирилган кўп маъноли лексемаларнинг синонимик қатор бирликлари айнан бир хилдаги лексемалардан тузилган бўлса-да, улар ўртасидаги маъно

оттенкалари нозик фарқларга эгаллиги ҳисобга олиниб, юқорида келтирилган тартибдаги каби изоҳланган. Масалан:

АЖРАТМОҚ I, АЙИРМОҚ. Тўдасидан, бутун ҳолидан алоҳида қилмоқ.

Сўнг энкайиб, маҳсиларни секин-секин санади-да, беш жуфтини ажратиб нарироққа сурди (Ойбек). Бокка олиб кетиши лозим бўлган буюмларни бир ёққа айирди (Ойбек).

АЖРАТМОҚ II, АЙИРМОҚ, фарқламоқ, фарқ қилмоқ. Фарқ-айирмани белгиламоқ, фарқ-айирмани билмоқ. Фарқламоқ, фарқ қилмоқ кам қўлланади.

Бай-бай...мен еган қаймоқларни арик қилиб оқизсангиз, ҳеч қандай тўғон туриш бермайди. Шунинг учун қаймоқнинг яхши-ёмонини дарров *ажратаман*. (А.Қаҳҳор). Ясама кароматчининг [эшоннинг] иситма билан ошқозон касалини *айираолмаслигини* қаердан билсин (“Муштум”). Ҳе, афсус, афсус...янглишибсиз...оқни қорадан *фарқ қилмоқ* керак... (Ҳ.Ғулом).

Бу каби бирликларни айнан бир синонимик қаторда бериш мақсадга мувофиқ, *ажратмоқ, айирмоқ, фарқламоқ, фарқ қилмоқ* тарзида, сабаби улар англатадиган маъно ўртасидаги фарқ у қадар катта эмас, масалан, “Тўдасидан, бутун ҳолидан алоҳида қилмоқ, фарқламоқ” тарзида. Қиёслаймиз:

Чунки Исломда болаларни ажратиши, яъни бирини кўпроқ иккинчисини камроқ яхши кўриши дуруст ҳисобланмайди (Т.Малик). Ушбу мисолда келтирилган ажратиш доминантасини *айирмоқ, фарқламоқ* синонимик бирлиги билан алмаштириш мумкин: *Чунки Исломда болаларни айириши, яъни бирини кўпроқ иккинчисини камроқ яхши кўриши дуруст ҳисобланмайди. // Чунки Исломда болаларни фарқлаши, яъни бирини кўпроқ иккинчисини камроқ яхши кўриши дуруст ҳисобланмайди.*

Аммо луғатнинг кириш қисмида таъкидланганидек, синонимик қатордаги сўзлар бирдан ортиқ маънода ўзаро синоним бўлса, бу ҳолат араб рақамлари билан кўрсатилиши лозим эди. Масалан:

АЖРАТМОҚ, АЙИРМОҚ. 1.Тўдасидан, бутун ҳолидан алоҳида қилмоқ. Сўнг энкайиб, маҳсиларни секин-секин санади-да, беш жуфтини *ажратиб* нарироққа сурди (Ойбек). Боққа олиб кетиши лозим бўлган буюмларни бир ёққа *айирди* (Ойбек).

2.Фарқламоқ, фарқ қилмоқ. Фарқ-айирмани белгиламоқ, фарқ-айирмани билмоқ. Фарқламоқ, фарқ қилмоқ кам қўлланади. Бай-бай...мен еган қаймоқларни ариқ қилиб окизсангиз, ҳеч қандай тўғон туриш бермайди. Шунинг учун қаймоқнинг яхши-ёмонини дарров *ажратаман*. (А. Қахҳор). Ясама кароматчининг [эшоннинг] иситма билан ошқозон касалини *айира олмаслигини* қаердан билсин (“Муштум”). Ҳе, афсус, афсус...янглишибсиз...оқни қорадан *фарқ қилмоқ* керак... (Ҳ.Ғулом).

Маълумки, синонимик катордаги сўзлар тушунчанинг белгисини турли даража билан ифодалаши мумкин. О.Бозоров “Ўзбек тилида даражаланиш” мавзусидаги тадқиқот ишида лексик сатҳдаги даражаланишни предметлик, белги-ҳолат, саналувчи миқдор, ҳаракат, ҳаракатнинг белгисини англатувчи лексемаларда; тақлидий ва тасвирий лексемалар, ундов ҳамда модал маъноли лексемаларда; шунингдек, кўмакчи, боғловчи, юкламалар мисолида очиб берган. Ҳар бир луғавий турнинг ички даражаланиш қўламларини белгилаб берган. Жумладан, предметлик маъноларида даражаланишни нарса, ҳодиса, жой, вақт, вазн маъноли лексемалар даражаланиши ҳамда инсон тафаккури, шахс муносабатлари, ақлий, руҳий, жисмоний ва унинг натижалари акс этган лексемаларда даражаланиш каби турларга ажратган. Ёки белги-ҳолат англатувчи лексемалар доирасида табиий нарса-ҳодисаларга хос белги-ҳолатлар ҳамда шахс билан боғлиқ белгиларда даражаланиш турлари фарқланган.¹

Ғ.Раҳмонов “Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати” мавзусидаги ишида градуал синонимлардаги фарқловчи семалар аниқланиб, уларнинг маъновий даражаланиш ҳодисаси билан боғлиқлиги асосла-

¹ Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Т.: Фан, 1995. – Б. 71–73.

ниб, айрим сўзларнинг маъно муносабатида синонимия билан бир вақтда градуонимиянинг ҳам амал қилиши предмет ва белги ифодаловчи 436 та синонимик қатордан 149 тасида градуал синонимларнинг даражаланиш хусусиятлари таҳлили асосида очиб берилган.¹

Синонимик қаторга бирлашган лексемалар тизими йирик (макро) парадигмани ташкил этар экан, баъзи сўзлар белгини нормал даража билан (нейтрал) ифодаласа, баъзилари кучли даражасини кўрсатиши, айримлари белгини кучсиз даража билан ифодалашни маълум. Луғавий бирликлар ўзаро маъновий муносабатига кўра маълум бир даражаланиш қаторини ҳосил этиши фанга қадимдан маълум ва унинг энг ёрқин намунаси – ўрта сўзини ўз ичига олган сўзлар қатори. Масалан: *завқ* – *ўрта-мароқ* – *ўрта-шавқ* тарзида.²

Умуман олганда, даражаланиш муносабатлари билан боғланган сўзлар қаторини ғайрилисоний асос ҳамда соф лисоний асосга таяниб ажратиш мумкин. Градуонимик луғавий қаторни ажратишнинг лисоний омилига маъновий омил ҳамда сўзлараро парадигматик муносабат киради.

Градуонимик қаторни ажратишдаги маъновий омилнинг моҳияти шундаки, бир қатор лексемалар семемасида маълум бир белгининг оз-кўплигига, турли хил даражаларига ишора мавжуд. Масалан, “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”да “зўр қизиқиш, иштиёқ ҳис-туйғуси” маъносини берувчи *завқ*, *мароқ*, *шавқ* синонимик қаторида белгининг даражаланишига муносабат билдирилмаган. *Мароқ* ва *шавқ* сўзларининг китобий услубга ҳослиги айтилган, холос.³ Ҳолбуки *мароқ* ҳолатнинг кучли-кучсизлигига нисбатан нейтрал ҳолатда, *завқ* сўзи ҳолатнинг кучлироқ даражасини кўрсатади, *шавқ* сўзида эса белги даражаси яна

¹ Раҳмонов Ғ. Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати: Фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Фарғона, 2019. – Б.55.

² Сайфуллаева Р., Менглиев Б. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Дарслик. – Тошкент: ФТ, 2010. – Б.105.

³ Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1974. – Б. 102.

ҳам кучлироқ. Бу хусусият луғатда берилган қуйидаги мисолларда аниқ кўзга ташланади: Қора кумғон билан чўпон болани *завқ* билан расмга олди Нодира... (Ойбек.) “Офарин, офарин”, -- деди Валихон чехраси очилиб ва *мароқ* билан Майнага тикилди (Ш.Тошматов). Сувлар шилдираши, қушлар сайраши, Севгидаги оташ, меҳнатдаги *завқ*, Инсонга хос бўлган дўстлик туйғуси, Ижод ҳаяжони, зафардаги *шавқ* (Уйғун).¹ Демак, сўзлараро лисоний муносабат саналувчи даражаланиш ҳодисаси бир неча сўзнинг маълум бир белгининг оз-кўплигига қараб, сўзларнинг маъновий қаторида, тизимида намоён бўлиб, кузатганимиздек, бунда доминанта ва қуршов сўзлари фарқланади. Даражаланувчи сўзлар маънодош ҳам, маънодош бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, бўёғига кўра даражаланувчи сўзлар, асосан, маънодош бўлади, натижада, даражаланиш қаторида белгининг даражаланиб, ошиб ёки кенгайиб боришида миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунияти юзага чиқади. Луғатда “(бирор нарсада) камолот томон ўсиш, юксалиш ҳолати” маъносини берувчи *ривож*, *тараққий*, *тараққиёт*, *равнақ* синонимик қаторлари берилган. Луғатда келтирилишича, “Ривож кенг қўлланади. Тараққий, тараққиёт, равнақ маънони ривож сўзига нисбатан кучлироқ даражада ифодалайди. Тараққий мустақил ҳолда кам қўлланади. У кўпинча *топмоқ*, *этмоқ* феъллари билан бирга қўлланади: *тараққий топмоқ*, *тараққий этмоқ* каби. *Тараққиёт* сўзида ҳаракат белгиси кучлироқ бўлиб, кўпинча “ривожланиш” маъносида қўлланади. *Равнақ* китобий”.²

Аслида синонимик қаторда оралиқ ҳолатнинг мавжуд бўлиши фарқлиликка сабаб бўлиб, зидланиш муносабатини юзага келтиради. Масалан, *завқ* → *мароқ* → *шавқ* синонимик қаторида *мароқ* бирлиги оралиқ мавқени эгалласа,

¹ Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. — Т.: Ўқитувчи, 1974. — Б. 102.

² Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. — Т.: Ўқитувчи, 1974. — Б. 166.

таракқиёт (таракқий) → *ривож* → *равнақ* синонимик каторида ривож лексемаси оралик ҳолатда туради. Бу ўринда *тараққий* ва *тараққиёт* лексемалари ўзаро синонимик муносабатда эмас, балки ўзаро вариантдош саналади. Шу сабаб градуонимик каторда оралик мавкега ҳос деб қаралди.

Бундай вазиятда лексик бирликлар англатган маънода белгининг даражаланиши юзага келади. Натижада синонимик қаторнинг бошланғич аъзолари ўртасида белги даражасига кўра кучли зиддият юзага келади. Жумладан, *завқ* ва *шавқ* лексемаларида акс этган ҳис-туйғу белгисининг кучли даражадаги фарқи бу лексемаларнинг даража белгисига кўра зиддиятга киришувини англатади. Худди шундай, *ривож* → *тараққиёт* (*тараққий*) → *равнақ* синонимик каторида *ривож* лексемасининг таъсирида юзага келган даражаланиш оқибатида *тараққиёт* (*тараққий*) ва *равнақ* лексемалари муносабатида зиддият юзага келади.

Маълумки, синонимик қатордаги лексемаларнинг ифода семаси турли-туман, “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”да ҳар бир синонимик қатор лексемалари табиатидан келиб чиқилган ҳолда у ёки бу жиҳатдан ёритилган, яъни улардаги ижобий ёки салбий баҳо ёхуд муносабат семаси, лексеманинг қўлланиш даврини кўрсатувчи сема: «эскирган», «янги», «ўта янги», «архаик», «тарихий»лиги, лексеманинг қўлланилиш доирасини кўрсатувчи сема: «шевага ҳос», «сўзлашувга ҳос», «китобий» ва ҳ.к. тарзида.¹

Синонимик қатордаги лексеманинг биттаси доминанта (бош) лексема бўлиб, бошқалари шу лексема атрофида бирлашади, маънодошлик куршови ҳосил қилади. Доминанта лексеманинг юкорида саналган барча ифода семаси нейтрал, бетараф. Масалан, *буйруқ*, *амр*, *фармон*, *фармойиш* синонимик қатордаги *буйруқ* лексемаси доминанта бўлиб, унинг ифода семалари нейтрал, бетараф. Луғатга муайян асослар бўйича ҳозирги ўзбек тилида умумистеъмолда бўл-

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. — Т.: Ўқитувчи, 1974. — 308 б.

ган, адабий тилга оид синонимик муносабатдаги мустақил (туб ва ясама) сўзлар билан бир қаторда ёрдамчи сўзлар ҳам киритилган, масалан, эргаш гап таркибида шарт маъносини кучайтириш, таъкидлаш учун хизмат қилувчи *агар, мабодо, башарти, бордию, магар* эргаштирувчи боғловчилари, мазмунан аввалгисига зид фикр-тушунчанинг бошланишини билдирувчи *лекин, бироқ, аммо, илло* зидлов боғловчилари, *чунки, негаки сабаб(ки), зеро(ки)* сабаб боғловчилари, *фақат, ёлғиз, биргина, танҳо, холос* каби айирув-чегаралов юкламалари, ўхшатиш, қиёслаш маъноларини берувчи *каби, сингари, янглиз, ўхшаш, мисол(и), бамисоли, мисли, дегандек* кўмакчиларини, фикрнинг чинлигини, бирор нарса-ҳодисага шубҳасиз ишончни ифодаловчи *албатта, шубҳасиз, муқаррар, сўзсиз, аниқ, тайин, шаксиз, бешак, бегумон* каби модал сўзларни мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур синонимик қаторлардан бирини таҳлил қиламиз.

Лугатда *фақат, ёлғиз, биргина, танҳо, холос* каби айирув-чегаралов юкламалари шундай изоҳланган: “**ФАҚАТ, ЁЛҒИЗ, БИРГИНА, ТАНҲО, ХОЛОС.** Бу сўзлар чеклаш-чегаралашни билдиради. *Танҳо* кўпроқ бадий услубга хос. *Якка* бу маънода маълум бирикмалар доирасидагина қўлланади. Ўн маҳал китоб сўрасам, ҳар куни кириб, барно, Таълими жамолинга бу *фақат* баҳонадир (М.Бобоев). Бу азобларни билар Ёлғиз мену *танҳо* қалам (Э.Воҳидов). Ҳали яна кўрсатурсиз Совет кучини, фашист тотди кучимизнинг *ёлғиз* учини (Ойбек). Бу *биргина* менга эмас, қишлоқдаги ҳамма меҳнаткашларга маълум (Х.Гулом). Улар бу даромадни, томорка ва чорва молларидан ташқари, *биргина* меҳнатнинг орқасидан тортмоқда. (“Совет Ўзбекистони”). Тошхўжа эшон ҳазилакам эшон ўтган эмас: бокиб қўйилган ўн бешта отдан уни *фақат* иккитасигина кўтара олар эди холос (А.Қахҳор)”.¹

Синонимик қаторда қуйидаги англашилмовчиликлар кузатилади:

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1974. – Б. 208.

1. Синонимик қаторда *якка* синоними берилмаган, бироқ қўлланиш доираси изоҳланган, мисол келтирилмаган.

2. Синонимик қатордаги сўзлар фақат бир жиҳатдангина изоҳланган, масалан, қайси услубга хослигига кўра: “Танҳо кўпроқ бадий услубга хос” тарзида. Улардаги муносабат маъноси, қўлланиш даврини кўрсатувчи маъноси, қўлланилиш доирасини кўрсатувчи маъноси кабилар изоҳланмаган.

3. Синонимик қатордаги биргина сўз (танҳо) сўзи изоҳланган, бошқаларига муносабат билдирилмаган.

4. Берилган мисолларда қўшалок келган синонимлардан фақат бири ажратиб кўрсатилган, ҳолбуки, синонимик муносабатдаги иккала сўзни ҳам ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ саналар эди, масалан: *Тошхўжа эшон ҳазилакам эшон ўтган эмас: боқиб қўйилган ўн бешта отдан уни фақат икkitасигина кўтара олар эди холос*. Мазкур ғанда келтирилган **фақат** синоними ажратиб кўрсатилмаган.

Луғатда синонимик қатордаги сўзнинг ўз вазифа ва маъносидан ташқари луғавий ёки грамматик маъно (грамматикализация) касб этган шакли келтирилган, бироқ изоҳ берилмаган. Мас., *ёлғиз*, *якка*, *танҳо*, *биргина* мустақил сўзларининг фақат ёрдамчи сўзи ўрнида қўлланилиши каби.

Луғатга чегараланган лексикадан қуйидаги сўзлар киритилган: Оддий сўзлашув нутқига оид сўзлардан кўпчилик қўллайдиган, ёзма нутқда ҳам кўп учрайдиган *бобой* (*чол*, *кекса*, *қари...*), *тириш* (*ажсин*, *буришиқ*), *осилмоқ* (*айланишмоқ*, *илакишмоқ*), *бузилмоқ* (*айнимоқ*), *мойна* (*ойлик*, *маош*), *муччи* (*ўтич*, *бўса*) каби, шунингдек, аёллар нутқига хос *ўргилай*, *гиргиттон*, *қоқиндиқ* (*айланай*, *айлансин*); *мастон* (*айёр*, *муғомбир...*) сўзлари билан бир қаторда, синонимик қатор сўзларининг деярли барчаси аёллар нутқида қўлланиладиган шакллар ҳам кузатилади, масалан: *ордона*, *зорманда*, *сабил/савил* (*байталмон*, *эгасиз*) каби сўзлар киритилган. Шунингдек, кўпчилик шеваларда қўлланиладиган ва ёзма манбаларда учрайдиган *папаламоқ/нўпаламоқ* (авайламоқ,

аямок, эҳтиётламок...), *бирда-ярим* (баъзан, гоҳо, гоҳида...), *гурунглашмоқ, отамлашмоқ (суҳбатлашмоқ, ҳасратлашмоқ...), манглай (пешана), қўноқ (меҳмон)* каби сўзлар қўлланиш доирасига кўра изоҳланган. Тарихий сўзлардан ўтмишни ёритиш ва тасвирлашга оид ишларда қўлланадиган *хизматкор-малай-хизматчи; асилзода-оқсуяк-аристократ-зодагон* каби синонимик қатор сўзлари; эскирган сўзлардан ўз вақтида кенг истеъмолда бўлиб, ҳозирда бошқа сўз билан алмашган ёки илмий-бадий асарлар ва б. манбаларда қўлланиувчи *улус, мардум* (халқ, халойик, эл), *муҳораба/ҳарб* (уруш, жанг) *машварат (маслаҳат, кенгаш), нома (хат, мактуб)* каби сўзлар киритилган. Бироқ ўша даврдаги сиёсий-ижтимоий ҳаёт боис луғатдан ўрин олган диний тушунчаларни билдирувчи сўзлар жуда озчиликни ташкил этади: «ҳаёт лаззатларидан воз кечувчи, тарки дунёчи» маъносини англатувчи *аскет-зоҳид-ғўшанишин* каби.

Ушбу ишда тадқиқ қилинган *қалам-ручка-хома-килк, асаб-невр, архитектор-меъмор, бастакор-композитор, рассом-мусаввик, шифокор-врач-доктор* каби Ўзбек тили сононимларининг изоҳли луғатида қайд этилмаган..

Юқорида келтирилганидек, луғатнинг яратилганлигига қарийб қирқ беш йил бўлганлиги сабабли луғатда берилган сўзларнинг маълум қисми ўша даврда эндигина ўзбек тилига кириб келаётган, кенг истеъмолда бўлмаган сўз ва терминларни, муайян қисми эса ҳозирда эскирган сўзларни ташкил қилади. Шунингдек, сўз маъноларини белгилаш ва изоҳлашда ҳам бир қатор камчиликлар мавжуд.

“Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”ни қайтадан тузишнинг қуйидаги сабаблари бор:

– ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларига мос келади-ган, ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари асарларида учрайдиган, лекин ҳозиргача ўз шакл ва маъноларини сақлаб қолган сўз ва бирикмаларни аниқлаш, луғатга киритиш ва изоҳлаш;

– республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги даврда истеъмолга кирган, турли фан соҳалари ва ижтимо-

ий ҳаётга оид асосий сўзлар ва терминларни, неологизмларни аниқлаш, луғатга киритиш ва изоҳлаш;

– аввалги синонимлар луғатида «эскирган», «китобий» деган белгилар қўйилган, лекин ҳозирги кунда фаол қўлланаётган сўз ва ибораларни луғатда акс эттириш, уларни янгича нуқтаи назардан изоҳлаш;

– адабий тил доирасидаги сўзлар билан бир қаторда шевага, фольклорга оид сўз ва иборалар, этнографизмлар, тарихий сўзлар (историзмлар)ни луғатга киритиш, уларни ҳозирги шароит нуқтаи назаридан изоҳлаш.

Мазкур ишда кўриб ўтилган *архитектор-меъмор, композитор-бастакор, рассом-мусаввир, асаб-нерв* каби синонимларнинг лексик-семантик, функционал-стилистик ва аниқланган бошқа хусусиятларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида айгилган сабаб ва омиллар ана шундай синонимлар луғатининг янгисини яратиш пайти келганлигини кўрсатади. Шунини қайд этиш керакки, кўзда тутилган луғат принципиал жиҳатдан янги луғат бўлади.

3. Ўзбек тилининг Миллий корпусида лексик синонимларни бериш масаласи

Тилшуносликка компьютер технологияларининг жадвали билан кириб келиши, электрон луғатлар яратилиши компьютер лексикографияси йўналишининг шаклланишига олиб келди. Компьютер лексикографияси амалий тилшуносликнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унда лингвистик ва дастурий таъминот асосида ишлайдиган, кодлаш ҳамда декодлаш принципи асосида яратилган компьютер луғатлари, уларни тузиш дастурлари, алгоритмлари ўрганилади¹.

Компьютер ёрдамида яратилган электрон луғатлар китобий луғатлардан бир қанча қулайликларга эгаллиги билан ажралиб туради. Улардан фойдаланишнинг афзаллиги тилшуносларнинг ихчамлиги электрон луғатларга нисбатан

¹ Раҳимов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Т., 2011. – Б. 85.

бир неча баробар юқори бўлган лойиҳаларни амалга оширишларига туртки бўлди. Компьютер лексикографиясининг тараккий этиши билан тилшуносликда корпус лингвистикаси йўналиши пайдо бўлди.

Компьютер лексикографиясини электрон матнлар корпуси ёки параллел матнлар корпусларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Матнлар корпуси («corpus» лотинча «тана» деган маънони англатади) – бу электрон ҳолда сақланадиган муайян тил бирликлари бўлиб, улар тилшунослар томонидан турли хил муаммоларни ҳал этиш ҳамда турли йўналишдаги тадқиқотлар учун заруриятга қараб турли шаклларда тузилади. Булар фонема, графема, морфемалардан тортиб ундан каттароқ бирликлар – лексема, гап ва матнлардан (бадий ёки илмий асар, газета ва журнал матнлари) ташкил топиши мумкин. Уларнинг қай тарзда сақланишига қараб махсус дастурлар ёрдамида ҳар бир керакли сўз ёки сўз бирикмаси учун унинг қўлланиши бўйича дарҳол мисоллар топилиши, имло бўйича вариантлари, синонимик қаторлари топилиши мумкин. Матнлар корпусига оид илмий тадқиқотлар салмоғининг кўнайиши натижасида тилшуносликда корпус лингвистикаси йўналиши шаклланди¹. Жаҳон тилларининг жуда кўпчилиги мукамаллик даражаси, матнни қайта ишлаш имконияти билан фарқ қилувчи ўз миллий корпусларига эгаллиги² тилшуносликнинг бу соҳасида анча-мунча ишлар қилинганидан далолат беради. Ўзбек тилшунос олимлари ҳам корпус лингвистикасининг амалий аҳамияти нақадар катта эканлиги тўғрисида ўзларининг кимматли фикрларини билдириб ўтишган: корпус – тил бирликларининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида қидирув дастурига бўйсундирилган матнлар мажмуи, табиий тилдаги электрон шаклда сақланадиган ёзма ёки оғзаки, компьютерлаштирилган қидирув тизимига дастурий таъми-

¹ Раҳимов А. Компьютер лингвистикаси асослари. Т.: 2011. – Б. 86.

² Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари ф.ф.ф.д (PhD) дисс автореф. Қарши, 2018. – Б. 4.

нот асосида жойлаштирилган он-лайн ёки офф-лайн тизимида ишлайдиган матнлар жамланмасидир. Тил корпуслари — тил бўйича тадқиқот ва амалий топшириқлар ечими учун инкор этиб бўлмас иш қуроли. У оддий электрон кутубхонадан фарқланади. Электрон кутубхонанинг мақсади — халқнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий ҳаётини акс эттирувчи бадиий ва публицистик асарларни нисбатан тўлиқ камраб олишга эришишдир. Электрон кутубхона матнлари тил нуқтаи назаридан ишлов берилмаганлиги сабабли тадқиқотлар учун ноқулайлик туғдиради. Чунки электрон кутубхона илмий тадқиқот материали базасини тайёрлаш мақсадида тузилмайди, балки миллий-маънавий меросни жамлашни мақсад қилган бўлади. Тил корпуси эса электрон кутубхонадан фарқли ўлароқ, тилни ўрганиш ва тадқиқ қилиш учун зарур, фойдали ва қизиқарли матнларни тўплашни назарда тутди. Корпусни электрон кутубхонадан ажратиб турувчи биринчи омил ундаги матннинг хусусияти ва қўшимча маълумот билан бойитилгани ҳисобланади ҳамда бу белги корпуснинг алоҳида қисми — корпус бирликларига ёзилган изоҳни ташкил этади. Фойдаланувчига бирор сўз керак бўлса, буни одатий матн муҳаррири ҳам топиб беради. Лекин матндаги тил ҳодисасининг маъноси, мазмуни ва тузилишини «тушунадиган» дастурий тизим билан ишлаш жуда афзал ва қулай. Тил бирлигини қидириш, керак бўлса, бундай дастурий таъминот корпус тадқиқотчи ёки фойдаланувчига жуда катта ёрдам бериши мумкин. Агар тадқиқотчи ўз иши учун мисоллар топиш, уларни картотекага (компьютер технологиялари ривожланишидан олдинги даврда) кўчиришга ойлаб, баъзан йиллаб вақт сарфлаган бўлса, бугун дунё тил корпуслари ёрдамида санокли дақиқада юзлаб мисоллар топиш, улар устида ишлаш имконига эга бўлди. Махсус қидирув тизими корпусдан маълумот олишга мўлжалланган бир қанча дастурдан иборат. У статистик ахборот ва қидирув натижасини фойдаланувчига қулай шаклда тақдим эта олади. Тилда қандай жараён кечаётганини аниқ та-

саввур килиш учун корпус камровини янада кенгайтириш, нафақат ёзма, балки оғзаки нутқ материалидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай корпус ёрдамида тараққиёт натижасида тилда содир бўлган ва кутилаётган ўзгариш ҳақида аниқ хулоса чиқариш мумкин.¹

Бугунги кунда халқаро талаблар асосидаги компьютер дастурлари ёрдамида лингвистик маълумотлар базалари яратилмоқда. Хусусан, ўзбек тилидаги синоним қаторларни ҳозирги замон (масалан, халқаро ЛИНГВО дастури) талаблари доирасида санаб чиқиш, изоҳлаш лингвистик компьютер дастурларининг унумдорлигини оширишдаги долзарб масалалардан биридир. Синоним қаторлардаги сўзларни изоҳлаш қуйидаги умумжаҳон мезонлари асосида олиб борилади:

Ўзбек тилида

1. Туркуми.
2. Синонимик қатор.
3. Таърифи / изоҳи.
4. Ишлатилиши: кам, ўрта, кенг.
5. Услуби: бадий, сўзлашув, расмий, илмий.
6. Даражаси: кучсиз, нейтрал, кучли.
7. Роли: ижобий, бетараф, салбий.
8. Соҳаси(доираси).
9. Муқобили.
10. Мисол.²

Юқорида келтирилган ҳос белгилар асосида ўзбек тилидаги синоним сўзларни изоҳлаш бўйича умумжаҳон мезонлари кўрсатиб ўтилган, албатта. Юқоридаги 10 та тасниф асосида синонимлар базасини яратиш учун дастлаб лингвистик маълумотлар омбори яратилиб, ундан сўнг электрон дастур яратилади. Мисол учун, бугунги кунда кишилар ўртасидаги мулоқот жараёнида энг кўп қўлланивчи инглиз ти-

¹ Менглиев Б., Бобожонов С., Ҳамроева Ш. Ўзбек тилининг миллий корпуси // Ma'rifat, 2018.04.06.

² Пулатов А. Компьютер лингвистикаси. – Т.: 2011, – Б. 324.

лида ҳам синонимлар базаси яратилган, у қуйидагича кетма-кетликдаги хос белгиларни кўришимиз мумкин.

Инглиз тилида:

Criterion

1. Type.
2. Synonyms.
3. Definition, commentary.
4. Using: infrequent, normal, frequent.
5. Style: artistic, colloquial, formal, scientific.
6. Degree: weak, neutral, strong.
7. Color: positive, neutral, strong.
8. Sphere.
9. Equivalent.
10. Example.¹

Тадқиқотчи А.Эшмуминов ўзбек тилида синонимлар корпусини яратиш учун ўзбек тилшунослигида синонимия соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ва луғатлар асосида иш кўриш лозимлигини қайд этади ҳамда ўзбек тилида синоним сўзларнинг изоҳига бағишланган луғатлар келгусида синонимларни лексик-семантик мезонлашга тўлақонли хизмат қила олмаслигини таъкидлайди. Негаки, ўзбек тили синонимларига доир лексикографик асарларни яратиш у қадар такомиллаштирилмаган. Ҳолбуки, хорижий тилшунослик бу борада анча илғор эканлигини қайд қилиб ўтиб, таққос ва мулоҳаза учун “Рус тили синонимларининг луғат-тезаруси”ни келтиради.²

Юқорида қайд этилган луғат структур тилшунослик таъминлари асосида тузилган бўлиб, ўзбек тилида бундай тоифадаги луғатлар (“Ўзбек тилининг маънодош сўзлар ўқув луғати”, “Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиш ўқув луғати”ни инобатга олмаганда) тузилган эмас. Мавжудлари ҳам соф ўқув характерида бўлиб, ўзида илмий муаммога таҳлилий муносабатни ифода эта олмайди. Ваҳоланки, си-

¹ Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. – Т.: 2011, – Б. 324.

² Эшмуминов А. Ўзбек миллий корпусини яратиш муаммолари// Илм сарчашмалари, 2019.-№ 6.

ноним сўзлар бу, аниқ семантик алоқа (муносабат) асосида боғланган луғавий бирликларнинг аниқ (конкрет) тизими-дир. Худди мана шу аниқ семантик алоқа асосида боғланган лексик парадигмалар, ўз навбатида, яхлит бир микротизим-ни ташкил қилади. Қайсики, бу микротизим доирасида ҳар бир элементнинг мавжуд маънолари билан ўзаро боғланиш (алоқа)га киришиши асосида намоён бўлади.

Кўринадики, ўзбек тилида яратилган синонимлар луғати келгусида синонимларни лексик-семантик (лексик-семантик гуруҳларга кўра) мезонлашга кўпам ёрдам бермайди. Бу эса мезонлаш жараёнининг аниқлигига таъсир этмай қолмайди. Шунга қарамай, улардаги синонимларга берилган шарҳ ва тавсифдан асос манба сифатида фойдаланилади.¹ Шунга қарамай, тадқиқотчи А.Эшмунинов томонидан ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси яратилганлигини алоҳида қайд этиб ўтади. У қуйидаги мезон асосида таснифланган:

Сўз туркуми

Маъноси

Этимологияси

Ясалиши

Тузилиши

Рус тилидаги муқобили

Инглиз тилидаги муқобили

Даражаланиш қатори

Ижобий салбийлигига кўра

Ишлатилиш миқдорига кўра

Омоними

Пароними

Антоними

Ишлатилиши (мисоли).²

¹ Эшмунинов А. Ўзбек миллий корпусини яратиш муаммолари // Илм сар-чашмалари, 2019.-№ 6.

² Эшмунинов А. Ўзбек тили миллий корпусининг синонимик базасини яра-тиш меёрлари // Сўз санъати, 2019. №1.

Тадқиқотчи томонидан яратилган ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси он-лайн тартибида энг кўп синоним сўз сифатида таҳлилга олинадиган юз лексемасининг таҳлили қуйидагича.

Юз

Туркуми: от;

Маъноси: Одам бошининг олд томони, олд томондан кўриниши; бет;

Этимологияси: Соф туркий сўз. Юз бошнинг бурун жойлашган олд қисми, “афт” Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу кўп маъноли от дастлаб ю:з тарзида талаффуз қилинган кейинроқ ў: унлисининг чўзикрок шакли белгиси, ўзбек тилида юмшоқлик белгиси йўқолган йў:з-йўз-юз;

Таркиби: яхлит;

Ясалиши: ясалмаган;

Тузилиши: содда туб;

Рус тилидаги муқобили: лицо;

Инглиз тилидаги муқобили: face;

Даражаланиш қатори: юз-бет-афт-чехра-башара-турқ-ораз;

Омоними: юз (сон, юзта нон);

Пароними: мавжуд эмас;

Антоними: мавжуд эмас;

Ишлатилиши: Аҳмад қилиб қўйган ишидан қўрқиб, юзи оқарди.

Даражаланиш қаторига **ораздан** кейин **узор** сўзини қўшиш мақсадга мувофиқ. Навоий асарларида **узор** икки ёноғи кизил, соғлом, чиройли юзни англатади.

Бугунги кунда ўзбек тили миллий корпусининг лексик синонимлар базаси яратилган, у интернет тармоғида он-лайн тартибида ишлаб турибди. Ушбу дастурни мукамалроқ ҳолга келтириш ва уни маълумотлар билан тўлдириш ҳамда ўзбек тили Миллий корпусини яратишни кечиктириб бўлмас вазифа деб ҳисобламоғимиз даркор.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда янги суверен давлатчилик шаклининг қарор топиши, дунё мамлакатлари ва халқлари билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги эркин муносабатларнинг вужудга келиши, ўзбек тилининг давлат тили даражасига кўтарилиши, совет даври мафкурасидан “озод” — холи бўлиши, тил аспектларининг, хусусан, лексика ва лексикографиясининг гуркираб ривожланишига мустаҳкам замин яратди. Лексиканинг бойиши ва жадал ривожланиши сўз лексик маъноларининг парадигматик муносабатларидан бири сифатида воқеаланувчи синонимияга кенг йўл очди. Бу эса, ўз навбатида, ўз ва ўзлашма сўзлар ўзаро таъсири негизида ташкил топган синонимик қатор лексемалари семантикаси барча компонентлари (семалари)нинг ҳар бирини алоҳида ўрганиш, янги нозик маъно қирра (оттенка)ларини аниқлаб, ажратиб олиш, ушбу лексик синонимларнинг нутқий ва лисоний муносабатларини тадқиқ қилиш, таснифлаш ва белгилаш зарурияти уларни жамланма (комплекс) методика асосида ҳар томонлама кенг ва чуқур таҳлил қилишни такозо этади.

Ўзбек тилидаги синонимияни тадқиқ қилишнинг градуонимик методологияси узоқ тарихий тараққиёт, мустаҳкам назарий асослар ва дунёвий эътирофга эга бўлиб, лисонда мавжуд бирор моҳиятнинг нутқда воқеланиши тавсифига янгича ёндашув имконини беради. Даражаланувчи белги остида бирлашган қаторнинг икки чекка бирлиги зидланар экан, умумий семемага эга синонимлар қаторнинг икки чеккасини ташкил этади. Системасидан узиб олинса, улар ўзаро бинар зидланаётганлигига ва зиддият денотатив сема асосида эмас, балки коннотатив сема асосида содир бўлаётганлигига гувоҳ бўлиниши кўрсатиб ўтилди.

Ишда илгари сурилган ғоя, илмий фараз, билдирилган фикр, муносабатни етарлича тасдиқлайдиган, асосли исботлайдиган, ишончли далил ва фактларларга, аниқ мисолларга

бой кўп аспекти комплекс таҳлил амалга оширилди. Зеро, ўзбек тили лексик синонимларининг лексик-семантик тузилишини ва уларнинг ўзаро нутқий ва лисоний муносабатини, қўлланиш хусусиятларини айнан тўғри (адекват) кўрсатиш ва ўзига хослигини тасвирлаш учун бу бирликлар лексик маъносининг денотатив, коннотатив, функционал стилистик (ва бошқа) аспектларда комплекс таҳлил қилиш зарур. Кўп аспекти комплекс таҳлил ҳар бир сўзнинг бошқа сўзлар билан бирикуви, лексик қуршови аспектида ҳам ўрганиш заруратини назарда тутди.

Сўзнинг лексик-семантик ва деривацион алоқасини ҳамда ясама сўз билан муносабатга киришишини, яъни ушбу сўзнинг лексик маъноси билан ясама сўз лексик семантикасининг ўзаро алоқадорлигини, шунингдек, ушбу лексик бирлиكنинг у учрайдиган типик контекстлар маъносига қарама-карши равишда ушбу лексик бирлик учрамайдиган бошқа типик контекстларнинг ўзига хос семантикасининг ўзаро муносабатини ҳам алоҳида ўрганиш муҳимдир. Бу ҳолат лексик контекстларнинг сўзнинг лексик-семантик тузилиши ривожланишига таъсирини, бир-бирини тақозо қилишини ва бир-бирига муносабатини аниқлашга имкон беради.

Шу каби лексик бирликларни кўп аспекти комплекс методика асосида ҳар томонлама ўрганиш ўзбек тилишунослигидаги баҳсли ва муноразали муаммони, яъни ҳозирги ўзбек тилида ўз ва ўзлашма сўзларнинг, жумладан, лексик синонимларнинг ишлатилиши, қўлланиш кўлами, лексик-семантик тузилиши ҳамда бу бирликларнинг турли дўғатларда адекват акс эттирилиши муаммосини ечишга ёрдам беради.

Сўз ўзлаштириш асосида пайдо бўлган лексик синонимларнинг нутқий ва лисоний муносабатларини кўп аспекти комплекс ўрганиш натижалари муайян бир тилнинг лексик-семантик тизимида мавжуд, этимологияси жиҳатидан турли тилларга мансуб ва ўзбек тилининг турли ривожланиш даврида ўзлашган синоним сўзлар лексик маъносининг

мутлақо бир хил бўла олмаслигини назарда тутувчи гипотезани тўлиқ тасдиқлади.

Сўзнинг маъноси тарихий тушунча бўлиб, у ўзгармасдан қолмайди. Унинг семантик тузилишида тил системасида мавжуд бўлган бирликларнинг бир-бирига ўзаро таъсир этувчи муносабатлари ҳам, шунингдек, тилдан ташқаридаги муҳит билан бевосита боғлиқ бўлган, тилнинг ҳар бир ривожланиш даврига хос бўлган муҳим хусусиятлар ҳам ўз аксини топади. Бу ҳолатни асосий маъноси бўйича бир-бирига яқин ёки ўхшаш бўлган лексик бирликларни тадқиқ қилишда алоҳида эътиборга олиш муҳимдир.

Тадқиқот натижалари асосида ўзбек тили лексик синонимларини асосий денотатив маъноси бўйича мос, лекин коннотатив маъно компонентлари хусусиятлари ва қўлланиши (функционал имкониятлари)нинг ўзига хослиги билан фарқланадиган синонимлар деб тавсифлаш мақсадга мувофиқ. Синонимлар лексик ва контекст бирикуви ҳамда деривацион хусусиятлари ва имкониятлари билан ҳам фарқланади. Тил тараққиёти ва лексик-семантик тизимда ёнма-ён мавжуд бўлиб, денотат (нарсa, тушунча, предмет ва ҳоказо) ларни аниқроқ ва таъсирчанроқ ифода этишда “ҳамкорлик қилишлари” – параллел қўлланишлари натижасида синонимик қаторларни ҳосил қилган ушбу лексик бирликлар ўзбек тилининг асл, бебаҳо ва нодир бойлиги эканлигини англайди.

Бундай синонимларнинг пайдо бўлиши тилнинг денотат (тушунча)ни нафақат бевосита акс эттира олиш имкониятлари кенглигини, шунингдек, денотатнинг ўзигагина хос хусусиятларини – нозик маъно кирраларини тўлиқ ва айнан мувофиқ(адекват) ифода эта олишидан далолат беради.

Тадқиқот натижалари сўзнинг лексик-семантик тузилишида янги компонентларнинг (маъно нозикликлари, фарқловчи хусусиятлар, оттенкалар) пайдо бўлишида сўз усталари ҳиссаси ва ўрнининг аҳамиятини аниқлашга имкон беради. Бундай инсонлар сўзларнинг маъно структура-

сида янги семаларнинг шаклланиш жараёнига ижодий фаолиятлари билан сермахсул ҳисса қўшадилар. Тадқиқотчиларнинг вазифаси лексик-семантик маънонинг шу янги компонентларини илмий асосда аниқлаб, оммабоп луғатларга киритилишига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ўтказилган тадқиқотлар синонимик бирликлар маъноси структурасидаги компонентлар қаторини аниқлашга семантик беради. Таҳлил қилинган лексик бирликлар семантик тузилишида уларнинг давомли эволюцияси жараёнида маънодош эквивалентлари билан бир-бирига ўзаро таъсири натижасида силжиш (кенгайиш)лар юзага келганлигини кўрсатади. Ушбу лексик бирликлар янги, турли хил семантик компонентлар билан бойиганлиги аниқланди ва сўзларнинг янги маъноларини ва уларнинг нозик маъно қирраларини ўз ўрнида ишлатиш имкониятлари яратилди.

Лексик синонимларнинг нуткий ва лисоний муносабатларини ўрганиш натижасида аниқланган янги маъно минимал бирликлари (семантик компонентлар), фикримизча, лексик маъно ва лексик-семантик парадигма билан бир қаторда ўзбек тили семантик системасининг муҳим аспектини ташкил қилади. Олинган натижалар ўзбек тилшунослигининг барча соҳаларида, хусусан, семасиология, лексикография, стилистика, нутқ маданияти, матн лингвистикаси соҳаларини бойитади.

Синонимларнинг нуткий воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар бир бутун механизм сифатида хизмат қилар экан, лисоний омиллар синонимик қатор лексемаларининг семантик структурасини денотатив, коннотатив, эмотив, функционал-стилистик нуқтаи назардан алоҳида таҳлил қилиш, бу мақсадга эришиш учун сўзнинг бошқа сўзлар билан бирикишини лексик-семантик муносабатда, деривацион алоқаларда, типик контекстлар семантикаси билан муносабатида кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади, натижада лексик қуршовларнинг сўз лексик-семантик структураси

тараққиётига уларнинг ўзаро боғлиқлиги, фарқлилиги ёки ўзаро шартланганлиги таъсирини аниқлаш мумкин бўлади.

Адабий тил лексикасининг жамият ҳаётидаги ҳар бир ўзгаришни акс эттириб, янгиланиб ва ривожланиб боришида нолисоний омилларнинг ўз таъсирини кўрсатиши синонимлар кўламининг кенгайишига ёки торайишига сабаб бўлади. Натижада лексемаларнинг мазмун мундарижасида турли ўзгаришлар — эскирганлик, эски катламдан замонавий катламга ўтиб қолиш, янги маъно қирраларининг юзага келиши ёки семантик янгиланиш юзага келади.

Луғатларда синонимик қатор лексемаларнинг ҳар бири алоҳида изоҳланиши, масалан, этимологияси, семик компонентларидаги фарқлар, даражаланиши билан боғлиқ масалалар тўлиқ тартибга солиниши муҳим, лексемалар эскирган бўлишидан қатъий назар лексик маъноси келтирилиши, эскирганлик бўёғига эга бўлган сўзнинг семик компонентлари неологик сўзнинг семик компонентларига тенг бўлмаганда, мисоллар билан изоҳланиши эътиборга олиниши зарурлигини тақозо этади.

Беш жилдли изоҳли луғатда икки жилдли изоҳли луғатдан фарқли ўларок, луғатчиликнинг тавсифий, синонимик, комусий, ҳавола каби изоҳ усулларида, компонент таҳлил методидан кенг фойдаланилган ҳолда, синонимик муносабатдаги сўзлар маъноларининг кенгайтириб берилганлиги, сўзнинг ўз вазифа ва маъносидан ташқари луғавий маъно касб этган шакли ҳам изоҳланганлиги уларнинг семик компонентларидаги фарқни тўларок аниқлаштирганлигини кўрсатади.

Мавжуд “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”да ҳар бир синонимик қатор лексемалари табиатидан келиб чиқилган ҳолда улардаги ижобий ёки салбий баҳо ёхуд муносабат семаси, лексеманинг қўлланиш доирасини кўрсатувчи семалар, қайси услубга хослик кабилар келтирилган мисоллар изоҳида у ёки бу жиҳат тўла қамраб олинмаганлиги кўзга ташланади. Лингвистик ва экстралингвистик фак-

торларга боғлиқ равишда ўзбек тили лексик захирасининг жадаллик билан кенгайиши ва бойиб бориши ўзбек тилшунослиги олдида синонимик бирликларни тартибга солиш, такомиллаштириш, уларни луғатда акс эттириш ва изоҳлаш билан боғлиқ муаммонинг катъий турганлигини кўрсатади ҳамда синонимларнинг изоҳли луғатини қайта яратиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбек тилидаги синонимик қаторларни ҳозирги замон (масалан, халқаро ЛИНГВО дастури) талаблари доирасида санаб чиқиш, изоҳлаш лингвистик компьютер дастурларнинг унумдорлигини оширишдаги долзарб масала бўлиб, ўзбек тилида синонимлар корпусини яратиш учун синонимия соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ва луғатлар асосида иш кўриш лозим. Интернет тармоғида он-лайн тартибида ишлаб турган ўзбек тили миллий корпусининг лексик синонимлар базаси яратилган экан, дастурни мукамалроқ ҳолга келтириш ва уни маълумотлар билан тўлдириш муҳим вазифа бўлиб, бунинг учун тилшунослик фани олдида ўзбек тили синонимларига доир такомиллаштирилган лексикографик асарни яратиш вазифасини кўндаланг кўяди.

CONCLUSION

Due to independence, the formation of a new form of sovereign statehood in our country, the establishment of free relations with the countries and peoples of the world in the socio-political, economic, cultural and humanitarian spheres, the growth of the Uzbek language to the level of the state language created the basis for the richness and development of all its aspects, in particular the development of lexicography. The enrichment and rapid development of the lexicon paved the way to a synonymy, which was described as one of the paradigmatic relations of the lexical meanings of the word, in its turn, the need to determine the semantics of all components (semes) of the synonymic series of lexemes formed on the basis the interaction of native and borrowed words, and gave way to the necessities a comprehensive and in-depth analysis of these lexical synonyms on the basis of composite methods.

A multidisciplinary comprehensive analysis of previous ideas, scientific hypotheses, expressed opinions, and sufficiently valid, substantiated proofs and attitudes was carried out. After all, a complex analysis of the denotative, connotative, functional stylistic (and other) aspects of the lexical meaning of these units is needed to describe accurately and adequately the lexical-semantic structure of the lexical synonyms of the Uzbek language and their speech and linguistic relations. Complex analysis of a multidimensionality implies the need to study each word's vocabulary with other words, as well as in the lexical context.

It is essential to study the lexical-semantic and derivative relation of the word and its connection with off-key words, namely the interaction of the lexical semantics of the word with the lexical meaning of the word. It is also important to study the relationship between the specific semantics of this lexical unit and other typical contexts where this lexical unit does not exist. This helps to determine whether lexical contexts affect the development of lexical-semantic structure of the word,

interdependence, and interrelationship. A comprehensive study of similar lexical units on a multidisciplinary methodology helps to solve a controversial problem in Uzbek linguistics, namely the use of own and borrowed words in modern Uzbek, including lexical synonyms, the use of lexical-semantic structure and the adequate representation of these units in various dictionaries.

The results of a multidisciplinary comprehensive study of the spelling and linguistic relations of vocabulary-based lexical synonyms are present in the lexical-semantic system of a particular language, etymologically different languages, and in different periods of Uzbek language development. The synonymous words completely confirm the hypothesis that the lexical meaning cannot be the same.

The meaning of the word is historical, and it remains the same. In its semantic structure, the interaction of the units present in the language system, as well as the essential features of each developmental language, are directly related to the environment outside the language. This is especially important when examining lexical units that are close or similar to each other in terms of their meaning.

The Uzbek language synonymy has a long history of development, solid theoretical foundations and secular recognition, and provides a new approach to the description of the essence of human existence in speech. The two edges of the merged line beneath the crown symbol are two edges of the synonyms of a common system. It was noted that if they were disconnected from the system, they would be seen to be reciprocally hostile, and that the conflict was based on a non-denominational system rather than a denotative system.

Based on the results of the study, it is desirable to characterize Uzbek lexical synonyms as synonyms that correspond to the basic denotative meanings but differ in their specificity and use of functional components. Synonyms also differ in lexical and contextual combinations, as well as their derivative features and capabilities. These lexical units that form synonyms because of

language development and the coexistence of lexical semantic systems mean that the Uzbek language is a genuine, invaluable and rare asset. The emergence of such synonyms demonstrates the ability of the language not only to directly reflect the denotation, but also to express (denote) its unique characteristics - fully and adequately expressing the subtleties of the subtle sense.

For the first time, the semantic structure of lexical synonyms is analyzed in a multidimensional complex. The functional stylistic and derivative features of these lexical units are also fully explored. The lexical-semantic meaning of the word is based on the lexical surroundings and context semantics surrounding it.

The results of the research will create an opportunity to identify the role and the contribution of the literary people to the formation of the new components (subtle shades of meaning, discriminative features) in the lexical-semantic structure of a word. Such people effectively contribute to the construction of valuable semas in the semantic structure of a word with their creative works. Literary people with distinguished talents inherently feel the peculiarities as well as principles of a language and they try to describe their surroundings precisely. Researchers' duty is to identify these new components of lexical-semantic meaning and assist in their process of inclusion in dictionaries that are accessible to everyone. The conducted series of research gives a chance to determine a set of components in the semantic structure of the synonymous units. There have occurred some shifts in the semantic structure of lexical units because of their co-influence on their synonymous equivalents. These lexical units have been enriched with various new semantic components and there have been created opportunities to make appropriate use of new meanings as well as subtle shades of meaning of these words. In our point of view, the minimal units of the new meaning, which have been detected because of studying the articulatory and linguistic relationships of lexical synonyms, together with lexical meaning and lexical-semantic paradigm, constitutes a significant aspect of the Uzbek language semantic system. It is

of high importance that the obtained results find their reflection in all branches of Uzbek linguistics; particularly, lexicography, stylistics, ethics of speech and contextual semantics.

Since linguistic and non-linguistic factors serve as a single mechanism in the articulatory representation of synonyms, it becomes highly important to analyze semantic structure of the synonymous set of lexemes belonging to linguistic factors from denotational, connotative, emotional, functional-stylistic points of view ;to study the combinability of a word in its lexical-semantic, derivational, and typical contextual-semantic relationships with other words; as a result, it will be possible to identify the relevance of lexical context to or its variation from the lexical-semantic structure of a word, or their mutual correspondence. The impact of, non-linguistic factors causes extension or reduction of the scale of synonyms when the lexicology of a literary language constantly renovates and develops whereby reflecting every change taking place in the life of society. Consequently, there happen different changes in the meaning of lexemes-some become, out of date, some obtain new form in modern life, some gain new shades of meaning while other may possible face semantic renewal.

In dictionaries it is significant to give orderly organization of indepth definition of synonymous set of lexemes, for instance, their etymology, differences in semic components, issues concerning their categorization, it is also essential to note that the inclusion of absolute lexemes with their lexical meaning, availability of examples in case of absence of correspondence between the semic components of an outdated word and a novel word should be taken in consideration.

In a 5-volume dictionary as opposed to 2-volume one, the extension in meaning among the words with synonymous, relationship, the actual and contextual meaning of a word, which have been obtained as a result of different reseach techniques such as expositive, synonymous, encyclopedic methods as well as the method of the componential analysis, should be given.

Existing Dictionary of the Uzbek Synonyms provides an overview of examples of lexemes, whether they are positive or negative, or semantics, depending on the nature of each synonym series. The rapid expansion and enrichment of the lexical reserve of the Uzbek language, depending on linguistic and extrathological factors, indicates the acuteness of the problem of ordering, improving, displaying and interpreting synonyms in Uzbek linguistics, and the need to re-create the explanatory dictionary of synonyms.

The numbering and interpretation of synonyms in Uzbek language in the context of modern requirements (for example, the international LINGVO program) is an important issue in enhancing the productivity of linguistic computer programs. With a lexical synonym for the Uzbek language corpus operating online, it is important to refine the program and fill it with information, thus making it an important lexicographic work on linguistics for Uzbek language synonyms.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ижтимоий – сиёсий адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги «Тараққиёт йўлимизнинг шиддати янада ошаверади» мавзусидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури/ Таълим тараққиёти. 1-махсус сон. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 1999.

II. Адабий манбалар:

Абдулла Қаҳҳор. Сароб. – Т.: Шарқ, 1995. – 240 б.

Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. – Т.: Тафаккур, 2014. – 144 б.

Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдли. 14-жилд. – Т.: Фан, 2000. 11-том. – 304 б.

Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: Фан, 1993. – 727 б.

Алишер Навоий. МАТ. VII том. – Тошкент: Фан, 1991. – 393 бет.

Алишер Навоий. МАТ. VIII том. – Тошкент: Фан, 1991. – 544 бет.

Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. – 472 б.

Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Иккинчи девон: Наводир уш-шабоб. – Т.: “Тамаддун” МЧЖ нашриёти, 2011. – 732 б.

Баҳром ва Гуландом. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

Воҳидов Э. Сайланма. Учинчи жилд. Умрим дарёси. – Т.: Шарк, 2001.

Ёкубов О. Улуғбек хазинаси. Роман. – Т.: Ғ.Ғулом. номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 334 б.

Зевархон // Баҳром ва Гуландом. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

Лайли ва Мажнун // Баҳром ва Гуландом. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Иккинчи жилд. – Т., 2001.

Рашидов Ш. Бўрондан кучли. – Т.: 1959.

Ширин билан Шакар // Орзигул. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

III. Илмий – назарий адабиётлар:

<https://www.livelib.ru/quote/4265122>.

<https://ru.m.wiktionary.org>

http://go.mail.ru/search?mail_ru=1&drch=e&mg=1&q=Graduonymie&rch=e

Абаев В.И. Понятие идеосемантики // Язык и мышление. XI. – М.–Л.: 1948 – С. 28–41.

Абу Тоҳирхўжа Самарқандий. Самария. –Тошкент, 1991, – 336 б.

Алишер Навоий асарлари тилининг изохли луғати. 4 томли. 2-том. – Т.: 1983. – 644 б.

Алишер Навоий: қомусий луғат / Масъул муҳаррир: Ш. Сирожиiddинов. – Т.: “Шарқ”, 2016. - 480 б.

Al-javohir. Arabcha-o‘zbekcha va o‘zbekcha-arabcha elektron onlayn lug‘at.

Dadaboyev H., Xolmurodova M. “Qutadg‘u bilig”dagi so‘zlarninig o‘zbekcha, ruscha va inglizcha izohli lug‘ati. –Т.: Navro‘z, 2018.

جيغنا. Ан-наъим. Арабча-ўзбекча луғат. –Т.: А.Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 2003. – 958 б.

Апресян Ю. Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. – М.: Просвещение, 1966. – 301 с.

Апресян Ю. Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. – М.: Наука, 1974. – 368 с.

Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.: Изд. ЛИЯ. 1959.– 295 с.

Арнольд И.В. Основы научных исследований в лингвистике. – М.: Высшая школа, 1991. – 140 с.

Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Событие. Факт. – М.: Наука, 1988. – 339 с.

Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С. 5 – 32.

Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. – М.: Наука, 1966. – 209 с.

Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966. – 598 с.

Ахмадова Б. Кўчманчи ўзбеклар давлати. – Т.: 1986. – 177 б.

Бартольд В. Царствование Тимура. В книге: Тамерлан. Эпоха. Личность. Деяния. – М., 1992. – С. 472–490.

Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 200 б.

Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание: Учебное пос. для студентов по специальности «Русский язык и литература». – М.: Просвещение, 1979. – 168 с.

Богданов В.В. Функции вербальных и невербальных компонентов в речевом общении // Языковое общение: единицы и регулятивы. – Калинин, 1987. – С. 18–25.

Богоуславский В. Слово и понятие. Мышление и язык. – М., 1957. – 277 б.

Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Тошкент: Фан, 1995. – 132 б.

Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. – М.: Т.І.1963. – 391 с.

Брагина А.А. Синонимы в литературном языке. – М.: Наука, 1986. – 124 с.

Брагина А.А. Лексика языка и культура страны: Изучение лексики в лингвострановедческом аспекте. 2-е издание, 1986. – 151 с.

Бушуй Т.А. Лексическая прагматика как общелингвистический объект // Хорижий тил таълимининг когнитив-прагматик тамойиллари. – Самарканд, 2007. – Б.35 – 40.

Вайирах У.О. О семантической структуре языка. -Киев, 1979. – 198 С.

Верецагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. – М.: Русский язык, 1990. Изд. 4-е переработанное и дополненное. – 246 с.

Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М.: 1977. – 312 с.

Гак В.Г. К проблеме гносеологических аспектов семантики слова. – М., 1971. Т. 1. – 149 б.

Гак В.Г. К проблеме семантической синтагматики // Проблемы структурной лингвистики. – М.: Наука, 1972. – С. 367–395.

Гак В.Г. Сопоставительная лексикология: на материале французского и русского языков. – М.: 1977. – 264 с.

Гак В.Г. О контрастивной лингвистике // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. Контрастивная лингвистика. М.: Прогресс. 1989. – С. 5–17.

Гончарова Е.А. Еще раз о стиле как объекте современного языкознания // Текст-Дискурс-Стиль. – Санкт-Петербург, 2003. – С. 9–23.

Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистики. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. – М.: Прогресс, 1985. – С. 217–237.

Гречко В.А. Лексическая синонимика современного русского литературного языка. Саратов. 1987. – 153 с.

Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи: лексико-этимологическое исследование. –Ташкент: Фан, 1983. –140–141.

Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. Ташкент: Фан, 1985. – 112 с.

Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – М., 1963. – 325 с.

Даниленко В.П. Русская терминология: опыт лингвистического описания. Москва: Наука, 1977. – 245 с.

Данияров Б. Х. Проблемы лексической синонимии узбекского языка: Коннотативный аспект семантики номина-

тивных единиц. Москва: Институт языкознания РАН, 1994. – 112 с.

Дейк ван Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989. – 308 с.

Древнетюркский словарь. Л.: 1969. – 677 с.

Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик тахлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – 123 б.

Замонавий ўзбек тили. Морфология. Масъул мухаррир Р. Сайфуллаева. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – 468 б.

Каримов С. Тил таълими ва меъёр. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2002. – 268 б.

Карлинский А.Е. Методология и парадигмы современной лингвистики. – Алматы: Изд-во КазУМОпМЯ, 2009.

Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1980. – 216 с.

Каган М.С. Мир общения. – М.: Политиздат, 1988. – 138 с.

Ким Л., Сайткулов З. Заимствование русских слов и системные отношения в узбекской лексике // Русский язык и литература в общении народов мира: Проблемы функционирования и преподавания. М.: Русский язык, 1990. – С. 33–35.

Кодухов В.И. Общее языкознание. – М.: Высшая школа, 1974. – 303 б.

Колшанский Г.В. Контекстная семантика. – М.: Наука, 1980. – 154 с.

Крысин Л.П. Речевые общение и социальные роли говорящих // Социально-лингвистическое исследование. – М.: Наука, 1976. – С. 42–51.

Кубрякова Е.С., Шахнарович А.М., Сахарный Л.В. Язык и порождение речи // Человеческий фактор в языке. М.: Наука. 1991. – 238 с.

Левченко Е.В. О первичных и вторичных свойствах текста // Стереотипность и творчество в тексте. – Пермь, 2004, Вып.7. – С. 174–184.

Лексическое варианты в узбекской терминологии. – Т., 1986.

Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик. – Тошкент: Meriyus, 2017. – 140 б.

Маслова В.А. Параметры экспрессивности текста // Человеческий фактор в языке: Языковые механизмы экспрессивности. М.: 1981. – С. 179–205.

Матвеева Т.В. Функциональные стили в аспекте текстовых категории. – Свердлов. 1990. – 172 с.

Махмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларнинг изоҳли луғати. – Т.: Академнашр, 2014. – 284 б.

Мусаев К.М. Лексикология тюркских языков. – М.: Наука, 1984. – 278 с.

Миртожиев М. Ўзлашган сўз – пайванд куртаги. – Т.: Ўзбекистон, 1988.

Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Тошкент: Университат, 2000.

Насилов Д.М. Проблемы тюркской аспектологии. Акциональность. – Л.: 1989. – 207 с.

Неъматов Ҳ. Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи 1989. – 32 б.

Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили системлексикология асослари. – Тошкент: Фан, 1991.

Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI–XII вв. – Ташкент: Фан, 1989. – 192 с.

Новая философская энциклопедия. 2-том. – М.: Мысль, 2010. – 634 с.

Нурманов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент, 2001. – 164 б.

Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 231 б.

Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Андижон: Андижон давлат университети, 2006. – 182 б.

Общее языкознание. Методы лингвистических исследований. под ред. Б.А.Серебrenникова. – М.: Наука, 2009.

Ожегов С.И. Словарь русского языка (Под реакцией Шведов Н.Ю.) 23-изд. Москва. Русский язык, 1990. – 832 с.

Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990.

Проп В.Я. Принципы и методы семантических исследований. – М.: 1976. – 148 с.

Пулатов А. Компьютер лингвистикаси. – Т.: 2011, – 520 б.

Пулатов Ю.О. Роль русского языка в развитии и обогащении словарного состава узбекского языка. – Т., 1956. – 98 с.

Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т.: Қомуслар Бош тахририяти, 1992.

Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий тиллар). – Т.: Университет, 2002. – 598 б.

Рахматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. – Тошкент: Университет, 2007. – 159 б.

Рахимов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Т.: 2011. – 185 б.

Русско-узбекский словарь. Т.: 1954. – 1046 с.

Русско-узбекский словарь. Т.: 1984. – 800 с.

Русча-ўзбекча луғат. Икки томлик. – Тошкент: Ўзб. сов. энцикл., 1983. I-том. – 808 б.

Русча-ўзбекча луғат. Икки томлик. – Тошкент: Ўзб. сов. энцикл., 1984. II-том. – 860 б.

Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. – Тошкент: Фан, 1994. – 356 б.

Сайфуллаева Р., Менглиев Б. в.б. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент: Университет, 2007. – 379 б.

Сайфуллаева Р. Б.Менглиев ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Дарслик. – Тошкент: ФТ, 2009. – 419 б.

Сайфуллаева Р. Б.Менглиев ва б. Замоनावий ўзбек тили. Синтаксис. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.

Сайфуллаева Р. Б.Менглиев ва б. Замоनावий ўзбек тили. Морфология. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2013.

Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2008. – 318 б.

Сафаров Ш. Система речевого общения. Универсальное и этноспецифическое. – Самарканд, 1991. – 170 с.

Селиверстова О.Н. Компонентный анализ многозначных слов. – М.: Наука, 1975

Селиверстова О.Н. Об объекте лингвистической семантики и адекватности её описания // Принципы и методы семантических исследований. М.: Наука, 1977. – С. 119-146.

Серебренников Б.А. Вероятностные обоснования в компаративистике. – М.: Наука, 1974. – 376 с.

Серебренников Б.А. Номинация и проблемы выбора // Языковая номинация: Общие вопросы. Кн. I. – М.: 1977. – С.37.

Слесарева И.П. Проблемы описания и преподавания 1990. – 182 с.

Словарь иностранных слов. – М.: СЭ, 1967. – 404 с.

Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1972. – 344 с.

Сpirкин А.Г. Основы философии: Учеб. пособие для вузов. – М.: Политиздат, 1988. – 592 с.

Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистики. – М.: Наука, 1975;

Степанов Ю. С.1 Методы и принципы современной лингвистики (1975, Изд. 7-е. – М.: Изд-во ЛКИ, 2009)

Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986. – 142 с.

Телия В.Н., Графова Т.А., Шахнарович А.М. Языковые механизмы экспрессивности // Человеческий фактор в языке. М.: 1991. – С. 3–114.

Терминология узбекского языка и перспективы ее развития: Материалы I Республиканской терминологической конференция. (–Т., 17 апреля 1987) Бюлл. Ташкент, 1986.

Тихонов А.Н., Пардаев А.С. Роль гнезд однокоренных слов в системной организации русской лексики. – Ташкент. Фан, 1989. – 139 с.

Тихонов А.Н., Ким Л.Л., Тихонов С.А. Современный русский язык. Лексикология. –Т.: Ўқитувчи, 1991. – 264 б.

Узбекско-русский словарь. – М.: 1959. – 839 с.

Узбекско-русский словарь. – Т.: 1988. – 728 с.

Уфимцева А.А. Опыт изучения лексики как системы. – М., Наука. 1962. – 288 с.

Уфимцева А.А. Слово в лексико-семантической системе языка. – М.: Наука, 1968.

Уфимцева А.А. Типы словесных знаков. – М.: Наука, 1974.

Уфимцева А.А. Лексическое значение. Принципы семантического описания лексики. – М.: Наука, 1986. – 240 с.

Франк Д. Семь грехов прагматики: тезисы о теории речевых актов, анализе речевого общения, лингвистике и риторике // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1989. – 373.

Хроленко А.Т. Общее языкознание. Курс лекций. Учебное пособие для студентов: – Курск: Изд-во Курского государственного университета, 1999. – 287 с.

Цой А. К вопросу о лексических заимствованиях из русского языка в узбекский язык // Труды УзГУ имени Алишера Навои. Выпуск 79. Самарканд, 1957.

Шамсиев П., Иброхимов С. Ўзбек классик адабиёти лугати. – Тошкент. 1953. – 452 с.

Шамсиев П., Иброхимов С. Навоий асарлари лугати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 784 б.

Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – М.: Просвещение. 1972. – 327 б.

Шмелев Д.Н. Проблемы работы по языкознанию и фонетике. –Л.: 1973. – 276 с.

Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. – М.: 1973. – 278 с.

Шмелев Д.Н. Современный русский язык. Лексика. –М.: Наука, 1977

Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. –Л.: 1958.

Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Л.: Наука, 1974. – 304 с.

Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюркские основы на буквы Ж, Ғ, И. –М.: Наука, 1989.

Якубовский А.Ю. Тимур. В сборнике: Вопросы истории. – М., 1946, №8–9. – 189 с.

Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Икки томлик. Т. I. –М.: Рус тили, 1981. – 632 б.

Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Икки томлик. Т. II. –М.: Рус тили, 1981. – 715 б.

Ўзбекча-русча луғат. — Тошкент: Ўзб. сов. энкицкл., 1988. — 726 б.

Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. — Тошкент: ЎЗМЭ, 2004.

Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-том. — Тошкент: ЎЗМЭ, 2005.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдлик. 1-жилд. — Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. — 680 б.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдлик. 2-жилд. — Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. — 672 б.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. —Т.: ЎЗМЭ, 2007. — 688 б.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. —Т.: ЎЗМЭ, 2008. — 688 б.

Ўзбек совет энциклопедияси. 14-томлик. 11 том, —Т.: ЎЗСЭ, 1978. — 656 б.

Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.5-жилд. — Тошкент: ЎЗМЭ, 2003. — 625 б.

Қўнгуоров Р., Қўчқортюев И., Абдурахмонов Ғ. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. — Тошкент, 1973. — Б.51–55.

Ҳакимов М. Ўзбек тилида матнинг прагматик талкини: Филол. фан. д-ри. ... дисс. —Т., 2001. — 283 б.

Ҳасанов Б. Алишер Навоий асарлари учун қисқача луғат. —Т.: Фан, 1993. — 375 б.

Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. —Т.: Ўқитувчи, 1974. — 308 б.

Цой А. К вопросу о лексических заимствованиях на русского языка в узбекском языке // Труды УзГУ имени Алишера Навои. Выпуск 79. Самарканд, 1957.

Brinker K. Linguistische Textanalyse. Eine Einf u`tung in Grindbegriffe and Methoden. — Berlin, 2010. — 160 p.

Nuyts J. Aspects of a Cognitive-Pragmatic Theory of Language. On cognition, functionalism, and grammar. – Amsterdam, 1992. – 399 p.

IV. Диссертация ва авторефератлар:

Акбарова З.А. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2007. – 136 б.

Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2008. – 25 б.

Ботирова Ш.И. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизм (Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар” романлари мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. автореф. – Қарши, 2019. – 24 б.

Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. Ташкент: ТашГУ, 1975. – 26 с.

Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Самарқанд, 1993. – 26 б.

Кузнецов А.М. Проблемы компонентной семасиологии: Научный доклад по опубликованным трудам, представленный к защите на соискание ученой степени докт. филол. наук. М.: 1992. – 86 с.

Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: филол. фанлари номзоди дисс. -Н., 1997. – 122 б.

Мирзаев М. Советско-интернациональные слова в узбекской периодической печати (1945-1950): Автореф дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 1951. – 25 с.

Миртожиев М. Ўзлашган сўз – пайванд куртаги. –Т.: Ўзбекистон, 1988.

Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. докт... дисс. автореф. — Тошкент, 2000. — 45 б.

Неъматова Г. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадиий қўлланилиши. Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. — Т.1998. — 21 б.

Неъматова Л.Х. Ўзбек тилида привативлик: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. — Тошкент, 2001. — 21 б.

Одилова Г.К. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърини таржималарида адекватлик муаммолари: Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. — Тошкент, 2011. — 24 б.

Постовалова В.И. Лингвистическая гипотеза и ее обоснования: Автореф дисс. ... докт. филол. наук. — М., 1988. — 23 с.

Раҳматуллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Дис... канд. филол. наук. — Ташкент, 1992. — 210 с.

Утешева З.Х. Лингвокультурологический аспект в методике обучения речевого этикета на иностранном языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. — Ташкент, 2009. — 26 с.

Саиткулов З. Заимствование русских слов и системные отношения в узбекской лексике: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. — Ташкент, 1985. — 24 с.

Эрназарова М.С. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида: филол. фанлари доктори (DSc) дисс. автореф. — Самарқанд, 2018. — 67 б.

Юнусова З.К. Ўзбек тилида луғавий микросистеманинг таркиби ва ривожланиши (Самовий ёриткичлар луғавий гуруҳи асосида): Филол. фанлари номз. ... дисс. — Ташкент, 2004. — 24 б.

Юсубова Р. Ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний тежам-
лилик ва ортиқчалик. (А.Орипов лирикаси мисолида): Фи-
лол.фанлари номз. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2011. – 25 б.

Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини:
Фил.фан.докт.дисс. – Тошкент, 2001. – 263 б.

Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини ту-
зишнинг лингвистик асослари ф.ф.ф.д (PhD) дисс.автореф.
– Қарши, 2018. – 24 б.

V. Журнал ва газеталардаги мақолалар:

Абдурахмонов Г. Миллий тил сиёсати муаммолари //
Халқ сўзи. – Тошкент, 1991, 1 февраль, – С. 2.

Абдурахмонов Г. Ҳар сония зарур ёки атамашунослик
ва сўз танлаш хусусида // Совет Ўзбекистони. – Тошкент,
1989, 13 декабрь, – С. 3.

Азизов О.А. Сунъий тўсиқлар кимга керак? // Маъри-
фат. – Тошкент, 1992, – С. 3.

Аликулов Т. Қоидаларга монанд бўлсин // Совет Ўзбе-
кистони. – Тошкент, 1990. 7 август. – Б.3.

Асфандияров И. Рус тилидан сўз ўзлаштириш билан
боғлиқ баъзи масалалар // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент,
1981. № 5. Б. 3–7.

Асфандияров И. Русские лексические заимствования в
узбекском языке // Вопросы языкознания. 1982. № 2. С. 75–80;

Бегалиев Н. Нохиями ёки туман? // Ўзбекистон адаби-
ёти ва санъати. – Тошкент, 1990, 7 декабрь, №5.

Дониёров Р. Терминларни ўзлаштириш мезонлари ҳақи-
да // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1991, № 6. Б. 21–26.

Ефимов Н. Энантиосемия как проявление аллофонии:
лингво-семантические аспекты // Вестник Иркутского го-
сударственного лингвистического университета. 2013 №2
(23). – С. 148.

Исматуллаев Х. Тилимиз ўзгараётими? Қандай? // Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1989, 3 декабрь, – Б.4.

Менглиев Б., Бобожонов С., Ҳамроева Ш. Ўзбек тилининг миллий корпуси // Ma'rifat, 2018.04.06.

Миртожиев М. Тил софлиги қандай белгиланади? // “Ёш ленинчи” газетаси. – Тошкент, 1991, 12 январь.

Мусаев Қ. Қонун берган имконият // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990, № 33, – Б.2.

Тошалиев И. Сўз мантики – фикрлаш қалити. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Тошкент, 1990. №25.

Тошалиев И. Онг ва дил қалити // Халқ сўзи. – Т., 1991, 2 июнь. – Б.2.

Файзиева В. Ранглар билан тиллашган мусаввир. Миллий тикланиш. Тошкент, 2019, 19 июнь.

Эшмуминов А. Ўзбек миллий корпусини яратиш муаммолари // Илм сарчашмалари, 2019. – №6.

Эшмуминов А. Ўзбек тили миллий корпусининг синонимик базасини яратиш меъёрлари // Сўз санъати, 2019. – № 1.

Қосимов Н., Рамазонов М. Атамақум қарори – вожиб // Халқ сўзи. – Тошкент, 1991, 10 август, – С. 4.

Ҳожиёв А. Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин // Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1990, 14 август.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Кириш.....	5

БИРИНЧИ БЎЛИМ.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИК СИНОНИМЛАРИ ТАДҚИҚИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Ўзбек тили луғавий синонимик тизими система, қатор ва парадигма тушунчалари кесимида.	9
2. Лисоний даражаланиш қонунияти ўзбек тили лексик синонимлари тадқиқининг лингвистик методологияси сифатида.....	23

ИККИНЧИ БЎЛИМ.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛЕКСИК СИНОНИМИЯ МУАММОЛАРИ

1. Ўзбек тили лексик синонимларининг лингвопрагматик хусусиятлари.....	34
2. Ўзбек тилида лексик ўзлашмалар ва уларнинг ўзбекча синонимлари.....	48
3. Ўзбек тили лексик ўзлашмаларида синонимик муносабатларнинг тартибланиш ва таснифланиш муаммоси	73

УЧИНЧИ БЎЛИМ.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИК СИНОНИМЛАРИНИНГ НУТҚИЙ ВОҚЕЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР

1. Ўзбек тили лексик синонимларининг нутқий воқеланиши, унда лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги.....	91
2. Ўзбек тили нутқий синонимлари фарқланиши ва қўлланишини белгиловчи омиллар	105

3. Ўзбек тили лексик синонимларининг матн ҳосил қилиш ва услубий имкониятлари.....	119
--	-----

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИК СИНОНИМЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ МАСАЛАЛАРИ

1. Ўзбек тили изоҳли луғатларида лексик синонимлар тавсифи ва уни такомиллаштириш вазифалари.....	142
2. Ўзбек тили синонимлари изоҳли луғатида маънодош бирликлар тавсифи	152
3. Ўзбек тилининг Миллий корпусида лексик синонимларни бериш масаласи	164

ХУЛОСА	171
---------------------	------------

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	182
--	------------

ДАНИЯРОВ БАХТИЁР ХУДАЙБЕРДИЕВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИК СИНОНИМЛАРИНИНГ
ЛИСОНИЙ ВА НУТҚИЙ МУНОСАБАТИ,
ЛЕКСИКОГРАФИК ТАДҚИКИ**

МОНОГРАФИЯ

Муҳаррирлар: А. Тилавов, А. Абдужалилов

Техник муҳаррир: Ю. Ўринов

Мусахҳиҳа: Н. Султонова

Бадий муҳаррир: И. Зоҳидова

Нашриёт лицензияси: № AI 245, 02.10.2013.

Теришга берилди 10.10.2019 й. Босишга 04.12.2019 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x84 1/16. Офсет босма. «Times New Roman» гарнитураси. Шартли б.т. 11,16. Нашр б.т. 12,00. Адади 300 нухса. Буюртма № 107. Баҳоси шартнома асосида.

«Sano-standart» nashriyoti, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Телефон: (+998) 71 228-07-96, Факс: (+998) 71 228-07-95